

24/59) 8
А 94 0004
407055

Абдулла Аъзам

ТАЖРИБАЛАР



Абдулла Аъзам

ШАЖРИБАЛАР



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

Аъзам, Абдулла.

Тажрибалар. (Абдулла Аъзам). — Т.: «Шарк», 2007. — 272 б.

Нозиктаъб ва серқирра ижод соҳиби Абдулла Аъзамнинг «Тажрибалар» китобига жамланган наср, назм, драма асарлари, адабий ўй ва хотиралари ўзига хос изланишлар махсулидир.

Китоб ҳар бир ўқувчини мулоҳазага ундайди, тафаккур дунёсининг бойишига ҳисса қўшади деб ўйлаймиз.

ББК 84 (5У)6

ISBN 978-9943-00-128-2

МУШОЛАА
ПЛАЖРИБАСИ



КИТОБ? КИТОБ... КИТОБ!

(Китоб ўқимайдиганларга фойдаси йўқ пандлар)

1. Одамзод пайдо бўлишидан аввал вақт, китоб пайдо бўлгунча одамзод бўлган. Лекин китоб пайдо бўлгандан сўнггина замон тарихга айланган, цивилизация вужудга келган.

2. Онг — туғма қобилият эмас, тарбия билан шаклланади; китобсиз тарбияланган онг ибтидоий даражада қолиб кетади. ХХІ асрда ҳам. Барча маиший қулайликлари бор, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ҳашаматли турар жойларда ҳам.

3. Албатта, китобдан китобнинг фарқи бор. Шундай китоблар борки, минг йиллар давомида сараланиб, йиғилиб, инсоният маданиятининг хазинасини ташкил этган. Лекин

4. Шундай китоблар ҳам борки, улардан энг катта наф — носвой ўраб сотиш — акс ҳолда зарар келтириши мумкин. Хуллас,

5. Сўзлар, жумлалар, формулалар, иллюстрациялар, ахборотлар йиғиндиси шаклан китоб бўлиши мумкин, амалий наф келтирадиган қўлланмалар ҳам кўп, аммо бу хали Китоб дегани эмас; Китоб — ақлий кашфиёт маҳсули, руҳият сабоғидир.

6. Гулни алафдан нима ажратади? Сезги. Китобдан Китобни-чи? Тафаккур. *(Қолган пандларда «китоб» деганда адабиёт боғининг «алафлари» эмас, «гуллари» назарда тутилади. Бунга урғу бериш мақсадида «Китоб» деб бош ҳарф билан ёзамиз.)*

7. Одам сафиюллоҳ Китоб билан ҳаётга йўлланган. Муҳаммад саллалоҳу алайҳи васаллам ўқиш-ёзишни билмаганлар, аммо у зотга Китоб нозил қилинган. Демак, Китобсиз одам комил эмас, дин — дин эмас.

8. Аллоҳ таоло Расулуллоҳга «Ўқи!» деб буюрди. Буни тушуниш учун энди яна шундай хитобни кутиш — жоҳиллик.

9. Бугун информация олишнинг замонавий воситалари, завқ олишнинг хилма-хил турлари кўп. Шундай замонда китоб ўқиш шартми? Шарт! Зотан, Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолган эмас, босолмайди ҳам. Чунки Китоб — тилсим, у шунчаки информация йиғиндиси эмас, балки даставвал руҳий информация ташувчи воситадир. Тарихдаги энг буюк зотларнинг руҳият сабоқлари, асосан, Китобларда акс этган — бу тилсимнинг бир қирраси. (Мисол учун, биз Чўлпонни Китоблари ва у ҳақдаги Китоблар туфайли биламиз.)

Иккинчи қирраси: китоб ўқиш тезлиги билан инсон вужудининг руҳий информацияни қабул қилиш қобилияти ўртасида уйғунлик мавжуд. Ана шу туфайли Китоб ўқиш жараёни илоҳиёна хусусият касб этади. Бундай ҳодиса истеъдодли қорининг тиловатини тинглаганда ҳам юз беради. Лекин тиловат бу — «Қуръон» ўқиш, «Қуръон» эса Китоб.

Мазкур ҳодиса, шунингдек, мусиқа эшитганда, театр, кино томоша қилганда, концертда ўтирганда ҳам рўй бериши истисно эмас. Лекин фақат Китоб ўқигандагина инсон ва Китоб яхлит комплексга, яхлит хилкатга бирлашади, бунинг натижасида у янгиланади, маънавий ва руҳий юксалиш пиллапоясида поғонама-поғона кўтарилиб боради.

10. «Китобнинг даври ўтди». Бўлмағур гап. Китоблар телевизор экранига термилганча умрини совураётган одамларни истехзо билан кузатиб туришибди.

11. Болаларни кимгадир зарур бўлгани учун эмас, балки улар саодатли бўлишлари учун китоб ўқишга ўргатиш керак. Чунки, бир томондан, адабиёт — санъатнинг бир тури, муҳим тури. Умри давомида куй ва кўшиқдай кино, театр, тасвирий санъат, архитектура асарларидай, гўзал манзаралардан, гуллардан завқланмай ўтган одам ким? Китоб ўқишдан завқланмай ўтган одам ким? Иккинчи томондан, Китоб — тафаккур озиғидир.

Китоб саодат топиш учун ўқилмайди. Унутмаслик керакки, китоб ўқишнинг ўзи — олий саодат.

12. Китоб ўқиш бой қиладими? Моддий маънода бойишга кафолат бермайди, албатта. Лекин китоб ўқимаслик маънавий қашшоқ қилиши тайин.

13. Китоб — буюк кашфиёт. Китоб — улуғ неъмат. Лекин сичкон учун у қадар мазали таом эмас.

14. «Юксак мавқеларга эришганлар орасида мунтазам китоб ўқийдиганларига нисбатан деярли ўқимайдиганлари кўпроқ-ку?!» Мантиқсиз мушоҳада. Қиёс: икки одамдан бири чекади, иккинчиси чекмайди; чекувчи 80 дан ошиб, чекмаган эса 70 га етмай оламдан ўтган ҳоллар оз эмас. Бундан чекиш умрни қисқартирмайди, ҳатто узайтиради, деган хулоса чикмайди. Чунки аслида ана шу чекувчи чекмаганида яна 10—15 йил яшаган, ҳаётининг самарасига самара қўшилган бўлар эди, чекмаган чекканида эса 60 га ҳам бормаган бўлар эди.

15. Сўз — тан, жони — маъно. Маъно чуқур ёки саёз бўлиши мумкин. Бу белги суҳбатдош нутқида дарҳол сезилади: оз ўқиганнинг нутқида сўз кўп, маъно саёз, гап кўп, фикр енгил.

Амир Темури кўп ўқиганлар суҳбатидан мароқланган.

16. Эй ўқимайдиганлар, гап-сўзларингиздан ўқимаслигингиз саримсоқ чайнагандай анқиб туриши ўзингизга маълумми?

17. Фақат касбга оид адабиётни ўқиш билан чекланиш «Ҳаётнинг мазмуни еб-ичишдан иборатдир», деган ақиданинг бир тури.

18. Бадиий асардан билим олиш мумкин бўлгани сингари, илмий асардан завқ олиш ҳам истисно эмас. Адабиётнинг сифати ва аҳамиятини унинг турига қараб эмас, савиясига қараб баҳолаш керак. Адабиёт турларини бир-бирига зид қўйиш, бирини ўқиш иккинчисини ўқишга сарфланадиган вақтни ўғирлайди ёки бошқа машғулотлардан чалғитади, деб ҳисоблаш хато. Фафур Фулом физикага оид китобларни севиб ўқигани ҳақида хотиралар бор. «Энг кичик заррадан Юпитергача, ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш» каби ўлмас шох сатрлар шу туфайли туғилган. Қолаверса, XX аср адабиёт турлари, жанрлари, йўналиш ва услубларининг ўзаро чатишуви, синтези асри бўлди. Масалан, Жеральд Даррел китоблари бадиийми ё сафарлари ҳақида ҳисобот-

ми? Озод Шарафиддинов эсселари илмийми ёки нафис адабиёт намуналарими?

19. Китоб ўқимаганмисиз? Йўқ? Ўқинг. Бирор китобни қайта ўқиганмисиз? Йўқ? Унда умуман ўқиманг.

20. Маймун китоб ўқимаydi. Лекин афт-ангори пластик операция билан эпақага келтирилгач, у яхшилаб дрессировка қилиниб, сахнага чиқарилса, попса топ-рейтингда нечанчи ўринни эгаллар эди?

21. Умр ҳар даврининг ўз китоблари бор. Савод энди чиққан пайтда ўқиладиган китоблар бор — ўқимаган болалик кемтик, умр шомиди ўқиладиган китоблар бор — ўқимаган кексалик зулмат.

22. Фарзандини китоб ўқишга ўргатмаган ота-она аслида уни саводсиз қилиб тарбиялаган бўлади.

23. Ўқувчиларига ўқиганини ўргатадиган ўқитувчи — чин мураббий эмас, ўқишни ўргатадиган ўқитувчи чин мураббийдир.

24. Саводхонлик ҳар хил бўлиши маълум. Саводсизлик ҳам шундай: алифбе ўқимаган — оддий саводсиз, она тили дарслигини ўқимаган — саводсиз саводсиз, «Қуръон» ўқимаган — оми, бадий асар ўқимаган — маданий саводсиз, Конституцияни ўқимаган — ҳуқуқий саводсиз ва ҳ.к.

25. Китоб ўқиш — Китобни қўлга олишдан бошланади. Шундай Китоблар борки, балки уларни энди ўқирсиз, ё ўқий бошлагандирсиз, ёки бир неча марта ўқиб чиққандирсиз, барибир, қўлга олишингиз билан руҳиятингизда ўша заҳоти ўзгариш рўй беради. Агар сиз бу ҳодисага йўлиқмаган бўлсангиз, билингки, ҳали Китоб ўқимабсиз.

26. «Ўткан кунлар»ни ўқиб, Кумушнинг вафотига етгандаги ҳаяжонга тушиш — инсонийликдан бир белги.

27. Китоб ўқиш мобайнида ҳар ҳаяжонланганда қалб силкиниб, гардлари қоқилади, кўзлар ҳар сафар нажланганда эса қалб ювилиб покланади.

28. Жак Ив Кусто акваланг ихтиро қилиб, сув остига тушди ва океансиз яшай олмайдиган бўлди. Океан ҳам унга ўз тилсимотларини очди, унинг ҳаётига мазмун бағишлади ва руҳий юксакликларга қўтарди. Қани энди

Навойй ижодининг океанига тушиш имконини берувчи акваланг ихтиро қилинса...

29. «Навоййни ўқиш қийин». Нега? Телескопсиз ҳам юлдузли осмондан завқ ола билиш мумкин-ку.

30. Тарихда буюк зотлар кўп ўтган. Ҳеч улар билан замондош бўлмаганингиздан, улар билан учрашиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш имконияти йўқлигидан афсус қилганмисиз? Афсусланишга ҳожат йўқ: уларнинг китобларини, улар ҳақидаги китобларни ўқинг. Улар худди тирилиб келиб, сизга суҳбатдош бўлишмаса, мен кафил.

31. Бир одам умрида нечта китоб ўқиши мумкин? Гап сонда эмас, гап — китоб ўқишдай саодат ўрнига умр нималарга сарфланаётганида.

32. Китоб мутолаасисиз ижод имконияти чекланган. Ижоднинг тури кўп. Бадиий асарлар ўқимай бадиий ижод билан шуғулланиш — кулгили, оқибати эса ачинарли. Илмий асарларни ўқимай илмий ижод билан шуғулланиш — қалбакилик, оқибати — умр зое бўлиши.

Соддароқ ҳолатни, масалан, гулчиликни олайлик. Бунинг учун ўқиш шартми, кўриб ўрганиш ҳам мумкин-ку? Йўқ. Кўриб ўрганиш кишини тақлидга мойил этади, ўқиб ўрганиш эса — ижодга. Ўқиб ўрганиш ва кўриб ўрганиш бир-бирини тўлдирганда энг яхши самара беради.

33. Ўз устингизда тажриба қилиб кўринг: умрингизнинг кузини кўз олдига келтиринг. (Агар буни уддалай олмасангиз, яъни тасаввурингиз сустлик қилса, демак, сизда тасаввур қобилияти яхши ривожланмай қолиб кетган — бу айнан болалигингизда эртақ китобларни ўқимаганингиздан.) Беш саҳифа ҳажмида ўз ҳаётингиз ҳақида ёзиб қолдиришингиз керак бўлсин. Ёзинг. Ёзгач, ичкарироққа тахлаб қўйинг. Сўнг бир йил давомида тафаккур классикларининг ўз ҳаёти ҳақида ёзиб қолдирганларини топиб ўқинг. (Бундай асарлар кўп. Таниқли ёзувчи Льюис Синклер, ҳатто ўзининг вафотига, нимҳазил оҳангда, тўрт саҳифали «таъзиянома» ёзиб қолдирган.) Шундан кейин ўз ҳаётингиз ҳақида қайтадан ёзинг. Сўнг аввалгиси билан қиёсланг. Бу тажриба ҳозиргача физика, кимё, биологиядаги тажрибалар каби аниқ натижа берган: хар қанча истеъдодли бўлгани билан ўқимаган

одамнинг ёзгани билан ўқиган одамнинг ёзгани орасида катта фарқ бўлади.

34. Китоб ўқимасдан ижод қилаётган одам — дўлга бундой солмай ун тортаётган тегирмончига ўхшайди.

35. Чоп этилган китобнинг муаллиф хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, лекин унинг тақдири билан боғлиқ муҳим хусусияти бор — китоб энди муаллифнинг истеъдоди борлигига ҳам, йўқлигига ҳам муҳр босади, ҳақиқатини ҳам, ёлғонини ҳам сақлайди, муаллиф сифатида ҳалоллигига ҳам, қўли эгрилигига ҳам шохидга айланади.

36. Манфаат учун ёзилган китоб манфаат келтириши мумкин, шуҳрат учун ёзилган китоб шуҳрат келтириши мумкин. Аммо улар Китобларнинг олтин хазинасидан жой ололмайди — барибир «миси чиқади».

37. Ҳозирги замон фани исботлаганига кўра тирик мавжудот вужудидаги ҳал қилувчи унсур — ДНК молекуласи. Бу молекула эса — китоб. Том маънода китоб — ҳарфлари А, Г, Т, Ц деб белгиланадиган нуклеин кислоталар, муаллифи — олим учун табиат, фозил учун — Холиқул Халлоқ. Ажабо: тирик мавжудотнинг ҳар бир хужайрасига китоб жойланган.

38. Жордано Бруно ўтда ёна бошлаганда «Оҳ» демади, лекин кимдир китобини оловга ташлаганда чидай олмади.

39. Ижод қилолмайдиган цивилизация кўлмак сувдай айнийди. Китоб ўқимайдиган цивилизация оқиши мумкин. Лекин оқава ҳам оқади-да.

40. Бир кун келиб Қуёш сўнади, Ерда ҳаёт тамом бўлади, ўшанда инсониятдан коинот узра тарқалган Китобларгина қолади.

41. Валлоху аълам, жаннатдагиларнинг кўпчилиги китоб ўқиганлар чиқар, уларнинг севимли машғулоти ҳам китоб ўқиш бўлса ажаб эмас.

42. Бу китобларни ўқиганмисиз? — Офарин. Сиз билан баҳслашмайман, чунки сиз ҳақсиз. Бу китобларни ўқимаганмисиз? Афсус. Сиз билан баҳслашмайман, чунки сиз ҳақиқат нима эканлигидан гофилсиз.

КИТОБМИ Ё ИНТЕРНЕТ?

«Тафаккур» журнали даврасида суҳбат

Одамзод белига пўстак боғлаб юрган даврдан ҳозирги даражага етиб келишида китоб буюк роль ўйнагани мунозарасиз ҳақиқат. Замоннинг зайли билан китоб туйфайли шу даражага етиб келган тамаддуннинг бугун энди китобга муносабати баҳс туғдирмоқда: «Ёшлар китобга қарамайди», «Одамлар китоб ўқимай қўйган». Бу гаплар-ку, майли — китоб ўқимайдиганнинг ўзига зиён.

Лекин мана бу иддао-чи: «Интернет замонида китобнинг даври ўтди».

Бўлмағур гап. Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босган эмас, босолмайди ҳам.

Холиқ эгам кимгадир китобни севиш, китоб ўқишни севиш саодатини ато этар экан, бундай одамлар доим бўлади, демак, китоб қиёматгача ҳам ўлмайди.

«Тафаккур» журналхонлари ана шундай саодатга мушарраф эканлигига шубҳамиз йўқ. Шунинг учун бу журнал саҳифаларида китоб ўқишни тарғиб қилиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Асл китобларни саралаб, тарғиб қилиш — бу бошқа гап. Айнан шу — китоб тарғиботининг энг самарали йўли.

Матбаа имконияти ниҳоятда кенгайган ҳозирги замонда турли савия ва мазмундаги китоблар сон-саноксиз номда нашр этилмоқда. Бунинг оқибатида яхши китобларни, том маънодаги **Китобларни** топиш дарё қумидан олтин зарраларини қидиришдай мураккаблашиб бормоқда.

Тўғри, кўп ўқиган одамда тез ўқиш қобилияти шаклланганидай, кўп китоб ўқиган одамда китобни бир-икки варақлагандаёқ унинг қийматини баҳолаш хусусияти пайдо бўлади.

Ўз тажрибамиздан келиб чиқсак, дўкондами, кутубхонадами йўлиқадиган ҳар минг китобдан (тахминан!) юзтаси диққатга молик бўлади, улардан ўнтчаси ўқишга арзийди ва биттаси (яна тахминан, албатта) тафаккурни бойитувчи, ҳатто саодат бағишловчи асар бўлиб чиқади.

Профессор Абдуль-Ахад Даууд (Давид Бенджамин Кельдани): «Мухаммад в Библии» (А б д у л а х а д Д о в у д. «Инжил»да Мухаммад (с.а.в.) Изд-во «Уммах», Москва, 2005.

Китоб собиқ католик рухонийси, 100 йил муқаддам исломни қабул қилган профессор Абдулаҳад Довуд қаламига мансуб мақолалар тўпламидан иборат.

Китобнинг масъул муҳаррири Вячеслав Али Полосин сўз бошисидан:

Муаллиф яккахудоликка асосланган динларнинг муқаддас китоблари битилган қадимги тилларнинг билимдони бўлган. Профессор Довуд аслан сурёний-халдей тилини билиб вояга етган, бу тил эса Исо алайҳиссалом ҳамда унинг чин хаворийлари сўзлашган оромийчага жуда яқин бўлган. Шунинг учун у ана шу тилни энг яхши билган олимлардан бири сифатида эътироф этилган. Айни пайтда у Қуръон тили бўлган арабчани ҳам жуда яхши билган. Бундан ташқари, католик рухонийси бўлгани учун иврит, кўҳна юнон ва латин тилларини мукамал даражада ўрганган.

Бугун бу борада Абдулаҳад Довуддай билимга эга бўлган дин алломаси дунёда топилмаса керак.

Шу маълумотнинг ўзиёқ китобга қизиқиш уйғотади. Муаллиф ноёб билимига асосланиб, яхудий ва насроний динларида муқаддас саналувчи матнларни ҳам ўзаро, ҳам таржималари билан қиёслаб, уларда қўлланган сўз ва ибораларнинг асл маъноларини аниқлаш бўйича чуқур тадқиқот олиб борган. Мухими, олим мазкур матнларга кейинчалик тасодифан ёки атайлаб киритилган талай чалкашлик ва хатоларни аниқлашга муваффақ бўлган.

Китобнинг ўзидан иқтибос келтиришни лозим топмаймиз — асар илмий-ирфоний бўлишидан ташқари унинг матни кўплаб қадимги тилларга хос сўз ва ибораларнинг таҳлили ва талқини билан тўлиқ. Лекин шунга қарамасдан китоб ниҳоятда завқ билан ўқилади. (Унинг нусхаси «Мовароуннаҳр» нашриёти мутасаддиларига тақдим этилдики, таржимаси юз кўриш эҳтимоли йўқ эмас.)

Китобнинг асосий мазмуни — Мухаммад алайҳисса-

ломнинг «Мен «Инжил»да Аҳмад исми билан тилга олинганман», деган ҳадисини илмий мулоҳазалар билан исботлашга бағишланган. Унда «Қуръон»и каримдаги «Эсланг, Ийсо бинни Марям: «Эй бани Исроил, албатта мен Оллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эди...» оятини¹ тасдиқловчи «Кўхна аҳд», «Янги аҳд» ва бошқа манбалардан кўплаб далиллар келтирилади.

Вафотига 60 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, ўта ноёб илм соҳиби бўлган олим билан ҳамсуҳбат бўлиш ўқувчига беқиёс завқ беради ва мутолаа саодатидан баҳраманд этади.

* * *

Китоб тўғрисида сўз юритилар экан, бу атаманинг ўзига аниқлик киритиб олиш лозим, деб ўйлаймиз. Шунда «Китобми ё Интернет?» деган мунозараларга ўрин қолмайди.

1. Китоб — бу қоғозга битилган ва муқоваланган матн. Яъни, моддий нарса. Айтайлик, қанча қоғоз сарф бўлганини ҳисоблаш мумкин. Атама бу маънода, асосан, матбаачилар, китоб савдоси билан шуғулланувчилар томонидан қўлланади: неча босма табоқ? Муқоваси қалинми ё юпқами? Ранглими ё рангсизми ва ҳ.к. Китобсеварлар учун эса бу маънодаги китобларнинг камида 90 фоизи умуман китоб эмас, макулатура.

2. Китоб — матн. Уни қоғозга битиб, муқовалаш мумкин. Лекин қўлёзма ҳолида бўлиши ҳам, компьютер хотирасида электрон вариантда сақланиши ҳам мумкин. Информатика мутахассислари бу атамани, асосан, шу маънода қўллайди: ҳажми неча килобайт? Жадвал, иллюстрациялари борми ва ҳ.к. Китобсеварлар учун бу маънодаги китобнинг ҳам 90 фоизи «юк», холос.

3. Китоб — руҳ маҳсулоти. Юқорида бунга намуна келтирилди. Аксиома тарзидаги яна бир мисол — Али-

¹ «Сафф» сураси, 6-оят (таржима Аълоуддин Мансур тафсири бўйича келтирилди).

шер Навоийнинг «Хазоин ул-маоний» асари. Унинг биринчи девонидан олинган куйидаги ғазал фикримизни яққол тасдиқлайди.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўилами, 3-жилд, «Ғаройиб ус-сиғар» (393-ғазал):

*Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим
Ким, ўзим бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.*

*Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,
Мудҳиш аҳволе мангоким, бор ўзимдин ваҳшатим.*

*Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали
Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас ғулувдур хилватим¹.*

*Тўлғанурмен ўзлугумдин чиқғали, буким эрур
Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим.*

*Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас оғир
Бу маломат ўқлари бирла тикилган кисватим.*

*Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошимга ур²,
Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.*

*Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,
Тоқи минойийи аро чирмашса оҳи ҳасратим...*

*Кўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.*

*Лаълдек бошим осилсун ғарқайи хуноб ўлиб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.*

*Турфа кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буким биравга ёқмади бир хизматим³.*

¹ Бу мисрани «Вомику Фарҳоду Мажнунга ғулувдур хилватим», деб ўқидик.

² Навоий асарида яна бир қизиқ ҳолат: «анжум ушоқ тоши» — метеоритлар!

³ Бу байт «Хазоин ул-маоний» тартиб берилганда қўшилган. Ғазалнинг бошқа байтлари эса Навоийнинг ёшлигида (!) ёзилганки, ҳайратдан донг қотасан.

*Эй Навоий, икки оламдин кечиб топдим висол,
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим¹.*

Бу ғазалда улуг бобомиз рухиятининг бутун салобати акс этган. Гўё нилуфар баргидаги шабнамда осмоннинг инъикоси сингари.

Учинчи маънодаги китоб бир марта эмас, қайта ва қайта ўқилиши мумкин. Бир умр мутолаа қилиниши мумкин. Бунда у қоғозда чоп этилганми, компьютер хотирасида сақланадими ёки ёд олинганми — фарқи катта эмас. Кичик бир ньюанс: севимли китобнинг айнаи бир нусхаси қайта-қайта ўқилаверса, унинг муқоваси ҳам (балки у титилиб кетар), саҳифалари ҳам (балки оҳорини йўқотар), ҳатто шрифтлири ҳам қадрдонлаша боради. Бундай китоб энди ўқувчининг дўстига, рухий йўлдошига айланади.

* * *

Албатта, бундай китоблар кўп учрамайди. Лекин ўзини зиёли санайдиган одам (дипломли деган маънода эмас) китоб ўқиб туриши керак. Бу ерда «китоб» деганда жамият ҳаётини ўзида акс этирувчи, замон тўғрисидаги ўй-фикрларни қиёслашга имкон берувчи восита тушунилади. Мисол учун, ўтган бир ой давомида ўзингиз истаган неча киши билан мириқиб суҳбат курдингиз? Кўпчилигимиз учун жавоб: вақт йўқ. Вақт топилса, ҳафсала йўқ. Ёки имкон йўқ. Китоблар эса ана шу кемтикни тўлдирувчи энг қулай ва боп воситадир. Бу маънода китоб — нафақат юқоридаги маъноларда, балки журнал (масалан, «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Вопросы философии»), Интернет сайти (масалан, Билль Гейтснинг homepage'и) бўлиши мумкин бемалол.

Камина учун ўзбек мумтоз мусиқаси намояндалари Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Носи-

¹ Ғазал бошдан охиригача мўъжизавий руҳда, ҳар бир байти ҳайратомуз. Охирги байтнинг биринчи мисраси ўтган замонда келаётгани тушунарли эмас (ғазал шоирнинг йигитлигида ёзилган, ахир), шунинг учун уни шундай ўқидик:

Эй Навоий, икки оламдин кечу топгил висол,
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатинг.

рова, Мутаваккил Бурҳонов, Собир Абдулла каби зотлар билан суҳбатлашиш имкони бўлмаган. Таъкидлаш лозимки, улар ҳозирги «модний» санъаткорларнинг кўпчилигидан фарқли равишда том маънода зиёли инсонлар эди. Суҳбатлари ҳам куй-қўшиқлари сингари мазмунли, самимий ва нафис бўлгани хотиралардан яхши маълум. Бунга Шариф Юсуповнинг «Санъат ва ҳайрат», Отаназар Матёкубовнинг «Мақомот» ва «Додекаграмма», Урфон Отажоннинг «Санъат менинг қуёшимдир» китобларини ўқиб амин бўлиш мумкин.

Қизиқиш доирасига қараб мавзу кўламини кенгайтиришга манба кўп.

Масалан, «Дружба народов» журналида чоп этилаётган Георгий Данелиянинг юмор билан суғорилган хотиралари — ўқиганда нима учун бизда кинокомедия жанри оқсаётгани анча равшанлашади.

«Новый мир» журналининг 2006 йил, 7-сонида Марк Розовскийнинг «Театрлашган одам» ҳужжатли қиссаси босилди. Унда Лев Толстойнинг «Холстомер» ҳикояси асосида ёзилган драмани саҳналаштириш давомида ўша давр совет театрининг «наҳанг»ларидан бири Г.А.Товстоногов билан ҳали «чавақ» бўлса ҳам истеъдодини кўрсатиб улгурган муаллиф ўртасида бўлиб ўтган драматик воқеалар тасвирланган — танишганда театр (илмий тадқиқот институти, умуман, ҳар қандай ижодий муассаса) истеъдодга қанот эмас, кишан бўлиши ҳам мумкин, деган хулосага келасиз.

Ҳам макон, ҳам замон, ҳам ҳаёт нуқтаи назаридан яна-да олисроқ мавзу, аммо шунга қарамай «истеъдод» деган мураккаб хилқат ва унинг рўёбга чиқиши ҳақида яхши тасаввур берувчи эсселар тўплами:

Харуки Мураками. Джазовые портреты (Жаз портретлари). Москва, Изд-во «Эксмо», 2005.

Аннотация. Бугун дунёда доврүқ қозонган япон ёзувчиси Харуки Мураками роман ва ҳикояларидан ташқари 40 000 та жаз пластинкаси коллекцияси билан ҳам машҳур. Унинг «Жаз портретлари» китобида 55 та ижрочига бағишланган бадиалари жамланган. Китоб-

нинг рус тилидаги нашрига япон рассоми Макото Вада суратлари илова қилинган.

Эсселардан бири:

ЛУИ АРМСТРОНГ¹

Ўн уч ёшлигида Луи Армстронг аллақандай арзиманган айб учун полицияга тушиб қолиб, Янги Орлеан шаҳридаги махсус интернатга олиб бориб ташланади. Унгача уйдан узоққа чиқмаган Луи учун интернат шароитига кўникиш осон кечмайди. Фақат мусиқа асбоблари унга шерик ва юпанч бўлади. Ўшандан бошлаб Армстронг учун мусиқа сув билан ҳаводай зарурий эҳтиёжга айланади.

Интернатдаги ҳаваскорлар оркестрида Армстронг дастлаб созли асбоб чалади. Кейин зарбали асбобларга, сўнг сурнайга ўтади. Интернатда ҳар куни «Туринглар», «Тушлик», «Дам олишга» каби сигналларни эълон қиладиган сурнайчи бола кетиб, шошилини равишда унинг ўрнига Луини тайинлашади. У тезда бу мусиқа асбобини чалишни яхши ўрганиб олади ва юклатилган вазифани салафидан ўтказиб бажара бошлайди.

Луининг бу иши ҳали гапнинг индаллоси ҳам эмас эди. У сурнай чалишга ўтгач, одамлар чор атрофда содир бўлаётган ўзгаришларни пайқай бошлайди: Армстронг сурнайдан мусиқа оҳанглари таралар экан, нима учундир ҳамма эрталаб яхши кайфият билан уйғондиган ва кечқурун кўнгилда хотиржамлик билан уйқуга ётадиган бўлиб қолади.

Бунинг сири нимада экан?

Сири шунда эдики, Луининг трубасидан тараладиган куй майин ва табиий, қалбларни аллалагандай бўлар эди.

Мен бу лавҳани Стадс Тёркелнинг 1957 йилда нашр этилган «Жаз даҳолари» китобида ўқиганман. Ҳикоя менга гоят ёқиб тушган, чунки у Луи Армстронг мусиқаси тўғрисида аниқ тасаввур беради. Шодлик ва кўнгил

¹ Луи Армстронг (1900 – 1971).

хотиржамлиги, табиийлик ва эркин парвоз... Муҳими, дилларни қитиқловчи, тилсимли оҳанг жилолари.

Қачон бўлмасин Луи Армстронгни тинглаганда, «куйни қалбидаги фарах туйғуси билан ижро этаётгани шу қадар кўриниб туради-я», дегинг келади. Бунинг устига ана шу фарах дарҳол сизга юқа бошлайди.

Луи Армстронг куйларига юқори баҳо берган Майлз Дэйвис унинг артистизмини кўтара олмаган оқ баданли тингловчиларга қараб жилмайишини ёқтирмаган. Мен эса куй, қўшиқ Армстронгнинг ўзига қанчалик шодлик ва фарах бағишлашини кўз олдимга келтираман. Яратган куй-қўшиқлари унинг жон-жони эди, шунинг ҳам одамлар Луини берилиб тинглаганида, у ўзини ҳадсиз бахтиёр ҳис этар, табассуми юзида қалқиб турар эди. Худди шунинг учун ҳам у саҳнада доим оппоқ тишларини кўрсатиб, оғзининг таноби қочгандай, Армстронгча табассум билан куйлар эди.

Луи Армстронгни Янги Орлеаннинг «Сайёр машшоқлар» гуруҳи аъзолари билан бирга ўсиб-улғайган жаз усталаридан энг охиргиси эди, деса бўлади. Бу жаз устасининг мусиқасини «амалий» деб таърифлаш мумкин, чунки унинг куйи жанозага кетаётганларга таскин ато этар, қабристондан қайтаётганларни эса ҳаёт қувончларига қайтара олар эди. Армстронг умр бўйи бир нарсага — унинг куйини тинглашларига ва тушунишларига интилди.

Трубачилар кўпинча ўз асбобларини «чоппер» деб атайдилар, бу сўз инглиз тилида «гўшт қиймалайдиган чопқи» маъносини билдиради. 1928 йилда чиқарилган «West and Blues» альбомини тинглаб кўринг-а: Армстронг қўлидаги ана шу «чопқи» нақадар ўткир бўлганига ва бундан чолғучи нақадар саодат туйганига амин бўласиз.

* * *

Бугунги мураккаб замонда адабиётнинг яна бир тўриси китоб дунёсини тасаввур оммавий ахборот воситалари орқали ҳақонда бўлганини воқеалардан хабар топиб турамыз. Бундай воқеаларнинг бориши кўпинча анча-мунча бодий

асардан ошиб тушмоқда. (Мисол: 2006 йил июль-августда Яқин Шарқда бўлиб ўтган ҳарбий-сиёсий тўқнашув). Ана шундай воқеаларнинг заминида ётган жараёнлар моҳиятини англаб етиш муайян сиёсий маданиятни тақозо этади. Бундай маданият эса сиёсий адабиёт мутолааси билан шаклланади. Муҳими, бундай йўналишдаги китоблар ҳам жуда қизиқиб ўқишлиши мумкин.

Патрик Дж. Бьюкенен. Смерть Запада (Ғарбнинг ўлими). Москва, Изд-во АСТ, 2004.

Сўнгги йилларда сиёсий глобаллашувнинг янгидан-янги қирралари, сиртдан қараганда кутилмаган «иситма»лари намоён бўла бошлади. 1992 ва 1996 йилларда АҚШ президентлигига номзод бўлган республикачи Патрик Бьюкененнинг 2002 йилда чоп этилган бу асари роса шов-шувларга сабаб бўлган ва улар ҳали ҳам босилганича йўқ. Аксинча, 2005 йилда Францияда бўлган воқеалар кўрсатадики, китобда кўтарилган ҳодиса йил сайин долзарблик касб этмоқда. Унда XX асрнинг 80-йилларида Френсис Фукуяма¹ башорат қилган «Ғарб тарихининг тамом бўлиши» тўғрисидаги башорат амалда рўй бера бошлагани кўплаб далиллар билан исботланади.

Китоб сўз бошисидан:

— Патрик, биз ўзимиз ўсиб-улғайган ватандан жудо бўлмоқдамиз.

Мен бу сўзларни 2000 йилги сайлов кампанияси чоғида Американинг турли ҳудудларида кўплаб эркак ва аёллардан эшитганман. Ўйлаб кўрайлик — улар нима ни назарда тутган эдилар?

Бьюкененнинг китоби ана шу ҳолатга — америкаликлар, умуман оқ ирқликлар асос солган давлатлар — Европа (Албаниядан ташқари), АҚШ, Канада, Австралия (бу рўйхатда Япония ҳам бор) ўз ватанларидан жудо бўлаётгани, Ғарб цивилизацияси ҳалокат томон бораётгани, нари борса XXI аср ўрталарида дунёда бирорта ҳам оқ танлилар кўпчилиқни ташкил этадиган давлат

¹ Келиб чиқиши япониялик Америка файласуфи.

қолмаслигига бағишланган. Гап фақат аҳолининг таркибидагина эмас. Гап — ана шу давлатларда кадриятлар, маданият, ҳаёт тарзи «осиё-африка-лотин америкаси»лашиб кетишида. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан кейин сиёсий мавқени оласизми, иқтисодий имконият дейсизми, ҳарбий қудратми ёки бошқа минтақаларга мафкуравий ва маънавий таъсир кучини оласизми, долларнинг обрўсиними — ҳар жихатдан яккаю ягона супердавлат бўлиб олган АҚШ нега энди ҳалокат сари юзланар экан? Ўзи учун «бу дунё жаннати»ни яратиб олган Фарб цивилизацияси қанақасига инқирозга учрар экан?

Бьюкенен китобида бунинг сабабларини очиб беришга уринади:

«1960 йилда 16 миллион америкалик келиб чиқиши европалик эмас эди. Бугун бу рақам 80 миллионга етди. Ҳар йили АҚШга миллионга яқин расман ва яна ярим миллион ноқонуний эмигрантлар кириб келмоқда».

«Иммиграция биз билган, ўзига хос, ўз анъаналари, яхлит маданияти бор бўлган мамлакатни бутунлай бошқа — на тарихи, на фольклори, на тили, на маданияти, на дини, на аждодлари бирон умумийликка эга бўлган, аҳолиси ола-қуроқ мамлакатга айлантириш таҳдидини солмоқда».

«47 та Европа давлатидан биргина мусулмон Албаниядагина 2000 йилда туғилиш миқдори аҳоли камаймайди даражада сақланган. Европанинг бошқа ҳамма қисмида туб аҳоли сони ўпирилиб боряпти».

«Яқин орада НАТОга пенсионерлар яшайдиган ҳудудни ҳимоя қилиш билан шуғулланишга тўғри келади».

«Европалик арбоблар оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқаришди. Натижада, оила институти ўла бошлади. Айни пайтда Учинчи дунёда аҳоли ҳар 15 йилда 100 миллионга кўпаймоқда».

«Америкада абортга рухсат берилганидан бундан 15 миллион аборт қилинган».

«Давлат қанча бой бўлса, унда болалар шунча кам туғилади ва халқ шу қадар тез йўқолиб боради. Ўз аъзоларини имкони борича кўп кайфу сафо, эрк билан таъминлашни, бахтли қилишни мақсад қилган жамият аслида улар учун дафн маросими тайёрлайди».

«Америкалик ёш қизлар мустақил ва эркин бўла олишларини англашгач, турмушга чиқишга ошиқмай қўйдилар. Йигирма билан йигирма тўрт ёш орасидаги турмушга чиқмаган аёллар 1970 йилда 36 фоизни ташкил этган бўлса, 1993 йилда 68 фоизга етди».

«1973 йилда Ненси Леманн билан Хелен Саллингер «Феминизм декларацияси» номи билан феминистик ҳаракатнинг янги манифестини эълон қилишди. У кенг тарқалиб, талай мақтовларга сазовор бўлди. Унда шундай жумлалар бор:

Никоҳ — эркаклар томонидан, эркаклар манфаати учун ўйлаб топилган... Биз уни йўқотишимиз керак».

«Оммавий маданият ўзининг қадриятлар пиллапоясида жимо кайфу сафосини оналик бахтидан устун қўяди».

«1950 йилларда ҳар бир никоҳ бекор қилиниши ҳодисаси жамиятни дарғазаб қилар, «бу — ахлоқ биносига путур етказиш» деб баҳоланар, аборт жиноят ҳисобланар, гомосексуализм шармандалик саналар эди. Бугун никоҳларнинг ярми ажралиш билан тугамоқда, оилавий турмуш ўрнига «эркак ва аёл ўртасида муносабат» ҳақида сўзланадиган бўлди, шармандали муносабатлар эса борган сари ўзини кучлироқ кўз-кўз қилмоқда».

«Американинг жануби-ғарби, чамаси, бирон-бир ўқ узилмасдан Мексиканинг юрисдикциясига қайтариб олинмоқда».

«Бугун америкаликларда умумий қадриятлар ҳам, умумий тарих ҳам, умумий қаҳрамонлар ҳам қолмади».

«Халқни йўқотиш учун уни ўз илдизларидан ажратиш керак (Солженицин)... Томас Жефферсон, «Мустақиллик декларацияси»нинг муаллифи ўтган йили Нью-Жерси штатида персона нон грата (номини тилга олиш тақиқланган шахс) деб эълон қилинди».

«Американинг ўтмишига қарши жангу жадал ҳамда атайлаб болаларни лақмага — бошларини ичи бўйи қовоққа айлантириш, сўнг унга бошқа тарихни қуйиш жараёни катта суръат ва муваффақият билан амалга оширилмоқда».

«Гомосексуализмни қоралаган муқаддас китоблар четга сурилди, уларнинг ўрнини гомосексуалистлар эгаллаб, гомосексуализмни қабул қилмаслик — ахлоқсизлик деган зояни тақиштира бошладилар. Мусо алайҳиссаломнинг «Ўн насихати» йўқолиб, уларнинг ўрнида презервативлар пайдо бўлди».

Бутун китоб мана шу руҳда ёзилган. Уни ўқир экансан, шундай хулосага келасан: нима қилиб бўлса ҳам бой бўлиш, фақат ўзи учун, роҳат-фароҳат деб яшаш — Худоба мақбул эмас. Бунинг учун Холиқ эгам ўзигагина маълум, одамзод кутмаган йўллар билан ажримини намоен этади.

Хулоса қилсак, Бьюкенен китоби Фарб давлатларининг аччиқ тажрибаси асосида «маънавият — миллат тараққиётининг энг муҳим омили» деган тамойилни, авлодлар қалбига миллий қадриятларни сингдириб тарбиялаш зарурлигини яна бир карра тасдиқлайди.

* * *

Яна «Китоб ва Интернет» баҳсига қайтайлик. Юқорида таъкидланганидек, бундай баҳсларнинг бирон-бир манتيкий асоси йўқ. Худди «Гулми ё атирми?» дея муаммо қўйилгани каби.

Интернет — бу шунчаки бир восита. Унинг ёрдамида, масалан, Бьюкененнинг мазкур китобини осонгина топиш мумкин. Лекин эси жойида одам китобни компьютер мониторида термилиб ўқиб чиқмайди, қоғозга босиб, яъни китоб ҳолига келтириб, сўнг ўқийди.

Интернетнинг восита сифатида имконияти ниҳоятда кенг. Хусусан, «Харуки Мураками ким ўзи? Яна қанақа асарлари бор?» каби саволларга жавоб топишда ҳеч нарса унинг ўрнини босолмайди. «Луи Армстронг нимаси билан тарихга кирган?» деган саволга унинг ижросидан куйларни тинглатиб жавоб беради.

Шу нуқтаи назардан Интернет — улкан «китоб хазинаси». Ҳар куни, ҳар соатда янгиланиб, тўлдирилиб турадиган кутубхона. Қизиғи шундаки, бу кутубхонадаги «китоблар» ҳам янгиланиб, тўлдирилиб борилади.

Яна такрорлаймиз, ўқиладиган манбаларни барибир қоғозга чоп этиб олиб, сўнг ўқиган афзал. Аммо Интернет айти пайтда мусиқавий ва тасвирий инфомарция манбаи ҳам. Айтилик, Ден Брауннинг анча-мунча шовшувга сабаб бўлган «Да Винчи коди» китобини ўқияпсиз. Воқеалар айланиб, Леонардо да Винчининг «Махфий оқшом дастурхони» картинасига билан боғлиқ бобга этиб келди. Муаллиф насронийликнинг бутун тарихини ағдар-тўнтар қилиб, бу картинада Исо алайҳиссаломнинг ўнг томонида ўтирган хаворий Яҳё (Иоанн) эмас, балки Мария Магдалина, дея воқеаларни давом этириб кетди. Қўл остингизда Л. да Винчининг альбоми бор бўлиши эҳтимоли кам, албатта. Шунда Интернет дарҳол кўмак беради — унинг буюк итальян рассомига бағишланган сайтга кириб, мазкур картинани синчиклаб кўришингиз мумкин, (Дарҳақиқат, Исонинг ўнг томонида аёл киши тасвирланганга ўхшайди, аммо муаллифнинг расмда пичоқ тутган қўл ортиқча, дегани тасдиқланмайди.)

ҲАР БИР ЯНГИ КИТОБ БАЙРАМДАЙ ЭДИ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси даврасига

1. Илк болалик хотираларингиздан сўзлаб берсангиз.

Илк болалик хотираларини эслашга уринсам, кўз олдимдан ҳозирги видеоклипларга ўхшаган тасвир ўта бошлайди: Онаминг мунис чеҳраси... Устига чиқса одам кўринмай кетадиган улкан ўрик дарахти... Аравада кетаётганимизда чаён чақиб олиши... Кенжа тоғам билан эшакка мингашиб қаёққадир боряпмиз; тоғам оҳиста Қуръон сураларини тиловат қилиш билан банд; мен мудраб қолиб, тупроққа кулаб тушганим... Пахта ортилган туялар (тасаввур қилинг-а: Фарғона водийсининг қоқ марказида)... Сандал атрофида жам бўлиб, керосин чироғининг ёруғида дostonхонлик — энам Буойша отин Ҳазрат Али қисасини ўқиса, дадам «Кунтуғмиш»ни; китобларнинг кўпи ё араб ёзувида, ё лотин алифбосида; ҳижжалаб ўқишга

уринаман: «Бир вов»; кулишади: «Бир вов» эмас, «Биринчи боб».

2. Болаликда тинглаган эртактарингиз...

Бизнинг авлод болалиги эртактарсиз ўтмаган. Кунларнинг бирида қариндошларникида тўй бўлди. Кеч бўлиб, келди-кетди тарқагач, болаларга қатор қилиб кўрпа тўшаб беришди. Алламаҳал бўлганига қарамай ҳеч ким ухлай демас, гала-говур авжига чиққан. Ёши каттароқ акалардан бири таклиф қилди: «Келинлар, чўпчак айтишамиз». Бу ҳаммага маъқул тушди. «Афанди бозорга бориб, бир хуржун майиз сотиб олибди. Хуржуни тешик экан, йўл-йўлакай майиз тўкилиб борибди. Ўша майиздан мен уч дона териб едим», деб бошлади ўзи. «Мен битта едим», «мен — иккита», дея бошқалар давом эттирди. Тажрибасизроғи мен эканман, «ўнта» дедим. «Ҳей, ўнта эртақ биласанми ўзи?» Битта ҳам майиз «тегмаганидан» ўқсиб, миқ этмай ётишга мажбур бўлдим: қоидага кўра ким нечта майиз «еган» бўлса, шунча эртақ айтишни зиммасига олар экан.

Сўнг чўпчакбозлик бошланди: кимдир Афанди, Алдаркўсадан айтиб кулдирди, кимдир аждарҳо, ялмоғиз билан кичкиналарни кўрқитди. Акалардан энг каттаси «Уч оғайни ботирлар»ни айтиб, ҳаммани ухлатди...

3. Китоблар оламига шўнғиб кетишингиз, мутолаага қизиқишингизда кимнинг ёки қайси асарнинг таъсири кучли бўлган?


Ўтган асрнинг ўрталари. Китоб кам бўлар эди. Кўпчиликнинг онгига «рўмон» деса, «Ўткан кунлар» ўрнашиб қолган. Ҳар бир янги «рўмон» шов-шув бўлар, кўлмакўл қилиб ўқиларди.

Торгина битта хонадан иборат туман кутубхонаси мактабнинг шундай биқинида эди. Биринчи бўлиб, кутубхоначи холанинг кўмаги билан «Болтиқбўйи халқлари эртактари» китобини олиб ўқиганим ёдимда. Эртактардан бирида эртадан то кечгача кайфу сафо билан машаққат бой нолийди: «Кунлар жудаям қисқа, батрақлар тузукроқ ишламасидан бирпасда кун ботади». Бир одам кунни узайтирадиган машина ясаб беришни таклиф қилади. Бой жон-жон деб кўнади. Машина ҳам жўнгина бўлади — учта филдирак, биринчиси даста билан буралса,

учинчисига бириктирилган паррак айлана бошлайди. «Кунни чўзиш учун мана шу дастани айлантирасиз», дейди бойга ихтирочи. Бой унинг айтганини қилишга тушади. Қарангки, бойнинг наздида доим ботишга шонилган қуёш шу кун сира жойидан жилмайди. Худди осмонга михлаб қўйилганидай. Бой қора терга ботиб чарчагач, ихтирочидан сўрайди: «Бошқа одам айлантирса ҳам кун чўзилаверадими?» «Йўқ, — деб жавоб беради ихтирочи. — Фақат ўзингиз айлантиришингиз керак». «Ундай бўлса майли, узаймаса узаймай қўя қолсин».

Хуллас, китоб дегани шунақа қизиқ бўлиши мияга сингди-ю, муҳаббатга, устозга, ҳамнафасга, керак бўлганда ҳамдardга айланди.

ДРАМАТИЧНІ
ПІЖРИБАЛАРИ



УСМОН НОСИР ҚАЕРДА?

(Илк тажриба)

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
5 йиллигига бағишланган**

МУШОИРА

Богда байрам. Ҳаммаёқ алвон шиорлар, плакатлар билан безатилган. Бир томонда карнай-сурнай халқни сайилга чорлайди. Иккинчи томонда пуфлама асбоблар оркестри садолари остида ўйин-кулги, рақс. Оломон орасидан зиёллар, ёзувчилар ажралиб чиқиб, ёзги театрға йиғила бошлайди. Уларни халойиқ ўраб олган.

Диктор (*радиокарнайдан, спектакль томошабинларига қарата*). Азиз томошабинлар! Замондошлар! Сизни йигирманчи асрнинг 20—30-йилларидаги адабий кечалардан бирига таклиф этамиз. Кечада атоқли маърифатпарварлар, элу юрт озодлиги деб шаҳид кетган арбоблар қатнашади.

Жаҳон адабиётида янги рўмончилик мактабига асос солган ёзувчи Абдулла Қодирий. (*Қарсақлар. Қодирий оломон орасидан чиқиб, ўриндиқлардан бирига ўтиради.*) Туркистонлик биринчи профессор, олим, драматург Абдурауф Фитрат. (*Қарсақлар. Қодирий ёнига ўтирмақчи бўлади. Қодирий уни тўрға, раис ўрнига чиқишга ундайди. Кўпчилик маъқуллайди. Фитрат жой эгаллайди.*) Ўзбек маданияти ва санъатининг жонқуяри, шоир, публицист Абдулҳамид Чўлпон. (*Қарсақлар. Чўлпон Қодирий ёнидан жой олади.*) Яна бир қатор машҳур шоир ва ёзувчилар. (*Бир нечаси ҳайъатга кўтарилади. Яна бир неча шоир истар-истамай ҳайъатга яқинроқ жойлашишади.*)

Фитрат (*ўрнидан туриб*). Биродарлар! Байрамга бағишланган аввалги шеърият кечасида номдор шоирларимиз шеърларидан эшитган эдик. (*Бир неча киши ўрнида қўзғалиб, бош силкийди. Енгил чапаклар.*) Энди навбатни ёшларга берсак. Зотан, сиз билан бизнинг бурчимиз — ёш иқтидорларни асраб-авайлаш, уларнинг парвозига мадад бериш, иқболига замин тайёрлаш, деб ўйлайман. (*Атрофидагиларнинг қовоғи осилади. Фитрат ўзини ёлғизлангандай ҳис этади.*)

Қодирий (*ўрнидан туради, ҳаяжонини яширмай*). Албатта, домла. Токи шогирдлар ўссинлар ва устозларидан ўзсинлар.

Чўлпон (*мамнунлик билан*). Устозлар ишини давом эттирсинлар. Янада юксакроққа кўтарсинлар, биз эса кифтимизни тутайлик.

Фитрат. Раҳмат. Кечамизда истейдодли ёш шоир Усмон Носир қатнашмоқда. Усмонжондан янги шеърлар эшитсак, деган таклифим бор. (*Қарсаклар. «Эшитайлик» деган хитоблар.*)

Усмон Носир (*ўртага чиқиб, аввал Фитратга, сўнг Қодирий ва Чўлпонга, кейин бошқаларга хиёл таъзим қилади*).

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфқнинг тубига яқин.
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,
Чайқалар кўзларим тикилган сари.
О, йўллар!

Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!
Муродга қасд қилиб югурган етур.
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?
Тириклик не керак бемехнат, беғам?
Чу, қора йўрғам! (*Қарсаклар.*)

Чўлпон (*ўрнидан туриб*). Верлибр услубида, сонет жанрида шеърлар ёзаётганингдан ғоят мамнунмиз! Оврупонинг забардаст шоирлари билан мусобақага киришганинг — фахрланишга лойиқ жасорат. Бу тажрибанг минг йиллик тарихга эга, аммо тор мавзулар қобили

остида қисилиб қолган миллий адабиётимизда янги саҳифа очажак, уни жаҳон адабиётининг энг илгари сарҳадларига олиб чиқажак.

Қодирий. Офарин, Абдулҳамид. Қани, сонет намуналаридан эшитайлик, Усмонжон.

Усмон Носир (*кўтаринки руҳда*).

Шеърим, яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсам гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди — нақшисан,
Қилолмайман сани ҳеч қанда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да
Гейне билан ўртоқ тутиндим,
Лермонтовдан кўмак ўтиндим,
Бутун умрим сенинг бўйнингда.

Саҳарда қон тупирсам майли,
Мен Мажнунман, шеърим, сен — Лайли!
(*Гулдурос қарсаклар.*)

Қодирий. Офарин.

Фитрат. Усмонжон. Янги дoston битибсан, деб эшитамиз. Бир парча ўқиб берсанг, тингласак. (*Маъқулловчи хитоблар.*)

Усмон Носир (*бир зум сукутда туради. Сўнг атрофдагиларни унутгандай, образга кириб, оғир руҳ билан ўқийди*).

Найлай,
Кипригимнинг нозик учида
Қайғуларим нами —
Симоб доналар...

Найлай,
Қалбим узра

Қон эмар ништар?
Юрагимда
Дарду нолалар?

(Бир неча йигит-қиз оҳиста жўр бўлади.)

Сув бетида оққан
Ҳой сап-сарик барг,
Тўхта, хаёлимни олиб қочмай тур.
Мен ҳам рўмолчамни
Ташлай азага,
Мен ҳам
Сувга шўнғий,
Сўнгра бирга юр!

(Сукунат. Усмон Носир руҳиятидаги оғирлик тингловчиларга кўчади. У ҳаяжон билан давом эттиради.)

Дардим ошмасайди,
Мен келармидим?
Алам халқумимдан
Тутмаса йиғлаб
Юрагимни ҳасрат
Найзаси тиглаб,
Сенга келиб,
Эй барг,
Роз айтармидим?

(Қодирий ва Чўлпон бир-бирига маъноли боқадилар. Фитрат билинар-билинмас бошини сарак-сарак қилиб қўяди. Фитратнинг ёнидагилар норози кайфиятда, қовоқлар солинган. Пастроқда кимдир мамнун.)

Қувонгиси келар
Кўзларимни-ю...
Найлай
Кўз ёшга
Ҳамроҳ бўлди у?
Мунча қаттиқ экан
Қора ер сабил,

Кирай десам бўлмас,
Осмон ҳам баланд,
Учай десам бўлмас,
Қай ерда илож?

(Оғир сукунат. Усмон Носир ўзига келади. Устозларга таъзим қилади. Гулдурос қарсақлар, олқишлар.)

Фитрат (*кўз ёшларини артиб, Қодирийга*). Мулла Абдуллоҳ, мана шеъриятимизнинг умиди, шундай эмасми?

Қодирий. Ифтихори, домла, иқболи.

Фитрат. Юз йиллар давомида шоирларимиз қатъий вазнларда ижод қилиб келдилар. Янги асрда улар оқ шеърлар машқ қилдилар, аммо оҳанг аввалгидек қолиб эди. Усмонжон, сен шеъриятимизда янги усул бошлабсан. Омад ёр бўлсин.

Чўлпон (*ўрнидан туриб, Усмон Носирга яқинлашди*). Фахримсан, жигаримсан! Сенинг шеърларингдан хангу мангман. Табриклайман. Олқишлайман. Адабиёт осмонида сен каби юлдузлар чакнар экан, халқ руҳи сўнмас, вужуди тўнгмас.

Ёз! Бизга насиб этмаган шеърларни ёз. (*Бир оз сукут сақлаб.*) Бизга насиб этмайдиган шеърларни-да ёз.

Усмон Носир. Хайрли маслаҳатингиз учун ҳар қанча миннатдорлик билдирсам ҳам кам. Ҳар бирингиз мен учун устозсизлар. Сизлардан кўп нарсани ўргандим, аммо яна ўрганишим керак. Сизлар суянчигим, фахримсизлар.

Чўлпон (*ғазал ўқийди; бу машҳур ғазал бу ерда АДАБИЁТга қаратилган талқинда: ёр — шеърият, муҳаббат — шеърга ишқи мазмунида ўқилиши лозим*).

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, не нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Усмон Носир

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.

Чўлпон

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Усмон Носир

Кўнгил сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Чўлпон

Хақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасму?
Кишанлар парчаланмасму?
Қиличлар энди синмасму?

Қодирий

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!

Усмон Носир (Чўлпонга).

Ҳозир сенинг қанотинг боғлиқ,
Юрагинг доғлиқ.
Эшитилмас сайрашинг халққа.

Сен кезган боғлар ҳам бўм-бўш,
Йўқ унда хониш,
Эшиклари қулфлидир, ...халқа.

Амин бўл, ечилур боғлиқ қанотинг.
«Булбул»-ку отинг!
Хизматин эл учун айлаган зотинг.
Қўшиғинг мавж урсин, тинмасин тилда!
Барибир тингланур давр келиб элда!

О, Ватан булбули, гуллар ошиғи,
Вафоли булбул.
Қўнасан такроран ғунча — тахтингга.
Соғ ва бардам бўл!

Фитрат (*ўрнидан туради, Қодирий Усмон Носирни яқин боршига ундайди, Фитрат унинг елкасига қоқади*).
Сендан умидимиз чексиз. Сенинг нодир, туғма қобилиятинг шеърятимиз равнақиға салмоқли ҳисса қўшажағиға аминман. Шеърингда:

«Манзилим ложувард уфқдан нари,
Чу қора тойчоғим, Чу, қора йўрғам!» —

дебсан. Бу ғоятда улуғ ният. Сен Оврупо адабиёти билан яхши танишсан. Энди Шарқ адабиёти билан ҳам шуғуллан. Айниқса, Навоий, Бобур, Фузулий, Бедил каби улуғ шоирлар шеърятини кунт билан ўрган. Уларнинг ижоди йўлингни машғалдай ёритажак. Бир ёнингда Абдулло, бир ёнингда Абдулҳамиддай меҳрибон акаларинг бор. Сен халқимизнинг бахтли ўғлонисан, миллатимиз шухратини жаҳон узра ёй.

(*Усмон Носир таъзим қилади. Чўлпон уни бағрига босади.*)

Қодирий. Э, Тангрим! Ҳар иккисини ёмон кўзлардан асра!

ҚАТАҒОН

(Саҳна иккига бўлинган. Кичик бўлма — қамоқхона камераси, унинг уч томони — темир панжара, орқа томони паҳса девор. Саҳнанинг катта бўлаги — ОГПУ кабинети, стол, стул, маҳбус учун табуретка, лампа, шиша сиёҳдон, сиёҳ қуритғич, графин, стакан. Тўрида Сталиннинг гипсдан ишланган барельефи, ён томонда Иттифоқ харитаси — у ҳам гипс асосга чизилган. Навбатчи камерага Фитрат, Абдулла Кодирий, Чўлпонни олиб кириб қамайди, ўзи эшик тагида тик қотади. Маҳбуслар табуреткаларга ўтиради.)

Кичик терговчи. Раҳимов Рауф.

Фитрат (муомаладан оғриниб). Ҳа, Абдурауф Абдурахим ўғли, профессор Фитрат — мен. (Навбатчи уни камерадан кабинетга олиб чиқади.)

Кичик терговчи. Нима учун ҳибсга олинганингизни биласизми?

Фитрат. Таассуфки, йўқ.

Кичик терговчи. Нега? (Кесатиб.) Сиз, ахир, профессор, бўлғуси академик. Ақлингиз етмаган нарса йў-ўқ.

Фитрат. Мантиққа сифмас ҳолатлар қаршисида инсон ақли — ожиз.

Кичик терговчи. Шунақами? Бўлмаса эшитинг. Сиз миллатчиликда айбланасиз!

Фитрат. Хўш?

Кичик терговчи. Нима — хўш?

Фитрат. Миллатпарварликнинг нимаси айб?

Кичик терговчи. Айб эмас. Жиноят.

Фитрат. Жиноят? Тарихда бунақа жиноят тури бўлган эмас.

Кичик терговчи. Аввал бўлмаса, энди бор. (Чекади. Қозоғга қараб, чертиб-чертиб ўқийди.) Раҳимов Рауф — Туркистон халқини совет ҳукуматига қарши қўзғатганликда айбланади. (Фитратнинг юзига тутун пуфляди.) Энди билгандирсиз жиноятингизни?

Фитрат. Халқни давлатга қарши қўйиш — нодонлар иши.

Кичик терговчи (қўлига ручка олиб). Инкилобчилар — нодон, демоқчимисиз?

Фитрат (*эътибор бермай, ўзича мулоҳаза қилгандай*). Давлат бир бино бўлса, халқ — унинг устунни. Асил жиноятчилар — давлатни халққа қарши қўювчилар.

Кичик терговчи. Так, так. Бу сўзларингдан тонманг керак?

Фитрат. Менинг айтган сўзимдан тониш одатим йўқ.

Кичик терговчи (*шоша-пиша ёзиб*). Демак, жиноятингизни тан олдингиз?!

Фитрат (*салобат билан*). Мен жиноятчи эмасман.

Кичик терговчи. Шунақами? (*Тараддудланиб қогоз титади. Топа олмай жаҳлига минади. Сенсирашга ўтади.*) Жиноятинг исботланган. Сен миллатчисан. Бутун ўзбек миллатчиларининг лидерисан, раҳнамосисан. Ҳар бир китобинг — жиноят, ҳар бир сўзинг, ҳар бир кадаминг — жиноят. Борлигининг ўзи — жиноят.

Фитрат (*ўйчан*). Халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, маърифатга чорлаш жиноят саналса... Бундай тузум халқ бошига неларни солгай? Бундай тузум узоққа бормас.

Кичик терговчи (*мамнунлигини яширмай*). Ана, ана. Жиноятчи эканингни бўйнингга олдинг — бутун дунё инқилоби учун курашаётган, яқин давр ичида жаҳонга ҳукмрон бўладиган тузумни узоққа бормади, дейиш — айна жиноятнинг ўзи. Бизга шунинг ўзи етади. (*Тугма босади. Соқчи киради. Фитратни енгидан тортиб, силтаб олиб чиқади. Унинг кўзойнаги камера полига тушади. Чироқ ўчади. Ўқ овози.*) Олиб киринг. (*Соқчи Абдулла Қодирийни кабинетга олиб киради.*) Қодиоров Абдулла!

Қодирий. Абдулла Қодирий — мен.

Кичик терговчи. Сиз миллатчиликда айбланасиз.

Қодирий. Айблов? Миллатчи?

Кичик терговчи. Ўзингизни гўлликка солманг. Сиз миллатчилик ғояларини тарғиб қилиш билан шуғуллангансиз.

Қодирий. Мен ёзувчиман, тарғиботчи эмасман.

Кичик терговчи (*истеҳзо билан*). Демак, жиноятингни тан олишни истамайсан? Балки «Ўткан кунлар» рўмонини ёзганингдан ҳам тонарсан.

Қодирий. Ёзганман.

Кичик терговчи. Бизда бу рўмон бошдан оёқ миллатчилик руҳида ёзилгани, миллатни улуғлаш ғояси суғорилгани тўғрисида маълумот бор. Бундай битта китоб юзта тарғиботчию мингта ташвиқотчидан хавфлироқ.

Қодирий. Рўмон фақат эзгуликни тарғиб қиладир. Эзгуликни тарғиб қилиш — бу ҳам эзгулик.

Кичик терговчи. Эзгулик эмиш. Буржуа фалсафасининг тушунчаси. Синфий кураш тўғрисидаги буюк таълимотга зид. Жинояткорона дунёқараш.

Қодирий. Дунёқараш — жиноят эмас.

Кичик терговчи. Жиноят бўлганда қандоқ. Китобинг — бандит қўлидаги пичоқдай хавфли.

Қодирий. Ё, алҳазар! Рўмонни ўқиганмисиз ўзи?

Кичик терговчи. Ўқиш шарт эмас. (*Қоғоз олиб ўрнидан туради.*) Мана, тингласинлар. (*Ўқийди.*) «Социалистик реализмга хилоф ўлароқ, эксплуататорлар синфининг вакили Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли рўмонга бош қахрамон қилиб олинган. Унинг образи алоҳида меҳрмуҳаббат билан чизилган ва муаллифнинг идеалига, ўқувчи учун эса жозибали қахрамонга айлантирилган. Одамлар ёппасига туғилган болаларга Отабек дея исм қўя бошладилар».

Қодирий. Демак, рўмон халққа маъкул бўлибди-да!

Кичик терговчи. Ҳа, бу айбингни оғирлаштиради.

Қодирий. Англамадим?

Кичик терговчи. Нимасини англамайсан? Зарарли китоб. Қанча кўп одам ўқиса, шунча зиёни кўп.

Қодирий. Астафуриллоҳ!

Кичик терговчи. Рўмон таъқиқланганига қарамай, йиғиб олиниб, ёқиб ташланганига қарамай, одамлар уни яширинча ўқиётгани хусусида ҳам бизда маълумотлар бор.

Қодирий (*таажжубда*). Таъқиқ? Қанақа маълумотлар?

Катта терговчи (*бошқа варақ олиб*). Мана рўмоннинг гиз кўпоровчи китоб эканига яна бир далил: «Рўмон одамларни бомдод намозига чақирувчи азон билан бошланиб, Отабекнинг рус қўшинларига қарши жангда ҳалок бўлгани билан тугайди».

Қодирий. Ҳа, Отабек — шахид.

Кичик терговчи. Уни шахид қилган ким?

Қодирий. Бу — бўлиб ўтган воқеа. Тарих. Такдир.

Катта терговчи (*ёзади, кесатиб*). Шаҳид, денг?

Қодирий (*ўзича*). Кимдир миллат учун жон фидо қилиши ҳам керак-ку.

Катта терговчи (*мамнун*). Ана, ана. Бузгунчи эканингни бўйнингга олдинг!

Қодирий. Йўқ, янглишасиз. Миллатни бузувчилар биз эмас. Чин бузгунчилар — бойлик деб, мансаб деб халққа хиёнат қилаётганлар.

Катта терговчи (*қаттиқ тикилиб*). Кўриниб турибди — ўта хавфли шахсан. Сендайларга сафимизда ўрин йўқ. Олиб чиқинг.

(Силтаб олиб чиқадилар. Қодирийнинг дўпписи камеранинг полига тушади. Чироқ ўчади. Ўқ товуши. Чироқ ёнади. Терговчи чиқиб кетган. Камерада — Чўлпон ёлғиз.)

«Абу Муслим», «Абулфайзхон», «Шайтоннинг исёни» каби драмалар ёзган «ўзбек Шекспири»ни йўқотдилар. Муаллимимиздан жудо қилдилар. Сиз яна неча қалб чанқоғини маърифат чашмаси билан қондирар эдингиз? Қаердасиз, устоз? (*Сукунат. Соат чиқ-чиғи. Бойқушнинг товуши.*)

Шарқнинг буюк адибини отдилар. «Ўткан кунлар»дай бетакрор рўмон муаллифининг бошини едилар. Яна қандай асарлар битишни ният қилган эдингиз, Абдулло ака? Қаердасиз, Қодирий? (*Сукунат. Соат чиқ-чиғи. Бойқушнинг товуши.*)

Энди навбат менга келган бўлса керак. Яхши. Миллатни деб ўлмоқ ҳар кимга насиб этмайдиган саодат эмасми? Фақат... (*Ўйланади.*) Устозлар руҳи-чи? Омонат, омонат. (*Қўйнидан кулранг муқовали дафтар ва қалам чиқариб ёза бошлайди.*)

Эй, тоғлари кўкларга салом берган хур ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?

Нега сенинг қалин товшинг кет демайди уларга?
Нега сенинг эркин кўнглинг эрк бермайди қулларга?
Нега тағин танларингда қамчиларнинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг сўниши?

(Чўлпон Фитратнинг кўзойнагини, Қодирийнинг дўстисини дафтарга ўрайди, кўйлагининг баридан тасма йиртиб олиб, у билан боғлайди. Деворнинг ёригига тикади. Кесак синиқлари билан ниқоблайди.)

Катта терговчи (*кириб ўтиради*). Юнусов Ҳамид!

Чўлпон. Абдулҳамид Сулаймон ўғли, шоир Чўлпон — мен, шу ердаман.

Кичик терговчи. Сиз миллатчи...

Чўлпон (*сўзини бўлиб*). Ҳа! Мен миллатчиман. Миллатпараст, миллаткашман.

Кичик терговчи (*қулоқларига ишонмагандай*). Хайрият-эй. (*Ўзича.*) Бу жадидларнинг бари ўқимишли, гапга чечан. Айбини бўйнига кўйгунча она сутингни оғзингга келтиришади. Бу сафар иш осон кўчадиганга ўхшайди. (*Чўлпонга.*) Миллатчи эканлигингиз тушунарли. Миллаткаш деганингиз нимаси?

Чўлпон. Миллатни озодлик сари ундаш, эрк ғояси билан қуроллантириш, дегани.

Катта терговчи (*сапчиб ўрнидан туради*). Нима? Қуроллантириш? Битта шу айбинг кифоя. (*Шоша-тиша ёзишга уннайди.*)

Чўлпон (*мийиғида кулиб*). Сизнингча, ғояли бўлиш — айб?!

Кичик терговчи. Айб эмиш. Жиноят. Сиёсий. Энг хавфли жиноят.

Чўлпон. Ҳар бир инсон ўз онасини қандай севса миллатини ҳам шундай севиши лозим. Миллат ҳақида қайғуриш — ҳар бир кишининг ғояси бўлиши лозим. Бу — инсонийлик белгиси. Нахотки, сизнингча, Ҳар икки одамдан бири жиноятчи бўлса?

Кичик терговчи. Демагогия. Ким жиноятчию ким жиноятчи эмас — яхши биламиз.

Чўлпон. Буни яхши билсангиз, демак, вазифангиз — фақат айбга иқрор қилдиришдан иборат экан-да?

Кичик терговчи (*чўлпонга тикилиб*). Албатта.

Чўлпон. Иқроор бўлмасам-чи?

Кичик терговчи (*турқи ўзгариб*). Исботлаймиз.

Чўлпон. Исботлай олмасангиз-чи? Умуман исбот бўлмаса-чи?

Кичик терговчи. Ҳе, барибир иқроор қилдирамиз. Ҳозиргача қилдирганмиз.

Чўлпон. Қийноқ биланми?

Кичик терговчи. Ҳаддингдан ошяпсан, Юнусов.

Чўлпон. Иқроор қилиб ўтирасизми. Исботсиз ҳам ҳукм қилавермайсизми?

Кичик терговчи (*ўрнидан туриб, ручкасини бигиз қилади*). Сен одил совет судига тухмат қияпсан. Бунинг учун ҳам жавоб берасан.

Чўлпон (*истехзоли сукутдан сўнг, мийиғида кулиб*). Одил суд! Майли келинг, мен сизнинг ишингизни енгиллаштирай.

Кичик терговчи (*сергак тортиб ўтиради*). Хўш?

Чўлпон. Яна бир айбимни бўйнимга олмоқчиман.

Кичик терговчи. Яхши. Бу ишингиз яхши.

Чўлпон. Фақат битта талабим бор.

Кичик терговчи. Қанақа талаб? Сен маҳбуссан. Талаб қилиш ҳуқуқинг йўқ.

Чўлпон. Бунинг яхши биламан. Лекин сизнинг вазифангизни енгиллатмоқчиман, муҳим маълумот бераман.

Кичик терговчи. Мен бунга муҳтож эмасман. Лекин... майли, эшитай-чи. Нима талаб?

Чўлпон. Мендан бошқа шоирни ҳисбга олмасликка қасам ичасиз.

Кичик терговчи. Ҳе, мен олмасам, бошқаси олади.

Чўлпон. Тушунаман. Мен учун сизнинг қасам ичингиз кифоя.

Кичик терговчи. Қасам ичиш-ку қийин эмас. Менга буюришлари мумкин.

Чўлпон. Буюришмаганда бировни қамоққа олмаслик жасорат эмас.

Кичик терговчи (*ўйланади. У ёққа, бу ёққа юриб, папирос тутади*). Берадиган маълумотингга қарайман — бирор нарсага арзийдими, йўқми.

Чўлпон. Менимча, арзийди.

Кичик терговчи. Хўп, айтишинг мумкин.

Чўлпон. Қасам?

Кичик терговчи (*зарда билан*). Нима деб қасам ичай?

Чўлпон (*синчковлик билан термилиб*). Сиз учун энг азиз — ким?

Кичик терговчи (*тутунни қўли билан елпийди. Серрайиб*). Партия. Дохий Сталин.

Чўлпон (*таажжубга тушиб*). Нахот? Онангиздан ҳам азизроқми?

Кичик терговчи. Биз материалистлармиз. Оналар асо-сан физиологик вазифа бажаради, холос. Мени партия вояга етказган, дохий тарбиялаган. (*Тўппончасини, погонини силаб қўяди.*)

Чўлпон (*ҳайратда*). Офарин! Фақат партия ёк дохий номи билан ичилган қасамнинг кучи бўлармикан?

Кичик терговчи (*кесатикни пайқаб*). Яна хаддингдан ошяпсан. Партияга, дохийга тил теккизма.

Чўлпон. Хотиржам бўлинг. (*Портретга кўз ташлаб.*) Ўлимим олдидан тилимни булғаш ниятим йўқ.

Кичик терговчи. Ўлимим? Ўлишингни қаердан биласан?

Чўлпон. Сиз қасам ичаверинг.

Кичик терговчи (*портретга қараб, қоматини гоз тутиб, дадил*). Агар Юнусов Ҳамиддан бошқа шоирни хибсга олсам, партия урсин! (*Сесканади. Бўшашиб.*) Дохий урсин. (*Ўтиради. Пешонасини артади.*)

Чўлпон. Баракалла.

Кичик терговчи. Сволочь.

Чўлпон. Ўзингизни босинг. Энди ёзинг. (*Катта терговчи қўлига ручка тутуди. Қўли сезилар-сезилмас қалтирайди.*) Хотиржам ёзаверинг. (*Зал оша уфққа қараб.*) Мен, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ота юртимни — Туркистонни озод ва мустақил кўришни истадим.

Кичик терговчи (*анграйганча*). Э-э-синг жойидами? Нима деяётганингни биласанми, Юнусов?

Чўлпон. Менинг хушим жойида. Сиз ўзингизниқийин йиғиштириб олсангиз бўлди.

Кичик терговчи (*ўрнидан туриб бақиради*). Йўқ. Бекор айтибсан. Мумкин эмас.

Чўлпон. Нега мумкин эмас? Туркистон халқларининг

Оврупо халқларидан кам жойи йўқ. Аксинча, тарихи буюк, маданияти буюк. Улар ҳам мустақил яшашга, ўз тақдирларини ўзлари белгилашга ҳақли.

Кичик терговчи. Улар шундай ҳам мустақил. Ўз тақдирларини белгилаб бўлган.

Чўлпон. Мен қоғозда эмас, амалдаги мустақилликни айтяпман.

Кичик терговчи (ўтиради). Хўш, бунга қандай эришмоқчисан? (*Ёзишга шайланади.*)

Чўлпон. Халқни уйқудан уйғотиб, руҳини тирилтириб.

Кичик терговчи (кулади). Энди сенинг овозингни ҳеч ким эшитмайди.

Чўлпон (ишонч билан). Эшитажаклар.

Кичик терговчи. Мендан гина қилма. Айтган сўзларинг учун отиласан.

Чўлпон. Ҳа, биламан. Марҳамат. (*Кўкрагини очади.*) Отинг. Қанча ўқингиз бўлса, ҳаммасиним отинг!

Кичик терговчи. Отамиз. Сен ўйлайсанки, номим ўлмайди, китобларим қолади деб? Йўқ. Сендақаларни бутунлай йўқотамиз. Ким ёзганларингни ўқиса, уларни ҳам йўқотамиз. Жасадини ҳам қолдирмаймиз. Китобларингни ёқамиз. Ҳатто номингни тарих саҳифаларидан ўчираемиз. Ҳеч ким эсламайдиган қилиб.

Чўлпон. Янглишасиз. Ожизлик қиласиз. Тарих хали ўз ҳукмини чиқаради.

(«Халқ» шеърини куйлай бошлайди. Қўлига кишан солишади. Саҳна ортидан Фитрат ва Қодирий овози қўшиққа жўр бўлади. Чироқ ўчади. Ўқ товуши. Бир оз ўтгач, кетма-кет ўқ товушлари янграйди.)

ЧАҚУВ

(Саҳна аввалги ҳолатда. Кичик терговчи ёзиб ўтирибди.)

Навбатчи (кириб). Рухсат беринг. (*Терговчи «гапир» дегандай ишора қилади.*) Бир одам сизни кўрмоқчи.

Кичик терговчи. Ким? Ҳа, айт, кирсин. (*Ниқобли одам киради.*)

Ниқобли. Баъзи маълумотлар бор эди.

Кичик терговчи (*разм солиб*). Яхши. Қани, ўтирингчи. (*У ўтиради.*) Қандай маълумотлар.

Ниқобли (*кўйнидан дафтар чиқариб тутади*). Ўта муҳим маълумотлар, ўртоқ начайник.

Кичик терговчи (*дафтарни олиб очади. Илжаяди*). Яхши, яхши. Ниқобингизни ечинг.

Ниқобли. Рухсат берсангиз, олмасам.

Кичик терговчи. Нега?

Ниқобли. Мен доим ниқобда қолганим маъқул.

Кичик терговчи. Нима, менга ишонмайсизми?

Ниқобли (*чўчиб*). Йў-ғе.

Кичик терговчи. Бу ерда ечишингиз мумкин.

Ниқобли. Шундайку-я, лекин... (*У ёқ-бу ёққа аланглайди.*)

Кичик терговчи. Нимадан қўрқасиз?

Ниқобли. Деворнинг ҳам қулоғи бор, дейишади.

Кичик терговчи. Ҳа, бор.

Ниқобли (*яна бир сесканиб*). Ана. Қулоқ бор жойда кўз ҳам бўлади, кўради, қўл ҳам бўлади — ёзади.

Кичик терговчи. Ўх-хў. Ўзингиз, мана, роса ёзибсизку.

Ниқобли. Шунинг учун ҳам ниқобда қолганим маъқул.

Кичик терговчи. Дуруст. (*Дафтарни варақлаб бўлиб.*) Жуда яхши. Фақат охирига имзо чекиб кўйинг.

Ниқобли (*дудуқланиб*). И-им-м-зо шартми?

Кичик терговчи. Ўз кўлингиз билан ёзганмисиз.

Ниқобли (*кўзларида ҳадик*). Ҳа, ўз кўлим билан. Нимайди?

Кичик терговчи. Шунча гапни ёзган, қўл кўйишдан ҳадиксирашга хожат йўқ.

Ниқобли (*«ҳи-ҳи»лаб кулади*). Буларни, ўртоқ начайник, мен ўнг кўлим билан ёзганман.

Кичик терговчи. Ўнг кўлим билан?

Ниқобли. Ҳа-да. Ўзим чап кўлда ёзаман.

Кичик терговчи. Шундай денг. Ундай бўлса, имзони ҳам ўнг кўлда қўя қолинг.

Ниқобли (*хурсанд*). Бўлаверадими?

Кичик терговчи. Албатта. Бизга имзо бўлса бўлди. (*Дафтарни бошини синчиклаб ўқиб кўради. Бошини кўтариб.*) Усмон Носир ким?

Ниқобли. Ҳаммаси ёзилган. (*Аланглаб олиб.*) Фирт миллатчи.

Кичик терговчи. Так-так.

Ниқобли (*энгашиб*). Дарҳол чора кўриш керак, ўрток начайник. Қамаса ҳам арзийди.

Кичик терговчи. Бунинг учун асос керак.

Ниқобли. Бор, бор. Халқ душманлари билан тили бир. Ҳаммаси ёзилган бу ерда.

Кичик терговчи. Халқ душмани? Масалан?

Ниқобли. Масалан, Чўлпон.

Кичик терговчи (*хушёр тортиб*). Чўлпон? Юнусовми?

Ниқобли? Юнусов? Ҳа, ха. Худди Ўша.

Кичик терговчи (*дафтарни варақлайди*). Усмон Носир, Усмон Носир. Бу фамилиями?

Ниқобли. Тахаллус. Шоир Усмон Носир. Чўлпоннинг шогирди.

Кичик терговчи. Шоир!? (*Асабийлашиб ўрнидан туради. Портретга қараб олади. Папирос туттади. Ўзини босиб ўрнига ўтиради.*)

Ниқобли (*буни ўзича тушуниб, шоша-пиша*). Шунчаки шоир эмас, ўрток начальник, ўта хавфли шахс.

Кичик терговчи. Чўлпон, Чўлпон...

Ниқобли. Шундай, шундай. Неча марта офиз-бурун ўпишганини кўрганман. Ўз кўзим билан. Иккаласи ҳам-маслак.

Кичик терговчи. Шоир... халқ душмани... (*Яна портретга қараб қўяди. Дафтарни қутига солади. Ёзишга шайланиб*). Қаерларда бирга бўлишган?

Ниқобли. Усмон тез-тез Чўлпоннинг уйига бориб турган.

Кичик терговчи. Нималар тўғрисида гаплашишган?

Ниқобли. Би-ил-ма-дим. (*Катта терговчи қовоғини уяди.*) Шеърият кечаларида кўрмабсиз уларни, ўрток начайник. Охирги марта Чўлпон уни шу қадар талғайтирдик (*Тупугини ютади.*) Бир униси ўқийди, бир

буниси ўқийди. Ҳамма олқишни олди икови. Гўё улардан бошқа шоир йўқ. Бошқа ҳеч ким шеър ёзмайди.

Кичик терговчи. Конкретроқ.

Ниқобли. Чўлпон Усмонни кучиб қулоғига роса шивирлади.

Кичик терговчи. Нималарни шивирлади?

Ниқобли. Э-э-шитолмадим.

Кичик терговчи. Эшитиш керак эди, ёзиб олиш керак эди.

Ниқобли. Фактлар кўп, ўртоқ начайник. «Миллатим», «халқим» деб офиз кўпиртиришни яхши кўради. Айниқса, ичиб олса борми, офзининг таноби қочади. Яқинда поездда бир гуруҳ ёзувчилар Масковдан қайтаётган эдик. Биримизни «сотқин» биримизни «калтакесак», орамиздаги бир хурматли ўртоқни «шовинист» деб ҳақоратлади.

Кичик терговчи. Конкрет сизни нима деб атади?

Ниқобли. Мени... мени.

Кичик терговчи. Чайналмай айтаверинг. Протоколга киритиш лозим.

(Кўққисдан кабинет деразаси очилиб кетади. Хонага шамолнинг кучли эпкини ёпирилади. Ниқоблининг юзидан ниқоби учиб тушади. У — боғдаги шеърят кечасида иштирок этганлардан бири — ниқобини тугтиб қолиш учун ташланади ва чуқурга қулайди. Чуқурдан аланга кўтарилади. Чироқ ўчиб ёнади.)

Кичик терговчи. Олиб кирилинг. (Усмон Носирни камерага олиб киришади.) Носиров Усмон — сенмисан?

Усмон Носир. Ҳа, шоир Усмон Носир — мен.

Кичик терговчи. Мен сендан касбингни сўраётганим йўқ.

Усмон Носир. Шоирлик — касб эмас.

Кичик терговчи. Касб бўлмаса, нима?

Усмон Носир. Унвон.

Кичик терговчи. Мен бунақа унвонни билмайман. Мен учун сен — фуқаро Носиров Усмонсан, тамом.

Усмон Носир. Агар шоирлик унвон эканини билмасанг, майли, фуқаро Усмон Носиров эканимдан мамнунман.

Кичик терговчи (*Усмон Носир уни сенсиранидан жаҳли чиқиб*). Бу ерга нима учун олиб келинганини биласанми?

Усмон Носир. Йўқ, билмайман. Қонун бўйича аввал айбнома ўқишларинг керак эди. Ҳеч ким айб қўйгани йўқ. Қонунни бузиш бу.

Кичик терговчи (*бир оз гап тополмай чайналади*). Ҳали шунақами? Сен жинойтчисан. Миллатчиликда, давлатга қарши яширин гуруҳ тузишда айбланасан. Билдингми?

Усмон Носир. Фирт бўҳтон. Қип-қизил мантиқсизлик. Эзилган халқ вакили миллатчи бўлмайди. Миллатчилар — эзувчи халқ вакилларида чикади.

Кичик терговчи. Буржуача мафкураг бу ерда ўтмайди.

Усмон Носир. Бу — Лениннинг сўзи.

Кичик терговчи (*пўписа билан*). Сен Ленинни буржуа миллатчиси деганинг учун ҳам жавоб берасан.

Усмон Носир. Ғалати мантиқ бўлди-ку? Балки Ленинни ўқиганим учун жавоб берарман?

Кичик терговчи (*ўзини босишга уриниб*). Берасан. Сен халқ душмани Юнусов Ҳамиднинг издоши, маслақдошсан.

Усмон Носир. Чўлпонми? Бўҳтон. У халқ душмани эмас, халқнинг чин дўстидир. «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир», деб ёзган шоир халқ душмани бўлиши мумкин эмас.

Кичик терговчи. Халқ душмани экани исботланган.

Усмон Носир. Исботланган?

Кичик терговчи. Билиб қўй: ҳукм ҳам қилинган.

Усмон Носир. Қанақа ҳукм? Ким ҳукм қилган?

Кичик терговчи. Халқ! Халқ номидан ҳукм қилинган.

Усмон Носир. Халқ бу — миллионлаб фикр, миллионлаб овоз. Ким уни санаган?

Кичик терговчи (*важохат билан ўрнидан туради*). Фуқаро Носиров! Бу ерда мен савол бераман, мен!

Усмон Носир. Жавоб беришни ҳам ўрганиб қўйинг, ўртоқ терговчи. (*Кичик терговчи бўзаради. Усмон Носир панжарага яқин келиб, унга тикилади.*) Балки асқатар.

Кичик терговчи (*чизгич билан Усмон Носирнинг билагига уради*). Фуқаро Носиров. Саволга жавоб бер. Юнусов Ҳамидни танийсанми, йўқми?

Усмон Носир (*билагини ушлаб*). Фуқаро терговчи! Чўлпонни ҳар бир ўзбек танийди.

Кичик терговчи (*ўшқариб*). Мен шахсан танийсанми, деб сўраяпман.

Усмон Носир. Худога шукрки, шахсан таниш бахтига муяссар бўлганман.

Кичик терговчи. Тез-тез учрашиб турармидинг?

Усмон Носир. Афсуски, йўқ.

Кичик терговчи. Охирги марта қачон ва қаерда учрашгансан?

Усмон Носир. Боғда. Шеърят кечасида.

Кичик терговчи. Нима тўғрисида гаплашдиларинг?

Усмон Носир. Шеърят кечасида шеър ўқийдилар.

Кичик терговчи. Фуқаро Носиров! Сўнги марта оғохлантираман. Биз ҳамма нарсдан хабардормиз.

Усмон Носир. Унда терговинг нимага керак?

Кичик терговчи. Биз жиноятингнинг барча тафсилотларини билишни истаймиз.

Усмон Носир. Биз деганинг ким?

Кичик терговчи (*яна жаҳл билан жунбушга келади*). Мен савол бераман, дедим сенга!

Усмон Носир. Жиноятларимнинг тафсилотини билмоқчи бўлаётган ким, мени йўқ жиноятда айбламоқчи бўлаётган ким — билишга ҳаққим борми, йўқми?

Кичик терговчи. Навбатчи! Олиб чиқ буни. Оч қолдир! Сув ҳам берма! Таъзирини есин. Кор қилмаса, шундай боқки, бурнидан чиқсин.

(Навбатчи Усмон Носирни камерага олиб киради. Устидан қулфлайди. Бош терговчи жойига ўтиради. Бошини чангаллайди. Гулдираган овоз келади. Сасна силкинади. Портрет тебранади. Кичик терговчининг устига тушади. У йиқилади. Чайқалиб ўрнидан туради. Портретни кўтаради. Ҳади. Уни қучоқлаганча гандираклар юради. Мункиб чуқурга қулайди. Чуқурдан аланга кўтарилади.)

ХАСАД

(Усмон Носир камерада ёлғиз, мўматалоқ. Бурчак-да деворга суяниб ўтирибди.)

Усмон Носир *(алаҳсираб).*

Ки одамнинг ўзинигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилди давр.
Қийналаман! Йўқ! Гина эмас,
Бу — қаршилиқ! Кўринг тарихни...

(Пичирлаган овозда.)

Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас!

Катта терговчи *(хонага кириб, навбатчига).* Маҳбус нон-сув сўрадимми?

Навбатчи. Йўқ. Аксинча, сувни ҳам сепиб ташлади. Очлик эълон қилган.

Катта терговчи. Очлик? Шундай ҳам уч кундан бери ҳеч нарса берилмади-ку! Ну, майли, кўрамиз, қанчага чидайди. Постелини чиқариб ташланг.

(Навбатчи Усмон Носирни уйғотади. Тагидан тортиб олиб, тўшакни чиқариб ташлайди.)

Усмон Носир *(қунишиб).*

Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас,
Кўп ҳали ҳаётда насибам. *(Йўталади.)*
Силлигим безарар...

(Саҳна юқорисида оппоқ кийимли қиз сурати кўрилади. Усмон инграйди.)

Насидам!..

(Инқиллаб ўрнидан туради. Кичик терговчи ўрнидан туриб камерага яқинлашади. Кузатади. Усмон Носирнинг йўтали тутади. Гандираклайди. Ўтиради.)

Йўқ, хали хаммаси ўтганмас...

(*Хушидан кетади. Кичик терговчи бошини сарак-сарак қилади. Жойига бориб ўтиради.*)

Катта терговчи Гувоҳни чакиринг! (*Гувоҳ киради. Кўзда қора кўзойнак.*) Ўтиринг. Носиров Усмонни биласизми?

Гувоҳ. Шоир Усмон Носирними? Бўлмасам-чи!

Катта терговчи. Унинг тўғрисида қандай маълумотлар беришингиз мумкин?

Гувоҳ. Қанақа маълумот керак бўлса, шунақасидан топамиз.

Катта терговчи (ажабланиб). Огоҳлантириб қўяй — маълумотларингиз тўғри бўлиши керак. Акс ҳолда...

Гувоҳ. Албатта тўғри бўлади. Сиз истаганингиздай — тўппа-тўғри бўлади.

Катта терговчи. Қизиқ одам экансиз. Хўп. Маълумотларингиз ишни охирига етказишга нафи тегса, сизни тақдирлаймиз.

Гувоҳ. Раҳмат. Менга Усмон Носир турмадан чиқмаса бас, шу — энг катта мукофот.

Катта терговчи (ҳайрон). Нима учун?

Гувоҳ. Ҳа, энди.

Катта терговчи (тикилиб). Айтинг-чи, сиз нима деб ўйлайсиз, Усмон Носир қанақа шоир?

Гувоҳ (бурнини кўтариб). Шоир-да.

Катта терговчи. Конкретно. Мисол учун, сиз ҳам шоирсиз, шундайми?

Гувоҳ (бошини лиқиллатади). У ҳам шоир, мен ҳам шоир, ўртоқ начальник.

Катта терговчи. Маъкул. Аммо у сизнинг устидан маълумот бераётгани йўқ-ку?

Гувоҳ (хавотирланиб). Тушунмаяпман, ўртоқ начальник.

Катта терговчи (кулади). Хавотир бўлманг. Сиз тўғрисида айтаверинг. (*Усмон Носир инграйди. Узоқ ўй талади.*)

Гувоҳ (ўзича). Мақсади нима экан? Олис юртдан келган бўлсанг, ёзавермайсанми? Мендақа гувоҳни яна

қаердан топасан. (*Усмон Носир инграйди. Узоқ йўталади. Гувоҳ қулоқ тутади.*) Чикаришмаса керак. Бу ердан хозиргача ким омон чиққан? Ё камалиб кетади, ё... Шундай ҳам ўзи касалманд эди. Бир-икки ой ётса-ёқ... Ха, бу терговчи балога ўхшайди. Менга ишонмаяпти. Бир марта ростини сўзласам сўзлай. Шояд шубҳаланиши тарқаса. (*Кичик терговчига.*) Ростини айтаман. (*Энгашиб*) Фақат ўртамизда қолсин.

Катта терговчи (*бошини лиқиллатади*). Хўш?

Гувоҳ. Унга худо берган.

Катта терговчи. Нима берган?

Гувоҳ. Истеъдод. Талантни-да.

Катта терговчи. Да-а.

Гувоҳ. Бир илҳоми келса бўлди — шеър демаган кайнаб чиқади. Сўзлар ўзидан-ўзи қуйилиб келадигандай. Маънолар камалакдай товланиб кетади. Ўхшатишлар, истиоралар. Мана эшитинг:

Боғларга намозгар
Салқини тушди,
Гуллар нам баргини
Қайирди аста.
Офтоб ҳам сув ичар
Тоғлардан пастда —
Лоладек қип-қизил
Ўт-шафақ ўчди.

Усмон Носир (*бошини кўтаради. Қулоқ тутади. Давом эттиради*).

Кўз тутдим,
Кўзларим нигорон бўлди.
О, дилбар,
Сиймбарим, юзлари қирмиз,
Киприги кўксига
Соя солган қиз!
Кўз тутдим,
Юрагим тўла қон бўлди.

Гувоҳ (*Усмоннинг овозидан сесканиб*). Қойил қиворади-э. Бир ўтиришда Лермонтовнинг «Иблис»ини, бир

кечада Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани»ни таржима қилиб ташлаган.

Катта терговчи. Лермонтов, Пушкин?

Гувоҳ. Ҳа, таржима бўлганда-ям, қиёмига етказворган.

Катта терговчи. Шундай шоирнинг турмада ўтириши сизга нимага керак?

Гувоҳ (*хавотир билан*). Тушунолмаяман, ўртоқ начальник.

Катта терговчи (*кулади*). Хавотир бўлманг, дедимку. Бизга ишончли одамлар жуда керак. Шунинг учун сизни яхшилаб тушуниб олишим керак. Мақсадингизни билишим керак.

Гувоҳ (*енгил тортиб*). Чексам майлими? (*Катта терговчи папирос тутуди.*)

Катта терговчи. Носиров шу қадар талантили бўлса, балки қайта тарбиялаш, совет шоирига айлантириш тўғри бўлар?

Гувоҳ (*асабийлашади. Папирос қўлини куйдиради*). Йўқ, йўқ. Сиз уни билмабсиз. Қайсарликда ҳаммадан ошиб тушади. Унинг жойи — турма.

Катта терговчи. Хўш?

Гувоҳ. Қандай тушунтирсам экан? (*Катта терговчи тикилиб турганидан чўчиб.*) Яхши шоир бўлгани учун.

Катта терговчи. Зўр шоир демокчисиз-да?

Гувоҳ. Зўр бўлса ўзига. Офтобни тўсмасин.

Катта терговчи. Да-а. Энди тушунарли. Демак, сиз уни оёғидан тортмоқчисиз.

Гувоҳ. Шундай.

Катта терговчи. Яхши. Кейин бошқалар сизнинг оёғингиздан тортишса-чи?

Гувоҳ. Бундан хавф йўқ. Биринчидан, биз кўнгликмикимиз. Тўғри, билдирмай энгданми, этакданми тортиб турармиз. Аммо бир-биримизни оёқдан тортмаймиз.

Катта терговчи. Қўл банд бўлади-да.

Гувоҳ. Иккинчидан, биз обрўни ҳам, мартабани ҳам, керак бўлса, амални ҳам бўлишишни биламиз.

Катта терговчи. Бунга истейдод керак.

Гувоҳ. Албатта-да. Фитрат, Қодирий, Чўлпон нима бўлдию, кеча тухумдан чиққани қаерга борар эди?

Катта терговчи. Ҳа, жуда керакли одам экансиз.

Гувоҳ (*кўнгли жойига тушиб*). Ҳамкорлик қилсак яхши бўлади.

Усмон Носир. Пес песни қоронғида топибди.

Катта терговчи. Маълумотингиз нима тўғрисида?

Гувоҳ. Ижоди тўғрисида, ижоди.

Катта терговчи. Яхши биласизми?

Гувоҳ. Билганда қандоқ. Ҳар бир сатрини заррабин билан текшириб чиққанман.

Катта терговчи. Айни муддао. Шеърларида партиёга қарши, ҳукуматга қарши гаплар борми?

Гувоҳ (*ўрнидан туриб кетади. Жўшиб*). Борми дейсиз-а. Тўлиб ётибди.

Катта терговчи. Қани, далиллар келтиринг-чи.

Гувоҳ. Марҳамат. Мана шеърларидан бири, ҳозир ҳамманинг оғзида:

«Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Бокқа кирсанг гуллар шарманда».

Қаранг, ўртоқ начальник, бу олифтани! Бокқа кирса, гуллар шарманда бўлармиш. Совет гуллари-я, совет тупроғида ўсган гуллар. Партия бу гулларни очилтириш учун озмунча курашдимми? У эса шарманда дейди.

Усмон Носир. Шарманда, шарманда.

Гувоҳ. Ана, кўрдингизми? Усмон Носир ўзини партия сиёсатига, унинг раҳбари ўртоқ Сталин сиёсатига қарши қўймоқда.

Катта терговчи Хў-ўп. Совет воқелигини бузиб тасвирлаган, деб ёзамиз.

Гувоҳ. Худди шундай. Бузиб тасвирлаган. Айни ўзи. Энди мана бунисини эшитинг:

«Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан».

Қаранг. Ўртоқ начальник! Шеъри унинг дарди эмиш. Дардсиз бўлса, шеър бўлмасмиш. (*Қизишиб*.) Бундан чикди, партиёни, дохийни мақтаб ёзилган шеърлар бир пул экан-да?! Хе, ўргилдим сендақа генийдан. (*Ўзини*

бир оз босиб олгач.) Ёзинг, ўртоқ начальник. Бу диверсия, коммунизм қураётган совет халқига тухмат.

Катта терговчи. ...тухмат.

Гувоҳ. А? Нима? Кимга?

Катта терговчи. Ҳозир айтдингиз-ку, совет халқига деб.

Гувоҳ. Ҳа, ҳа. Фирт тухмат. Худди шу шеърдан яна бир сатр эшитинг. Биргина сатр:

«Саҳарда қон тупурсам, майли».

Эшитяпсизми, ўртоқ начальник? Саҳарда ҳамма туриб, партиямиз, дохий Сталин раҳбарлигида шонли социалистик меҳнат фронтига, коммунизм қурилишига отланса-ю, бу акам турволиб қон тупурар эмиш! Нимага тупурасан? Кимга тупурасан? (*Оғзидан тупук сачраб, Катта терговчининг юзига тегади.*) Ие, узр, узр. Кечирим сўрайман. (*Гувоҳ дастрўмоли билан артиб қўяди. катта терговчи нафрат билан қарайди.*)

Катта терговчи. Қўл қўйинг. (*Рухсатномани тутқазиб.*) Боришингиз мумкин. Керак бўлсангиз, чақирамиз.

Гувоҳ. Ҳа, ҳа, албатта.

(*Катта терговчи ёза бошлайди. Гувоҳ қогозларини тахлайди. Қўққисдан дераза очилиб, хонага шамол уради. Қогозлар учиб кетади. Гувоҳ уларни тутиб қолиш учун ташланади, эмаклаб тера бошлайди. Чуқурга қулайди. Аланга кўтарилади.*)

АЛВИДО

Усмон Носир (*ҳолсиз, иситма ичида*).

Онажоним, соғ бўлсанг —
Севинчим менинг.
Ўзим ҳар жойда, дилимда
Меҳринг ўти сенинг.

(*Катта терговчи киради. Ортидан навбатчи кириб, эшик олдига тўхтайд.*)

Навбатчи. Бир кампир сизни кўрмоқчи, ўртоқ начальник.

Катта терговчи. Кирсин. (*Она киради. Қўлида тугун.*) Нима ишингиз бор, кампир?

Она. Мен Усмонжоннинг онаси бўламан.

Катта терговчи. Халқ душманиними?

Она. Жон болам, нега унақа дейсиз? Она сути оғзидан кетмаган гўдак, қандай халқ душмани бўлсин?

Катта терговчи. Ўғлингиз гўдак эмас. Шоир. Усмон Носир!

Она. Ҳа, раҳмат болам.

Катта терговчи. Афсуски партия сиёсатига қарши шеърлар ёзган. Аксилинқилобчи.

Она. Жон ўғлим...

Катта терговчи. Мен сизга «жон ўғлим» эмас, кампир.

Она (*гапани йўқотиб*). Болам...

Катта терговчи. Қанақа «болам»?

Она. Сиз ҳам одам фарзандисиз-ку, ахир...

Катта терговчи. Халқ душмани сизга «фарзанд», кампир.

Она (*муомаладан ранжиб*). Ўғлим халқ душмани эмас. Етим қолган, ўғай ота қўлида ўсган. Партия уни интернатда ўқитди, боқиб вояга етказди.

Катта терговчи. Ана! У эса партияга қарши. Совет ҳукуматига қарши.

Она. Бу гапларни қайдан олдингиз, болам? Қайси ифвогар тўқиди? У партияга бағишлаб шеър ёзган. Мана. (*Тугундан тахланган газета чиқаради.*) Ўқиб кўринг.

Катта терговчи. Менинг шеър ўқишга вақтим йўқ. (*Делоларга ишора қилади.*) Иш кўп. Вақтни олманг, кампир.

Она. Тавба! Шеър ўқимасангиз, Усмонжон нималар ёзганини қаерда биласиз?

Катта терговчи. Ҳали ақл ҳам ўргатмоқчимисиз?

Она. Йўқ, йўқ. Келинг, мен ўқиб бера қолай. Мана, Сталин ҳақидаги шеъри.

Катта терговчи (*«Сталин» сўзини эшитиб, қоматини тиклайди, камарларини тўғрилайди. Онадан газетани олиб, кўз юритади. Жаҳл билан*). Бошни айлантирасиз, кампир. Бу аллақандай Исроил тўғрисида-ку?

Она. Ҳа, доҳий билан кўришган киши-да.

Катта терговчи (*бир оз юмшаб*). Хўш, нима истайсиз?

Она (*севиниб*). Усмонжонни кўрсам, дегандим.

Катта терговчи. Халқ душмани билан дийдорлашув тақиқланган.

Она. Бир мартагина кўрай. Онасиман, ахир.

Катта терговчи. Мумкин эмас. Тушунасизми, йўқми? Тақиқланган.

Она. Бўлмаса қачон чиқарасизлар?

Катта терговчи. Эси жойидами бу кампирни. Буни суд ҳал қилади.

Она (*анграйиб*). Суд?

Катта терговчи. Камида ўн йилга кетади.

Она (*ҳолсизланиб ўтириб қолади*). Ўн йил? Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йигитга-я?

Катта терговчи. Бўлмаса ўн беш йил. Отувга ҳукм қилинмаса ҳам жон денг.

Она (*бир муддат донг қотиб туради. Сўнг жон ҳолат-да*). Бир кўрай. Боламни кўрсат. Бир мартагина кўрай.

Катта терговчи (*хонада асабий юради. Ўтиради. Юқорига ишора қилиб*). Гаплашиб кўриш керак.

Она (*ҳушини йигиб, умидвор*). Гаплашинг, ўғлим, гаплашинг. Бир умр дуонгизни қилиб ўтай.

Катта терговчи. Дуо? (*Тугунга қараб қўяди.*)

Она. Ҳа, у-бу. Озгина овқат. Яна олволинг дейишувди — иссиқ кийим. (*Тугунни ечиб кўрсатади. Эзилиб.*) Болам... касалванд.

Катта терговчи (*бошини сарак-сарак қилиб жойига ўтиради*). Бўлмайди. Сиёсий маҳбуслар билан кўришиш тақиқланган.

Она. Жон, болам. Тушунинг. Ўғлимни қамашди. Нафақамни бермай қўйишди. Ўғай отасини «ўғлингдан кечасан», деб мажбур қилишди, кейин барибир уни ишдан бўшатишди...

Катта терговчи. Қамалиб кетмабди-ку. «Халқ душмани»ни тарбиялагандан кейин.

Она. Кошки тарбиялаган бўлса. Усмонжон шўхрокмиди, сиғдирмаган. Интернатга берган эдик. Мана, худойим энди қанақа кунларни соляпти. Меҳрибонроқ бўлга-

нида, бошимизга бу мусибатлар тушмасмиди? (*Катта терговчи нима қилишни билмай иккиланади.*)

Бор бисотимизни сотиб бўлдик. Ха, айтмоқчи. (*Чўнтагидан тилла сирға чиқаради.*) Тўй қилсам, келин олсам деб асрагандим. (*Аста стол устига қўяди. Кичик терговчи ёзиш билан банд, эътибор қилмайди. Она кутади. Сабр косаси тўлиб.*) Тукқан онангиз хурмати, боламни бир нафасга кўрсатинг.

Катта терговчи. Навбатчи! (*Чиқиб кетади.*)

Она (*безовта. Аланглайди*). Усмонжон! Дийдорингга тўймадим, болам. Сенга меҳр беролмадим. Мушфиқ онангни кечир.

Усмон Носир (*алаҳсирагандай*).

Онам тирик, сенмисан, она?
Кўкрагингга бош қўяй яна.
Кўз ёшини бас қил, йиғлама!..
Дайдиб кетган ўғлингни кечир,
Ичгим келди, меҳрингдан ичир.

Она. Усмоним!

Усмон Носир.

Маст бўлайин чақалоқ каби...
Тўйсин ўғлингнинг ташна лаби.

Она. Куйиб адо бўлдим кўйингда. Ўғилгинам!

Усмон Носир. Онажон!

Она. Болам! Рози бўл, болам!

(*Навбатчи Онани олиб чиқади. Кабинетда чироқ деярли ўчиб, камеранинг деворнинг Чўлпон буюмлар беркитган жойидан нур таралади. Усмон Носир нурга талпинади. Тетиклашади.*)

Чўлпон овози

Менинг йўлларимда чўзилган тоғлар,
Қорга қўйин осган қатор довлар...
Кўзларим йўлларга тикилган чоғлар,
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар!

Усмон Носир

Қорга қўйин осган қатор довонлар,
Сизга қараб туриб кучни чоғладим,
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар,
Юриб ўтаман деб белни боғладим.

Чўлпон ва Усмон Носир

Сизга қараб туриб кучни чоғладим,
Менинг йўлларимда чўзилган тоғлар.
Юриб ўтаман деб белни боғладим,
Кўзларим йўлларга тикилган чоғлар.

Усмон Носир. Қаердасиз, устоз? Шогирдингизни йўқлаганингиз учун ташаккур!

О, у юрак! О, у тилла бош!
Ўлим учун чиққанми эдинг?
Йўқ, биламан, фақат тинч яшаш –
Эркинг учун олишган эдинг!

(Камера ортидан малаклар кириб келади ва Усмон Носир елкасига ёпинғич ёпиб чиқиб кетади. Кабинетда телефон жиринглайди. Катта терговчи шошилиб кириб келиб олади. Важоҳати ўзгара бошлайди.)

Катта терговчи (қалтираб). Есть, ўртоқ начальник. (Телефонни аста қўяди. Шалвираб ўтиради. Шахд билан ўрнидан туради.) Навбатчи!

Навбатчи. Эшитаман, ўртоқ начальник.

Катта терговчи. Махбус ўлиб-нетиб қолмадими? Тирикми?

Навбатчи. Тирик. (Дудуқланиб.) Аксинча, ўзидан ўзи жон кириб, кучайиб кетди.

Катта терговчи (дағдага билан). Ўзидан ўзи-я?

Навбатчи. Йўқ, йўқ, ўртоқ начальник! Мен ҳеч нарса килганим йўқ. Ўлай агар, ҳеч нарса берганим йўқ.

(Катта терговчи важоҳат билан яқинлашади. Навбатчи орқасига тисарилади, чуқурга қулайди. Аланга кўтарилади.)

Катта терговчи. Носиров, сен Чўлпоннинг яширин гуруҳига аъзо бўлганигни тан оласанми?

Усмон Носир. Мавжуд бўлмаган гуруҳга қандай аъзо бўлиш мумкин?

Катта терговчи. Саволга жавоб бер. Мавжуд бўлмаганини қаердан биласан?

Усмон Носир. Чўлпон сиёсатчи эмас, шоир, ижодкор.

Катта терговчи. Сен унинг шогирди эканлигиндан тонмассан?

Усмон Носир. Чўлпоннинг шогирди бўлганимдан фахрланаман.

Катта терговчи. Демак, сен унинг Туркистонни мустақил қилишни мақсад қилган яширин гуруҳига аъзо бўлгансан.

Усмон Носир. Чўлпон Туркистонни, Ўзбекистонни мустақил кўришни орзу қилган, аммо яширин иш тутмаган, ўз ғояларини баралла куйлаган.

Катта терговчи. Сен Чўлпонни ҳимоя қилма. У энди сенинг ҳимоянгга муҳтож эмас. Ўзингни ўйла.

Усмон Носир. Агар мен Чўлпонни ҳимоя қила олсам, кўксимни туриб беришга тайёрман.

Катта терговчи. Шунақами? Мана бунга қўл қўй бўлмаса. (*Қогоз тутади.*)

Усмон Носир (*ўқийди. Фижимлаб Катта терговчининг юзига отади*). Тухмат бу. Бунақа қоғозга қўл қўйиш эмас, уни ушлашга ҳам ҳазар қиламан.

Катта терговчи (*истеҳзо билан*). Шунақами? (*Бошқа қоғоз чиқаради*). Хўш, мана бунга нима дейсан?

Усмон Носир (*ўқийди. Фазаб билан*). Фирт ёлғон. Нега имзоси йўқ? Ким ёзган?

Катта терговчи. Имзоси бошқа нусхада. Мана: бир, икки, уч, ... Ҳужжат бу. У сенинг айбдор эканлигингни тўла тасдиқлайди, Носиров.

Усмон Носир. Бўхтон. Уюштирилган. Юзма-юз қилишингизни талаб қиламан?

Катта терговчи Юзма-юз? (*Кулади.*) Бўласиз юзма-юз. 40—50 йиллардан сўнг. Ҳозирча эса зерикмаслик учун ўрмонда қарағай кесиб турасиз.

(Камерани қулфлайди. Паровоз чинқириги эшитилади. Камера тебрана бошлайди. Вагон гилдиракларининг тақиллаган овози аста тезлаша бошлайди. Усмон Носир панжарани чангаллаб, пичирлаб шеър ўқийди. Тебраниш кучаяди, гилдирак товуши билан бир маромда давом этади. Кескин ва қаттиқ тебраниш. Девордаги харита кўчиб, бўлакларга бўлиниб тушади. Бир неча бўлаги кичик терговчига тегади. У бошини чангаллаб гандираклайди. Чуқурга қулайди. Аланга кўтарилади. У ўчганда тебраниш тўхтаган. Шамол увиллайди. Усмон Носир полда ҳолсиз ётибди. Устига қор ёғмоқда.

Малаклар кириб келади. Қорни очиб, Усмон Носирни қўлидан тутиб турғизишади. Аста юқорига кўтариб олиб чиқиб кетишади.)

Усмон Носир

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчим тошди қирғокдан.
Тилим чарчар, ажаб гохи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй, сен — ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тириксан, куйла борингни.

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен.
Ёрил! Майли тамом ўлсам.

ДУГОҲИ ҲУСАЙНИЙ

(Драма-версия)

Саҳна тўрида суна.

Шамъ ёругида ШАЙХ тиловат қилиб ўтиради.

Саҳнанинг ўнг томони ёришади. Шинам ҳовли.

Алишер Навоий айвонда бир ёзиб, бир танбур чертиб шеърни куйга солмоқда. ГУЛИ оҳиста киради. Қўлида тугунча. Бир четга қўйиб кузатади. Беихтиёр жўр бўла бошлайди.

Алишер Навоий (*таажжуб билан*). Гули?

Гули. Ассалому алайкум, бегим.

Алишер Навоий (*хуш кайфиятда*). Ваалайкум асса-лом. Хуш келибсен.

Гули. Онам нонушта олиб чиқишимни буюриб эдилар.

Алишер Навоий. Саломат бўлсинлар. Келганингни пайқамай қолибмен. Лекин... (*Гина билан.*) ташрифдин мурод шугинами?

Гули. Кимнинг шеърига куй басталаганингизни айтсангиз, мен жавоб берурмен.

Алишер Навоий. Кимнинг шеъри эркан, топиб боқчи?

Гули. Сизникига ўхшайди-ю...

Алишер Навоий. Хўш?

Гули. Муалифайн мухаммас бўлса керак.

Алишер Навоий. Топдинг! Дўстим Мирзо Ҳусайнга бир фазал юбориб эрдим, тахмис боғлаб қайтарибди, ажаб чиқибдур. Куйга ҳам равон тушмақда.

Гули. Дугоҳ йўлида, лекин янғича тарона.

Алишер Навоий. «Дугоҳ Ҳусайний». Сенга макбулми?

Гули. Илоҳи! Бегимни саломат қил!

Алишер Навоий (*Мамнун*). Куйлаб берурмисен?

Гули. Сиздан уялурмен. Машқ билан маромига етказсам.

Алишер Навоий. Сен каби овоз соҳиби бутун Хуросонда борму ё йўқму, маромига етказиш нимаси?

Гули. Ҳаддин зиёд муболоға қилурсиз.

Алишер Навоий (*меҳр билан*). Сен ҳар қанча муболоғага муносибдурсен.

Гули. Саховатингиз учун ташаккур, бегим.

Алишер Навоий. Энг яхши ташаккур — илтимосни қондириш. (*Алишер Навоий соз чалади, Гули қўлёзмани олиб куйлайди.*)

Лаъли жонбахшиндин айру оби ҳайвонни нетай?

Ҳардам ар юз жон берур, жононасиз жонни нетай?

Гар эмас манзур юзинг, ҳур бирла филмонни нетай?

Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай?

Бошима гар гул сочар, сенсиз гулафшонни нетай?

То айирди мендин ул маҳвашни чархи кажниход,

Эй Хусайний, телба кўнглум бўлмади бир лаҳза шод,

Оқибат чун топмадим ул шўх васлидин мурод.

Ёрдин айру бузуғ кўнглумга қилдим хайрбод,

Эй Навоий, уйла ганж ўлмай чу вайронни нетай?

Алишер Навоий. Офарин.

Гули. Мирзо Хусайн туркийда газалнавис эканликларини кўп эшитиб эдим. Бу қадар моҳир эканликларин энди билурмен.

Алишер Навоий. Пардани анча баланд олмоқ лозим, Гули! Мавлоно Лутфийни демасалар, букун туркийда ҳеч ким Хусайнийдек ашъор бита олмас.

Гули (*гина билан*). Навоий-чи?

Алишер Навоий. Аслин олганда, Навоий бу борада Хусайнийга шогирддур.

Гули. Энди ҳам муболоға, ҳам камтарлик қилмоқдасиз.

Алишер Навоий. Йўқ, Гули. Ул амирзода кўп вақт баҳодирлик машқи билан ўтказур. Навкарлари, асосан, Туркистон заминининг турли қасабасидиндур. Машқ орасинда ҳордиқ чоғида бири Гўрўғлидин дoston айтур, яна бири «Туркий Шохнома» деюрлар, ҳазрати Юсуф Болосоғунийнинг «Қутадғу билиг»ин, бошқаси шайх ул-ма-

шойих Яссавийдин ҳикматлар ўқур. Давра қуриб, лапару ялла куйларлар. Фарғона навоҳисидин бўлганлари аския қилурларким, нозук сўз санъатидур. Ҳусайний ўткир зехнию нозук таъби ила аларнинг лаҳжаларин ўрганур. Шунинг учун бугун турк шуаросидин ҳеч ким бу тилни Ҳусайн Бойқарочалик билмас. Боз устига туркийнинг назмдаги имкониятларини форсийдан юқори кўюр. Мени она тилимизда ижод қилишга ундаб келадур. Ўзи ҳам намуна кўрсатадур.

Гули (*қизиқсиниб*). Сиз таърифлагандек ашъоридан ўқиб берурмисиз?

Алишер Навоий. Мана, қулоқ тут:

Оҳким, ҳижрон ўтидин куйди жоним ўзга навъ,
Ўртади офоқни ўтлуқ фигоним ўзга навъ.

Бу радиф Ҳусайнийнинг ихтиросидур. На форсий, на туркийдаги бирор девонда учрамас. Туркий ғазалнавислар эса, умуман, «айн» харфига шеър битиб, девонга киритмаслар.

Гули. Ажаб ўзга навъ байт чиқмиш.

Алишер Навоий. Балли. Мен ҳам бағоят таъсирланиб, татаббу боғлашдин ўзни тиялмаганмен. Энди бошқа машҳур ғазалининг матлаъсин ўқуйун. У ёр васлидин айру ошиқ кайфияти бобидадур. Аввало айт-чи, Гули, ўз маъшуқаи манзурасини кўра олмайдурган ошиқ не қиладур?

Гули. Айрилиқдин шикоят.

Алишер Навоий. Яна?

Гули. Ҳижрон ғамида ўртанур.

Алишер Навоий. Андин сўнг?

Гули. Ул бераҳмдин зор этур, ё фалакдин дод этур.

Алишер Навоий. Дуруст. Дарвоқе, сен нечун шеър машқ қилмайдурсен? (*Гули уялиб ерга боқади.*) Яна?

Гули. Васлининг орзусида уммид ила илтижо.

Алишер Навоий. Офарин, Гули. Мен ҳам сен каби жавоб айтган бўлур эдим. Дўстим эса «қирқ кунлик курук ибодатдин бир кун солих амал афзал» ойини бирлан демишки:

Бир нафас ул ойни кўрмак чун эмасдур дастрас,
Они кўрган ерни, ваҳ, бориб кўройин бир нафас.

Гули. Бағоят гўзал! Тасанно бегимнинг амирзода шоир дўстига. Маъзур тутсинлар, лекин мен учун барибир Навоий назм оламида беназирдур. Шу боис Хусайний газалига татабуни дариф тутмасинлар.

Алишер Навоий

Ул парий ҳар дам килур мажнунларин шод ўзга навъ,
Лек этар мен телбага ҳар лаҳза бедод ўзга навъ.

Гули. Қайси пари ҳақида экан бу байт?

Алишер Навоий. Ким эканлиги номаълум бўлмаса керак?

Гули (*қизариб*). Тухмат бўлмасун тагин, деб кўрқамен.

Алишер Навоий. Таслим, Гули, таслим. Лекин изоҳим йўқ эрмас.

Гули. Муштоқмен.

Алишер Навоий

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чикдиму чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.

Гули

Оразидек ойдин эрконда гар этди эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлфонда қоронғу келмади.

Алишер Навоий

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса борму, ким анга кўрганда қулғу келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам
Йўлгаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.

Алишер Навоий ва Гули

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт қўнгил уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

Гули (*ўпкалагансимон*). Ажаб бўлмиш, хўб бўлмиш.
Аввалги кун келсам, улфатларингиз билан майпараст-
ликка кетмишсиз.

Алишер Навоий (*кулиб*). Майпарастликка эмас, байт-
парастликка. Огоҳ этмабмидим?

Гули. Яна форсий билан туркий назм мунозараси
бўлибди-да.

Алишер Навоий. Улуғ тоғойим ҳам ҳозир эрдилар.

Гули. Келиб, барча тафсилотин сўйлаб бердилар. «Сип-
қормоқ» сўзи билан харифларингизни мот этмишсиз.

Алишер Навоий. Майни сипқориб кўрсатишга тўғри,
келганини айтмайсанму!

Гули. Ишонмасмен.

Алишер Навоий. Албатта. Гулоб билан.

Гули. Сиз лабингиздан май томиб қайтган бўлсангиз,
отам оғзидин бол томиб келдилар. Сиз билан жуда фахр-
ланурлар.

Алишер Навоий. Тоғойим ҳам чакки эмаслар. «Ёза-
сиз» тажниси билан туюқ айтиб, барчанинг бармоғин
тишлатдилар.

Гули. Кейин сиз «Бормоғин» калимасига туюқ боғ-
лаб, аларнинг бармоғин тишлатмишсиз.

Алишер Навоий (*бир нима эсга тушгандай*). Тоғо-
йим билан гурунглашиб қайтдик. Сенинг қилич билан
машғул бўлаётганингни айтиб, таажжуб билдирдилар?

Гули (*қизариб*). Ҳазрати Соҳибқироннинг завжалари
Туман оқа қиличбозликда моҳир бўлган эканлар, икки
қўлда икки қилич билан от ўйнатиб жангга ҳам кирар
эканлар. Машқ тарзида қилич рақсин ихтиро этмишлар.
Бобом ҳикоя қилиб эрди. Туман оқага хавас қилдим.

(*Алишер Навоий меҳр билан яқин келиб, бағрига
босмоқчи бўлади. Гули уялиб ўзини тортади.*)

Алишер Навоий

Кел-эй, зақанинг тутиб, сақофингдин ўпай,
Кўз-қошингга суртибон қабофингдин ўпай.
Гулдек юзунг ислабон дудофингдин ўпай,
Йўқ, йўқ, йўқ, десанг агар (*Тиз чўкиб.*)
аёфингдин ўпай.

Гули (*ҳаяжонда*). Бегим! (*Туришга ундаб у ҳам чўкади.*)

Алишер Навоий. Гули! Онамнинг йилини ўтказиб олғоч, тўйимизни қилурмиз. (*Қўлларини ушлашиб турадилар.*)

Гули. Худо хоҳласа. Ҳали сепларимни тўлдиришим керак.

Алишер Навоий. Сепга на ҳожат?

Хуштур бўлсак иковла ҳамдам сену мен,
Бир-бирга десак, етушса хар ғам сену мен.

Алишер Навоий ва Гули

Бўлсак бор, эсак умрбод маҳрам сену мен,
Қамишзор аро бўлса ватан ҳам, сену мен.

Гули. Энди мен борай, бегим.

Алишер Навоий. Қол, Гули! Ахир шаръий никоҳда-дурмиз. (*Гулини қучади. Чироқ ўчади.*)

(*Чироқ ёнади. Навоий ёлғиз. Танбурни қўлига олади. Ҳусайн Бойқаро кириб келади. Сафар кийимида. Ортидан Паҳлавон Муҳаммад. Унинг қуролланган шикси эшик олдида тўхтайд.*)

Ҳусайн Бойқаро. Ассалому алайкум, дўстим қадримим!

Алишер Навоий. Ваайлайкум ассалом, ҳабиби вафодорим! (*Айвонга ўтирадилар. Паҳлавон Муҳаммад Фотиҳа тиловат қилади.*) Мухаммас учун ташаккур. Фиштин ғазалга кошин тахмис бўлубдур. (*Ҳусайн Бойқаро*

сукут сақлайди. Навоий тушунмайди.) Бугун кайфиятинг суст кўринадур?

Хусайн Бойқаро. Маъзур, дўстим. Мавруди эмас.

Алишер Навоий. Тинчликми?

Хусайн Бойқаро. Сену менга хомийлик қилиб келган Мирзо Абул Қосим Бобур Машҳадда қазо қилмиш.

Алишер Навоий. Эвоҳ! Маърифатли темурийзодалардин эрди. Оллоҳ раҳмат қилсун.

Шайх. Омин! *(Юзга фотиҳа тортишади. Бир неча сония сукут сақлашади.)*

Алишер Навоий. Ворис ким экан?

Хусайн Бойқаро. Ворис йўқ. Мирзо Абу Саид Хурсонни ҳам Мовароуннахрга кўшиб, Соҳибқирон давлатини тиклаш ниятида эмиш.

Алишер Навоий. Бу-ку, маъқул. Аммо у Соҳибқирондек адолатли бўла олурми?

Хусайн Бойқаро. Ҳамма гап шунда-да. У золим, ўчкор феъли билан яхши маълум. Раҳматли Абул Қосим Мирзога қаттиқ кеки бор эрди.

Алишер Навоий. Билурмен.

Хусайн Бойқаро. Абу Саид унинг хизматида бўлганларни таъқиб этажагига шубҳам йўқ, Алишер.

Алишер Навоий *(ўйчан).* Нечукким хазрати Соҳибқирон вафотидин темурийзодалар ул зотнинг васиятларига амал қилмай бошладилар. Ҳар хукмдор алмашуви тўс-тўполон билан содир бўлур. Юртга вайроналик, раиятга жафо келтирмай, салтанатга ворислик шариатга мувофиқ ҳал этилса бўлмасму? Токай бу жафокаш юрт бир юксалиб, бир таназулга юз тута беради?

Хусайн Бойқаро. Сўзларинг аччиқ, аммо айни ҳақиқат.

Алишер Навоий. Темурийзодалар бу хусусда ўйлаб кўрмаклари, бир қурултой чақириб, низом тузмаклари лозим кўринадур.

Хусайн Бойқаро. Мирзо Абу Саиднинг бу ишга бош кўшишидан умид йўқ. Мен кўп ўйладим. Устозим амир Музаффар Барлос ила кенгашдик. Насиб бўлса, Амир Темур давлатининг шавкатини тиклашни ният қилурмен.

Алишер Навоий. Оллоҳ мададкор бўлсун, дўстим. Хуросон тахтига Абу Саид кимни ҳоким этмакчи, хабар топдингми?

Ҳусайн Бойқаро. Пойтахтни Ҳиротга кўчириш мақсадида ўзи юриш бошламиш.

Алишер Навоий. Наҳот? Соҳибқирон давлатининг пойтахти Самарқанд эди-ку?

Ҳусайн Бойқаро. Абу Саид Мовароуннаҳр қонини сўриб тугатган чиқарки, Хуросон қўл чўзмокда.

Алишер Навоий (*бир оз ўйланиб*). Сенинг бу ерда қолмоғинг хатарли туюладур.

Ҳусайн Бойқаро. Мен ҳам шу фикрдамен. Алалхусус, сен билан хайрлашмоқ учун келдим.

Алишер Навоий (*бир оз тараддудланади. Сўнг қатъий*). Англадим. Ортиқ тафсилотга ҳожат йўқ. Мен сенинг ёнингда борурмен.

Ҳусайн Бойқаро (*миннатдор*). Бу-ку мен учун саодат бўлғай эди. Лекин тақдири азал нималарни раво кўражак, мени қандай сарсонлик-саргардонлик, балки бало-қазолар кутажак — номаълум. Шу боис мен сенинг ҳаётингни хавфу хатарга қўя олмасмен.

Алишер Навоий. Айнан хавфу хатарли пайтлари гўдакликда эмакдош, болаликда мактабдош, йигитликда қуролдош бўлган дўстим ёнида турмасам, нима деган одам бўлурмен?

Ҳусайн Бойқаро (*юзи ёришади*). Сендек дўст ато этгани учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Лекин сен каби иқтидор соҳибини авайламоқ менинг бурчимдир. Бу — кўп ўйланган қароримки, эътироз қилмаслигингни ўтинамен.

Алишер Навоий. Абу Саид келгудай бўлса, менга ҳам омонлик бермас. Ахир, Абул Қосим Бобур хизматида бўлгонмен. Барибир чақурлар.

Ҳусайн Бойқаро. Абу Саид бунга — Навоийдек ажабу арабга машхур шоирга тажовуз қилишга ботинолма-са керак. Лекин ҳар эҳтимолга қарши, сенинг эски қалдронинг ва мухлисинг, энг садоқатли ва мард пахлавонларимиздан Муҳаммад Гуштигирни иниси билан тайин этмакдамен. (*Улар қуллуқ қиладилар.*) Бирини кўз бўлса, бирини кулоқ бўлғай. Оғаси қалқон бўлса, иниси —

қилич. Мабодо хавф туғилса, сени Балхга олиб кетурлар, зарур бўлса, Ҳисорга яширгайлар. Абу Саиднинг у ерга қўли етмас.

Алишер Навоий (*кўнгли бузилади. Ҳусайн Бойқарони қучади*). Сени кўрмак истасам, қандай хабар топурамен?

Ҳусайн Бойқаро. Бу хусусда ташвиш чекма — менинг зиммамда бўлмай. Фақат бир илитимосим бордур. (*Кўлини узатади, Паҳлавон Муҳаммад қаламдон ва дово тутади.*) Бу улуғ бобом Амир Темурдин бизнинг хонадонга мерос. Сенга ҳадя этгум, токи амир Соҳибқирон руҳи сени қўлласун, ижодингга барака келтурсун.

Алишер Навоий. Шошма, дўстим. (*Девордаги қилични олади.*) Раҳматли отамнинг қиличи. Аларнинг жуссаси кичикроқ бўлгани учун Дамашқда махсус ясаптириб келган эканлар. Асил пўлатдин, қаламдай енгил, аммо бир энлик темирни йиғочдай кесиб ўтадур. Кичкина Баходур номин шу қилич туфайли забт этмиш эрди. Сенга омад келтирсун. (*Яна қучоқлашиб, хайрлашадилар.*)

(*Саҳнанинг ўнг томони қоронгулашиб, чап томони ёришади. Сарой. Абу Саид тахтда. Вазир Хўжа Афзалуддин киради.*)

Абу Саид. Нима янгилик?

Хўжа Афзалуддин. Бир қошиқ қонимдин кечишингизни ўтинамен.

Абу Саид (*хушламай*). Нечанчи бор?

Хўжа Афзалуддин. Мансаб тақозосидур, шоҳим.

Абу Саид. Сўйланг.

Хўжа Афзалуддин. Мирзо Ҳусайн Астрободни илгига олибдур.

Абу Саид (*важоҳат билан туради*). Бу бало яна қайдин чикди?

Хўжа Афзалуддин. Кутвол қочиб келган.

Абу Саид. Нега жанг қилмабди? Ёш гўдакдин мудофаа этмабди?

Хўжа Афзалуддин. Кутвол иш юритувидин жабрланган халқ Мирзо Ҳусайн томонида бўлган.

Абу Саид. Кутвол дорга тортилсин.

Хўжа Афзалуддин. Бош устига. (*Чиқмайди.*)

Абу Саид. Яна нима гап?

Хўжа Афзалуддин. Кутволни осган билан иш битмас. Мирзо Хусайн билан музокарага киришмоқ лозим туюладур.

Абу Саид. Исёнчи биланми?

Хўжа Афзалуддин. Мирзо исёнчи эрмас.

Абу Саид. Бу исён бўлмай нима?

Хўжа Афзалуддин. Исён Астрободда эмас, Марвда кўтариляпти. Хуфиялар хабарига қараганда шаҳар кайвонилари Мирзо Хусайнни таклиф этганлар.

Абу Саид. Нонкўрлар. Марвдин Хиротга бир қадамку. Дарҳол чора кўрилсин.

Хўжа Афзалуддин. Буюринг, шоҳим.

Абу Саид. Шаҳар Хусайннинг айғоқчиларидан тозалансин.

Хўжа Афзалуддин. Бунинг тадориги кўрилмакда.

Абу Саид. Шубҳали кишиларнинг барчаси тутиб, йўқ қилинсин. Дарвоқе, Хусайн Мирзо Абулқосим Бобур тарбиясин олган, шундайми? (*Хўжа Афзалуддин бош силкийди.*) Кимда-ким Абулқосим Бобурдин эътибор топган бўлса, дарҳол зиндонбанд этилсин.

Хўжа Афзалуддин. Фақат, шоҳим...

Абу Саид. Нима фақат?

Хўжа Афзалуддин. Абулқосим Бобур саройида хизмат ўтаган Алишер Гиёсуддин Баходур ўғли Машҳаддин келиб, салтанатингиз пойтахтида хизмат қилмоқда.

Абу Саид. Навой! Хабарим бор. У Мирзо Хусайннинг қалин дўсти. Балки жосусидир. Ҳибсга олинсин!

Хўжа Афзалуддин. Шоҳим, бундай тадорикка ҳожат борми?

Абу Саид (*заҳарханда қилиб*). Нима? Ҳибсга олиш хунарин унутдингизми?

Хўжа Афзалуддин. Алишербек Хуросоннинг ~~обрули~~ хонадонидан. Аждодларининг темурий султонларга хизмати кўп сингган.

Абу Саид (*қовоғини уйиб*). Жумладан, Абулқосим Бобурга.

Хўжа Афзалуддин. Бугун у шоир сифатида бутун

Хуросонда маълумдир. Шарафуддин Али Яздий, шайх Камол Турбатий, мавлоно Лутфий дуоларини олмиш. Йигирма яшарлигида девон битганким, эл орасинда машхур.

Абу Саид. Демак, бир шоирга етгулик ишни адо этиб бўлибди, ижодини якунласа ҳам бўлар экан.

Хўжа Афзалуддин (сесканиб). Шоҳим, Навоий шоиргина эмас, замонанинг фозил илм соҳибларидин. Машхад мадрасасин ўн йил ўрнига уч йилда тамомламиш.

Абу Саид (тоқати тоқ бўлиб). Мадрасада жосусликни ҳам ўргатмишларми?

Хўжа Афзалуддин. Бу ҳали исботланган эмас, шоҳим, шунчаки бир тахминдур.

Абу Саид. Сиз далилини топгунча кеч бўлса-чи? Навоий ўрнига сизнинг бошингизни олишга тўғри келмасми деб кўрқамен. (*Хўжа Афзалуддин сукутда.*) Сўйлангиз мум тишламай, не чора кўрмак ниятидасиз.

Хўжа Афзалуддин. Амирлар билан маслаҳатлашилди. Бир тадбир тавсия этилур.

Абу Саид. Баён этинг.

Хўжа Афзалуддин. Навоийни саройга таклиф этмак.

Абу Саид (норози). Мирзо Хусайн жосусини саройга олишдин не суду, не мақсад?

Хўжа Афзалуддин (ўзини босиб). Доим назоратингиз остида бўлғай, салтанатингиз обрўсига обрў қўшилғай. Зарур бўлса, элчиликка юборилмоғи мумкин.

Абу Саид (ўйланади. Ўрнидан туриб Хўжа Афзалуддинга яқинлашади).

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо
Ки, ўтлар сочар қаҳри хангомида.
Анинг коми била тириклик эрур
Маош айламак аждаҳо комида.

(*Важоҳат билан.*) Бу мисраларни ким битган?

Хўжа Афзалуддин. Узр, шоҳим...

Абу Саид. Шунча каллага бошқа тузукроқ фикр келмабди-да? Балки ўрнингизни бошқага бўшатиб бергайсиз?

Хўжа Афзалуддин (ранжиб). Бунинг орзусида юр-

ганлар кўп, шоҳим. Алардин бири Навоийни тириклайин кўмишни маслаҳат қиладур.

Абу Саид. Тушунмадим. Ким?

Хўжа Афзалуддин. Амир Низомулмулк.

Абу Саид (*мудаббирга*). Чақиринг. (*Низомулмулк кириб, чуқур таъзим қилади.*) Амир! (*Тиржайиб.*) Навоийни тириклай кўммоқчи эмишсиз.

Низомулмулк. Алишербекнинг кичик тоғойиси Ғарибий Мирзо Хусайнга жуда яқин. Шуни баҳона қилиб, катта тоғойиси Кобулий ҳибсга олинса, сўнг Навоийни Мирзо Хусайн хузурига...

Абу Саид. Кобулий?

Низомулмулк. Навоийга айна пайтда қайнота ҳам бўлур.

Абу Саид. Билурмен. (*Кўлида узугини ўйнаб.*) Қатл этилсин!

Низомулмулк (*ишнинг бу йўсинга бурилишидан саросимада*). Шоҳим, шоҳим...

Хўжа Афзалуддин. Ўтинамен, бошқа чора кўрайлик.

Абу Саид (*жаҳл билан қўлини силтаб*). Кўлимни қайтарманг. Кобулий қатл этилиши шарт.

Хўжа Афзалуддин. Навоийни ўзимизга рақиб қилиб олурмиз, шоҳим.

Абу Саид. Дарҳол, эртадан кечикмай Хиротдин ихрож қилинсин.

Низомулмулк. Мол-мулки...

Абу Саид. Айна муддао. Мусодара этилсин.

Хўжа Афзалуддин. Шундан сўнг ўзи ҳам Хиротни ташлаб кетса керак.

Абу Саид (*Хўжа Афзалуддинга, кесатиб*). Хусайн Бойқаро хузуригами? (*Низомулмулкка.*) Йўл кўйилмасин. Қаерга борса ҳам доим кузатув остида бўлсин.

Низомулмулк. Хўп бўлади, олампаҳоқ.

Абу Саид (*хўжа Афзалуддинга*). Дарҳол хирож тўплашга киришинг, вазири аъзам. Кўшин тўпламоқ. Марв билан Астрободга юриш бошлаш лозим.

Хўжа Афзалуддин. Бу йилнинг ҳосилидин икки марта хирож йиғилди. Янгисин раият кўтара олмас, шоҳим.

Абу Саид (*газаб билан*). Яна раият. Бас, етар. Бу

тадбирни ҳам Низомулмулкка топширгаймен. (*Кўзини қисиб.*) Лекин хирож ҳам, Кобулийнинг қатлию Навоийни Ҳиротдан қувиш ҳам сиздан чиққан, дея хабар тарқатурбиз. Ўзингизни бугундан эътиборан Марв қалъасига кутвол этиб тайинладим. Токи химоя қилмасангиз, Хусайн дўстлари учун сизнинг терингизни шилсин.

Хўжа Афзалуддин. Шоҳим!

Абу Саид. Гап тамом, ҳозир жўнашингиз мумкин. (*Хўжа Афзалуддин чиқади. Низомулмулкка.*) Амир!

Низомулмулк. Амрингизга мунтазирмен, шоҳим.

Абу Саид. Сизни амир Афзалуддин ўрнига тайин этиш фикрига не дерсиз?

Низомулмулк (*чуқур таъзим билан*). Ўла-ўлгунча итдай сидқ ила хизматингизни қилгаймен.

Абу Саид (*кўзларини қисиб*). Навоийни уйланган дедингз, фарзандлари борми?

Низомулмулк. Йўқ, тўйлари ҳали бўлмаган, онаси вафот этиб, колдирилган.

Абу Саид. Кобулийни қайнотаси дедингиз-ку?

Низомулмулк. Фотиҳа тўйи ўтказилиб, никоҳлари ўқитилган, олампаноҳ.

Абу Саид. Бу тафсилотларни қаердан билурсиз?

Низомулмулк. Қадрдон... ҳа, танишлигимиз бор.

Абу Саид. Дўстим, денг?.

Низомулмулк (*хавотир билан*). Шунчаки, шоҳим, шунчаки.

Абу Саид. Қаллиғи гўзалми?

Низомулмулк. Би-било-олмадим, шоҳим.

Абу Саид. Чайналмай тўғриси айтинг.

Низомулмулк. Ноёб овоз соҳибаси, рақсга ҳам мохира деюрлар.

Абу Саид. Ҳарамга келтириш чорасини кўринг.

Низомулмулк (*саросимада*). Шо-оҳим, шариат ула молари норози бўлишлари... му-ум-кин.

Абу Саид (*тиржайиб*). Бошқа бир амирга буюринг, у ҳарамга олсин. Сўнг уни бу қилмиши учун ясоққа тортинг-да, мол-мулкани ҳарам билан қўшиб мусодара этинг.

Низомулмулк. Бош устига, шоҳим.

Абу Саид. Салтанат катта маблағга муҳтож. Дарҳол янги хирож йиғмоққа киришинг. (*Низомулмулк таъзим*

қилади.) Мудаббир! Амир Низомулмулкка вазирлик рутбаси кийдирилсун.

(Чироқ ўчиб, саҳнанинг ўнг томони — дастлабки саҳна ёришади. Алишер Навоий дарвозадан киради. Эшик олдига соқчилар.)

Алишер Навоий. Ё, Оллоҳ! Бу не ҳол? Фақир дарвозасида соқчилар! *(Уйдаги ҳолатни кўриб, таажжуби ошади. Уй ичидан Низомулмулк чиқиб келади.)* Амир? *(Унинг устида вазирлик рутбасини кўриб ҳайрон бўлади.)*

Низомулмулк. Начора, Алишербек. Мирзо Абу Саид... амри билан молу мулкингиз ва уй-жойингиз хазина фойдасига мусодара этилган.

Алишер Навоий. Не сабабдин? Қайси айбим учун?

Низомулмулк. Буёғи менга қоронғу. Тахминимча, Мирзо Абулқосим Бобур хизматида бўлғонингиз сабабидиндур.

Алишер Навоий. Темурийлар хонадонига хизмат қилиш жинойт саналур эканми?

Низомулмулк. Мирзо Хусайн Бойқаро билан яқинлигингиз учун ҳам. Ўзингизга маълум — у Мирзо Абу Саидга ғаюрлик йўлига кирмиш.

Алишер Навоий. Рақибларига илтифот кўрсатиб, дўстга айлантириш — Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг васияти эмасму?

Низомулмулк. Мирзо Абу Саид... ҳеч кимнинг дўстлигига муҳтож эмаслар.

Алишер Навоий. Хўб бахтиёр экан Мирзо Абу Саид. Уй-жойимдин махрум этгач, қаерда истиқомат қилишимни тайинлаган бўлсалар керак?

Низомулмулк. Бу ўзингизга боғлиқдур. Фақат бир кун ичида Ҳиротни тарк этмоғингиз лозим.

Алишер Навоий. Бу яна қандай бедодлик? Бир кун ичида қандай қилиб Ҳиротни ташлаб чиқиб кета оларайми?

Низомулмулк. Алишербек, дўстим. *(Овозини пасайтириб.)* Султон Абу Саид дарҳол ихрож қилишни буюриб эдилар. Азбаройи сизга хурматимдин бир кунга кечиктирмакни зиммамга олдим.

Алишер Навоий. Илтифот учун ташаккур. Лекин аҳамиятини кўрмайдурмен.

Низомулмулк. Таассуф, зарурат.

Алишер Навоий. Ажабо, бир кун қолмоғимнинг нима зарурати бор эркан?

Низомулмулк. Ҳали хабар топмағон кўринасиз...

Алишер Навоий (*хавотир билан*). Қайси хабардин?

Низомулмулк. Бардам бўлинг, Алишер!

Алишер Навоий. Очқроқ сўзлангиз, амир!

Низомулмулк (*ийглагансимон*). Тоғойингиз Мирсаид Кобулийнинг жоназасини ўтказиб кетмоғингиз учун.

Алишер Навоий (*ҳангу манг*). Тоғойим? Жоназа?

Низомулмулк. Ўзингизни босинг, дўстим. У киши шоҳимиз фармони билан бугун қатл этилган.

Алишер Навоий. Ё, фалак!

(Мотамсаро куй. Саҳнага иккита тобут кўтариб кирадилар. Олдинда Паҳлавон Муҳаммад. Келиб, Навоийни қучади. Низомулмулк навкарлари билан секин чиқиб кетади.)

Паҳлавон Муҳаммад. Алишер. Жигарбандим! Тоғойингизга шаҳидлик қонини ичирдилар.

Алишер Навоий. Бу нима бедодлик?

Паҳлавон Муҳаммад. Замон шундоқ экан, азизим. Инсоннинг туфроғчалик қадри йўқ экан.

Алишер Навоий. Отам ўрнимда ота бўлган тоғойим!

Паҳлавон Муҳаммад. Бардам бўлинг! Такдири азалга бўйин сунмакдин ўзга чорамиз йўқ.

Алишер Навоий (*кўзи иккинчи аёл тобутига тушиб, унга томон қадам босади. Паҳлавон Муҳаммадга савол назари билан қарайди. У кўзини олиб қочади. Эзилиб ерга боқади. Навоий ҳайқирган товуш билан*). Сўйлангиз!

Паҳлавон Муҳаммад. Бардам бўлинг, Алишер! (*Уни авайлагандек суюмоқчи бўлади.*)

Алишер Навоий. Нечун жимсиз? (*Исёнкорона.*) Бу чархи кажрафтор менга яна не тухфа хозирламиш?

Паҳлавон Муҳаммад. Иложимиз қанча? Мирсаид Кобулий хонадонининг гули золимлар кўлида қурбон бўлмиш.

Алишер Навоий. Ҳайхот!

Паҳлавон Муҳаммад. Разил амирлардан бири Гулини ўғирлашни буюрибди. Гули уйда ёлғиз эркан. Қўлига қилич тутиб, йигитлардек ўзини ҳимоя қилибди. Фосиқларнинг биридин падари ва ўзининг хунини олиб улгурмиш, аммо ўзи ҳам шаҳид бўлмиш. (*Ўзини тиёлмай.*) Уйингизни мусодара қилмоқ учун келганларида мен гофил сизни излаб кетиб эдим. Келсам... Пок хонадоннинг пок кизи эрди, Тангри ҳузурига ҳам номусини сақлаб кетди. Ота-боланинг жойи жаннатда бўлсун.

(Шайх тиловат қилади. Тобутларни кўтарадилар ва олиб чиқадилар. Куй. Алишер Навоий қайтади. Ортидан Паҳлавон Муҳаммад ва иниси.)

Алишер Навоий

Бераҳмдурур оламу золим афлок,
Бемехрдурур анжуму даврон бебок.

Паҳлавон Муҳаммад. Сабр, Алишер, сабр. Иймонли йигитдурсиз, ўзингизни қўлга олинг, жигарим!

Алишер Навоий

Йўқ даҳрла бесару сомон мендек,
Ўз холига саргаштаю ҳайрон мендек,
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону аломон мендек.

Паҳлавон Муҳаммад. Алишер! (*У ўзида йўқ. Эшикни майди.*) Не қилсам экан? Бу золим Абу Саиддин яна де хиёнат у разолатларни кутмоқ мумкин? Алишернинг сикхатидин хавотирдамен. Бу ердин зудлик билан кетилмас бўлмас. Йўл тадоригини кўрмоқ лозим. Алишер, ўти-намен, ўзингизни қўлга олинг. (*Инисига нималарнидир тайинлаб, чиқади.*)

Алишер Навоий

Ким бўлса бу мотамкададек олам аро,
Сайр айласа ғамсириштлик одам аро,
Ғар одам эрур бўлса, керакдур ғам аро,
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

Шайх (*ўрнидан туриб*). Алишер ибн Ғиёсиддин Баходур!

Алишер Навоий (*ўзига келиб*). Ассалому алайкум, пири комил.

Шайх. Ваалайкумуссалому ва раҳматуллоҳу ва баракотух. Бизни суҳбатингизга мушарраф этсангиз.

Алишер Навоий (*яқинлашиб*). Бу ғарибу фақирда суратдин ўзга нарса қолмамишки, сизнинг суҳбатингизга ўзни лойиқ кўра билсам.

Шайх (*супадан тушиб*). Оллоҳга ҳамду саноларким, даргоҳимизга замонанинг улуғ зоти бобаракот лутф этмакда. Ижозат берингиз, муборак этагингиздин ўпай.

Алишер Навоий (*чекниб*). Астағфуриллох. Мен бенавони гуноҳга ботирмангиз, ҳазратим.

Шайх. Сиз эса мени савобдин бебаҳра қўймангиз. Марҳамат, тўрига буюринг.

Алишер Навоий. Мен бир кўнгли синган сафол, вужуди туфроғ, қандай қилиб сиздин юқорига ўтишга журъат этгаймен?

Шайх. Йўқ, Алишер. Билингким, сиз ҳар қанча юксак мартабага муносибсиз.

Алишер Навоий. Сўзларингни англашга бу банда ожиздур.

Шайх. Таажжубга ўрин йўқ, азизим. Менинг топганим — қуруқ тоат-ибодат. Сизга эса тақдири азал буюк насиба ато этмиш — солиҳ амаллар ила жамъият деб аталмиш хилқатни руҳан поклаш буюрилган. (*Навоий ҳайрон.*)

Сизнинг руҳиятингиз ҳолотини ўз оғзингиздин эшитмак истагидамен. Умид қилурменким, илтимосим ерда қолмагай.

Алишер Навоий (*бир оз сукутдан сўнг*).

Шарбат менга хунобу визо ғам бўлмиш,
Бистарим туфроғу оҳ ҳамдам бўлмиш,
Ҳолимға халойиқ иши мотам бўлмиш,
Ёрсиз ўларим саъб эди, ул ҳам бўлмиш.

Шайх. Давом этинг, Алишер. Қалб дардларини назм дастурхонига сочиб ташлангки, камина аларни марварид дурдоналари каби кўнгил риштасига тизгуси.

Алишер Навоий. Волидаларимдин эрта жудо бўлдим. Укаларим ҳали ёш. Отамерос мулкимни тортиб олдилар. Пешонамга бир содиқ ва вафодор дўст ато битиб эди, бугун уни ҳам йироққа қотди. Отадай меҳрибон тоғойимни осдилар, акадай суянчиқ тоғойимни таъқиб этурлар.

Эй, ҳазрат! (*Кўнгил тўлиб.*) Тақдир азал не саховат билан суюкли ва мушфиқ ёр ила сийлаб эди, ани чопиб ўлдирдилар.

Мунглуғ бошим остимдаги тошимниму дей?
Тош устидаги ғариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей?
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?
(*Кўзини артади.*)

Шайх (*ҳаяжонланиб*). Оллоҳ-Оллоҳ! Азизим, сиз санаб ўтган дарду аламлар бу чархи кажрафтор ўйинларидан атиги бир заррадур. Барчаси учун сиздин Оллоҳга шукр вожиб.

Алишер Навоий (*бошини кўтариб, таажжуб билан*). Ё Раб! Бу не ҳикматдур?

Шайх. Тинглангиз, Алишер! Илоҳи зулжалол сизга олижаноб ва олинасаб ота-она насиб этмиш. Сиздек хуштаъб ва солиҳ фарзанд тарбиялаган мукаррам эрлар эканким, барча мўъминлар қаторида жойлари жаннатда бўлсун.

Алишер Навоий. Омин!

Шайх. Укаларингиздин асло ташвиш чекманг. Алар Шайх Зайниддин вақфининг қарамоғида бўлганлар ва муносиб тарбия топганлар. (*Алишер Навоий бош эгиб таъзим қилади.*)

Пешонага бир садоқатли дўст битган дедингиз. Бу — Яратганнинг сизга буюк марҳаматидур. Зеро, камина салкам юз йил умр кўриб ҳам бундай саодатга мушарраф бўлмадим. (*Олисларга тикилади.*) Иншооллох, дўстингиз билан дийдорлашув, юрт фаровонлиги ва илму санъат ривожи жабҳасида ёнма-ён меҳнат қилиш насиб этгай. (*Алишер Навоий яна бош эгади.*)

Тоғойингиз... (*Яна олисларга тикилади.*) Тоғойиларингизга шаҳидлик тақдири буюрилмишки...

Алишер Навоий (*ўрнидан туриб кетади*). Эвоҳ, кичик тоғойим ҳам? (*Шайх бошини қуйи солиб, фотиҳа ўқийди. Алишер Навоий жойига ўтиради. Елкалари силкинганча дуога қўл очади.*)

Шайх. Омин! Сабрда собитлик тилаймен, Алишер.

Алишер Навоий. Ҳеч кимим қолмади. Бу дунёдин илинжим қолмади.

Бу қосид ишим оҳу фиғон айладило,
Бу рукъа танимни нотавон айладило,
Бу саъб хабар ичимни қон айладило,
Бу қонлиғ ичим ҳалоки жон айладило.

Шайх. Ё Оллох! Қудратингдин!

Алишер Навоий. На дунёга келишимдин, на яшашимдин маъно кўрмайдурмен.

Шайх. Йўқ, Алишер. Сиз учун чин ҳаёт йўли энди бошланур.

Алишер Навоий

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Ёнғилиб аввал менинг жонимни бедод айлагай.

Шайх

Одам авлодида камдур одамийлик шеvasи,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.

Алишер Навоий (*ўйчан*). Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай...

Шайх. Шундоқ. Сизга Эгам камдан-кам инсонга на-

сиб этадиган улуғ тақдирни иноят этмиш. (*Алишер Навоий ҳайрат билан Шайхга тикилади.*) Келинг, мулоҳаза қилайлик:

— тортиб олинган молу мулкингиз эслашга ҳам арзимас. (*Алишер Навоий боши силкитиб тасдиқлайди.*)

— одамлардин меҳру оқибат кутиш тамом ножоиздур;

— бугун сизни Ҳиротдин ихрож қилмоқда эканлар, демак, сизни заминга боғлаб турган сўнгги ришталар ҳам узилмишки, бунда улуғ бир ҳикмат мавжуддир: сиз энди озод қушсиз!

Алишер Навоий. Лекин мен ёримдин айрилдим, уни совуқ лаҳадга қўйиб келдим. Истаюрменким, Азроил жонимни олсаю мени ҳам анинг ёнига элтиб кўмсалар.

Шайх. Тақдир нима, Алишер?

Алишер Навоий. Пешонага битилган ёзуқ.

Шайх. Балли. Уни ўзгартирмоқ инсон кўлидан келгайму?

Алишер Навоий. Йўқ, келмас.

Шайх. Демак, инсон тақдири азал қаршисинда долғалар бағридаги хасдек ожизму? (*Алишер Навоий Шайхнинг оғзига термилади.*) Азизим, инсон фақат умрининг ўтмиши қаршисида ожиздур, умрининг келгуси учун эса ожиз эмас, балки масъул.

Алишер Навоий. Англатинг, ҳазрат.

Шайх. Сиз ҳали ҳаёт синовларидин ўтиб бўлганингиз йўқ.

Алишер Навоий (*хангу манг. Эзилиб*). Бу кулфатлар озму?

Шайх. Шундоқ, азизим. Мушоҳада қилингиз:

— ҳали ҳасадгўйлардин тухмат балосига йўлиқдингизми?

— ифво билан номингизни қаро қилдиларми?

— гийбат қилиб, дўстингиз билан орангизга ~~шифок~~ солдиларми?

— дўстман, деб чаёндек чакдиларми?

— сиз неча бор яхшилик қилган кас бунинг ~~эвазига~~ юз марта кўпроқ ёмонлик ила жавоб қайтардимми?

Алишер Навоий. Булар ҳам пешонамга ёзилганму?

Шайх. Ҳар бир бандаси каби бошимизга тушмаги нечун истисно бўлсун?

Алишер Навоий. Ё Халлок! Мени яратишдин муродинг надур?

Шайх. Бу тўғри саволдур, Алишер.

Алишер Навоий. Жавоб топмоқ истаймен, эй пири комил.

Шайх. Унга сиз жавоб бермоғингиз лозим.

Алишер Навоий. Қандай қилиб?

Шайх. Ҳаёт деб аталмиш биёбондин ўтиб, тафаккур ила.

Алишер Навоий. Қўлимдин келмас, аёғим тортмас. Рўзгорим қаро бўлган. Йилт этган зиё кўрмайдурмен. Ҳатто борар манзилим йўқ.

Шайх. Бор, Алишер.

Алишер Навоий. Айтингиз, пири комил.

Шайх. Туриб юзингизни қиблага буринг. (*Алишер Навоий итоат этади.*) Нени кўрмакдасиз?

Алишер Навоий (*ҳайратда*). Мақбара... Йўқ, қабр, кичик бир сағана.

Шайх. У мўғул сипоҳи қўлида шаҳид бўлган шайх Фаридуддин Аттор раҳматуллоҳи алайҳнинг турбатидур. Оллоҳ инояти билан шайх руҳи сизга мададкор бўлғай. Олисрокқа боқингиз.

Алишер Навоий (*ҳаяжонда*). Ё Оллоҳ! Кўзларим Каъбатуллоҳни илғаётгандай! Нур, нур. (*Қўлларини кўтариб.*)

Ё рабки, иноятингни ёр айла манга,
Йўқлукда ҳидоятингни бор айла манга,
Ҳам қаҳфи кифоятингни дор айла манга,
Ҳам дурри иноятинг нисор айла манга.

Шайх. Ҳа, Алишер! Сиз Навоийдурсиз. Сизга ато этилган бекиёс сўз санъатию буюк тафаккур салоҳияти Тенгри таолонинг марҳаматидур. Унутмангизки, Холиқ ул-азим энг севикли бандаларини шундай синовлардан ўтказур ва бунинг ҳикмати ёлғиз ўзига маълум. Шундоқ экан, бошимизга тушажак ҳар бир кулфат учун шукрона айтмоғимиз фарз.

Алишер Навоий. Алхамдулиллоҳ.

Шайх. Балли. Йўлга отланишнинг фурсати етди, азизим.

Алишер Навоий. Тайёрмен. Кўрсатингиз.

Шайх. Яратганнинг ўзи кўрсатгай. *(Косага ичимлик қуяди. Косадан нур товлана бошлайди. Алишер Навоий бир оз сипқоради. Нур атрофни ёритиб юборади.)*

Алишер Навоий

Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул худо,
(Саҳна ортидан: «Косадаги қуёш аксидан ҳидоят нури порлайди».)

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чикди садо.

Гайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллиғ ғамзудо.

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид — ани ичкан гадо.

Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун — минг жон
фидо.

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

(Залга қараб.)

Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу, ё айюҳал атшон» келур ҳар дам нидо.

*(Саҳна ортидан садо: «Ичинглар, эй ташналар!»
Навоий косани сипқоради. Қибла томондан чиққан нур
акс томонни ёритади.)*

Алишер Навоий. Субҳоноллоҳ, ёруғлик!

Шайх. У Ишқ чироғининг нуридур. Ул ишқ ҳақиқий ва боқий ишқдурким, сизнинг йўлингизни ёритгай. Сизга йигит ёшингизда бу йўлга кирмак насиб этмишки, икки дунё саодатидан ҳам олий неъмат дея билмоқ керак. Аллоҳ номи билан сизга «Низомиддин» унвонин берурмен.

Тингланг, Алишер. Қалбингизда ишқ фардин асрагайсиз, аммо тарки дунё этмагайсиз. Амалингиз адолат ойинида собит турмоқ, тилингиз халойиққа эзгулик тарбиясин бермак, фикрингиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдин ўрнак олмоқ, дилингиз ҳар нафасда Яратганни ёд этмак била банд бўлсин.

Сизга ато этилган беназир иқтидор ва буюк истеъдодни ҳаётнинг азалий муаммосини ечмак, инсон табиати ва унинг камолоти хусусинда намуна кўрсатмоқ учун сарф этгайсиз.

Тенгри сизга ёр бўлсин, Низомиддин Алишер Навоий.

(Шайх кўздан ғойиб бўлади. Навоий нур ёритган томон юриб кетади.)

ЖЕК ЛОНДОН
ЭРАТИВИНИ
НИХОЯСИ

Қатнашадилар:

Сайёр (Messner) — кема капитани
Акбар (Grant Lindy) — доктор, тадқиқотчи
Мажия (Mage) — космонавт
Жонтемир — робот
Мудир
Ҳамшира
Рассом
Гўзал
Ҳизир Илёс
Қудрат (Rex Streng)
(Қоплон)

Воқеалар олис коинотда бўлиб ўтади.

Саҳна ва тамошабинлар залида фантастик дунё манзараси: заройиб юлдузлар, юлдуз туркумлари, галактикалар, туманликлар, астероидлар, кометалар, сайёралар, сайёралар йўлдошлари, халқалари. Уларнинг бир қисми доим ҳаракатда. Учар юлдузлар. Бутун спектакль давомида воқеага монанд манзара, манзарага монанд мусиқа, мусиқага монанд хореографик эффектлар жўр бўлиб, чексиз коинот туйғусини ҳосил қилади.

1-парда

Сайёр, Акбар ва Жонтемир

Қўнаётган космик станция овози. Қаҳрамонлар овози дастлаб радиодан эшитилади. Сўнг парда очилади.

Сайёр. Худога шукур, етиб келдик.

Акбар. Бу гадойтопмас сайёрадан бирор иш чиқсинда, ишқилиб.

Сайёр. Ҳойнаҳой.

Акбар. Барча маълумотни титиб ҳам пичоққа илинадиган нарса топмадим. Аммо барибир сирли, нимаси биландир ўзига тортади.

Сайёр. Мен ҳам шу фикрда. Лекин жуда ҳам чекка деб бўлмас. Буюк Сомон йўлидан атиги миллиард километр ёнбошда. Йўл устида деса ҳам бўлади.

Акбар. Йўл устида бўлгани билан бўм-бўш-ку.

Сайёр. Бир неча экспедиция нобуд бўлган-да. Ўта радиоактив. Миллион километрда ҳам сезилади. Ҳамма четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Акбар (*ўйчан*). Радиоактивлиги-ю, майли, кемазининг ҳимояси жойида, лекин...

Сайёр. Яна нимаси ёқмаяпти? Сайёрамисан, сайёра.

Акбар. Сенга сайру сайёра бўлса, бас. Мен эса умримни фанга бағишладим, аммо ҳали-ҳануз арзирли ҳеч нарса қилганимча йўқ.

Сайёр. Камтарликни қўйсанг-чи. Қанча одам сенга хавас, ҳатто ҳасад қилганини кўрганман. Ишларинг Марказ кутубхонасида бир метр жойни эгаллаб ётибди — юздан ортиқ лазер диск тўла.

Акбар. Гап сондами? Кўнгил тўладиган кашфиётим йўқ ҳали.

Сайёр. Шунинг учун мени бу авантюрага тортдингми?

Акбар. Ўзинг-ку қўймаган, сафар бўлса, қойил қиладиган бўлсин деб.

Сайёр (*кулади*). Тўғри. Сайёра айни менбоп.

Акбар. Қани, бўлмасам, сен темирингни ҳушига келтириб тур-чи. Мен бир излаб кўрай, балки яқин орада биздан бошқа одам зоти учраб қолар (*Компьютерда ишлай бошлайди. Сайёр Жонтемирни ҳушига келтиради.*)

Жонтемир. Ассалому алайкум, капитан.

Сайёр. Ва алайкум. Кайфият қалай?

Жонтемир. Темирдай.

Сайёр. Сайёра ҳақида нима дейсан?

Жонтемир. Бир дақиқа. (*Қўлини бир неча йўналишда узатиб.*) Ҳаммаси жойида, капитан. Координаталари 103 га 47. Қуёшгача уч ёруғлик йили.

Сайёр. Тарихини яна бир қайтар-чи.

Жонтемир. Биринчи марта «Магеллан» экспедицияси яқинлашган. Қўнмасдан умумий маълумот йиғиб қайтган. Олтита экспедиция ёнидан ўтиб кетган. Иккита экспедиция қўнган, иккаласи ҳам ҳалок бўлган.

Сайёр. Сабаб?

Жонтемир. Радиация.

Сайёр. Қолдиқларини топсак яхши бўлар эди. (*Жонтемир жим.*) Ҳа, топиб бўлмайди, демокчимисан?

Жонтемир. Сайёра қобиғи фаол тектоник ҳаракатда. Мана, бошланяпти. (*Станция титрай бошлайди.*) 10 балл.

Акбар. Зилзиласи ҳам бинойидек.

Сайёр. Ҳа, кучли радиация ҳам шундан-да.

Акбар. Яна қанақа қилиқлар чиқарар экан?

Сайёр. Роса изладинг, қилиғи кўпини. Нолима энди.

Акбар. Хотиржам бўл. Жуда мамнунман. Кайфият қалай, Жонтемир?

Жонтемир. Кумушдай, доктор.

Акбар. Унда об-ҳавони билчи, бўлмаса. (*Сайёр ишора қилади. Жонтемир шлюздан ўтиб кема ташқарисига чиқади. Ҳар хил ўлчашлар бажаради. Аста сакраб ўйинга туша бошлайди.*)

Акбар (*таажжуб билан Сайёрга қарайди. У ҳам таажжубда*). Оғзи қулоғида-ю? (*Жонтемирнинг рақси тезлашади.*)

Сайёр (*микрофонга*). Нима гап?

Жонтемир. Босим ўн атмосфера.

Сайёр ва Акбар. Э-э!

Жонтемир. Температура юз градус.

Сайёр ва Акбар. У-у!

Жонтемир. Радиация минг кюри.

Сайёр ва Акбар. Ў-ў! Кайфият қалай, кайфият?

Жонтемир. Симобдай! Альфа-бета-гамма зарраларни тўйиб шимирияпман. Аккумуляторнинг кераги йўқ. Мазза!

Сайёр. Биз-чи?

Жонтемир. Кемадан чиқиш одам организми учун ўта хавфли.

Сайёр. Шуям роботгарчиликми?

Акбар. Бунақа эгоистни биринчи кўришим. Бизни шу қадар ожиз демокчими?

Сайёр. Қўйсанг-чи! Ожиз бўлмай нимамиз? (*Жонтемирга*) Скафандрда қанча юриш мумкин?

Жонтемир. 30 секунд ортиқ эмас.

Акбар. Устимиздан кулишини қара!

Сайёр. Кулгани-ку йўқ. Темир-да, тўғри гап баъзан оғир ботишини билмайди.

Акбар. Демак, биз кемада биқиниб ўтираверамиз, ҳамма завқу шавқ эса Жонтемирга буюрсин, шундайми? Бунақа темирнинг «Жон»ини олиб ташлаш керак.

Сайёр (*ранжигандай*). У бўлмаганда нима қила олар эдик?

Акбар. Ҳозиргача робот одамга кўмак берган. Биз эса... сен ҳайдовчи-ю, мен хизматчи бўлибман. Ҳа, майли. Қани, чақир бўлмаса. Ишни бошлайлик. (*Сайёр фармойиши билан Жонтемир кириб ойна орқасида тўхтади. Ундан нур таралиб, учқунлар чатнаб туради.*)

Сайёр. Тадқиқотга тайёрмисан?

Жонтемир. Албатта.

Акбар. Ҳар турли жинслардан намуналар йиғасан. Энергия манбаларига алоҳида диққат қил.

Жонтемир. Иш тартиби қатъий инструкция бўйичами ё ташаббусга рухсат борми?

Акбар. Бор, фақат ҳар бир ғайриоддий ва фавқуллодда ҳодиса ҳақида дарҳол ахборот берасан.

Сайёр. Хавфсизликни таъминлаш—биринчи вазифа. Муҳлат — бир соат. Масофа — бир километргача. Бунақа радиацияда алоқа узилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Агар узилгудай бўлса, дарҳол изинг билан қайтасан.

Жонтемир. Тушунарли (*кути кўтариб чиқиб кетар экан*). Қайфиятингиз олтиндай бўлишини тилайман. (*Экранда гаройиб манзаралар алмашилиб туради.*)

Акбар (*сайёрга*). Зап роботинг бор-да.

Сайёр. Вафодор, содик, меҳрибон.

Акбар. Бу таърифлар темирга нисбатан эриш тўюлса-ям, ҳақсан.

Сайёр. Айниқса, 20 йил бирга бўлганимиз учун мени жуда яхши англайдиган бўлиб кетган.

Акбар. Қачон топгансан?

Сайёр. Э-э, бу қизиқ хикоя. Унда мен талаба эдим.

Амалиётни 111-заовда ўтказганман — радиоактив моддалар билан ишлашда роботшуносликдан диплом ёзишим керак эди.

1-кичик кўриниш

Мудир, Ҳамшира, Жонтемир ва Сайёр

Кўриниш сахнанинг пешида ўйналади. Бир томонда «Кадрлар бўлими». Тўрқовоқда бедана. Мудир кириб ўтиради. Иккинчи томонда «Тиббий бўлим». Ҳамшира кириб ўтиради. Қулоғида плеер. Юлдуз Усмонова куйлайди: «Сени осмонимга олиб кетаман...». Ўртада қаҳвахона. Замонавий гарб музиқаси янграб туради.

Сайёр қаҳва ичиб ўтирибди. Жонтемир кириб, Мудирга рўбарў бўлади.

Жонтемир. Ассалому алайкум.

Мудир. Ваалайкум (бошини кўтариб, таажжубда), э-э, а-ас-са-лом?! Хизмат, э-э, мулла робот?

Жонтемир (қозоз узатиб). Менинг йўлланмам.

Мудир (танишиб). Ишга юборишибди-да. Бошликнинг визаси ҳам бор, қаранг. Энди темирни ҳам одам каби ишга оларқанмиз-да. Тавба. Дастгоҳ деб қабул қилса бўлмас эканми?

Жонтемир (зурур билан). Менинг конструкциям замондан 40 йил илгарилаб кетган.

Мудир (энсаси қотиб). Хўп, қани ўтиринг-чи!

Жонтемир. Раҳмат, менга тик туриш қулай.

Мудир. Э-э, мулла робот. Бу камтарликми ё? Одамнинг тепасида қаққайиб асабга тегманг-да, қулайми, ноқулайми, ўтиринг. Мана буни тўлдиришингиз лозим. (Жонтемир бесўнақай ўтиради.) Қани, ҳужжатларни бир кўрайлик. Э-э, бу инструкция-ку! Ўзингизга сийлов. Менга анкета керак. Тўлдиринг (узатади).

Жонтемир. Мен ҳақимдаги ҳамма маълумот шу ҳужжатда бор.

Мудир. Ҳали маҳмадоналикни ҳам биламан, денг? Э-э, инструкция бошқа, анкета бошқа. Савод борми?

Жонтемир. Савод?

Мудир. Ўқиш-ёзишни биларсиз?

Жонтемир. Мингта тилда ўқийман, лазер, гаммазер дискларга ёзаман.

Мудир. Қоғозга-чи, қоғозга?

Жонтемир. Қоғозга... ўргатишмаган, бу — кечаги кун.

Мудир. Э-э, ҳали бизнинг ишимиз кечаги кун бўлди-ми?

Жонтемир (*мудирга тақлид қилиб*). Э-э, иш эмас, э-э, қоғозбозлик.

Мудир. Ҳали шунақами? Э-э, (*йўталиб олиб*), қайси доно ўргатди бу гапларни? Шу қадар бийрон робот ясаган, қоғоз билан ишлашни-ям эплейдиган қилса, Асакаси кетармиди? Э-э, майли, унда бизга иш қолмаслиги ҳам истисно эмас. Шунисига ҳам шукур. (*Бошлиқнинг визасига қараб олгач.*) Қани, бўлмаса, саволларга жавоб беринг. Лўнда-лўнда. Исмингиз?

Жонтемир. Ж-ноль-Н.

Мудир. Ж-ноль-н. Жон. Ўзи темир-у, исми жон эмиш. Туғилган йилингиз?

Жонтемир. 2047 йил.

Мудир. Ие, ҳали чақалоқ экансиз-ку!

Жонтемир. Биз комбинатдан ишга тайёр ҳолда чиқариламыз.

Мудир (*маъно уққанидан ажабланиб*). Фаросат чакки эмас. Касбингиз?

Жонтемир. Радиоактив моддалар бўйича универсал мутахассис.

Мудир. Ў-ў. Олтинчи цехда ишлар экансиз-да. Яхши, яхши. Э-э, жинсингиз?

Жонтемир. Жинс нима дегани?

Мудир. Аёлмисиз, эркакмисиз, э-э, ўғил боламисан, қизбола?

Жонтемир (*бир оз кўзларини парпиратиб тургач*). Жинсим йўк.

Мудир (*бошини сарак-сарак қилиб*). Э-э, бўлмайди.

Жонтемир. Нега, э-э, бўлмайди?

Мудир. Жинс бўлиши керак. Анкетада шунақа графа бор. Тўлдириш керак.

Жонтемир. Унда... унда аёл деб ёза қолинг.

Мудир. Аёл... э-э, йўк. Мен сизни ишга ололмайман. б-цехда аёллар ишлаши ман этилади.

Жонтемир. Унда эркак деб ёзинг, бўлмаса.

Мудир. Хў, бола! Ҳозир жинсим йўқ деган эдинг, энди ҳам аёлман, ҳам эркакман дейсан? Уялмайсанми, отанг тенги, э-э, энг улур устангдай одамни лақиллатгани? (*Жонтемир ҳайрон. Мудир визага яна бир нигоҳ ташлаб қўл силтайди.*) Эркак бўлса, э-э-эркак-да. Саломатлигинг ҳақида маълумотнома?

Жонтемир. Мен ишга яроқлиман. Синовдан ўтганман. (*Истиҳола билан.*) Хужжатимда имзо ҳам бор.

Мудир. Имзо? (*Қараб олиб*) Э-э, кимнинг имзоси дебман. Умуман, ишга ярайдими, ярамайдими-бошқалар бош қотирсин. Менга саломатлик ҳақида маълумотнома керак!

Жонтемир (*ўзича*). Саломатлик ҳақида маълумотнома... Қаердан оламан?

Мудир. Тиббий бўлимдан.

Жонтемир. Тиббий бўлим қаерда?

Мудир (*уф тортиб, ишора қилади*). Топасан. Керак бўлгандан кейин. Ўзимизни одамлар билан ишлаш осон, барибир, қил деганингни индамай қилади.

(*Жонтемир чиқади. Сайёрга йўлиқади.*)

Жонтемир. Ассалому алайкум! Тиббий бўлим қаерда — айтиб беролмайсизми?

Сайёр. Ваалайкум ассалом. (*Кўрсатади.*)

Жонтемир (*ҳамширага рўбарў бўлади*). Ассалому алайкум!

Ҳамшира (*қизиксиниб, жилмаяди*). Ие, Робот. Ваалайкум ассалом. Буер устахона эмас. Роботжон. Нима керак?

Жонтемир. Маълумотнома.

Ҳамшира. Қанақа маълумотнома?

Жонтемир. Билмайман.

Ҳамшира. Ие, сиз билмасангиз, мен биламанми? (*Жонтемир қийналади. Ҳамшира раҳмдиллик билан*) Ким буюрувди?

Жонтемир. Кадрлар бўлими мудири.

Ҳамшира. Бўпти. Сизга анкета очаман. Анализ топширасиз. (*Бармоқларини букиб.*) Қон, пешоб, яна... Ҳа,

айтмоқчи, иш жойингиздан маълумотнома олиб келган-мисиз?

Жонтемир. Йўқ.

Ҳамшира. Ие, обкелиш керак, Роботжон. Бу ведомственнўй муассаса.

Жонтемир. Ким беради?

Ҳамшира. Қаерда ишлайсиз ўзи?

Жонтемир. Ҳали ишламайман.

Ҳамшира. Унда пуллик поликлиникага учранг.

Жонтемир. Пул? Пулим йўқ. 111-заводга ишлашга юборилганман. Мен маош олмай ишлайман.

Ҳамшира. Вой, бечора... Бу ерга ким юборди, дедингиз?

Жонтемир. Кадрлар бўлими мудир.

Ҳамшира. Ўша мудирга учранг, иш жойингиз ҳақида маълумотнома берсин.

(Жонтемир чиқади. Йўл-йўлакай «Иш жойидан маълумотнома» деб гўлдирайди. Сайёр билан саломлашиб ўтади. Мудирга рўбарў бўлади.)

Жонтемир. Кечирим сўрайман. Маълумотнома бераркансиз.

Мудир. Берарканман? Ким айтди?

Жонтемир. Тиббий бўлимдаги ҳамшира, иш жойим ҳақида.

Мудир. Э-э, роботларнинг мияси, э-э-э калласи туппа-тузук бўлади, десам... *(бармоғини бошига тираб)* ишлатиш керак. Ҳали сизни ишга олиш ҳақида буйруқ чиққани йўқ, қандай қилиб маълумотнома бераман?

Жонтемир. Буйруқ чиқиши учун нима қилишим керак?

Мудир. Мен айтганни. Олтинчи цех — хавфли цех! Унда ишлаш учун саломатлик ҳақида маълумотнома бўлиши шарт. Мустаҳкам саломатлик ҳақида. Бўлмаса мен сизни ишга расмийлаштира олмайман. **Жавобгар** бўламан. Жа-воб-гар! Боринг, маълумотнома келтиринг. Соғлигингиз ҳақида.

(Жонтемир чиқади. Ҳамширага яқинлашади.)

Жонтемир (*ўзига ўзи*). Аввал ҳам маълумотномага келувдим. Маълумотнома учун маълумотнома сўрашди. Яна маълумотномага келаяпман. Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Демак, яна маълумотнома сўрашади. (*Бир оз ўйла-ниб туриб орқага қайтади. Мудирга яқинлашади. Яна бироз ўйланиб, орқага қайтади. Жонтемир икки стол ўртасида югуришига тушади. Тенасидан тутун чиқа бош-лайди. Сайёр қучоқлаб тўхтатади.*)

Сайёр. Нима гап? Нима бўлди сенга?

Жонтемир (*типирчилаб*). Қўйиб юборинг мени. Мен маълумотнома олишим керак. Маълумотнома олишим учун маълумотнома олишим керак, маълумотнома олишим учун маълумотнома олишим керак, ...

Сайёр. Қанақа маълумотнома? Бечора ақлдан озаёзибди, шекилли. (*Мурватини бурайди. Жонтемир тинчийди.*)

(*Чироқ ўчиб ёнади. Дастлабки сахна.*)

Акбар. Кейин нима бўлди?

Сайёр. Яроқсизга чиқаришди. Завод учун энг зарур блоки куйиб кетибди. Диплом ишим катта фойда келтирган эди, гонорарига роботни сўраб олдим. Таъмирладим. Етти йил бирга ишладик. Кейин мени энергия манбалари излаш дастурига таклиф қилиб қолишди. Фақат Жонтемир билан бирга ишласам деб шарт қўйдим. Қийинчилик билан бўлса ҳам кўндирдим. Буёғи ўзингга маълум. Бир марта эскирган деб комиссия қилмоқчи бўлишувди, бор маблағимни сарфлаб, қайта жихозладим. Янги роботлардан ҳам зўрроқ ўтди.

Акбар. Ҳа, роботлар ҳам тажриба йиғади, ўзини-ўзи такомиллаштириб ҳам боради.

Сайёр. Ҳозирги роботлар анча мукамал.

Акбар. Инжикликда ҳам. Анча-мунча хотиндан ўтиб тушади.

Сайёр. Тўғри. Аммо Жонини ипидан-сиригача ўрганганман. Пайти-пайти билан айрим блокларини замонавийлаштириб тураман, холос.

Акбар. Буни ўзи сезадими?

Сайёр. Кўп нарсани фаҳмлайди. Жуда зийрак. Масалан, менинг табиатимни ўзимдан ҳам яхши билса керак.

Акбар. Қутқариб қолган ҳам деб эшитганман.

Сайёр. Бир неча марта.

Акбар. Мен бошқа ҳолатни кўзда тутувдим.

Сайёр. Ҳа-а, хотиним Марслик олмос қидирувчи билан кетиб қолганини айтасанми? Эшитган экансан-да.

Акбар. Ҳа.

Сайёр. Ҳамма нарсадан воз кечган эдим.

Акбар. Яхшигина мартабадан.

Сайёр. Мартаба нима бўлибди? Яшашнинг қадри қолмаган эди.

Акбар. Севганингдан-да?

Сайёр. Ростини айтсам, ориятдан.

Акбар. Ўшанда сақлаб қолганмиди? (*Сайёр боши билан жавоб беради.*) Қандай пайқаган?

Сайёр. Билмадим. Баъзан фаросати бор дегинг келди.

Шарт кучоқлаб олган-у, қилт этгани кўймаган. Программасида одамни муҳофаза қилиш тамойили жуда кучли.

Акбар. Инсон билан робот тақдири бу қадар чатишиб кетгани камдан-кам учрайди. Ёзувчи бўлсам, роман ёзар эдим, «Садоқат» деган.

Сайёр (*кулиб*). Балки «Вафо» деган.

Акбар. Хотинингни кейин учратдингми?

Сайёр. Ҳа, тасодифан. Марсда эдим. Жазмани билан келиб қолди. Олмос қидириб юришган экан, менга ўхшаб. Ўзи шамоллаган, марсликни ҳам хамирдай эзиб ташлабди.

Акбар. Қандай туйғуни бошдан кечирдинг?

Сайёр (*қийналиб*). Қўмсаш ... нафрат билан қараб лаш.

Акбар. Ҳа-а... Тушунса бўлади. Кейин-чи?

Сайёр. Станция фақат икки кишилик, уч киши синамас эди. Биласан, коинот низомига кўра улар бошқа станцияга кетишлари лозим.

Акбар. Шундай.

Сайёр. Лекин етиб боргунча саломатлиги тамом бўли-

ши нақд эди. Жазмани мен билан ташлаб кетишга ҳам истамасди, албатта. Илтимос қилишга мажбур бўлди, ҳарқандай шартга розиман деб.

Акбар. Сен нима қилдинг?

Сайёр. Аввал ўйимга бадтар бўлишсин, деган фикр келди. Ўйласам, у марслик аблахни балодан қутқариб, яхшилиқ қиладиганга ўхшайман. Ҳа, йўқ, шундай қилайки, бир умр эсларингдан чиқмасин, дедим.

Акбар. Қизик.

Сайёр. Станцияни уларга қолдириб кетиш эвазига бор йиққан жавоҳирини талаб қилдим.

Акбар. Кўп эканми?

Сайёр. Ким ҳисоблабди?! Йўлда ҳаммасини космосга улоқтирганман.

Акбар. Қойил-э. Мен бундай қилолмасам керак.

Сайёр. Албатта-да. Сенинг Мажиянг бутунлай бошқа аёл.

Акбар. Барибир.

Сайёр. Йўқ. Айтгансан-ку, расман ажралишганмиз деб. Демак, у сенга хиёнат қилмаган.

Акбар. Шундай дейсан-у, лекин тўртқўлли, икки юракли орионликни мендан афзал кўргани алам қилмайдими?

Сайёр. Сени севарди-ку?

Акбар. Билмадим. Севадигандай туюларди.

Сайёр. Сен-чи?

Акбар. Ҳали ҳам севаман. (*Ўйчан.*) Ёмон яшамаётган эдик. Балки, мендан ҳам ўтгандир.

Сайёр. Қандай қилиб?

Акбар. Аёл кишини эркалатиш шарт эмас, деб ўйлаганман. Бор вақтимни илмий ишга сарфладим. Туғаман деганда, кейинроқ дедим. Аввал тадқиқот, кейин диссертация, кейин монография, олис сайёраларда конференциялар. Ер бошқа цивилизациялар билан биринчи бор учрашган даврлар. Бутун коинотни қойил қилишим керак деб ўйлаганман.

Сайёр. Инсоният борки, оила билан фан ўртасида альтернатива мавжуд.

Акбар. Оилани биринчи ўринга қўйиб тўғри қиласан.

Сайёр. Нега унда шундай йўл тутмадинг?

Акбар. Тушунганимда кеч бўлган эди. «Жавобимни бер», деб туриб олди.

Сайёр. Беравердингми?

Акбар. Йўқ, албатта. Аввал «Севаман. Бошимда кўта-раман», дедим. Йиғлаб қон қилиб юборди. «Сен билан бахтли бўлмайман», дегандан кейин...

Сайёр. Мен аёлларни тушунмайман. Сен шу қадар севгансанки...

Акбар. Ажралишга ажралдим-у, дунё мен учун зулматга ботгандай бўлди.

Сайёр. Шунча йил ўтибди. Ҳамон юрагингда, чоғи.

Акбар. Ҳар қалай, энди бошқа аёлни учратмасам керак.

Сайёр. Ҳеч дарак топдингми? *(Акбар бошини сарак-сарак қилади.)* Ярангни кўзгаганим учун кечир.

Акбар. Сен ҳам. *(Сукунат ичра мусиқа.)*

Жонтемир *(шод)*. Капитан!!

Сайёр. Эшитаман.

Жонтемир. Кўл, денгиз.

Акбар. Қанақа кўл? Қанақа денгиз? Бу сайёрада сув йўқ.

Жонтемир. Оддий сув эмас, доктор. Оғир сув. Дейтерий!

Сайёр ва Акбар. А?

Акбар. Шошма. Бу Ердаги қонунларга зид.

Сайёр. Қонунларни қўйсанг-чи! Биз Ерда эмасмиз-ку.

Акбар. Ақлга сифмайди. Ҳозиргача кузатилмаган.

Сайёр. Жони хато қилиши мумкин эмас. Тасвир! *(Экранда Жимирлаб турган кўл кўринади.)* Нақ водород бомбанинг устига қўнган эканмизми?

Акбар. Спектр? *(Саҳна камалакдай товлана бошлайди.)* Бомба ҳам гапми, минг йиллик энергия ~~лабдан!~~ *(Ҳаяжонда.)* Буюк кашфиёт. Мисли йўқ факт: ~~Фард~~ революция! Йўқ. Суперреволюция!! Барча космий ~~йема~~лар учун тайёр ёнилғи станцияси-я. Офарин, ~~Жон~~темир, йўқ, Жонитилла, Жониолмос! *(Шоша-пицца компютерга маълумот кирита бошлайди.)*

Сайёр. «Акбар денгизи» деб кирит, Беринг денгизи, Тасман денгизи каби номинг абадий мухрлансин, дўстим.

Акбар. Биринчи оғир сув денгизи. Робот номи билан... Йўқ. Робот эгасининг номи билан: Сайёр денгизи.

Сайёр. Мен бунга рози эмасман.

Акбар. Мен учун бу илмий кашфиётни эълон қилишининг ўзи етади. Ҳамма космографлар хасаддан ўлади. (Акбар ўйинга туша бошлайди. Сайёр хиргойи бошлайди.)

Жонтемир. Капитан. Вақт тугаяпти. Нима қилай?

Сайёр. Қайт, Жони. Бизни шод этдинг. Энди шодлигимизга шерик бўл.

Акбар. Намуналарни авайла.

Сайёр. Ҳа. Ўзингни ҳам эҳтиёт қил.

(Ойнадан оғирлашган қути кўтарган Жонтемир кўринади. Мушакбозликка ўхшаган чақмоқ чақа бошлайди. Жонтемир яқинлашганда уни кетма-кет яшин уради. Гандираклайди, Чўккалайди, Қутини қўяйди. Туради. Яна чўккалайди.)

Сайёр. Жон! Жони!

Акбар. Жонтемир. Кадрдон! (Сайёр ўзини эшикка уради. Акбар уни қучоқлаб олади.) Тўхта, Сайёр. Ўласан.

Сайёр. Йўлимни тўсма.

Акбар. Аҳмоқлик қилма!

Сайёр. Тушунсанг-чи, экспедиция барбод бўлади.

Акбар. Унда мен чиқаман!

Сайёр (*қатъий*). Йўқ, дўстим. Менинг дунёдан илинжим қолган эмас.

Акбар. Менинг ҳам.

Сайёр. Сен Мажияни учратасан. Мана, қараб турасан, у сенга қайтади.

Акбар. Қўйсанг-чи! Сен капитан! Унутма, кемани бошқариш зиммангда.

Сайёр. Ҳа, капитан — мен. Шунинг учун буюраман, йўлимни тўсма!

Акбар. Кемани ким бошқаради, деяпман сенга?

Сайёр. Жони бошқаради.

Акбар (*ҳаяжонда*). Сайёр, жонингга қасд қиляпсан. Бошқа чора излаш лозим.

Сайёр. Ишдан чиқади! (*Яна чақмоқ. Жонтемир йиқилади.*) Куйиб кетади!

Акбар. Кий! (*Скафандр тутади.*)

Сайёр. Фойдасиз.

(*Акбар зўрлаб кийдиради. Сайёр чиқади. Жонтемирни суяб турғизади. Қўлтиқлаб олиб киради. Ҳар иккисидан нур таралади. Сайёр ҳолсизлана бошлайди. Акбар скафандрини ечади.*)

Акбар. Нима қилиб қўйдинг, Сайёр?

Сайёр (*табассум билан*). Ҳа, тараққиёт инсонни техникага қарам қилади. Биз роботсиз ҳеч нарса қилолмаймиз. Яхшилаб эшит, Акбар. Жонига қара. Кемада эҳтиёт қисмлар етарли. У ҳамма ишни ўзи қила олади. Ўзини ўзи таъмирлайди. Биз эса нақадар ожизмиз. Намуналарни Ерга етказа олмас эдик. Ҳатто кемага олиб ҳам кироламас эдик. Бари ҳаракатимиз зое кетарди.

Акбар. Инсон ҳаётидан қимматли нима бор?

Сайёр. Фалсафани қўй.

Акбар. Жонингни деб жонингга қасд қилдинг.

Сайёр. Акбар. Сен ҳам Жонини авайла. Мана пулт. Пароли — Жек Лондон. Кемани ўзи Ерга элтади. Сенга хиёнат қилаётган бўлсам, кечир.

Акбар. Менга бунақа илмий кашфиёт керак эмас. (*Муштини кўтаради.*) Лаънати планета! Қотил! Осдим бойлигингни касофатингга қўшиб.

Сайёр. Шаккоклик қилма. Табиат, тасодиф. Балки... омад. Ҳар кимга ҳам насиб қилмас. Кашфиёт ўта муҳим. Биласан. Ерни энергия билан таъмин этажак. Одамзодни инқироздан қутқаражак. (*Ҳолсизланади. Сукунатдан сўнг*) Жони!

Жонтемир. Лаббай, капитан!

Сайёр. Кел, видолашайлик. Бундан буён... Акбар... сен учун... капитан. Сўзи... қонун. Ҳа... Биринчи... навбатда... ўзини авайла. У мард... инсон. Дўст... темирдай. (*Жонтемир силкинади. Сайёр ҳушидан кетади.*)

Жонтемир. Капитан, капитан!

Акбар. Сайёр! (*Укол қилади.*)

Сайёр (*ҳушига келиб*). Мен қанча... доза...?

Акбар. 10 миллиграмм

Жонтемир. 10 000 рентген.

Сайёр. Ҷх!

Жонтемир. Капитан, нима учун чиқдингиз? Биласиз, чиқиш мумкин эмас.

Сайёр. Тушунтириш қийин, Жони. Қийнама.

Акбар. Эҳ, темир! Сени деб...

Жонтемир. Уни даволанг, доктор!

Акбар. Қани энди, жонимни берардим. (*Сайёрга сув тутади.*)

Сайёр. Раҳмат. Жонига... буюр... шу ерга... Рози бўл. Алвидо...

Акбар. Алвидо, дўстим, тақдирдошим! Бу сайёра сенга мақбара бўлди. Сағананг устига радиомаёқ ўрнаттирман. Сен йўл кўрсатувчи бўласан. Рухинг барча фазогирларга маёқ бўлади. Эслаб қол, Жонтемир, келгуси авлодларга етказишни унутма — Инсон руҳи нақадар нурафшон!

Видолашув куйи вальсга айланади. Саҳнага Қудрат билан Мажия кириб келади. Улар бахтиёр. Рақс. Қоплон пайдо бўлади. Жуфтликка тажовуз қилади. Қудрат олишади.

(Бу кичик саҳнани хореография ҳамда цирк санъати элементлари билан ўтказиш тавсия этилади.)

2-парда

Акбар, Мажия, Қудрат, Жонтемир.

(Акбар билан Жонтемир космик кемада сузиб боряпти.)

Жонтемир. Доктор, ёрдам сўрашяпти.

Акбар. Ким? Қаерда?

Жонтемир. Шимоли-шарқда. Курсдан 17 градус. Аёл.

Акбар. Аёл?

Жонтемир. Шошилинич доктор керак, деяпти.

Акбар. Бер-чи (*наушникни олади*). Мен — доктор. Эштаман.

Аёл овози. Доктор. Эримга ёрдам керак. Ахволи оғир. Мадад кутамиз.

Акбар. Ҳолатини баён қилинг.

Аёл овози. Бизга қоплон ҳужум қилди.

Акбар. Қанақа қоплон?

Аёл овози. Космик пантера.

Акбар. Эси жойидами бу аёлнинг?!

Аёл овози. Ишонинг, доктор.

Акбар. Сен эшитганмисан, Жонтемир?

Жонтемир. Ҳа, доктор. Коинот қароқчилари.

Акбар. Пантера деяпти-ку!

Жонтемир. Қоплонга ўхшаш скафандр кийишади, кўлқопларининг бармоқларига турли қуроллар ўрнатишган, оёқларига — реактив двигатель. Космосда эркин сузиб юришади, кемаларга ҳужум қилишади.

Акбар. Хоним! Жароҳат қанақа?

Аёл овози. Боши соғ, кўл-оёқлари титилган, кўкрагидан яраланган.

Акбар. Қанча бўлди?

Аёл овози. Уч кун-у етти соат.

Акбар. Жонтемир, масофа қанча, вақт бўйича?

Жонтемир. 78 соат.

Акбар. Умид йўқ, хоним. Тақдирга тан беринг.

Аёл овози. Йўқ, доктор. Етиб келсангиз бас, уни авайлайман.

Акбар. Фойдаси йўқ. Мен боргунча, тамом бўлади, барибир.

Аёл овози. Ўлмайти. Сиз уни билмайсиз. Иродаси жуда мустаҳкам.

Акбар. Хотинларга хос мантик.

Аёл овози. Илтимос доктор, менинг дилимни оғритманг.

Акбар. Нима бу — илтимосми, дўкми? (*Жонтемир галати қараб турганини кўриб.*) Ҳа?

Жонтемир. Ёрдам бериш керак!

Акбар. Бўпти, бур. Қароқчилар... Ишонгинг келмайди. Бизга ҳеч учрамади-ку?

Жонтемир. Қани энди, учраса. Айни муддао бўлар эди.

Акбар. А?

Жонтемир. Тутиб Интерполга топширар эдим. Медаль беришарди.

Акбар. Қассобга жон қайғу экан-да! Сен медални

нима қиласан, Жонтемир? Медаль ҳам темир, мен ҳам темир. Лекин одамлар нимага медалга ишқибоз — буни сира тушунмайман.

Акбар (*йўталиб*). Билмайсанми, одам қонида ҳам темир бор-да.

Жонтемир. Демак, сиз одамлар роботлардан келиб чиққан бўлиши мумкин деган назарияни инкор қилмай-сиз?

Акбар. Унчалик эмас-ов. Одам асосан оқсилдан иборат.

Жонтемир. Мен бир одамни биламан. Тўқсон фоиз аъзоси сунъий.

Акбар (*ижиргиланиб*). Гапинг-ку, тўғри. Лекин одам-да рух ҳам бор.

Жонтемир. Рух? Роботларда одамга қараганда кўпроқ.

Акбар (*кулади*). Рух эмас, рух.

Жонтемир (*хижолат бўлгандай*). Рух? Нима у?

Акбар. Тушунтириш қийин.

Жонтемир. Уриниб кўринг.

Акбар. Яхши. Сайёр нима қилганини эсла! Робот шундай қила оладими?

Жонтемир. Одамни қутқариш учун албатта қилади.

Акбар. А-ҳа. Бошқа бир робот қийин аҳволга тушса-чи?

Жонтемир. Командага топширилган вазифани бажариш учун қилади.

Акбар. Вазифага алоқаси бўлмаса-чи? Умуман, у робот бошқа сайёрадан бўлса-чи? (*Фаросатинг борми дегандай қилиб*.) у робот эмас, оддий машина бўлса-чи?

Жонтемир. Айтолмайман. Дастурда кўзда тутилмаган...

Акбар. Кўрдингми? (*Роботни енганидан мамнун*.) Ана шу кўзда тутилмаган нарса — рух.

Жонтемир (*шод*). Топдим. Агар ҳеч кимга зарари тегмаса, робот умумий манфаат учун ўзини қурбон қилиши мумкин!

Акбар. Бўлди, бўлди. Ўша дастур тузган программачингдан ўргилдим.

(*Жонтемир бироз ўйланади, сўнг ўрнида бир-икки айланади.*)

Жонтемир. Ўргилмадингиз-ку, доктор?
Акбар Ўргилдим, ўргилдим.

Чироқ ўчиб ёнади. Ўзга сайёра. Манзара совуқ. Коттеж айвони. Олисроқда яримпачоқ кема. Мажия хонага кириб чиқиб туради. Соатга қарайди. Инграш эшитилади. Қўнаётган станция овози. Акбар киради.

Мажия. Миннатдорман, доктор! Скафандрни олишингиз мумкин.

Акбар. Мажия?!

Мажия. Акбар?! Кутилмаган учрашув.

Акбар. Бахтга қарши. (Орқасига қайтмоқчи бўлади.)

Мажия. Тўхта, Акбар. (Бўшашиб). Нима қилмоқчисан?

Акбар. Чарчаганман. Менинг юрагим битта, холос, билсанг. Бир оз дам олиб, йўлга тушаман.

Мажия (ичкарига ишора қараб олиб). Қудратга нима ёрдам бермоқчисан, деб сўраяпман?

Акбар. Қудрат? Ха-а... Ёрдам беролмайман.

Мажия. Нахотки бош тортасан?

Акбар. Қўлимдан келмайди. Мендан хафа бўлма, овозингни олисдан танимабман, бошқа доктор чақиришни маслаҳат берар эдим.

Мажия. Сен мени ёмон кўрсанг ҳам, худо меҳрибон. Поёнсиз коинотда айни сенга рўбарў қилди.

Акбар. Бунинг қувонарли жойи йўқ.

Мажия. Нега энди? Сен кучли докторсан!

Акбар. Фақат унутма, нормал одамлар докториман. Юраги иккита, қўли тўртгаларни даволаш — касбим эмас.

Мажия. Эшитганман. Юраги иккитасини ҳам даволагансан, юраги йўғини ҳам.

Акбар. Бу бошқа ҳолат.

Мажия. У ҳам сендай астронавт.

Акбар. Лекин мен хотин ўғриси эмасман.

Мажия. Йўқ. У айбдор эмас. Аслида ўзинг айбдорсан.

Акбар. Самимий ҳукм учун ташаккур.

Мажия. Хўп-хўп. Мен айбдорман.

Акбар. Фарқи йўқ.

Мажия. Фарқи бор, Акбар. Агар ажралиш хатини кўрсатмаганимда, мени олиб кетмас эди.

Акбар. Уни деб ажрашгансан.

Мажия. Сенга барибир эмасми? Мен ёрдамга муҳтож бўлсам, қарамасликка ҳаққинг бўларди.

Акбар. Ҳалиям балосан. Ақлинг билан унинг ҳар икки юрагини ҳам чарчатмадингми, ишқилиб?

Мажия. Эси бор одам севишни ҳам билади.

Акбар. Эси бор одам атайлаб айб қилмайди.

Мажия. Демак, айб қилмаганимни тан оласан, шундай эмасми?

Акбар. Ў, Мажия! Заковатингга тан бермай иложим йўқ. Балки бу бадбахт ҳам шу хусусиятинг учун ҳар икки юрагини сенга бағишлагандир. *(Мажия қоматини тиклайди, юзида гурур ифодаланади. Бундан у яна гўзаллашиб кетади.)* Йўқ. Янглишдим. Сен тентак бўлганингда ҳам хоҳлаган одамни мафтун этардинг. Бу нигоҳ, бу чеҳра, бу қомат.

Мажия. Аввалгичалик эмас. Аммо сен ҳамон ўша-ўшасан.

Акбар. Қандай, ўша?

Мажия. Женева кўли ёдингдadir?

Акбар. Мени-ку, бир умр ёдимдан чиқмас. Сен унутмаганингга хайронман.

Мажия. Ўтганни қайтариб бўлмайди. Ажралишган бўлсак ҳам дўст эдик. Дўстлик ҳаққи...

Акбар. Жодугар. Олижаноблик кутма, кўлимдан келмайди.

Мажия. Ахир уни деб йўлингни ўзгартириб келдинг-ку!?

Акбар. Хотиржам бўл, билганимда бир мўйим ҳам қилт этмаган бўларди.

Мажия. Лекин келдинг барибир. Қара инграшини.

Акбар. Хайронман, қайси юраги билан инграпти?

Мажия. Бир қараб кўр.

Акбар. Узр. Бировнинг юрагини кавлаш одатим йўқ. *(Кўзгалади.)*

Мажия. Акбар! У катта мавқега эга. Мен ҳамма гапни хозироқ Орион альфасига етказаман. Ёнидан ўтасан.

Сени соғ қўйишмайди. Э, айтиб ўтираманми, ўзим портлатиб юбораман!

Акбар. Тутоқма, Мажия, сенга ярашмас экан. Менинг кимлигимни унутибсан. Портлатишинг мумкин. Агар шу кўшюраклигингга нафи тегса, бажонудил.

Мажия. (*Ўзини қўлга олиб.*) Акбар, мени тўғри тушун. Бу жазава эмас. Мен кўпни кўрган аёлман. Лекин... лекин уни йўқотишим мумкин. Ва бунга айни сен сабабчи бўлаяпсан, шунга чидай олмаяпман. Усиз менга дунё қоройғи, Акбар! Мени кечир, мен уни севаман. (*Кўзёшини тия олмай.*) Сен келгунигча қанча кўзёш тўқдим, қанча умид қилдим. Илтимос қиламан, ялинаман, оёфингни ўпай, ёрдам бер...

Акбар (*Мажияни тургазади. Ютиниб*). Шу қадар қаттиқ севасанми?

Мажия (*бош силкийди*). Айтдим-ку!

Акбар. Унинг учун ҳамма нарсага тайёрман, де?

Мажия. Ҳамма, ҳамма нарсага.

Акбар. Хўп, даволадим, дейин. Кейин-чи? Кейин па-чоқ кема билан қаерга борасиз?

Мажия. У омон қолса, бас. Шу ерда яшаб турамин?

Акбар (*атрофга боқиб*). Шу саҳрои биёбонда-я?

Мажия.

Хуштур бўлсак иковлон ҳамдам сену мен,
Бир-бирга десак, етушса ҳар ғам сену мен.
Бўлсак бор эсак умрибод маҳрам сену мен,
Дайр муғи аро бўлса ватан ҳам, сену мен.

Акбар (*кўзлари ёниб*). Навоий!

Мажия. Жек Лондон эмас.

Акбар. Сен уни ўқимагансан.

Мажия. Аёлни чўчка деб атаса бўлади, деган ёзув-чини ўқиш мумкинми?

Акбар. «Палуба соябони остида»ни айтасанми? **Хикоя** да.

Мажия. Хикоя эмиш. Аёл зотига тухматдан **ибрат** чўпчак.

Акбар. Дарвоқе, ибратли чўпчаги бор. **Эшит.** Бор экан-да, йўқ экан, ёш, ниҳоятда гўзал жувон бўлган экан. Бир рассом бўлиб, у жувоннинг хуснига ошиқу шайдо экан.

Кичик кўриниш

Рассом, Гўзал, Ҳизир Илёс.

(Саҳна юқорисида кўриниш ҳосил бўлади. Эртақ воқеалари шу кўринишда тасвирланади. Сюжет Акбар тилидан эмас, Рассом, Гўзал ва Ҳизир Илёс иштирокида олиб борилиши ёки классик балет тарзида ифодаланиши мумкин.)

Акбар. Бир пайт келиб Рассом жувонни ўн кунча бетиним ялаб-юлқабди, эркалаб суйибди. Кейин ўзини қолдириб сафарга жўнаб кетибди. Жувон эса уни севар экан.

Мажия. Каттиқ севар эканми?

Акбар. Билмадим. Сен мени Женевада севганингдан каттиқроқ, ҳар қалай. Жувон уни соғина бошлабди. Вақт ўтган сайин соғинчига соғинч қўшилибди. Соғинчдан уззукун йиғлабди. Йиғлайвериб гўзаллиги сўниб тамом бўлибди. Ўзинг биласан, айрим аёлларни қайғу сарғайтиради — модда алмашинуви бузилади-да.

Мажия. Кейин нима бўлибди?

Акбар. Ҳа, чамаси рассомни ҳам гўзаллик урган бўлса керак (бу менинг версиям), сафарда кўзи кўр бўлиб қолибди. Ва жувоннинг даргоҳига қайтибди. Қайтишга қайтибди-ю, лекин куп-қуруқ — сурат чизолмайди, бошқа ишга ярамайди. Аммо жувон бахтини қайта топганидан бахтиёр экан, ҳатто рассомнинг кўзи ожиз бўлиб қолганидан қувонибди ҳам. Ахир у жувоннинг хуснига ошиқ бўлган-да. Хуснидан эса асар ҳам қолмаган. Кўр рассом унинг хусни кузги япроқдай сарғайиб сўлганини билмас, аввалгидай гўзал ҳисоблар, аввалгидай суяр экан, «Гўзалим» дея таърифлаб чарчамас экан. Фақат қувончи кемтик экан. Бир куни рассом жувонга юрагини ёрибди: «Бир буюк картина чизишни орзулаган эдим. Қани энди кўзим тикланса-ю, уни битирсам, мўйқаламларни қўйиб, томоша қилсам, армоним қолмас эди...»

Орадан кўп ўтмай жувонга Ҳизир Илёс йўлиқибди ва унинг қўлига тўтиё тутқазибди. Агар у рассомнинг

кўзига суртилса, кўриш қобилияти тикланар, ҳатто аввалгидан ҳам ўткирроқ бўлар экан.

Мажия. Аёл нима қилибди?

Акбар. Тасаввур қил, бечора қандай рухий қийноққа дучор бўлган — тўтиёни суртса, рассомнинг кўзи очилади, суратларини чизади, армони ушалади, лекин жувоннинг хунуклигини ҳам кўради. Кўргач эса бутунлай ташлаб кетиши тайин. Жувон беш кун азобда қоврилибди.

Мажия. Тушунарли. Аёл нима қилибди?

Акбар. Охири тўтиёни суришга қарор қилибди...

Мажия. Тўғри йўл тутган.

Акбар. Сен (*ишора қилиб*) уни ана ўша аёл севган-чалик севасанми?

Мажия. Фараз қилайлик.

Акбар. Йўқ. Чиндан ҳам севасанми?

Мажия. Ундан кўп бўлса кўпки, кам эмас.

Акбар. Ҳатто ўзингни, ўз бахтингни фидо қилишинг мумкин?

Мажия. Ҳа, албатта.

Акбар. Демак, ундан воз кеча оласан?

Мажия (*қийналиб*). Ҳа, деяпман-ку.

Акбар. Мен билан кетасан, деб шарт қўйсам-чи? Кемада бир жой бўш.

Мажия. Розиман, фақат у соғайгандан кейин. Ўзи яшай оладиган бўлгач.

Акбар. Мен яна Женевага қайтишни, сен билан бирга бўлишни истайман. (*Мажия боши билан жавоб беради.*) Уни даволаганим бўлсин. Менга ассистентлик қиласан. (*Хонага кириб кетишади.*)

(*Чироқ ўчиб ёнади. Аввалги сахна.*)

Мажия. У майиб бўлиб қоладими?

Акбар. Эҳ аёллар. Кеча тирик қолса бўлди деган бугун энди бу кам. Мен сеҳргар эмасман. Лекин ҳарқат қиламан, сен учун. Майиб бўлмайди. Чўлоқ ҳам бўлмайди. Отдай кишнайдиган бўлади. Юз йил яшайди. Галактикани айланиб келишга кучи етади, яна пантералар йўликса, енгадиган бўлади.

Мажия (*мамнунлигини яширолмай*). Миннатдорман, Акбар.

Акбар. Шошма. Бу ҳали оз. У аввалгидай хушқомат бўлади. Тўла соғайгач, яна ҳам жозибадор бўлади. Аёл зоти дош беролмайдиган даражада.

Мажия. Маҳоратингга ишонаман.

Акбар. Фақат энди у сен учун эмас, бошқалар учун яшайди. Буни унутма.

Мажия. Биламан. Муолажангни давом эттир. Ҳаммаси айтганингдай бўлсин.

Акбар. Бўлади. Уч кун тинмай рақсга тушадиган бўлади. Аммо сен билан эмас.

Мажия (*ўзгармайди*). Айтдим-ку, сен буюк докторсан деб.

Акбар. Дарвоқе, у билан никоҳдамисан?

Мажия. Бўлмасам-чи.

Акбар. Ажралишинг керак.

Мажия. Табиий.

Акбар. Қара, балки рози бўлмас?

Мажия. Розилигини оламан, ташвиш қилма.

Акбар. Демак, Женева кўлига бирга кетамиз?

Мажия. Ҳа.

Акбар. Балки Ҳавайида яшармиз?

Мажия. Хоҳишинг.

Акбар. Сахрои Кабирда, десам-чи?

Мажия. Сен қаерда десанг, ўша ерда.

Акбар (*рашк билан*). Жин урсин. Унинг нимасини бу қадар ёқтирасан?

Мажия. Буни тушунтириш қийин.

Акбар. Юраги иккиталиги учунми?

Мажия. Мен фарқига бормаганман.

Акбар. Қўли тўртталиги учун эмасдир?

Мажия. Табиий.

Акбар (*қизариб*). Нима бўлмаса, нимаси мендан ортиқ?

Мажия. Мени қийнама. Севишимни айта оламан. Сабабини эса — йўқ. Биласанми, шу каби ҳолатда бир руҳоний деган экан: нима учун сигирнинг думи пастга қараб ўсади — билмайман, лекин айнан пастга қараб ўсишини аниқ тасдиқлайман.

Акбар. Биламан-билмайман. Ўзингга керакли жавобни-ку биласан.

Мажия. Жаҳлинг чиқмасин. Сени худо етказди. Бўлмаса, бу томонларда нима қилиб юрган эдинг?

Акбар. Излаб юрган, деб ўйласанг, янглишасан. Хотиним кетиб қолгандан кейин, нима қилиш қоларди? Хеч ким бормаган жойларда, боришни истамайдиган жойларда дайдиш қолади-да. Сиз икковингизга нима етишмаган? Қайси жин бу ёқларга етаклаб келди, ўзи?

Мажия. Ерни софинар эдим. Лекин... Ҳавоси Ердига ўхшаш бўлгани учун Қудрат бу сайёрачани ижарага олди. Уни обод қилмоқчи эди. Мен учун... (*Бошини эгади.*)

Акбар. Ҳали кеч эмас. Сўзингни қайтиб олишинг мумкин. Гина қилмайман.

Мажия (*қоматини тиклаб*). Йўқ, йўқ. Қарорим қатъий. Берган сўзимда тураман. Муолажангни охирига етказ.

(Чироқ ўчиб ёнади. Аввалги сахна. Акбар ёлғиз.)

Акбар. Нега? Нега? Ҳамма нарсани қилдим. Тўла соғайиши шарт эди. Бу орионлик организмида нимадир бор, кўзга кўринмас, таҳлилда билинмас. Даволашим шарт. Қани энди маслаҳатлашадиган одам бўлса.

(Булутлар орасидан Ҳизир Илёс чиқиб келади.)

Ҳизир Илёс. Ассалому алайкум, ҳаким.

Акбар. Ваалайкум ассалом. Кимсиз?

Ҳизир Илёс. Нима аҳамияти бор, ҳаким?

Акбар. Бу сайёрага қандай келиб қолдингиз?

Ҳизир Илёс. Мен руҳман. Руҳ учун замон ҳам, маънавият ҳам нисбий.

Акбар. Демак, Сиз — Ҳизир? Ҳизир Илёс? *Одиохнинг* элчиси!

Ҳизир Илёс. Нега руҳинг безовта, ҳаким?

Акбар. Бир фазогирни даволашга киришган эдим. Ҳамма муолажани қилдим. Соғайиб кетиши лозим эди. Лекин...

Ҳизир Илӛс. Хўш?

Акбар. Соғаймаяпти.

Ҳизир Илӛс. Сабаб?

Акбар. Ожизман. Тажрибамда биринчи марта.

Ҳизир Илӛс. Иложи бўлмаса, тақдир экан-да.

Акбар. Йўқ, йўқ. Даволашим шарт.

Ҳизир Илӛс. Шак келтирма, ҳаким.

Акбар. Астафуриллоҳ! Тангри номи билан, мадад беринг, ҳазрат.

Ҳизир Илӛс. Мададнинг калити ўзингда.

Акбар. Тушунмадим?

Ҳизир Илӛс. Ниятинг холисми? (*Акбар жим.*) Ўзингни алдама, ҳаким. Унутмаки, заррача таъма аралашса, табибнинг амали бекор.

Акбар (*боши хам*). Қасд қилган эдим.

Ҳизир Илӛс. Қасд — харом, ҳаким!

Акбар. Мен уни даволашим керак.

Ҳизир Илӛс. Даволаш бу — бурчинг.

Акбар. Ёрдамингизга мухтожман.

Ҳизир Илӛс. Дикқат билан қулоқ сол! Жек Лондон эртагининг ниҳояси эсингдами?

Акбар. Тўтиё ҳақидагими?

Ҳизир Илӛс. Тўтиё — бир рамз. Кўр кўзни очадиган — аслида бошқа нарса.

Акбар. Англамадим, ҳазрат.

Ҳизир Илӛс. Ўйлаб кўр, кўр кўзни очишга кучи етадиган тўтиё йўқолган гўзалликни тиклай олмайдами?

(Ҳизир кўздан ғойиб бўлади. Куй. Акбар кириб кетади.)

Тасвирлар ва куйлар ёруғлаша бошлайди. Акбар қайтиб чиқади. Кема ичидаги Жонтемир билан қўлтелефонда гаплашади.)

Акбар. Жонтемир!

Жонтемир (*кема ичидан*). Эшитаман, доктор!

Акбар. Кетишга ҳозирлан.

Жонтемир. Тайёрман. (*Ичкаридан Қудрат чиқади.*)

Қудрат. Миннатдорман, доктор. Сеҳргар экансиз.

Жонтемир. Сиз ҳали тўла соғайганингизча йўқ.

Қудрат. Сезяпман. Лекин барибир миннатдорман. Оёққа турғиздингиз. Онадан қайта туғилгандайман.

Жонтемир. Мен батамом соғайиб кетишингизни истайман.

Қудрат. Ишонаман. Мажия ҳаммасини сўзлади.

Акбар. Мажия сўзлагани сизнинг розилигингизга боғлиқ.

Қудрат. Розиман, албатта. Ерликлар сиздақа олижаноб бўлишини билмас эканман. Мажия учун афв этишингизни сўрайман. Менга сиз ҳақингизда аввал ҳеч нарса айтмаган эди. Самимий тилагимни қабул этинг. Бахтли бўлишингизни тилайман.

Акбар. Сиз ҳам олижаноб экансиз, Қудрат. Лекин даволашни охирига етказиш лозим.

Қудрат. Яна қандай муолажа қилмоқчисиз?

Акбар. Рухий.

Қудрат. Буюринг.

Акбар. Ерда бўлганмисиз?

Қудрат. Йўқ, бўлмаганман. Боришга Мажия кўнмаган. Сабабини энди пайқаяпман.

Акбар. Энди борасиз. Ер нақадар гўзал ва рухафзо эканини кўринг.

Қудрат. Афсуски, кемам яроқсиз. Ёрдам етиб келишини кутишга тўғри келади.

Акбар. Бизнинг кемада борасиз.

Қудрат. Билишимча, кемангиз фақат икки ўринли?

Акбар. Бунда муаммо йўқ.

Қудрат. Мен уни бошқара олмасам керак.

Акбар. Хотиржам бўлинг. Робот бошқаради.

Қудрат. Мажия... Ҳа. Сиз мени деб бу сайёрада қолмоқчимисиз?

Акбар. Мен докторман. Биринчи навбатда пациент ҳақида қайғуришим лозим.

Қудрат. Орионга хабар жўнатаман. Йўлга чиққанлар сизнинг ихтиёрингизда бўлишади. Нима истасангиз, бажо этишади.

Акбар. Ташвиш чекманг.

Қудрат. Мени қарз қилмоқдасиз.

Акбар. Суришиб кетармиз.

Қудрат. Ерда нима қилишим лозим.

Акбар. Мана бунга ёзилган. (*Дискет узатади.*)

Қудрат. Муолажани Орионда давом эттирсам бўлмай-
дими?

Акбар. Айтолмайман. Бўлмаслиги мумкин.

Қудрат. Яхши. Ерни кўришни ният қилиб юрар эдим.

Акбар. Демак, келишдик.

Қудрат. Қачон учишим лозим?

Акбар. Кемага чиқишингиз мумкин.

Қудрат. Яхши. Мажия билан хайрлашишга рухсат
берасизми?

Акбар. Бу соғлигингизга салбий таъсир қилармикан
деб кўрқаман.

Қудрат. Тушунарли. Балки шундай ҳаммамизга ҳам
енгилроқ бўлар. Хайр.

Акбар. Оқ йўл.

(*Қудрат кемага киради. Коттеждан Мажия чи-
қади.*)

Мажия. Сўзингнинг устидан чиқдинг, Акбар.
(*Атрофга аланглаб.*) Уни сайрга жўнатдингми? Мен
тайёрман.

Акбар. (*Мажиянинг қўлидан олади, кема трапига
етаклайди.*) Чик.

Мажия. Чикдим. Сен нега чикмай турибсан?

Акбар. Жек Лондон эртаги эсингдами?

Мажия. Эсимда, лекин ҳозир бу нимага керак?

Акбар. Ниҳоясини айтмаган эдим.

Мажия. Йўлда айтаверасан.

Акбар. Йўқ. Аввал тингла. Диққат билан. Аёл тўтиё-
ни рассомнинг кўзига суртибди. Сўнг ўзини кўлга таш-
лашга қарор қилибди. Сув лабига бориб қараса, аввал-
гидан ҳам гўзалроқ аёлнинг акси кўринибди.

Мажия. Жек Лондонда-я? Жуда ажиб.

Акбар. Мен бу ерда қоламан, Мажия.

Мажия. Нима? Қоласан? Шошма. Қудрат-чи?

Акбар. У кемада, сени кутяпти.

Мажия. Кемада?.. Кутяпти?

Акбар. Ха. Бирга учасиз. (*Кема эшигини очади.*)
Кир.

Мажия. Нималар деяпсан? Нималар қияпсан?

Акбар. Қарорим шу. Уни Женева кўлига олиб борасан! Бутунлай соғайиб кетади.

Мажия. Акбар, Акбар! (*Бирдан хўнграб йиглаб юборади, ўзини Акбарнинг елкасига ташлайди.*)

Акбар. Ўзингни тут. Сен жуда иродали аёлсан. Олижаноб, гўзал аёлсан. Йиғлаш керак эмас. (*Елкасига қоқади. Кемага киритади.*) Омон бўл (*Кема эшигини ёпади.*) Жонтемир! Ерга томон марш!

Жонтемир. Хўп, доктор. Кемага чиқинг.

Акбар. Мен бу ерда қоламан.

Жонтемир. Йўқ, доктор. Сизни ташлаб кетмайман.

Акбар. Буюраман. Марш деяпман!

Жонтемир. Бу буйруфингизни бажара олмайман.

Акбар. Бажарасан.

Жонтемир. Кечирасиз. Бажармайман.

Акбар. Ух, темиртан. Нима учун бажармайсан?

Жонтемир. Кемага чиқинг.

Акбар. Кемангда жой йўқ менга.

Жонтемир. Жой топаман.

Акбар. Аҳмоқ. Жой топилади. Мен учун жой йўқ.

Жонтемир. Тушунмадим, доктор!

Акбар. Каллаварам. Кемангда иккита йўловчи бор. Сенга буйрук: уларни соғ-омон Ерга олиб борасан.

Жонтемир. Сизсиз ҳеч қаёққа жилмайман.

Акбар. Жилмайсанми?

Жонтемир. Йўқ!

Акбар. Жилмайсанми? (*Ёнидан тўппонча чиқаради.*)

Жонтемир (*бир оз тараддудланиб*). Йў-ўқ.

Акбар. Ўйлайсанки, одамдан ақллиман деб? (*Тўппончани пешонасига олиб боради.*)

Жонтемир. Доктор, доктор! Нима қияпсиз?

Акбар. Нолгача санайман. Ноль деганда жўнамасанг, тўппонча отилади. Уч (*ғийқиллаган овозлар чиқарилади*). Икки (*кема двигателлари ишга тушади*.) Бир.

Жонтемир. Жўнаяпман, доктор! (*Жон-жаҳди билан бақиради. Овозида даҳшат, йиғи ва ҳаяжон қоришиқ.*) Жўнаяпман!! (*Кема аста кўтарилиб узоқлашади.*)

Акбар. Алвидо! (*Акс садо янграб аста сусаяди.*)

П а р д а а с т а ё п и л а д и.

ГРАВИТАЦИЯ ҚОНУНИ

(Қўшиқ тажрибаси)

Муҳаббат, муҳаббат — осмоним менинг,
Қуёшим, юлдузим, Чўлпоним менинг.
Баногоҳ кадрига етмай йўқотган
Қалбим интизори — армоним менинг.

Еру самолардан изладим сени,
Олис фазолардан изладим сени,
Тунда йўл ахтарган сайёҳ мисоли
Нурдан, зиёлардан изладим сени.

Сен сабр қушига қанот эмасми?
Излаб топмаганга сабот эмасми?
Йўлин йўқотганни йўлловчи юлдуз,
Ҳориган ожизга нажот эмасми?

Ҳаётнинг мазмуни — сенсан, муҳаббат!
Кўнгилнинг очуни — сенсан, муҳаббат!
Оламни бор этиб тортиб турувчи
Коинот қонуни — сенсан, муҳаббат!

УСТАСИ ФАРАНГ

(Замонавий қаҳрамон тўғрисида пьеса тажрибаси)

Кичик шаҳарларга хос ҳовли. Айвонли қатор хоналар.

Уфқ ҳали оқара бошламаган. Томнинг устида Чўлпон юздузи чарақлаб турибди. Хўроз қичқиради. Хоналарнинг бирида чироқ ёнади. Момо обдаста кўтариб чиқади. Ёши 90 ларда.

Момо. Ё Халлоқ, имондан айирма. (Ховлининг тўрига ўтади.)

Хўроз яна қичқиради. Иккинчи хонадан Анваржон чиқади. 35 ёшларда. Озгин, кўзойнак таққан. Ювинади. Виолончелда азон чақиригини куйга солиб чалади. Кириб кетади. Учинчи марта хўроз қичқиради. Унга будильник қўнғироғи уланади. Яна бир хонада чироқ ёнади. 14 ёшлардаги ўсмир — Замон майка-труссида қунишиб чиқиб келади. Қўллари билан елкаларини ишқалаганча сакраб, югура бошлайди. Момо қайтади, айвоннинг чирогини ёқади.

Момо. Ҳа, отагинам, намунча, тонг оқармасдан туриб олибсан?

Замон. Ассалому алайкум, моможон. Иш кўп.

Момо. Сен ҳам саломат бўл. Ёш бошинг билан бунча ишинг кўп бўлмаса, а?

Замон. Ўзингиз айтасизу, иши кўпнинг омади кўп, деб.

Момо. Ҳа, энди, катталарни назарда тутаман-да. Сен ҳали эрталаблари тўйиб ухлайдиган пайтинг.

Замон. Э-э, ҳозир тўйиб ухлайдиган замонми, моможон.

Момо. Отам-эй, катталардай фикр қиласан-а. Замонангга нима бўлибди?

Замон. Токарний станок учун маблағ керак.

Момо. Дастгоҳ олиш ҳаракатида юрибман, де? Мех-

наткашимдан ўргулай. Йиққан пулинг анча бўлиб қолди, етиб қолар, чамамда.

Замон (*бошини сарак-сарак қилиб*). Етмайди.

Момо. Ҳаракатинг шунгами? Ҳа, баракалла. Қимирлаган қир ошар, деганлар. Ишқилиб, иш-пиш топилиб турибдими?

Замон. Учта заказим бор, моможон, битиришим керак.

Момо. Ўқишингдан келиб қила қолсанг ҳам бўлармиди?

Замон. Улгурмай қоламан. Сўз берганман.

Момо. Ишингга баракот. Тарақ-туруқ қилмай тура-сан-да, мен бомдодни ўқиб олай.

Замон. Бемалол ўқийверинг. Тарақа-туруғи кечқурун битган, камераларини солиб дамласам бўлди.

Момо хонасига кириб кетади. Замон апил-тапил юзини ювиб артинади, хонасига кириб, комбинезон кийиб чиқади. Бошида теннис кепкаси, тескари кийиб олган. Саҳнанинг четидаги айвонда слесарь столи. Икки хил тиски ўрнатилган. Девордаги стендда турли асбоблар батартиб терилган. Шу ерда бутловчи қисмлар тахланган. Замон камераларни солиб дамлаш билан шугулланади. Учинчи чироқ ёнади. Тошмирза чиқади. 65 ёшларда. Ҳовли айланади.

Тошмирза (*замонга яқинлашиб*). Ҳормасинлар, устаси фаранг.

Замон. Ассалому алайкум, отажон.

Тошмирза. Саломат, саломат. Бугун каллаи сахардан жуда астойдилмилар?

Замон. Қори амаки эрталаб келаман, дегандилар.

Тошмирза. Эшаги бузилиб қолибдими?

Замон (*қиқирлаб кулиб*). Велозшаги.

(Тошмирза бирпас қараб тургач, гулларга сув қуйишига тутинади.

Дарвоза тақиллайди. Овоз: «Уста, ҳў-ў, уста!»)

Тошмирза. Кираверсинлар, Қори. Дарвоза очик.

(Қори киради.)

Қори. Бисмиллоҳир-роҳманир-роҳийм. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ.

Тошмирза. Ваалайкум. Келсинлар. Қани, сўрига.

Қори (*ўтириб, фотиҳа қилади*). Саломатликми, партком, э-э, ошна? Хафа бўлмайдилар, шу тил қурғур ўрганиб қолгандан кейин.

Тошмирза. Бундан хафалик йўқ. Партком эдик, парткомлигимизча ўламиз-да.

Қори. Тўғри, хафа бўлиш ўринсиз. Мениям ҳеч ким дакумутдаги отим билан танимайди. Уёғини сўрасангиз, ошна, лақаб ҳаммага ҳам юқовурмайди, ха, буюрганга юқади.

Тошмирза. Партком дегани бизга лақаб эмас, қори. Унвон, тақдир. Аммо гап бунда эмас. Гина бошқа нарсадан, Қори. Шу, охирги пайтлари фақат «Уста, уста» деб чакириб келадиган бўлиб қолдилар?

Қори. Ҳа, энди, узр, тақсирим дам олаётган бўлсалар, безовта қилмайлик, девдик.

Тошмирза. Бу хонадоннинг гўдақдан бошқа катталари ҳам бор, биладилар. Бирга ўқиган эдик, ахир. Қолаверса, ўртада қалинми-юпқами ошначилик.

Қори. Маъзур тутсинлар. Энди, кимди кимга иши тушса, шуни йўқлар экан-да одамизод.

Тошмирза. А-а, қаранг-а. Гапнинг сираси бўлди.

Қори. Аммо-лекин, кўз тегмасин, шу кенжангиз кўп абжир, одамохун йигит чиқяпти, партком ошна.

Тошмирза. Устаси фарангни айтасизда?

Қори. Устаси фаранг? Ҳа-я, устаси фаранг. Топиб-сиз.

Тошмирза. Ҳа, ҳозирги замоннинг болалари туғилишидан «инга-инга» деб йиғламайди, «танга-танга» деб йиғлайди.

Қори. Замон шулардики бўғандан кейин, тан ошма керак.

Тошмирза (*ранжиб*). Шундай, шундай... Биз энди утил.

Қори. Йўқ, йўқ, унақа тушунмасинлар.

Тошмирза. Тушунсак, тушунмасак, нафақага чиқдик-у, ҳеч кимга керак бўлмай қолдик.

Қори. Оширвормасинлар, партком. (*Ҳазилга бурмоқ*)

чи бўлиб) Белда қувватлари бор, ҳали. Анча-мунча йигитни йиқитадилар. Яна бирор минадиган амал-памал ҳам топилиб қолар. Нима кўп, ҳар хил идора, жамғарма, дегандай.

Тошмирза. Бэ-э... Кимнинг қовоғи учиб турибди?

Қори. Қоловурса, нафақалари ҳам дурустгина бўса керак?

Тошмирза. Ҳ-м-м, колхознинг нафақаси қанча бўларди.

Қори. Шунча йил парткомлик қиған, бир-икки йил раис ҳам бўған раҳбар нафақасидан нолийдими?

Тошмирза. Раис, партком эмиш. Бир умр колхозга қоровуллик қилган эканмиз, аслида. Колхозни бой қиламиз, колхозчиларни боқамиз деявериbmиз-у, ўзимизни ҳам ўйлаш эсимизга келмабди.

Қори. Маъзур тутсинлару, ошна, жа унчалик эмас. Ўша йилларда обрў томдан баланд, анча-мунча одам салом берса, алик олгилари ҳам кemasди.

Тошмирза. Кесатмасинлар, қори.

Қори. Кесатиб ўлиbmизми. Ношукрлик қимасинлар, деяпмиз-да. Роса давр сурганларидан тонмаслар, ҳар қалай.

Тошмирза (қовоқ уйиб). Давр суриб нима қибман? Мана, шу кўриб турганингиз ҳовли-жой. Бошқа нима орттирибман? Йўқ, қори. Даврни, мана, ҳозирги раҳбарлар сураяпти. Биз ишлаган эдик. Халқни деб, давлатни деб кечасию кундузи тиним билмасдик.

Қори. Кўнгилга омасинлар-у, айтай. Эсимизди таниbmизки, қулоғимиз «колхоз-колхоз» деган гапга роса тўйди. Қўйиб берса, боғча болаларди ҳам далага олиб чиқди бу колхоз дегани. Қарияларди ҳам тинч қўймади «райком, обком» билан қўрқитиб. Ўрисчадан таржимаси «одамларди ишлат-у, ҳақини берма, катталарга узат» дегани эканми, билмадим. Колхозди кетидан қанча одам сурди даврди, аммо дехқонди бири икки бўғанини ким кўрди?

Тошмирза. Янглишасиз, қори. Биз ишлаганда колхоз ўзига бой эди. Намуна хўжалик эди. Қанчадан-қанча техника, юзлаб сигир. Қорамолни минг бошга етказиб байроқ олгандик. Кўзи-қўйининг ҳисоби йўқ эди. Ҳар

меҳмон келса, пойига... (*Тилидан илинганини сезиб тугилади.*)

Қори. Тўғри, тақсирим. Комиссия деб, мусобақадош деб, ҳатто мухбирларди пойига қўй думалатгансизлар, кетишида мошинига-ям соб қўярдингизлар. Ўғрилиқди кони эди колхозингиз. Шунинг учун яратганга маъқул бўлмаганки, тузум-пузуми билан куриб битди.

Тошмирза (*алам оҳангида*). Ҳа, майли, омон бўлсак кўрармиз. (*Ўртада совуқ сукунат.*)

Қори (*вазиятни юмшатиш учун*). Худога шукр дейиш керак, ўзингиз саломат, хонадонингиз тинч. Мана, улларингиз. Каттаси топармон-гутармон. Кенжангизди, кўз тегмасин, мурти энди чиқаяптику, ҳамма «уста» дейди.

Тошмирза (*ўзини қўлга олиб*). Ўзларидан сўрасак?

Қори. Юрибмиз элди хизматини қилиб.

Тошмирза (*кесатиб*). Кунора хатми қуръон, амри маъруф, денг.

Қори. Ҳа, очиқ амри маъруф қиладиган кунларга етказганига шукр. Қанақа замонларди кўрмадик. Эсларида бўса керак, отаси намозхон, ўзи эскича ўқишни ўрганади деб мактабдан ҳайдамоқчи бўлишгани? Айниқса шўро замонини куни битиш арафасидаги динимизга қилинган хуружлар — бай-бай-бай. Ўзлариям жоназаларга қатнашолмай қоғанмидилар, а?

Тошмирза. Ҳа, энди, саллани олдеса калла оладиган одамлар бўлган-да.

Қори. Ундайлар доим бўган, ҳозирам бор. Лекин ана ўшаларга катта амал тегмасин экан. (*Тошмирза жим, эзилади.*) Хафа бўмайдилар, ошна. Гап кеганда айтдим, қўйдим. Уйда сиқилиб ўтировурмай, бундай кўча-қўйга айланиб турунг, элга қўшилинг, ёзиласиз.

Момо (*намозини тугатиб чиқади*). Ассалому алайкум.

Қори. Ваалайкум ассалом, Адолат ая. Сихат-саломатмисиз?

Момо. Раҳмат, қори болам. Ўзингиз тузукмисиз? Келин яхши юрибдими? Ўғил-қизлар омонми?

Қори. Алҳамдулиллоҳ, ҳаммалари саломат.

Момо. Мен чой қўйворай.

Қори. Раҳмат, ая. Сира овора бўманг. Чойичарга хали бор. Тепақишлоққа бориб келишим керак. (*Момо ошхонага кириб қайтиб келади.*) Кўп табаррук онангиз бор-да, партком. Фаришталари бор. Ҳар кўрганда, кўнгил бир равшан тортади.

Замон (*велосипед етаклаб келади*). Ассалому алайкум, қори амаки. Мана, тайёр.

Қори. Ваалайкум ассалом, ваалайкум ассалом. Бит-дими-а?

Замон. Мойлаб қўйдим. Бухорога бориб келсангиз ҳам ярайди.

Қори. Боракалло. Бухорога боришга бу арава яраса ҳам, кет чидамайди-да, уста. Яқин-атрофга яраб турса бас.

Замон. Бирор ишкали чикса, тузатиб бериш мендан.

Қори. Кафолати-ям бор, денг? Боракалло. (*Чўнтагини кавлайди.*)

Замон. Йўқ-йўқ, қори бува. Сиздан ҳақ олмайман.

Қори. Ана холос, нега?

Замон. Дуо қилсангиз бўлди.

Қори. А? Эй, офарин. Олтин олма, дуо ол, экан-да. Отангизга раҳмат, уста. Биз момонгизди дуосини осак, дея орзумандамиз. Қани, Адолат ая, шу набирангиз ҳақига бир дуо қилинг, биз «омин» дейлик. (*Момо дуо қилади.*) Омин, оллоху акбар. Энди менга рухсат. Биздикига ўтинг, ая. Ё ўзим об кетайми?

Момо. Раҳмат, болам. Худо хоҳласа, ўтарман. Келинга салом денг.

Қори. Партком, э-э, ошна, сиз ҳам зерикканда ўтиб туринг.

Тошмирза (*энсаси қотиброқ*). Намоз ўқишни билмасак...

Қори. Ўқисангиз, ўқимасангиз, ўзимиздақа тенгқурлар, ёшини яшаб, ошини ошаётган. Одам одамга фанимат, ҳа.

Тошмирза. Кўрармиз.

(*Тошмирза Қорини кузатгани чиқади.*)

Замон. Моможон, нега дадамлар мени «устаси фанг» дейдилар? Мазах қиладиларми?

Момо. Йўқ, нега мазах қиларкан. Бунга хурсанд бўл, отагинам. Отамни — сенинг улуғ бобонгни, жойи жаннатда бўлсин, ҳамма «Устаси фаранг» дер эди. Хали Николай пошшо замонида Фарангистонга бориб, Жин машина, Зингер машина, Попоп машина, яна алламбалоларни олиб келарди. Одамларни ўргатарди. Бузилса, ўзи тузатарди. Шунинг учун раҳматлини ҳамма «Устаси фаранг» дер эди.

Замон. Фарангистон дегани Франциями?

Момо. Ха, Фарансиями, Олмониями, Оврупами — ўша томонлар-да, болам.

Замон. Бобомлар катта одам бўлган эканлар, а, моможон?

Момо. Ха, жуда тадбиркор одам эди, гўри нурга тўлсин.

Замон. Сўзлаб беринг, моможон.

Момо. Ишингдан қолмайсанми?

Замон. Сиз сўзлайверинг. Мен эшитиб қилавераман.

Момо. Ха, нимасини сўзлай, болам. Улуғ бобонгинг ғайрати ичига сифмас эди. Ишнинг кўзини биларди, раҳматлик. Оддий косибнинг ўғли бўлганига қарамай, катта сармоядорликка етган. Лекин тиниб-тинчиганини эсламайман. Бир умр мошин завод кураман деб орзу қилди.

Замон. Зўр! Қанақа завод, моможон?

Момо. Қайдам билай, отажоним. Ўзимиз мошин чиқаришимиз керак, бўлмаса ботқоққа ботганча қолиб кетамиз, дер эди, раҳматли. Аммо армони ўзи билан кетди.

Замон. Нега?

Момо. Дастлаб ҳаракат бошлаганда инқилоб бўлиб, большевойлар мол-мулкани мусодара қилишди. Кейин НЭП деган замонда сал эркинлик бўлувди, электрга ишлайдиган жувоз қуриб тип-тиниқ зифир ёғи чиқарди. Сармояси кўпайиб, яна завод қуриш пайига тушди. Икки-уч ўролга ҳам қатнади. Ўрис инженерларни бошлаб келиб, лойиха тузди. Аммо ҳукумат бу сафар ҳам мол-мулкани тортиб олди. Бу ҳам етмай, тинч қўймади. Отам бизни олиб Бўзга кўчиб кетди. Янги ер очиб, зифир экди. Меҳнат қилганга худо бераверар экан, отам,

яна бойиди. Шўро бойиганни кўролмайдиган тузум эди, «қулоқсан» деб, қамоққа олди. Раҳматли онам билан олти ой турмага қатнадик. Бир марта ҳам кўрсатишмади, ноинсофлар. «Қулоқ» дегани холва экан. Терговда жосусларни маблағ билан таъминлаб тургансан деб айб қўйишибди. Улуғ бобонг тўғри сўз одам эди. Олмония банкида анча-мунча пули қолган, шуни ўқишга борган ўзбек йигит-қизларга хат қилиб берган экан. «Ҳа, берганман, аммо жосусларга эмас, миллатнинг асл фарзандларини ўқиши учун», дебди. Кейин суриштирсак, «Миллатчисан, иттиходчисан», деб отиб ташлашган экан. (*Кўзларини артади.*) Мен янги келин бўлиб тушган пайтим эди, отам билан хайрлашолмай, дийдорига тўймай қолдим.

Замон. Иттиходчилар ким бўлган, момо?

Момо. Мен қайдан билай, отам. Мунаввар қори деган жадидларнинг сарқори бўларди, кўп тилга олардилар.

Замон. Йиғлаяпсизми? Йиғламанг, моможон. (*Келиб қучоқлайди.*) Энди биз мустақилмиз. Мен улуғ бобонинг ниятини амалга ошираман. Ўқийман. Университетни тамомлаб, албатта завод кураман. Унга улуғ бобонинг номини қўяман.

Момо. Илоҳо, ниятингга ет, отабегим. Яратганнинг ўзи сени ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин.

Тошмирза (*ўзича гўлдираб қиради*). Фанимат эмиш. Одамнинг қадри қолдими ҳозир? Қорини айтаман-да. Мактабда аранг учга ўқиган. Энди имом бўлволиб, насихатгўйлик қилганига ўлайми. (*Замонга.*) Нимага ҳақини олмадинг? Икки кун уринувдинг.

Қори. Ошнангиз-ку, қандай оламан?

Тошмирза. Ошна эмиш. Олиш керак эди. Ҳозир бир бурда нонни биров текинга бермайди.

Замон. Дуоларини олдим-ку.

Тошмирза. Ҳе, чаласавод қорининг дуосига қорнинг тўярмиди.

Момо. Унақа дема, ўғлим. Саводи борми, йўқми, аммо ўзи яхши одам, имонли. Отаси ҳам художўй киши эди, бир умр кетмоннинг кетидан кун кечирган. Қатафон пайтида ҳам эътиқодидан қайтмаган. Илми ўтқир

бўлгани билан унга амал қилмайдиган муллалардан шу қори минг марта афзал.

Замон. Қори амаки бир неча баравар қилиб қайта-радилар, дадажон.

Тошмирза. Қанақа қилиб қайтарар экан?

Замон. Эртадан кечгача йиғинма-йиғин юрадилар. Қайга борсалар, гапирадилар. Бундан зўр реклама борми?

Тошмирза (*ҳайратдан жағи осилиб*). Реклама? Ё тавба, бу замоннинг зумрашалари.

(Эшик тақиллайди. Бир киши пул тўлаб, велосипедни олиб кетади. Тошмирза кузатиб туради. Замон санайди. Дафтар олиб чиқиб ёзади. Пулни Тошмирзага узатади.)

Тошмирза (*пулни санаб кўриб*). Нима қилай?

Замон (*елкасини қисади*). Солиққа тўлаб кўярсиз.

Тошмирза. Сувга тўласанг, газга етмайди, газга тўласанг — чирокқа. Телефонни «узаман» деб кеб қолади. (*Киссасига солади. Замон яна уннай бошлайди.*)

Тошмирза (*момога*). Қизингиз турмадими? Чой-пой кўйсин.

Момо. Кўювдим. Газ пастроқ. Қайнаб қолар.

Тошмирза. Кеча анча кеч келдимми?

Момо. Мен ҳам айтдим. Тирикчилик, дейди.

Тошмирза. Тергаб кўйинг. Бошқа қайтармасин. Бўлма-са йиғиштирсин ишини. Супермаркет эмиш. Кассирлик ҳам касбми? Эсиз олий маълумот. (*Кетмон олиб ҳовлига ўтади. Момо тасбеҳ ўгиради. Эшик тақиллайди. Йўлдошали оқсоқланиб, пачағи чиққан велосипедни елкасида кўтариб киради. Боши боғланган.*)

Йўлдошали. Замонбек, хў-ў Замонбек.

Замон. Келаверинг, Йўлдош ака. (*Велосипедни кўриб.*) Вой-бў-ў.

Йўлдошали. Ассалому алайкум, момо.

Момо. Ваалайкум ассалом, пошта болам. Келин яхши бўлиб кетдимми?

Йўлдошали. Худога шукр. Ҳовлига чиқнишга яраб қолди. (*Момо бошига қараётганини сезиб*) Шу денг,

шошилиб кетаётувдим, бурилишдан кўққисдан машина чиқиб қолса бўладими. Чап бераман деб, чинорга бориб урилганимни биламан. Ҳа, момо, болаларимнинг бахтига худо бир сақлади. Қочворди, номард, тўлатар эдим. Замонбек... ука, эплаб берасанми?

Замон (*велосипедга тикилиб, қаншарини қашийди*). Янги олиб кўя қолмайсизми?

Йўлдошали (*ўтинч билан*). Вой, нима деяпсан? Тузатиб бермасанг бўлмайди. Жон ука, бир бало қил. Ҳозир қандай оламан янгисини? Арзон бўлсаям гўрга.

Замон. Майли. Уриниб кўраман.

Йўлдошали (*хурсанд*). Бор экансану, худога шукр-эй. Роса бошим қотаётувди.

Замон. Бош билан урилдингизми?

Йўлдошали. Йўқ, (*бошининг у ер-бу ерни пайпаслаб*) бош омон. Гапда бошда ҳам эмас. Бу бош ўзи нимага ҳам керак. Оёқдан сўра, оёқдан. Ўзингдан қолар гап йўқ, велосипед бўлмаса, почтальонлик қилиб бўладими?

Замон. Синган бўлмасин, тагин. Докторга кўрсатинг.

Йўлдошали (*сапчиб тушиб*). Доктор? Йўқ-йўқ-йўқ. Ўзи битиб кетади. Уйга бориб тухум илитиб босаман. (*Нажот кўзи билан*) Неча кунда эплаб берасан?

Замон. Запчастлар ўзимдан топилади...

Йўлдошали. Хўш-хўш?

Замон. Сварка керак бўлади. Қўшоқвой акага олиб бориш керак.

Йўлдошали. Фойдаси йўқ — кўли синиб ётибди.

Замон. Унда аппаратини бериб турса...

Йўлдошали (*бошини сарак-сарак қилиб*). Бермаса керак. Биласан-у, кўзини аямаса аямайди, аммо аппаратини ҳеч кимга ишонмайди. Бошқа иложини топ, ука. Бугунча бир амаллаб турарман. Аммо эртага нафақа тарқатмасам бўмайди. Бу, пенсионерларни биласан, роса тажанг халқ, бир кун кечиктирсанг, бир ой бошингни қотиради. (*Яна бошини пайпаслайди. Овозини пасайтириб.*) Айниқса, Тошмирзака. Тажангларнинг тажанги.

Замон (*қиқирлаб кулади*). Супертажанг. (*Ўзича.*) Станок ўрнига аппарат олиб турсаммикан?

Йўлдошали (*иши шунга боғлиқлигини сезиб*). Шундай қила қол, ука. Ўзингда йўқ — оламда йўқ. Оламан

десанг, сотадиган бор. Омилхўжани танийсан — сервис очган. Қарзга ботиб, устахонасини ёпди. Асбоб-ускунасини сотаяпти. Аппарати ҳам бор. Омскиданми, Томскиданми обкелган. Қўшоквойникадақа эмас. Ундан зўр. Харидор қидириб юрибди.

Замон. Ахборот учун раҳмат, Йўлдош ака. Қанча сўраркин?

Йўлдошали. Обкелиши билан икки миллион деганди. Ярмига берар балки.

Замон (*дафтарини қўлга олиб, чамалаб кўриб*). Унда гаплашиб кўрайлик.

Йўлдошали (*ҳадиксираброқ*). Бир қоп пул бўлса керак, қайдан топасан?

Замон. Бир оз бор. Токарний станокка йиғаётган эдим.

Йўлдошали. Дурустсан.

Замон. Етмаганига кредит оламан. Акам бериб турар. Жуда бўлмаса, рассрочка қилиб узиб юбораман. Сварка ҳам барибир керак-да.

Йўлдошали. Тўғри, тўғри, керак. Ол, ука. Сигиримни сотворувдим-да, бўлмаса... Янганг касал бўлиб, операцияга тушувди. Ҳа, бус-бутун сигирнинг пули кетди, бир тийин ҳам қолмади, Замонбек.

Замон. Яхши бўлиб кетдиларми?

Йўлдошали. Худога шукр, анча тузук. Тузатиб берсанг, роса дуо қиламиз эру хотин. Ҳар эҳтимолга қарши Қўшоквойга бир учраб кўрай. Ошнам-ку, балки йўқ демас. Ҳа, айтмоқчи, мана буни... (*Чўнтақларини бир оз кавлаб ғижимланган пул чиқаради.*)

Замон. Пулни кўяверинг. (*Йўлдошали дудуқланади.*) Яна сигир олганингиздан кейин қаймоғи билан узасиз. Ҳозирча мана буни миниб туринг. (*Ўзининг велосипедини тутқзади.*)

(*Йўлдошали бир оз анграйиб туради, кейин даст-рўмол билан кўзини артади. Бир нималарни ғулдираганча чиқиб кетади. Замон Йўлдошалининг велосипедини кавлай бошлайди. Четроқдаги хонадан Гулмира чиқади. 30 ёшларда.*)

Гулмира (*норози оҳангда*). Устаси фаранг, намуноча азондан туриб олмасанг?

Замон. Кун чиққунча ётиш керакми?

Гулмира. Кесатмаган сен қолувдинг.

Замон. Кесатаётганим йўқ. Эрта ётиб эрта турган соғлом, бой ва доно бўлур.

Гулмира. Жа, осон экан-у бой ва доно бўлиш. Қаердан топдинг бу гапни?

Замон. Инглиз тилида ўтдик. Франклиннинг мақоли.

Гулмирза. Франклиннинг ким?

Замон. Олий маълумотли! Франклинни билмайсизми?

Гулмира. Бизга ўқитишмаган.

Замон. Юз доллар бор-ку, ана ўшандаги сурат Франклин-да.

Гулмира. Юз долларингни ушлаб кўрибманми. Американинг президенти-дир-да?

Замон. Йўқ. Сиз Вашингтонни айтаяпсиз.

Гулмира. Нимага суратини солишибди, бўлмаса?

Замон. Америкаликларни ишлашга, бой бўлишга ўргатган.

Гулмира. Балосан. Устаси фаранг деганларича бор сени.

(Гулмира ошхонага ўтади. Яна бир одам келади, велосипедини синчиклаб текшириб кўради, диққат билан пул санаб бериб чиқиб кетади. Замон дафтарини очади. Пулни санаб, калкуляторда ҳисоб-китоб қилади, нималарнидир ёзади. Пулни иккига бўлиб, ярмини киссасига солади. Гулмира қайтади.)

Замон. Бир нарса сўрасам, хафа бўлмайсизми?

Гулмира. Нима экан?

Замон. Кеча кечқурун қаерда эдингиз?

Гулмира. Нима, қайнонаммисан? Ишинг бўлмасин.

Замон. Нега бўлмас экан? Жуда бўлади-да.

Гулмира. Ишда эдим.

Замон. Ишдан кейин.

Гулмира. Ҳа, дугонамникида эдим.

Замон (*атрофга қараб олиб*). Мўйловли дугона!

Гулмира (*овозини пасайтириб*). Вой яшшамагур. Сен қайдан била қолдинг?

Замон. Мендан яширолмайсиз. Шампан ичганингизгача биламан.

(Хонада Анваржоннинг шарпаси сезилади. Она-уканинг суҳбатига қулоқ тутлади.)

Гулмира. Ичганим йўқ.

Замон. Ресторандан чиқиб...

Гулмира. Ўчир овозингни!

Замон *(овозини пасайтиради)*. Видеозалда...

Гулмира. Вой ўлмасам. *(Қизариб.)* Кўрганим йўқ, чиқиб кетдим.

Замон. Биламан. Эротик фильм эди-да.

Гулмира. Муштдай бошинг билан бунақа гапларни қайдан ўргандинг, зумраша?

Замон. Марсдан тушганмисиз? Ёш болалар ҳам билади.

Гулмира. Шунақа кинолардан ҳам қолмаяпман, де?

Замон *(илжайиб)*. Билиб қўйишнинг зарари йўқ.

Гулмира. Вой-вой-вой. Уятсиз. Яна-чи?

Замон. Нима «яна»?

Гулмира. Ўзингни гўлликка солма. Бузук қизлар билан юриб нетмадингми?

Замон. Аҳмоқ бўлибманми? Мендан хавотир олманг. Нима фойда, нима зарар — ажратволаман. Сиз ўзингизга эҳтиёт бўлинг. *(Опасига пул беради. Овозини кўтариб.)* Жиянчамга туфли олиб беринг.

Гулмира. Кўявермайсанми.

Замон. Ўзим олиб бермоқчийдим, вақт йўқ. Танлашни ҳам билмайман. *(Гулмира ийманиб олади. Яна овозини пасайтириб.)* Билиб қўйинг, ҳар бир қадамингиз — менинг кузатувимда. *(Опасига кўзини қисади. Овозини баландлатиб.)* Нонушта қачон бўлади? Қорин очиб кетди-ку.

Гулмира. Бундан ҳам эртароқ туриб ол. *(Ошиқонага ўтади. Замон яна уннай бошлайди. Анваржон чиқиб келади. Рухсиз.)*

Замон. Ассалому алайкум.

Анваржон. Салом. *(Бир оз талмовсираб туради. Замоннинг ишини кузатади. Яна кириб кетади. Дарвоза тарақлаб очилади. Қори Тўрабойни бошлаб киради.)*

Қори. Уста, ҳов уста! Яна юмуш билан келдик-да. (Тўрабойга) Уста — мана шу йигит. (Тўрабой ҳафсаласи тир бўлган одамдай саломлашгиси келмайди.)

Замон. Раҳмат, Қори амаки. Нима иш экан?

Қори. Тўрабойни танийсиз, шаҳримизди қўли узун йигитларидан. Отаси бизди қадрдон. Кириб ўтайин дедим, шу, аравачаси бузилиб қопти. Устасини мана биз биламизда деб, Тўравойни бошлаб келовурдим-да. (Эшикдан Тўрабойнинг шофёри инвалидлар аравачасини кўтариб киради.) Тузатиб берсангиз, кўп савоб иш бўлади. Тўравой сизди рози қилади, албатта. (Энгашиб) Жа қўли очик йигит.

Тўравой (ишончсизлик билан). Ха, таъмирланса яхши бўларди. Янгисини олиб келгунча бобой қийналмай турарди.

Қори. Тузалади, Тўравой иним, тузалади. Сиз бизди устани билмайсиз. Қўли гул. Устаси фаранг, ха.

Замон (аравачанинг у ёқ-бу ёгини кўриб). Уриниб кўриш керак.

Тўравой. Сервисдагиларга оборгандим, кўриб, японники экан, эплотмаймиз, дейишди.

Замон (қувониб, қўлларини бир-бирига ишқалайди). Ундай бўлса, албатта тузатаман.

Қори. Ана, айтдим-ку сизга, Тўравой, қўлидан келади, деб. Қараб турасиз.

Тўравой (замоннинг устахонасини кўздан кечиради. Сўнг пул чиқаради). Қачон хабар олсин?

Замон. Бу кўп.

Тўравой. Чўнтакка сол. Бонкка оборсанг, алмаштириб беришади. (Замоннинг тараддудланганини кўриб.) Тузатмасанг ҳам майли. Шаҳримизда сендақа мастер борлигидан мамнунман, укагинам. Тўғрилаб берсанг, ҳали алоҳида тақдирлайман.

Замон. Бугун улгуролмасам керак. Индинга битириб берсам бўладими?

Тўравой. Бўлади. (Қорига қарайди.)

Қори. Бу, партком ошнамнинг ўғли зўр, ха. Аравамни шунақа созлаб бердики, Тўравой, қушдай енгил, денг, бир тепсангиз бир чақиримга ўзи гилдирааб кетовради.

Тўравой. Яхши. (*Шофёрни кўрсатиб.*) Мана шу аканг келиб олиб кетади, уагинам.

Қори. Партком кўринмайдими? Ҳа, майли. Бизга рухсат, уста, борайлик.

(Чиқишади. Жўнаётган машинанинг овози. Замон дафтарига нималарнидир ёзиб, Момога олиб кириб беради.)

Момо. Хурсандсан, отам?

Замон. Қийин иш олиб келишди.

Момо. Қийин бўлса, қийналиб қолма тагин.

Замон. Қанча қийин бўлса, шунча яхши-ку, моможон. Бахонада анча нарсани ўрганиб оламан.

Момо. Зехнлигимдан ўргулай. Илоё, топганингга барака берсин.

(Момо Замоннинг пешонасидан ўпади. Жавондан калит олиб, сандиқни очади, ундан рўмол олиб, унга пулни ўрайди, қайтадан жойига солади. Гулмира сўрига дастурхон ёзиб, нон-чай, майиз қўяди. Оила аъзолари келиб ўтиришади. Замон яна устахонасига киради. Уни нонуштага давват қилишади. У ювиниб, артиниб келади ва апил-тапил овқатлана бошлайди.)

Гулмира. Намунча ютоқмасанг? Шошилмай е.

Замон. Вақт йўқ.

Момо. Бугун эрталабдан уйимиз ободми?

Тошмирза. Ҳа. (*Бузуқ араваларга ишора қилиб.*) Устахона бўлиб кетди-ку.

Момо. Яратганга шукр.

Гулмира. Тузукроқ пул тўлашадими, ўзи?

Тошмирза. Кимдир беради, кимдир — курук раҳмат.

Момо. Ёш боши билан шунча одамнинг ҳожагини чиқаряпти — катта гап. Савоб.

Гулмира. Савобнинг таги тешик, Момо. Текинга мушук офтобга чиқмаслиги керак ҳозирги замонда.

Момо. Унақа дема, қизим. Ҳамма замонда ҳам барака одамгарчилик, имон-инсоф бор жойга ёғилади.

Гулмира. Моможон-эй. Текинга ишлайдиган бўлса, йиғиштирсин. Эрталабдан тарақ-туруқ қилиб, ҳамманинг уйкусини бузмай.

Тошмирза. Нега йиғиштирар экан? Озми-кўпми топиб турибди. Ўзинг эртароқ турсанг бўлмайдимми? (*Нохуш сукунат. Замон чойга тикилади*) Шошилмай ичсанг-чи. Бу боланинг бунча вақти тикилинч бўлмаса. (*Телефон жиринглайди*).

Гулмира. Ким экан?

Замон (*чопиб бориб дастани кўтаради*). Хелоу. Йа. Файн. Энд ю?

Тошмирза. Ким? Афанди дейдимми?

Замон. Инглиз тили семинарга кетган бўлса... ҳ-м-м, завучга айт, ўзбек тили кирсин... Яна-я?.. Тўйдан бошқа ҳам иши борми ўзи? Рус тили-чи?.. Ия, қачон? Ана холос! Спортсмен! Дарслар яна ўзимизга қолар экан-да. Ўзинг учун ўл етим... (*Момо бошини тебратади, Тошмирза қошини чимиради.*) Ўқитувчиси йўқ ўқувчи етим бўлмай ким?

Момо (*Гулмирага*). Анваржон чикмади?

Гулмира. Дам олаяпти. Чиқиб қолар.

Тошмирза. Чарчамаган бўлса... Чақирсанг бўларди. (*Гулмира чақиргани кириб кетади. Қайтиб чиқади.*)

Гулмира. Мазаси йўқ эмиш. (*Момо билан Тошмирза бир-бирига маъноли қараб олишади.*)

Замон (*ҳамон телефонда*). Йўқ, Диля, ўтмасак бўлмайди. Аввалги ҳафта ўн соат дарс бўлмади, роса ялло қилдик. Ферузкага айт, репетитордан билганини бизга ўргатсин. Ўзинг компакт-диск олвол. Янгисидан борми? Келишдик. Бай-бай. (*Жойига қайтиб тўнгилайди.*) Шуям интизом бўлди-ю.

Тошмирза. Ҳа, тинчликми, «бай-бай» деб қолдинг?

Замон. Инглиз тили семинарга кетибди. Ҳар ой бо-
ради.

Гулмира. Яхши-да.

Замон. Ўзбек тили тўйда. Ҳар ҳафта тўй.

Гулмира. Мохирами? Торт пиширишга уста. Ким тўй қилса, кўярда-кўймай олиб кетади.

Тошмирза. Дарсни ташлаб тўйга бориш — масъулиятнинг етишмаслиги .

Гулмира. Маошига яраша-да.

Тошмирза. Нима деганинг бу? Озми-кўпми, халол-лаб олиш керак маош деганни.

Момо. Муаллимлик — улуф касб.

Гулмира. Шунинг учун ҳамма ўзини тижоратга уряпти.

Тошмирза. Биттаси сен. Ҳайф диплом.

Гулмира. Вой, дада-ей, қизиқсиз-да. Тирикчилик қилиш керакми?

Тошмирза. Мактабдан кетмай қилса бўлмайдими ўша тирикчилик деганни?

Гулмира. Дарс бир ставкага етмаса, ойлиги ҳам...

Тошмирза. Тирикчилик деб ҳар кўчага кираверса, оқибати яхши бўлмайди. (*Нохуш сукунат.*)

Замон. Рус тили Тошкентга жўнаворибди. Спортсмен-да. (*Бирдан жонланиб*) Опа, рус тилисиз қолмайлик. Ўзингиз кира қолинг.

Гулмира (*хушламай*). Не интересно. Айтдим-ку, қатнаганинг кираси эмас.

Замон. Нега? Ўзингизнинг дарсларингиз турибди, ҳеч ким ўтаётгани йўқ. Спортсменнинг дарсларини ҳам оласиз, бир ставкадан ошиб кетади.

Гулмира. Инглиз тилига ўхшаб репетиторлиги бўлса ҳам кошки эди.

Замон (*ичаётган чойига тиқилиб*). Ўх-хў, репетиторлик... Бор. Биласизми, опа. Учтамизга репетиторлик қиласиз.

Гулмира. Рус тилидан-а? Кимга?

Замон. Менга, Сашкага, Полвонга.

Гулмира. Инглиз тили-ку — мода. Рус тилини бошингга урасанларми?

Замон. Э-э, ўрни бор-да. Инглиз тили — бизнес учун, рус тили — техникани ўрганишга. Нега хайрон бўласиз? Кеча кутубхонадан китоб олдим: «История машин и механизмов» деган. Зўр китоб. Ўқишга қийналяпман.

Гулмира. Келиб-келиб ўз укамга пулга репетиторлик қиламанми?

Замон. Нима бўлибди? Частный эмас. Мактабда. Репетиторлик курси очилган.

Гулмира. Атиги уч киши, улардан ҳам биттаси...

Замон. Бошида-да. Эълон берамиз. Кимдир ўқишга киради, кимгадир бизнес учун керак. (*Гулмира ўйланди.*) Директор билан гаплашамиз. Ҳозирча қўшимча олти минг оласиз.

Тошмирза. Ол-а. Нима бало, директорга маслаҳатчиси мисан?

Замон. Илтимос қиламиз, йўқ демайдилар.

Тошмирза. Велосипедини тузатиб бераётгандирсан-да?

Замон. Запорожецда юрадилар-ку. Ҳа, Сашка иккаламиз уёқ-буёғига қараб турамиз.

Тошмирза. Ҳали мошина ҳам тузатяпман, де?

Замон. Запорожецми? Мопеддай гап.

Тошмирза. Ҳа, унда «йўқ» деёлмас экан.

Замон (*хафа бўлиб*). Унгамас, дадажон. Ўзлари синфимизни яхши кўрадилар. Комиссия келса, тўғри бизга олиб кирадилар.

Тошмирза. Нимага?

Замон. Билмадим.

Гулмира. Айт, ўзингни камтарликка солмай.

Замон. Олдинги ҳафта комиссия босган экан. Бошлаб кирдилар. Вазирликданми, Ҳукуматданми келган вакил «Катта бўлгач, ким бўласиз, биласизларми?» деб сўрадилар. Полвон «ҳозир ҳам кичик эмасмиз, биламиз», деди. Ҳаммадан бирма-бир сўраб чикдилар. Полвон «шофёр бўламан, Камаз сотволиб одамларнинг узовини яқин қиламан», деди. Ўсар — компьютер жинниси — «Мен ўзбек Бил Гейтси бўламан», деди. Диля «дипломат бўламан, Ватанимнинг халқаро мавқеини юксалтиришга хизмат қиламан», деди. Сашка — инженер, Ферузка — таржимон, Сафар — жисмоний тарбия ўқитувчиси...

Гулмира. Сен ким бўламан, дединг?

Замон. Мен менежер бўламан, дедим. Вакилнинг кўзлари олайиб кетди.

Гулмира. Нимага олаяди?

Замон. Бизам хайрон бўлдик. Кейин билсак, ўйлабдиларки, бизга «шундай дейсанлар» деб ўргатиб қўйишганмиш.

Тошмирза. Тўғри, доим шундай бўлган. Комиссия келса, биз ҳам колхозчиларга нима жавоб беришни эринмай ўргатар эдик.

Гулмира. Вой, дадажон-эй. Микрофонга гапиришса ҳам тўтиқушдай сайрашлари шундан-да.

Замон. Биззи ҳам «тўти» деб ўйлаганларми, уёқ-буёқдан роса айлангирдилар. Бир пайт «Юрист бўлаган ҳам борми?» деб сўраб қолдилар. Битта Равшан қўл кўтарди. Ўзи ҳам доим шимини дазмоллаб галстукда юради. Болалар майна қилса ҳам ташламайди. Вакил бир нима топиб олгандай жилмайди-да, Равшанга тикилиб, «Хўш, юрист бўлиб нима иш қиласан?» дедилар.

Гулмира. У нима деди?

Замон. У «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат бўламан, Мамлакатимизда ривожланган демократик давлат қуришга ҳисса қўшаман», деган эди, вакилнинг жағи осилиб қолди. Кейин беш минут «Баракалла!» деб мактаб-мактаб чиқиб кетдилар.

Гулмира. Балки пичинг қилгандир?

Замон. Йўқ, пичинг қилмадилар. Кейин директор бошқарма бошлиғи билан қайтиб кириб, ҳаммамизга ташаккур айтдилар-ку.

Гулмира. Шунга ҳам ташаккурми?

Замон. Вакил қайси мактабга борса, кўпчилик «юрист бўламан» деб жавоб берибди-да. Лицейда бутун синф ёппасига юрфакка кирамиз дебди. Комиссия ҳам биздан сўрагандай, «Юрист бўлиб нима иш қиласанлар?» деб қистовга олган экан, «терговчи бўламан», «прокурор бўламан», «судья бўламан» деб жавоб беришибди.

Гулмира. Юрист бўлиш — престижно.

Момо. Намунча одамни жазолашга ишқибоз бўлиш-маса?

Тошмирза. Топиш-тутишлари яхши-да.

Гулмира. Сен ҳам яхши ўқийсан-у, юрист бўла қолмайсанми?

Замон. Мен техникага қизиқаман.

Тошмирза. Ҳа, техникада гап кўп.

Момо. Отам раҳматлининг орзулари шу эди.

Гулмира. Дугоналарим ҳам буларнинг синфини билмастайди, болаларнинг бари бири биридан яхши деб.

Замон. Рус тилини оласанми?

Тошмирза. Ҳозирги ишинга кўра тузук бўлар эди, қизим.

Гулмира. Мактабда бир ойда берадиганини бир ҳафтада топяпман.

Момо. Укангнинг райини қайтарма, болам.

Гулмира. Ўйлаб кўрарман.

Замон. Ўйланг, ўйланг.

Момо. Отагинам, поччангни сен чақира қол. (*Замон Анваржонни қўярда қўймай бошлаб чиқади.*)

Тошмирза. Ўқитувчилар нолимаса ҳам бўлади. Маошларини канда қилмай олишади.

Анваржон. Яна ҳар байрам ота-оналар мажлисини чақириб пул йиғишга ўрганишган.

Гулмира. Сизларникини қачон берар экан? Маош олмаганингизга уч ойдан ошди, шекилли.

Анваржон (*елка қисиб*). Ҳисобда пул йўқ эмиш.

Гулмира. Хайхотдай маданият уйини ижарага бериб қўйибсизлар-у, унинг пули қаёққа гумдон бўляпти?

Анваржон. Ким билсин.

Тошмирза. Тинчитишади-да. Замон айниб кетган.

Момо. Ўғлим, замонда нима айб?

Тошмирза. Хўп, ойи. Одамлар айниган. Розимиз?

Момо. Яхши одамлар кўп, ўғлим.

Гулмира. Дадам тўғри айтяптилар, момо. Сиз беҳабарсиз. Роддомдаям пул, боғчадаям пул, мактабдаям. Қайга борсанг — пул, пул, пул.

Анваржон. Бозор иқтисодиёти деганлари шу-да.

Момо. Бозорда ҳикмат кўп.

Тошмирза. Қанақа ҳикмат, ойи? Пули борга — бозор, пули йўққа — мозор.

Момо. Ота-боболаримиз минг йиллаб бозорни обод қилган, бозор эса — юртни.

Замон. Япония ҳам...

Гулмира (*замонга секин*). Катталар гапирганда маҳмадоналик қилмай ўтирсанг-чи.

Тошмирза. Ҳа, ойи. Кимдир бозорнинг кетидан роса бойияпти. Лекин қайси йўл билан? Бирор нарсани йўқдан бор қилибми? Экмайди, ўрмайди, янчмайди. Тайёр нарсани бир сўмга олиб, икки-уч сўмга сотиб бойияпти. Сиз эса ҳикмат дейсиз.

Момо. Ҳикмати шунда-да, болам. Масчитда ҳамма

муслмон. Бозорда эса одамнинг имони синалади. (*Сукунат.*)

Тошмирза. Э-э, ҳаммадан кўпроқ бозорнинг ўзи айниган. Тоши енгил, тарозиси фирром. Сотувчиси олғир, назоратчиси таъмагир. Тепасида тургани ундан бадтар.

Анваржон. Буёқда номус, ҳаё, виждон — ҳаммаси бозорга солининаётгани чатоқ.

Тошмирза. Тўғри. (*Тажанглиги ошиб.*) Ҳе, бошқасини қўйинг. Мана шу ўзимизнинг идорани олинг. Ўтиришибди курсиларда пахта тикилган қанордай бўлиб. Бир иш билан борсангиз, «шунча йил меҳнат қилган, хизмат қилган» дейиш уёқда турсин, сен кимсан демайди. Каттаси ҳам, кичиги ҳам келганнинг қўлига қараб муомала қилади.

Момо. Ўзинг тажангсан, ўғлим. Тажанглигингга яраша муомала қилишса, сенга шундай туюлган.

Тошмирза. Ҳе, ойи, ўзингиз бир бориб кўринг. (*Сукунат. Ўзини ноқулай сезади. Оғзига нос ташлайди. Замонга.*) Сенинг ўқитувчиларинг пул йиғмай қўйдими?

Замон. Йўқ, йиғишмайди. Нима каму кўст бўлса, ўзимиз битирамиз.

Гулмира. Синфнинг ремонтчи-чи?

Замон. Синф нима? Спортзални ремонт қилдигу.

Гулмира. Туғилган кунларга совғаниямми?

Замон. Совғаниям.

Гулмира. Тўй қилса-чи?

Замон. Тўйга ҳам қарашамиз. Қараб турмаймиз.

Гулмира. Ҳамманг ўқувчи бўлсанг, шунча пулни қаёқдан оласанлар?

Тошмирза. Устачилик қиляпти-ку.

Гулмира. Бошқаларни айтаман-да.

Замон. Синфимиз билан пул топишга келишганмиз. Тадбиркорликни ўрганишга қарор қилганмиз. Ҳеч ким ота-онасидан пул сўрамайди. Тақиқланган.

Анваржон. Тадбиркорлик?

Гулмира. Осон эканми. Катталар эплай олмаяпти-ю.

Замон. Осон бўлса, нима қизиғи бор? Лекин кийин ҳам эмас: бизнес-режа, менежмент, маркетинг. Ўрганиш мумкин.

Тошмирза. Ана сенга охир замон болалари.

Гулмира. Қаердан ўрганасан бу гапларни?

Замон. Ўқитишади. Яқинда Ҳайдаров деган домла келди. Ўзи дарслик ёзган.

Момо (*Замоннинг бошини силаб*). Баракалла, ўзимнинг отамдан.

Гулмира. Қани, сўзла-чи, ким қандай пул топаяпти.

Замон. Холмат кечаси чорраҳада ароқ сотади.

Момо. Астаффуриллоҳ.

Тошмирза (*носини туфуриб*). Бу, директоринг қаёққа қарайди?

Анваржон. Ота-онаси борми?

Гулмира. Онаси ётиб қолган, отаси — пиёниста.

Тошмирза. Боласига ҳам ўргатгандир-да.

Замон. Йўқ, унақа деманг, дада. Ўзи ичади, демадим-ку. Сотади, холос. Магазинчи тоғасига қарашади. Тунда савдо чакқон бўлади-да, ёрдамчи керак.

Тошмирза. Яхши эмас, ёш бола.

Гулмира. Нима қилсин? Қийин бечорага, бутун бошли рўзғор шу Холматнинг гарданида бўлса.

Замон. Ўзи зўр бола.

Момо. Зўр дегани ёмон дегани, отам.

Гулмира. Вой, момо. Булар яхшини «зўр» дейишади, жуда яхши бўлса, «ёмон зўр» деб қўйишади.

Момо. Тавба.

Гулмира. Хўш, кейин?

Замон. Нормат нос сотади.

Анваржон (*кулиб*). Ҳа, буниси тузук.

Тошмирза. Униям отаси ичувчими?

Замон. Йўқ. Умуман оғзига олмайди. Ишсиз.

Тошмирза. Мардикорлик қилсин, ўғлига нос соттириб тирикчилик қилгандан кўра.

Гулмира (*пичинг билан*). Ҳаммаям эплейвермайди.

Анваржон (*бўйинини қисиб*). Мардикор кўп, харидор кам.

Гулмира. Яна-чи?

Замон. Сотволди кечалари пивога сув қўшади.

Тошмирза, Анваржон. Нима? Қайси пивога?

Замон. Ҳаммасига. Пивофурушлар кечаси уйига бочкаларини судраб келишади. Сотволдининг ҳовлисида блок бор. Пивонинг устига сув қўйиб тўлдириб беради.

Тошмирза. Айтдим-а, пиводан маза кетди деб.

Анваржон. Шунга қоринни оғритар экан-да.

Момо. Ачиган арпа сувидан булоқ суви тузук-да.

Гулмира. Вой, момогинам-эй. Қизлар-чи, қизлар нима қилади?

Замон. Майна гастрономда сарёкқа маргарин аралаштиради.

Тошмирза. Оббо.

Замон. Қумри опаси тиккан қўлбола шимларга модний этикетка ёпиштиради.

Гулмира. Хой, менга қара. Ҳаммангнинг бизнесинг шунақами?

Замон. Бизнесмисан бизнес.

Тошмирза. Ҳозирдан шунақа ишга ўргансаларинг, катта бўлганда ким бўлишасан?

Замон. Вақтинча-да, дада. Уларгаям яхшироқ иш топиб берамиз.

Тошмирза. Яхшиси қанақа экан?

Замон. Ҳасан-Ҳусан заправкада машина артади.

Тошмирза. Тузук, тузук.

Замон. Тохир ресторанда дастёрлик қилади (*Опасига маъноли қараб қўяди*). Полвоннинг велосипедига прицеп қилиб берганман. Бозорда юк ташийди. Крутой. Якшанба кунлари ўн минггача туширади.

Тошмирза. Мен ҳам сабзи-пиёз олсам, вириллаб ташлаб кетади, барака топгур.

Замон. Сашка менга қарашади — эски велосипедларни йиғиб запчасть қилади.

Гулмира. Қизлар-чи, қизлар?

Замон. Қизларнинг иши ундан ҳам зўр — биттаси дўппи тикади, яна биттаси — кофта. Раъно татар қўшнисидан қўлқоп тўқишни ўрганган. Чиройли қилиб гул босади. Янги ўзбекларнинг хотинлари оғзига сикқанини бериб олишади.

Момо. Қара-я.

Гулмира (*эрига қараб олиб*). Айт, менга ҳам тўқиб берсин. (*Анваржон чойнакни кўтариб кириб кетади. Тошмирза қизига ўқрайиб қўяди.*)

Замон. Тўқиб беради. Фақат шартим бор.

Гулмира. Шарт? Ҳа-а устаси фаранг! Ўйлаб кўра-

ман, дедим-ку. Шу ёшингдан мунча елимсан-а? Билмадим, катта бўлганингда ким бўласан?

Замон. Айтдим-ку, менежер деб.

Тошмирза. Инжинир деганини билардик. Менижинг ким?

Замон. Улуғ бобом зўр менежер бўлган эканлар. А, момо?

Момо. Ҳа, отам. Улуғ бобонг қамалганда, даданг ҳали туғилмаган эди, унча билмайди. (*Анваржон қайтади.*)

Тошмирза. Хўш, менижир деганингни нима каромат кўрсатар экан?

Замон. Завод қуради, корхона очади.

Тошмирза. Директор экан-да.

Замон. У бошқа. Директорни тайинлашади. Менежер ўзи очиб, ўзи юритади.

Гулмира. Сен қанақа корхона очмоқчисан?

Замон. Велосипед заводи.

Гулмира. Хусусий заводми? Орзуинг чаккимас.

Замон. Биринчидан, хусусий эмас, ўртоқларим билан. Ҳиссадорлик асосида.

Момо. Ҳа, ахилликда ҳикмат кўп.

Замон. Иккинчидан орзу эмас, режа. Ўйланган. Мактабни битириб машинасозлик коллежида ўқийман. Кейин менежмент факультетига ташлайман.

Тошмирза. Ташлайман?

Замон. Ҳа, шу... ўқишга кираман. Ўқиб юриб цех очаман, велосипед реставрация қиладиган. Дипломли бўлволгач, йиғув заводи қураман, кейин кенгайтириб бораман.

Гулмира (*эрмак қилгандай*). Нега энди велосипед? Орзу қилганга яраша самолёт заводими, автомобиль концернними қур.

Замон (*жиддий*). Кейинчалик кўрамиз-де. Ҳозир план реал бўлиши керак. Автомобиль заводида ҳар йили технологияни янгилашга тўғри келади. Конкуренция. Ундан кейин 20—30 йилларда нефть қазиб олиш камая бошлайди. Шунда автомобилга талаб тушиб кетади. Велосипедга эса, мана кўрасиз, йилдан-йил ортаверади.

Тошмирза. Ҳозир ҳам чакки эмас. Нархи новвоснинг пулига бориб қолди-ёв.

Гулмира. Ҳа, энди, орзу орзудай бўлгани яхши дейман-да. Сенинг ёшингда биз тенгилар орзуга мойилроқ эди, шекилли.

Замон. Орзуми? Орзуим бор: велосипед билан делтапланни қўшиб велоплан ясаб учиш.

Гулмира. Балосан, устаси фаранг. Мени ҳам заводдингга ишга оласанми?

Замон. Шартим бор деяпман-ку.

Гулмира. Қўймадинг, қўймадинг-да. Майли ҳозирча фақат сенинг синфингга кириб тураман.

Замон. Вот, здорово. Келишдик. (*Телефонга чопди.*) Ҳелоу, Диля? Ми. Ноу проблем.

Гулмира. Ҳой, ўзбекча гапир, биз ҳам эштайлик.

Замон. Директорга учра. Опам рус тилини ўтадиган бўлдилар... Ўх-ўх, бугунданмас, кейинги дарсдан. Албатта... Йа. О'кей. Си ю. (*Қайтиб келиб.*) Диля сенга раҳмат айтди.

Гулмира. Прокурорнинг қизими? Дилдора, демайсанми. Соф бўлсин. Айтганча, у ҳам ишлайдими?

Замон (*ажабланиб*). Нега энди ишламас экан?

Гулмира. Ҳа энди...

Замон. Мобилний телефон олган. Бизга диспетчерлик қилади. (*Телефон жиринглайди.*) Ана. (*Дастани кўтаради.*) Вот из проблем? (*Опасига қараб олиб.*) Қачон ётқизишибди?.. Диагности нима экан?.. Навбат билан... Яхши. Ҳозирча икки мингдан. Эгри.

Тошмирза. Нима «эгри»? Тинчликми?

Замон. Сашканинг ойиси касалхонага тушиб қолибди.

Гулмира. Вой бечора-ей. Жа яхши аёл-да. Рус бўлсам ўзбекча урф-одатларни ўрнига қўяди.

Тошмирза. Жуда ҳожатманд аёл. Қанча одамга нафи теккан.

Гулмира. Хушмуомалалигини айтинг.

Момо. Ҳа, мўьмина аёл.

Гулмира. Қийин бўлибди-да. Ўғлидан бошқа ҳеч кимни йўқ.

Тошмирза. Ҳозир ҳеч кимни касалхонага тушқудик қилмасин.

Момо. Иссиқ жон-да, болам. (*Гулмирага.*) Бир хабар олиб қўярсан.

Гулмира (*эрига*). Бозорга тушиб чиқарсиз? (*Анваржон жим. Гулмира уф тортиб қўяди.*)

Момо (*Тошмирзага*). Толмасбекка айтсанг бўлармиди, ўғлим, дори-дармондан қарашворса. (*Тошмирза гўлдиранади*).

Гулмира. Гапирасиз-да, момо. Жа Тоймасингиздан ёруғлик чиқади.

Момо. Унақа дема, қизим, уканг.

Гулмира. Биламан-да. Қишда қор сўрасангиз, оғри-нади, ойимчаси билан маслаҳатлашмасдан беролмайдилар.

Замон. Ўзимиз хабар оламиз. Икки мингдан йиғаяпмиз.

Гулмира. Икки мингдан?

Замон. Олтмиш минг етармикан?

Тошмирза, Анваржон. Олтмиш минг?

Тошмирза. Ҳа, тузук, тузук. Одамгарчиликни билиш — яхши иш. Ўзбек — одамгарчилиги билан ўзбек, ҳа. Айтгандай, пул керакдир?

Замон. Ўзимда бор.

Момо. Барака топ, отабегим.

Гулмира. Тузуксан, устаси фаранг.

Анваржон. Тан олиш керак.

Тошмирза. Ўртоқларингга ҳам маладес.

Момо. Ҳа, аҳилликда хосият кўп.

Замон кийингани кириб кетади. Анваржон ўглини етаклаб чиқади. Гулмира уни ювинтириб, чой ичира бошлайди. Эшикдан Тоймас кириб келади. Тўлишган йигит. Гулмирадан биров ёш.

Тоймас. Саломалайкў-ўм. Ўтирибсизларми? (*Сўрашадилар.*)

Тошмирза. Кел, ўтир. Нонга қара. (*Гулмира чой уза-тади.*)

Тоймас (*дастурхонга кўз югуртириб*). Раҳмат, нонушта қилувдим.

Тошмирза. Бир кўрай дебсан-да. Ўзи ҳозиргина йўқлаб турувдик.

Гулмира. Анчадан бери дарагинг йўқ?

Тоймас. Иш кўп. Югур-югур.

Момо. Келин тузукми? Болаларинг саломатми?

Тоймас. Яхши. (*Анваржонга*) Почча, ишлар зўрми? (*Анваржон хижолатда, аранг бош силкийди.*)

Замон (*кийиниб чиқиб, томдан тараша тушгандай*). Салом, ака. Менга бир йилга кредит бериб туролмай-сизми?

Тоймас (*энсаси қотиб*). Кредит? Сенга кредитга бало борми?

Замон. Керак-да. Берасизми?

Тоймас. Пул керак деб қўя қол. Кредит эмиш. Неча сўм?

Замон. Миллион бўлса яхши бўларди.

Ҳаммалари. Миллион?

Тоймас. Миллион? Хў, Замон, эс-песингни едингми?

Замон (*ранжиб*). Нега унақа дейсиз?

Тоймас. Сенга миллион нимага керак, деяпман?

Замон. Сварка аппарати оламан.

Тоймас (*қўлини силтаб*). Ҳали ёшлик қиласан.

Тошмирза. Ёш-ёш деб камситаверма укангни. Бино-йидек устачилик қияпти.

Тоймас. Шу устачилигидан қолмасин, сваршиклик қилишга ҳали ёш. Мумкин ҳам эмас.

Момо. Мирзо Бобур ўн икки ёшда подшоҳ бўлган.

Гулмира. Вой, момогинам-эй. Кенжа неварангизни жуда яхши кўрасиз-да.

Замон (*опасига*). Момом ҳаммага бирдайлар. (*Ака-сига*) Бир йилда қайтарар эдим.

Тоймас. Бир йилда? Миллион сўмни-я? Олиб қоч-а.

Гулмира. Рост. Қайтариш осонми.

Замон. Ўртоқларим қарашади. Ҳар ой юз мингдан. Истасангиз фоизи билан.

Момо. Фоизини қўй, болам, гуноҳ бўлади.

Тоймас. Айтяпман-ку, ҳали ёшсан деб.

Замон. Нега ҳадеб «ёш-ёш» деяверасиз? **Ўзингиз ўн ёшдан сигарет сотган экансиз-ку?** (*Тошмирза бир силкиниб қўяди.*)

Тоймас. Одамни сотма. Дадам пул бермасдилар-да.

Тошмирза. Пул ёш болаларни бузади.

Тоймас (*Замонга*). Эшитдингми?

Замон. Ўн тўртга тўлганман, қонунга мувофиқ тадбиркорлик қилишгайм, кредит олишгайм ҳақим бор.

Тошмирза. Уканг-ку. Берсанг берибсан-да. Сенга миллион нима?

Тоймас. Пул босадиган цехим бордай гапирасиз-а, дада.

Гулмира. Ҳа, бор деса ҳам бўлаверади.

Тоймас (*Гулмирага ўқрайди*). Ўзим сизлардан сўрамоқчи бўлиб келдим.

Гулмира. Биздан? (*Кулади.*)

Момо. Ўзи тинчмисан, болам?

Тоймас. Тинч деса ҳам бўлади.

Тошмирза. Гапир чайналмай.

Тоймас. Бир зарурат чиқиб қолди.

Тошмирза. Қанақа зарурат?

Тоймас. Айтдим-ку, пул керак бўлиб турибди.

Замон. Ие, хали мендан кредит сўрайдиганга ўхшайди-ку. (*Момосини ўпиб*). Мен кетдим.

Момо. Яхши бориб кел, отагинам.

Гулмира. Мундай одамга ўхшаб тушунтирсанг-чи?

Тошмирза. Бир-икки минг озлик қилар?

Тоймас (*«нима деяпсиз» дегандай қараб қўяди*). Бир-икки миллион. (*Ҳаммалари бир-бирларига маъноли назар ташлашади.*)

Гулмира. Миллион сўмим бўлганда, ателье очволардим, ука.

Тошмирза. Миллион сабил топилганда, катта қилиб юбилей ўтказардим.

Гулмира. Дада, ҳозир юбилей қиладиган пайтми? Ўзи аранг рўзғор тебратяпмиз.

Тошмирза. Шунча йил ишладим. Қанча дўст-ёр орттирдим. Олтмишга кирдим, ўтди. Пайғамбар ёшига кирдим, ўтди. Мана, етмишга қараб кетяпман. Менинг бошқалардан қаерим кам?

Тоймас. Юбилей қочмайди. Ўзим ўтказиб бераман. Ҳозир...

Гулмира. Оғайниларингдан сўрамадингми?

Тоймас. Сўрадим. Улар ҳам қийналиб турган экан.

Тошмирза. Миллион — оз пул эмас-да.

Гулмира. Ўлибди, топиб бера олишмаса.

Тоймас (*қўл силтаб*). Кўплика кўп эмас-у, одамнинг бошига иш тушса, ҳамма ўзини панага олади.

Гулмира. Нимага керак бўлиб қолди шунча зормонда?

Тошмирза. Участканггами?

Тоймас. Ҳа-йўқ. Участка қочиб кетармиди. Катта партия мол олиб келгандим. Божхонада тутиб туришибди.

Гулмира. Дорими? (*Тоймас бош силкийди.*) Нега тутишади? Доим олиб ўтиб юргансан.

Тоймас. Бу сафар иложи бўлмаяпти.

Тошмирза. Нимага? Нима дейишади?

Гулмира. Яна муддати ўтган доридир-да.

Тоймас. Ўтмаган. Ҳали бор, ярим йилдан ортиқ.

Гулмира. Ярим йил? Аптекачилар сендан олиб сотгунича бир йил ўтиб кетмайдими?

Тоймас. Буёғи менинг ишим эмас.

Тошмирза. Ҳой, бола. Бунақа иш тутма деб неча марта айтганман сенга, иснодга кўясан.

Тоймас. Дада, ўйлаб гапирсангиз-чи. Нега иснодга кўяр эканман?

Тошмирза. Муддати ўтган дориларни олиб келиб сотиш — бу иснод бўлмай нима?

Тоймас. Мен нима гамдаю буларнинг дардини. Хотиржам бўлинг, биринчидан, муддати ўтишига ҳали анча бор. Иккинчидан, янги дорилар қиммат, одамлар барибир ололмайди, буни мендан ҳам яхши биласиз. Учунчидан, муддати ўтган бўлса, бирданига, бир кунда яроқсиз бўлиб қолмас, ахир. Телевизорнинг гарантияси бир йил бўлса, тугаши билан куйи-иб кетмайди-ку.

Анваржон. Дорининг муддати ўтса, захарга айланиши мумкин.

Тоймас (*ижирганиб*). Сиз биззи дориларни ичмай кўяверасиз, почча. (*Ҳамма жим. Анваржон мулзам, ўрнидан туради.*)

Анваржон (*ўғлини кўтариб отланади*). Бугун мен кўйиб келаман.

Гулмира (*кузатаётиб*). Пул олволинг. Боғча опаеси кеча тайинловди. Байрам қилишармиш.

(*Анваржон иккиланиб тўхтайдди. Гулмира зарда аралаш пул тутади. Анваржон олишни ҳам, олмасликни*

ҳам билмай туради. Сўнг маъюс чиқиб кетади. Гулмира қайтиб ўтиради.)

Тоймас. Зап эр топгансан-да. Латтанинг ўзи-я.

Момо. Оғзингга қараб гапир, ўғлим. Почча, ахир, гуноҳ бўлади.

Тошмирза. Анваржон ҳақ гапни айтди.

Тоймас. Нимаси ҳақ экан? Буни ҳаёт деб қўйибдилар.

Тошмирза. Ҳаёт эмас, алдамчилик бу. Жиноят. Божхонадагилар ҳам бекорга тутиб қолишмагандир.

Тоймас (*қизишиб*). Хўп, унда нима қил дейсиз? Айримларга ўхшаб хотинининг топганига қара-аб ўтиришим керакми?

Момо. Бугун сенга нима бўлди ўзи, болам? Почча деб хурмат қилмасанг, етим ўсган, олис юртларда ўқиб келган, шуни қадрла.

Тоймас. Опамга раҳмим келади-да.

Тошмирза. Раҳми келармиш. Раҳминг келса, сал бундай қайиш. Бир-бирингга ўгайдан баттарсанлар.

Тоймас. Ховлини шуларга бўшатиб, домга чиқиб кетдим-ку. Бу камми?

Тошмирза. Бўшатиб бердим? Онанг ўтгандан кейин хотинининг қистови билан кетдинг. Биз малол келиб қолдик, ҳа. Ҳали ҳам шуларга раҳмат.

Момо. Ўз ўғлимиздай бўлиб қолди.

Тошмирза. Ҳа, битта одам бўлар, шунчалик бўларда. Беозор.

Тоймас. Беозор, мусича. Мусича ҳам боласини ўзи боқади.

Тошмирза (*қаҳр билан*). Ҳалол яшаётганларни қаллоблар билан тенглаштира.

Тоймас (*иззат-нафсига тегади*). Ҳалол, ҳаром — бунақа гапларнинг даври ўтди. Атрофга боқсангизларчи. Одамлар қандай яшаётганини-ку билмайсиз. Аммо тўйларга бораётгандирсиз? Жилла курса янги иморатларни кўраётгандирсиз? Хусусий магазинларга кираётгандирсиз? Менинг ана шулардан қаерим кам, дада?

Момо (*бошини тебратиб*). Ўйлаб гапиряпсанми, болам? Бу ёруғ дунёда энг бой одам — имони бутун одам.

Тошмирза. Кулоғингга қўйиб ол, ўша ўпкасини чўпга илган ҳамтовоқларингга ҳам айт: иморатингнинг пойдеворини ўғирликка курсанг, деворини порахўрлик билан тикласанг, томини қаллоблик билан ёпсанг, у барибир буюрмайди, бир кунмас бир кун босиб қолади.

Тоймас. Шунча йил колхозни кемириб қурилган дан-филлама уйлар турибди-ку, бирортаси эгасини босиб тушгани йўқ. Қанча одам давлатнинг мулкани ўмариб бойиди, лекин бирортаси тикилиб ўлгани йўқ. Битта сиз — раислигингизда ҳам шу эдингиз, ҳозир ҳам шу. *(Тошмирзанинг ранги ўзгаради, жаҳл билан тилининг остига нос отади.)*

Гулмира. Ҳой!

Тоймас. Нима «ҳой»? Шунча мулк сотилиб кетди. Ҳатто юз йиллик чинорларгача кесиб пуллашди. Дадам қара-аб ўтирдилар. Алам қилар экан. Энди ҳамма нарсани нолдан бошлашга тўғри келяпти.

Гулмира. Бас қил, деяпман сенга.

Тоймас. Тўғри гап тукқанингга ёқмас.

Тошмирза *(қалтираб)*. Ҳа, нима қилишим керак эди?

Тоймас. Олиб қолиш керак эди. Юлиб қолиш керак эди. Сизнинг бошқалардан қаерингиз кам, дада?

Тошмирза *(жаҳлдан бўғриқиб, туфуради)*. Ҳали шунақами? Сенларни едирдим, ичирдим, ўқитдим. Одам қилдим. Бу камми? Ҳали таънага ҳам қолдимми? Ҳе, ўша сени... *(Шапалоқ тортмоқчи бўлади. Момо билан Гулмира ушлаб қолишади. Тошмирза туриб этагини силкийди. Жаҳл билан чиқиб кетади.)*

Гулмира. Ҳаддингдан ошиб кетибсан, Тоймас. Ўзинг ҳар замонда бир келасан. Яна дадамнинг тажанглигини била туриб, асабига тегасан. Шундай ҳам ич-этини еб юрибдилар, ўзларини қўйгани жой тополмайдилар. Момо, насихат қилиб қўйинг бунингизга.

Момо. Қўявер, қизим. Ҳозир насихатнинг бозори касод. Даданг ҳам ёшлигида отаси билан тортишгани тортишган эди. Уёғини сўрасанг, раҳматли эримнинг қайнотам билан фикри бир ердан чиққанини билмайман. Ўғли катта бўлганда, Толмасвой ўзи тушуниб олади. *(Тоймас бошини эгади.)*

Гулмира. Ўша тижоратингни тўғриликча қилсангу

олам гулистон-а. Божхонадан ҳам қулоғинг тинч бўларди.

Тоймас. Опа, сизлар билмайсизлар. Иложи бўлса кошкийди. Арзони олиб келмасанг, фойда қолмайди.

Гулмира. Гапир-а. Бир сўмлик дорини беш сўмга сотасизлар-у, фойда қолмайдими?

Тоймас. Ҳаммаси чўнтагига қолади, деб ўйлайсан-да, а? Йўлда ҳар қадам чиқим — унга чўз, бунга қистир, унисини мойла, бунисининг оғзини ёп — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Гулмира. Нолишини акамни. Ўттизга кирмай беш хона квартира. Евроремонт. Италиян мебелли. Тагингда ино-марка. Яна Амир Олимхоннинг саройидай иморатни бошлаб қўйибсан.

Момо. Ҳа, болам. Ношукрлик қилма.

Тоймас. Момо, сизда йўқми мабодо?

Гулмира. Тавба. Момомга қўйлақ олиб кийинг деб бериш ўрнига, пул сўрайди-я. Бизнесмен!

Момо (*Тоймас умидворлик билан Момонинг қулоғига шивирлайди. Момо сесканади*). Келиб-келиб мендан порага пул сўрайсанми? Қўй, болам, охиратимни куйдирма.

Гулмира. Жа зарур бўлиб қолган бўлса, машинангни сот, бундайроғида юриб турарсан.

Тоймас. Вақт йўқ-да. Бугун топмасам, кеч бўлади.

Момо. Тоғанг билан маслаҳатлашиб кўр, кўпни кўрган одам.

Тоймас (*ғоя топгандай*). Бўпти, момо. Сиз ҳам бирга боринг. Ўзим олиб келиб қўяман.

Момо. Майли, болам. Анчадан бери кўрмовдим, бир хабар олиб келсам, келайин. Қани, омин (*Фотиҳа қилади. Туришади.*)

Тоймас (*чиқаётиб опасига*). Жилмай тур. Қайтиб келаман. Гап бор.

Момо ва Тоймас кетишади. Телефон жиринглайди.

Гулмира. Алёв, ким керак? (*Ўзгаради. Беихтиёр атрофга аланглаб олади.*) Уйга телефон қилманг деб илтимос қилувдим. Йўқ, бугун чиқмоқчи эмасман. Айтдим-

ку, тушунишни хоҳламасангиз кераги йўқ. Ишни топши-
раман. Яхши. Ҳа, жуда яхшилаб ўйладим. Хайр. (*Дас-
такни қўяди. Қўлига супурги олади. Ўтиради. Йиғлай-
ди. Хонасига кириб пардоз қила бошлайди. Дарвоза та-
рақлаб очилади. Гулмира сапчиб тушади. Замон бўйи
узун — Сашка ва барваста — Полвон билан аравачада
сварка аппаратини судраб киради.*)

Замон. Қани, мана бу ерга. Секин. Полвон, раҳмат,
буёғига ўзимиз. Сен ишингдан қолма. Давай, Сашка,
раз, два, взяли. Эҳтиёт бўл. Уфф. Зўр иш бўлди-да.

Сашка. Канчага тушди?

Замон. Арзон. Сенга бўлса, майли деб юз минг ту-
шиб берди. Ҳозир ярмини бериб турадиган бўлдим. Қол-
ганини — бир йил ичида.

Сашка. Зўр. Расчёт килишга мен ҳам карашаман. И
болаларга айтаман. (*Гулмира чиқади.*)

Сашка. Здравстуйте, Гулмира Ташмирзаевна.

Гулмира. Здравстуйте. Ҳорманглар, йигитлар. Саш-
ка, Маша хола яхшимилар?

Сашка. Да, спасибо. Сразу уколы начали делать.

Гулмира. Где лежит?

Сашка. Терапия, девятая палата.

Гулмира. Пусть выздравливает. Навезцу.

Сашка. Не беспокойтесь. Девочки навестят.

Гулмира. Молодцы.

Замон. Опа, момом қайдалар?

Гулмира. Тоғанникига боргиси келиб турган экан,
Тоймас олиб кетди.

Замон. Қачон қайтар эканлар?

Гулмира. Билмадим, лекин кўп ўтирмасалар керак.
Кўриб, кўнгли тинчиб келадилар-да. (*Кириб кетади.*)

Замон. Ҳа, русчалаб қолдинг?

Сашка. Ўқитувчим-ку. Акцент билан гапиришга уяла-
ман.

Замон. Ну даёшь. (*Йўлдошали кириб келади. Қўли-
да пайвандчилар маскаси.*)

Йўлдошали. Ҳорманглар, йигитлар. Аппарат келиб-
ди-ку. Қойил. Велосипедим тузаладиган бўлибди-да.

Замон. Тузалади, Йўлдош ака.

Йўлдошали. Айтганимдай, Қўшоқвой аппаратини қиз-

ганди. Сени ёш дейди-я, қара. Бирор нарса бўлса, жавоб берармиш. «Сен ўзингни ўйла, мана кўлинг синиб ётибди», дедим. «Велосипедим пачоқ бўлди. Ўзинг тузатишга ярамасанг, аппаратингни аясанг. Улфатмисан?» деб ёқасидан олдим. (*Маскани кўрсатиб.*) Мана бунингдан биттасини берасан, деб кўймадим.

Замон. Қизиксиз-да, Йўлдош ака. Нима қилардингиз? Аппарат сотган одам маска-кўлқопини ҳам кўшиб беради-да.

Йўлдошали. Ҳа, буни ҳам олиб кўяверсанг-чи, ортиқчалик қилмас.

Сашка. Тўгри. Бир киши ушлаб турса, бир киши сварка килади.

Замон. Раҳмат, Йўлдош ака. (*Йўлдошали кетади.*)

Сашка. Попробуешь?

Замон. Ишлатиб кўрганман. Все нормально.

Сашка. Менга ҳам кўрсат.

Замон (*бошини қимирлатиб*). Пропустить лабораторную? Мое любимое занятие. Дарсдан кейин, хўп? (*Кетишади.*)

(*Тоймас килиб келади.*)

Тоймас. Опа?

Гулмира. Келдингми? Тоғамлар яхшимилар?

Тоймас. Яхшилар.

Гулмира. Момом қачон қайтадилар?

Тоймас. Кечқурун. Ўзим олиб келиб кўяман.

Гулмира. Нима гапинг бор эди?

Тоймас. Бундай. Нима қилиб бўлса ҳам, молимни растамошка қилишим керак.

Гулмира. Айтдувдинг.

Тоймас. Гапни бўлмай эшит. Агар мусодара қилишадиган бўлса, чатоғи чиқади.

Гулмира. Чатоғинг нимаси?

Тоймас. Бор маблағимни сарфлаганман шунга.

Гулмира. Мунча таваккал қилмасанг. Камтарроқ иш юритсанг бўлмайдимми?

Тоймас. Таваккалсиз иш — ишми? Буни босиб ўтганман. Катта топиш учун катта қадам босиш керак. Агар

молимни ўтказиб олсам, бўёғи зўр бўлади. Учаскам битади. Жихози билан. Мўмай сармоя қолади. Яна ҳам каттароқ ишларга қўл ураман. Тушуняпсанми?

Гулмира. Йўқ, тушунмаяпман. Бу гапларни нимага менга айтаяпсан?

Тоймас. Ҳа, тушунмаяпсан. Тушунишни хоҳламаяпсан. Мана шунинг ҳаммаси арзимаган пулга тақалиб турибди, опа. Ё бўладиган, ё ўладиган аҳвол.

Гулмира. Тоғамда йўқ эканми?

Тоймас. Э-э.

Гулмира. Мен топиб беролмайман.

Тоймас. Биламан. Дадамда ҳам йўқ.

Гулмира. Замондан қарз сўрамоқчимисан?

Тоймас. Ҳозир ҳазилнинг пайт эмас.

Гулмира. Нима дейсан бўлмаса?

Тоймас. Мудирингдан сўраб кўр.

Гулмира (*қатъий*). Йўқ. Худо олсин.

Тоймас. Тўғри. Қурумсоқ, ёруғлик чиқадиган одам эмас. Бир имкон бор. Биласанми, момомда бўлиши керак.

Гулмира. Момомда? Жинни бўлдингми?

Тоймас. Кўнглим сезиб турибди. Бор.

Гулмира. Тавба. Бор бўлса, ўзларидан сўра.

Тоймас. Сўрадим. Тушунтиролмадим.

Гулмира. Бўлса, йўқ дермидилар. Момомда пул нима қилсин.

Тоймас. Сен ўрисча ўқигансан, билмайсан. Кампирлар бой бўлади, бир умр бисот йиғади.

Гулмира. Бисотмас, ўлимлик, ўзбекча ўқиган.

Тоймас. Ўлимлик бошқа. Дур, тилла. Бриллиант бўлиши ҳам мумкин.

Гулмира. Бриллиантни билмадим-у, тақинчоқлари бўлса бордир. Биттасини тўйимда менга совға қилганлар.

Тоймас. Ана. Саломга чиққанда келинингга ҳам қиб қўйганлар.

Гулмира. Бўлса яхши. Нима, ўзлари билан олиб кетармидилар? Қолдирадилар барибир.

Тоймас. Менга ҳозир зарур.

Гулмира (*шубҳаланиб*). Нима демоқчисан?

Тоймас. Қараб кўрайлик.

Гулмира. Қараб кўрайлик? Ўғринча-я? Эсингни еб кўйибсан.

Тоймас. Қайтараман. Шундай гаровга кўйиб тураман, холос. Молимни сотаман-у, дархол ўрнига келтириб кўйиб кўяман. (*Гулмира анқайганча туради.*) Нега ишонмайсан?

Гулмира. Устаси фарангни каранглар. Ўйлаб-ўйлаб топган ихтиронг шуми?

Тоймас. Нима «шуми»?

Гулмира. Ўзингни гўлликка солма.

Тоймас. Қайтариб кўяман, деяпман-ку.

Гулмира. Мен ёш бола эмасман лакиллатгани.

Тоймас (*кўкрагига муштлаб*). Худо урсин, агар қайтармасам.

Гулмира. Сени худо уриб бўлибди, Тоймас. Келиб-келиб момоннинг ўлимлигига кўз олайтирмоқчи бўлсанг.

Тоймас. Ҳой, инсон, вақтинча, омонатга деяпман, ахир.

Гулмира. Ўлимликнинг вақтинчаси бўлмайти.

Тоймас. Нима, битта кампирни ўзимиз кўмиб ололмаймизми?

Гулмира. Нафасингни ел олсин. Сезиб қолсалар, нима деган одам бўламиз? Эшитганлар нима дейди?

Тоймас. Сен тушунтириб кўясан.

Гулмира. Бекорларни айтибсан. Керак бўлса, ўзинг тушунтир.

Тоймас. Фойдаси йўқ. Дадамдан баттар қайсарлар.

Гулмира. Йўқ бўлса — йўқ-да.

Тоймас. Опа, опажон. Хўп, де. Дўкон десанг, дўкон, ателье десанг ателье очиб бераман. Дадамнинг юбилейини ҳам кўтараман. Бир илтимосим, йўқ дема.

Гулмира. Бошимни қотирма. Момом кўйган исминг «Толмас» эди, вояга етиб амалга миндингу «Тоймас» бўлдинг. Энди бойиган сари «Тўймас»га айланяпсан.

Тоймас (*қаҳр билан*). Калитни топиб бер.

Гулмира. Бекорларни айтибсан. Нима, мени ҳам ўғирлигингга шерик қилмоқчимисан?

Тоймас. Бермайсанми?

Гулмира. Йўқ!

Тоймас. Пушаймон бўласан!

Гулмира. Урасанми? Сўясанми?

Тоймас. Кеча кечкурун қаерда бўлганингни дадамга айтаман.

Гулмира (*ранги қув ўчади*). Вой шарманда. (*Тарсаки туширади.*)

Тоймас (*юзини силаб, тиржаяди*). Рост эканми?

Гулмира. Ука бўлмай ўл. Рост эмиш. Билиб кўй, кўлимни ҳам ушлатганим йўқ.

Тоймас. Нима аҳамияти бор? Ресторанга бекорга пул сарфламагандир ўша курумсоқ.

Гулмира. Аҳмоқ.

Тоймас. Калитни топ. (*Гулмира жавонга яқинлашади. Бир оз иккиланиб туради, Тоймасга бош бармогини икки бармоғи орасидан кўрсатиб, шахд билан чиқиб кетади.*) Сен билан кейин гаплашаман.

(*Тоймас жавонни титкилайди, калитни топиб, сандиқни очади. Рўмолни олиб орқасига ташлайди. Бир қўлида сандиқнинг қопқоғини тутиб, иккинчи қўли билан унинг ичини кавлайди. Нақшин қутича олади. «Топдим», дея сандиқни ёпиб, қутичани очади. Ҳафсаласи пир бўлгандай сандиққа ўтиради. Қутичадан бир нечта тилла танга олади. Айлантириб кўради.*)

Тоймас. Бори шуми? Юз мингга ҳам бормайди. (*Қутичани силкитади. Бироз ўйланиб ўтиради. Тангаларни чўнтагига солади, қутичани ўрнига жойлаб сандиқни қулфлайди. Калитни жавонга қўяди. Орқага қадам босаётиб тугунга қоқилади. Пуллар сочилиб кетади. Тоймас анграйганча туриб қолади.*) Шунча пул? (*Кўзи долларга тушиб.*) Ия! (*Кўлига олади, айлантириб кўради, ҳайрон.*) Бисот эмас. Ўлимликка ҳам ўхшамайди. Қизиқ. (*Кўйнига солади.*) Вой момо-ей. (*Пулларни тегириб чўнтақларига тиқа бошлайди.*) Шунча пулнингиз бор экану... Майли. Қарзга. Вақтинча. Бир йилга. Бир ойга. Қайтараман. Ҳа, кўрасиз. Кўрасизлар. Қайтармаган номард. Шунча пул-а! Оз эмас. Етиб қолади. Хайрият. Мухими, иш битди. Буёғи энди осон. Молимни сақлаб қолдим. Синишимга бир баҳя қолувди. Йўқ. Син-

майман. Тоймас кимлигини кўрсатиб кўяман. Бойиш қанақа бўлишини томоша қилишсин. (*Кетади.*)

(*Аср пайти. Оёғини судраб Анваржон кириб келади. Бироз талмовсираб юради. Трюмо олдига келади. Синчковлик билан разм солади. Титрайди, аста ўтиради. Бошни айлантириб гаранг қилувчи куй эшитилади. Анваржон виолончелини қўлга олади. Чалишга уннайди. Куй чиқмайди. Камон қўлидан тушади. Бирпас виолончелни қучоқлаб ўтиради. Силтаб ташлайди. Торлари титраб аганайди. Анваржон қалтирайди. Бошни чангаллайди. Даст ўрнидан туради. Камарини суғуриб шифтга сиртмоқ осадди. Дарвозадан Замон кириб келади. Анваржонни кузата бошлайди. Портфелини ирғитадию, сакраганча келиб, Анваржоннинг оёғидан қучоқлайди. У мувозанатини йўқотиб, қўли билан сиртмоқни чангаллаб қолади. Бир пас лапанглаб туришади.)*

Замон (*бақуриб*). Анвар ака! Нима қияпсиз?

Анваржон. Қўйвор!

Замон. Қўйвормийман. (*Анваржон типирчилайди. Кучи етмайди.*)

Анваржон. Қўйвор деяпман сенга.

Замон. Қўйвориб бўбман!

Анваржон. Қоч!

Замон. Нега қочар эканман?

Анваржон. Ишинг бўлмасин.

Замон. Жуда ишим бўлади-да.

Анваржон. Нега ишинг бўлар экан?

Замон. Опамнинг эрисиз.

Анваржон. Опанга эр керакмас.

Замон. Бекор айтибсиз.

Анваржон. Сен бекор айтибсан.

Замон. Хўп. Ўғлингизнинг тоғасиман.

Анваржон (*шалвираб*). Қўйворасанми, йўқми?

Замон. Айтдим-ку, қўй-вор-май-ман.

Анваржон. Бу хонадонда бемалол осилиб ҳам бўлмайди.

Замон. Демак, яхши хонадон экан-да.

Анваржон. Тўйдим. Яшашга грамм тоқатим йўқ.

Замон. Мен топиб бераман. Бир тонна етадими? Тушинг.

Анваржон (*ўзини кулишдан тиёлмайди, сиртмоқни қўйиб юборади. Икковлари думалаб тушади. Ўтиргач*). Кичкина бўлсанг ҳам балодай кучинг бор экан.

Замон. Ўзингиз қушдай енгил бўлиб кетибсиз. Одам ҳам шунақа озадими?

Анваржон. Қаердан етиб кела қолдинг?

Замон. Лабораторияда эдим, бир фаришта қулоғимга «Чоп!» деди. (*Бир оз сукунат.*) Эркак кишига яхшими шу иш?

Анваржон. Тирик мурда бўлиб юришдан нима фойда?

Замон. Тирик одам мурда бўлмайди.

Анваржон. Эҳ, Замонбек, Замонбек. Ҳеч кимим йўк мени, ошна. Қип-қизил етимман. Дунёда биттаю битта ишонганим — шу, опанг эди...

Замон. Нега тирик одамни «эди» дейсиз?

(*Анваржон жим. Чўнтагидан сигарета пачкасини чиқаради, кавлаб яримта сигарета топиб, оғзига солади. Пачкани улоқтиради. Зажигалка чиқариб, қайта-қайта уринади, ёнмайди. Замон олади, ёнидан пакки чиқариб, кавлайди. Биринчи чақишдаёқ ёнади. Анваржоннинг сигаретига тутади.*)

Анваржон (*сигарета тортиб*). Сен тушунмайсан.

Замон. Тушунаман. Ёлғиз эмассиз. Сизни ўз акамдай биламан. (*Анваржон жим.*) Мени тан олмасангиз, Момом-чи? Сизни жуда-жуда яхши кўрадилар.

Анваржон. Гапинг тўғри.

Замон. Дадам ҳам хурмат қиладилар. (*Анваржон бош силкийди.*) Ана. Хафа бўлманг-у, келиб қолмаганимда нима бўларди? Оиламиз ҳақида нима дейишарди?

Анваржон. Одамнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетар экан, Замонбек. Дунёда биттаю битта суянганинг, биттаю битта севганинг хиёнат қилса...

Замон. Хиёнат қилмаган. (*Анваржон ҳайрон бўлади.*) Ишонинг. (*У «Ишонмайман» дегандай бош лиқиллатади.*) Тўғри, опамдан ўтган. Лекин хиёнат қилмаган.

Қилмайди ҳам. (*Ўрнидан туради. Қатъий.*) Мен бунга сира-сира йўл қўйиб қўймайман.

Анваржон чуқур сигарет тортиб, тутунини пагапага қилиб чиқаради.

Қўл силтайди.

Замон (*ёнига ўтириб тутунни қўли билан елтибди*). Нега энди?

Анваржон. Барибир. Бугун бўлмаса эртага мендан воз кечади. (*Ўзича сўзлагандай.*) Маданият уйида бу аҳвол. Ҳар штат қисқарганда жонингни ҳовучлайсан. Муסיқадан бошқа нарса қўлимдан келмаса. (*Виолончелга назар ташлаб.*) Бу кимга ҳам керак? Бош қотган. Умуман... Ҳеч нарсага кўнгил қолмади.

Замон (*унга тикилганча*). Бетховен бўлиб кетинг-э.

Анваржон (*таажжубда. Сигарет қўлини куйдиради*). Бетховен? Бетховенни ҳам биласанми?

Замон. Бўмасам-чи! (*Олисдан бешинчи симфониянинг финал қисми эшитила бошлайди.*) Зўр композитор. Таржимаи ҳоли ҳам ажойиб, а?

Анваржон. Ҳа.

Замон. Қирққа кирганда омади чаппасига кетади. Кар бўлиб қолади. (*Ўрнидан туриб ҳаяжон билан у ёқдан бу ёққа юра бошлайди*) Тасаввур қилинг-а — композитор эшитишдан маҳрум бўлиб ўтирса.

Анваржон. Устига устак севган маъшуқаси бой зодагонга тегиб кетгани-чи.

Замон. Ўзиям роса қайсар одам бўлган экан-да. Зодагонларга араз қилиб ҳомийсиз қолади, қарзга ботади. Хуллас, ўзини...

Анваржон. Ҳа, васиятнома ҳам ёзган.

Замон (*Анваржонга таънаомуз қараб*). Лекин иродаси кучли келади. «Мен кимлигимни кўрсатиб қўяман, ҳали», дейдию энг зўр симфониясини қойил қилиб ташлайди.

Анваржон (*ҳайратда*). Бешинчи симфония! Эшитганмисан?

Замон. Эшитганмиз. Синфимиз билан. Компакт диски бор. Шикарная музика, а?

Анваржон. Ҳа, буюк асар. Айникса, залда, оркестр ижросида эшитсанг... Яна қайси композиторларни биласан?

Замон (*қўлларини букиб*). Бах, Моцарт, Верди, Вивальди, Чайковский, Бизе, Равель, Гершвин, и-и... ўзимиздан, Мутал Бурҳонов, Улуғбек Мусаев, и-и, яна... (*чайналади*).

Анваржон. Қойилман. Сенга нимага керак-а?

Замон. Қизиқмисиз?

Анваржон. Ҳа, энди, классик куйларга ҳеч ким қизиқмай қўйган-да. Эстрада бўлса бўлди хозиргиларга...

Замон. Эстрада ҳам ҳар хил-да. Мана, Луи Армстронг, Эдит Пиаф, Ботир Зокиров, Биттлз — булар ҳам классик. Тамарахоним-чи?

Анваржон. Офарин. Мусиқани яхши кўришингни сезмаган эканман. Ҳаммаларинг шундайми?

Замон. Қизиқишга қараб-да. Синфимиз билан қарор қилганмиз. Ўнта энг машҳур кўшиқчи, ўнта энг зўр композитор, ўнта энг зўр ёзувчи... ҳар соҳадан ўнтадан корифейнинг ҳаёти-ижоди билан танишиб чиқамиз.

Анваржон. Хўш-хўш?

Замон. Ўқиймиз, эштамиз, кўрамиз. Бўлиб олганмиз. Кейин йиғилишиб, бошқаларни таништирамиз, муҳокама қиламиз. Баъзан бўғилгунча тортишамиз.

Анваржон. Мусиқадан ким мутахассис?

Замон. Ўзбек классикасига — Зухра, Европаникига — Земфира.

Анваржон. Сен-чи?

Замон. Менинг мавзуим — машҳур ихтирочилар: Даймлер, Эдисон, Белл, Королев, Калашников, Жобс. Менга Генри Форд ҳақида китоб топиб беролмайсизми?

Анваржон. Форд? Биринчи эшитишим.

Замон. Қўйсангиз-чи. «Форд» — энг крутой тачка-ку.

Анваржон. Мен ихтирочи деб тушунибман.

Замон. Тўғри, ихтирочи, тадбиркор. «Форд» — у чиқарган машина.

Анваржон. Ҳа-а. Йўқ, ўқимаганман эканман. Мендан Бетховенни сўра. «Шашмақом»дан сўра. Аммо-лекин яхши эслатдинг. Бешинчи симфония. Қойилман. (*Елкасидан қучади.*)

Замон. Анвар ака?

Анваржон. Нима дейсан, укажон?

Замон. Зўр куйдан битта чалиб бермайсизми?

Анваржон. Албатта-да. Шундай йигитга йўқ деб бўладими. (*Виолончелни қўлга олади.*) Синмаган бўлса. (*Уёқбу ёгини айлантириб кўради.*) Хайрият. (*Созлайди. Мутал Бурҳоновнинг «Нега тарк этдинг мени» романсини чалади.*)

Замон. Жа эворадиган куй экан. Бу, карғижжакда шўхроғидан ҳам чалса бўладими?

Анваржон. Қанақа ғижжак?

Замон. Карғижжак. Найнинг каттаси карнай бўлгандан кейин, ғижжакнинг каттаси карғижжак-да.

Анваржон. Яхши сурғижжак демадинг. (*Кулади.*) Шўхроғидан дегин. Кўнгил тортмай турганда-я?

Замон. Яхши куй бўлса, ўзи тортаверади.

Анваржон (*замоннинг сочини ҳурпайтириб*). Дурустсан. (*Брамсинг «Венгерча рақс»ини чала бошлайди. Бироз тинглаб, Замон рақсга тушиб кетади.*)

Замон. Топдим. Анвар ака, топдим.

Анваржон. А? Нимани?

Замон. Сиз камонни тортишингизга қара-аб туриб топдим. Биласизми, сиздан зўр сваркачи чиқади.

Анваржон. Сварка?

Замон. Ҳа, сварка. Пайвандлаш-да.

Анваржон. Умримда қўлимга ушлаган эмасман.

Замон. Нима бўлибди? Ўзим ўргатиб қўяман. Патент олволасиз.

Анваржон. Бе-э, мен қаердаю, сварка қаерда.

Замон. Сиз ҳам шу ерда, сварка ҳам. (*Аппаратга ишора қилади.*)

Анваржон. Қўйсанг-чи.

Замон. Нима, ирганасизми?

Анваржон. Гап ирганишда эмас. Эпполмайман. Техникага нолман.

Замон. Эплейсиз. Африкадаги ўрмон одамлари боплашаяпти-ку. Телевизорда кўрсатди.

Анваржон. Қалай бўларкин?

Замон. Зўр бўлади. Класний сваркачи бўласиз. Заказга кўмилиб кетасиз, хали. (*Қўлини томоғига олиб келиб.*) Во топасиз.

Анваржон (*ишонқирамай*). Шунақа деб ўйлайсанми?

Замон. Ишонмаяпсиз-а? Ҳозир тушунтираман. Сварканинг сири нимада? Электродни чок устида теки-ис юргизишда. Камонни фикжжакка суйкагандай.

Анваржон. Барибир бекорчиман-ку. Майли, бир сенинг айтганингни ҳам қилай. Пайвандчилик бўлса, пайвандчилик-да.

Замон. Бор экансиз-у. Мен токарликни ўрганиб олсам, сиз сваркани — зўр бўлади. Айтгандай, опам билан Киевда ўқигансизлар-а? У ерда катта велосипед заводи бор. Запчасть олиб келишни йўлга қўйсақ, ўзимиз велосипед йиғишимиз мумкин. (*Куйлаб, яна рақсини давом эттиради.*)

Анваржон. Бўлди. Виолончелни Тошкентга обориб сотаману сваркани ўрганаман.

Замон. Нега сотар экансиз? Сотмайсиз. (*Анваржон ҳайрон.*) Униси бунисига халақит қилмайди. Нима, эртадан кечгача ҳамма ёқни сварка қиламан дейсизми? Бўш вақтингизда карғижжакни ҳам қўймайсиз. Эҳтимол, менга ҳам ўргатарсиз. Билиб қўйсам зарар қилмас.

Анваржон. Бу гапингда ҳам жон бор.

Замон. Пул тушгач, танловларга ҳам қатнашсангиз бўлади.

Анваржон. Қанийди.

Замон. Чўзиб ўтирамизми. Қани, бошладик бўлмасам. Мана буни кийинг. (*Анваржонга фартук беради, ўзи комбинезон кияди.*) Йўлдош аканинг велосипедини тузатамиз. (*Велосипеднинг рамасини пайвандлашга тайёрлайди. Маскани кийиб юқорига кўтариб қўяди. Қўлқоп кияди.*) Оёғингиз тахтанинг устида турсин. Мана бу электрод. Кийиб олинг. (*Поччасига маска кийдиради.*)

Анваржон. Ҳеч нарса кўринмайди-ку.

Замон. Ҳозир кўринади. Токни улаймиз.

Анваржон. Урмайдими? Минг вольт бордир?

Замон. Кучланиш паст. Ток кучли. Юз ампер. Кўрқин керак эмас. Хавфсизлик техникасига амал қилинса бўлди. Рама — нулевой. Электродни бир теккизиб оламиз. Товуқ дон чўқигандай. (*Учқунлар сацрайди. Анваржон чўчиб тушади.*) Кўрқманг. Маска тушиб кетмасин. Тўғри-

лади. Ўгли бобосига чопади. Тошмирза тиззасига олиб ўтқазади, қанд беради. Гулмира ҳайрон бўлиб Анваржон билан Замонни кузатади.

Замон. Энди сиз тирсагимдан тутиб тулинг. Бошладик. Қайтадан. *(Гулмира ўтиб Тошмирзага салом беради.)*

Тошмирза. Қаерда юрибсан?

Гулмира. Ўзим.

Тошмирза. Нима ўзим? Ишдамидинг? *(Анваржон қулогини динг қилади.)*

Гулмира. Ха... йўқ. Ишдан бўшадим.

Тошмирза *(енгил тортиб)*. Яхши қилибсан, қизим. Ўзингинг ишинг тузук. Маоши оз бўлса ҳам беғалва. Чой қўйиб юбор.

Гулмира. Ҳозир. Нима овқат қилай?

Тошмирза. Палов қила қол. Паловдан яхшиси борми. Ха, ойим қанилар?

Гулмира. Тоғамникига кетувдилар. Келиб қолсалар керак.

(Ташқарида келиб тўхтаган автомобиль товуши. Тоймаснинг Момо билан хайрлашган овози. Дарвозадан Момо киради.)

Момо. Ассалому алайкум.

Тошмирза. Ҳорманг, ойи. Яхши бориб келдингизми?

Момо. Ха. Толмасвой узоғимни яқин қилди, барака топгур. Ҳаммалари тинч. Салом айтишди.

Тошмирза. Саломат бўлишсин.

Момо *(учқун сачраганига қараб)*. Почча-қайни бошларини бир қилиб нима қилишяпти?

Тошмирза. Индаманг. *(Гулмира дастурхон ёзиб, чой олиб келади.)*

Момо. Дастгоҳ оламан деб ҳавас қилиб юрувди, шуми?

Тошмирза. Шунақага ўхшайди.

Момо. Отагинамдан айланай. Жуда нурафшон аслаҳа экан. Ёруғ таратишини қара-я.

Тошмирза. Ха, темирни темирга улайди. Бусиз ҳозир уй ҳам, кўприк ҳам қуриб бўлмайди.

Момо. Шунақа дегин. Яратганга маъкул иш экан-да.

Тошмирза. Савобликка савоб-ку. Аммо анча-мунча турса керак. Ўзбошимча бир овиз маслаҳат қилай ҳам демайди. Пулини қайдан топиб берамиз, хайронман.

Момо. Ташвиш чекма. Ўзида бор. Ўн икки ойдан бери йиғиб юрибди.

Тошмирза. Йиғиб юрибди?

Гулмира. Орттириб-а?

Анваржон (*Момонинг овозини эшитиб, ўрнидан туради*). Ассалому алайкум.

Замон (*шодланиб*). Ассалому алайкум. Моможон, дадажон, мени табрикланглар. Сварка апарати олдим. Крутой. Уч хил режимда ишлайдиган.

Тошмирза. Арзонроғидан олиб турсанг ҳам бўларди.

Момо (*дуо қилади*). Дастгоҳ оламан дер эдинг, шуми?

Замон. Дастгоҳ кейин. Бу бошқа — пайванд қиладигани. Анвар акам ўрганадиган бўлдилар. Оилавий корхона очамиз.

Момо. Боракалло. Йиққан пулинг етадими?

Замон. Етади. Ҳозирча ярмини бериб тураман, қолганини бўлиб-бўлиб узадиган бўлдим.

Момо. Худо омадингни берсин, отатойим. Юр, пулларингни олиб берай. Обориб бериб қутулиб қўя қол.

Замон. Майли, дадамга берсангиз, санаб кўрсинлар.

Тошмирза. Тавба! Менга берганидан орттириб яна йиғиб ҳам юрган экан-да?

Гулмира. Менга ҳам бериб турарди.

Тошмирза (*газетани хонтахта устига ёяди*). Қани, санасак санайлик-чи. Олиб келинг, устаси фарангнинг хазиначон момоси.

Гулмира ошхонага ўтади. Момо хонасига киради. Чироқни ёқади. Калитни олиб сандиқни оқади. Тег туриб қолади. Хонадаги чироқ бир ўчиб, бир ёна бошлайди, сўнг аста бутунлай сўнади.

Тошмирза. Қизим, кара-чи, момонгнинг чироғи куйди, шекилли.

Гулмира киради. Чироқни ёқади. Аланглайди.

Гулмира. Момо! (*Айвонга чиқади.*) Дада, чироқ куймабди. Момом хонасида йўқлар. (*Чақиради*) Момо! (*Хаяжонга тушади.*) Дада, момом кўринмаяптилар.

Тошмирза. Нима деяпсан, hozир кириб кетди-ку. Тузукроқ кара.

Гулмира. Вой, дада, торгина катакнинг нимасини қарайман. Момо! Қайдасиз? (*Гулмира бошқа хоналарга кириб чиқа бошлайди.*) Йўқлар.

Тошмирза. Ваҳима қилма. Қаёққа ҳам йўқоларди. Ойи! Овоз беринг, қаердасиз? (*Жимжитлик.*)

Анваржон. (*Бошини кўтариб*) Тинчликми? Нима бўлди?

Гулмира. Момом йўқлар.

Замон. Нега йўқ бўладилар?

Гулмира. Пулларингни олиб чиқаман деб хонасига кирган эканлар... Йўқлар. (*Ховлидаги чироқлар пасая бошлайди.*)

Замон. Момо, Моможон! (*Чироқлар кескин ёруглашади, сўнг бутунлай ўчади. Бола йиғлай бошлайди.*)

Тошмирза. Чироқ ўлгурга нима бўлди, шу етмай турувди. Шам ёқ.

Анваржон зажигалкасини ёқади, ўғлини қўлига олади.

Гулмира иккита шам ёқади, бирини ўзи кўтаради, яна бирини дадасига тутқазади. Замон электр қўлчи-рогини топади. Момони излай бошлайдилар. Чақириқлар. Гулмира томошабинлар оралаб югуради.

Гулмира. Момо, моможон, қаердасиз?

Замон (*йиғлагудай бўлиб, аммо қатъий*). Момом канилар? Топиб беринглар.

Дарвозадан Қори кириб келади.

Қори. Тинчликми, партком? Ўтиб кетаётувдим, чироқлар ўчганига...

Тошмирза. Ҳа, тинчлик, тинчлик. (*Замонга.*) Ҳой, пиқиллама.

Гулмира, Замон. Момом йўқлар.

Қори. Астағфуруллаҳ.

Тошмирза. Ваҳима қилманглар, деяпман-ку. Топиларди. Авваллари ҳам бирдан ғойиб бўлиб қолардилар-у, кейин ўзлари эшикдан кириб келардилар.

Гулмира. Уйдан чиқмаган бўлсалар, қайдан кириб келардилар?

Қори. Адолат ая фариштадай, (осмонга ишора қилиб) етишиб қолган зот. Бирор нарсадан дили оғримаган бўсин-да, ишқилиб.

Тошмирза. Қайдан етиб кела қолди бу гурбат? (Шамол эпкини ҳамма чироқларни ўчиради.)

Замон (йигламсираб, ўтинч оҳангида). Моможон!

Момо отпоқ кийимда томда ўтирган ҳолда бирдан пайдо бўлади.

Момо. Лаббай, отагинам.

Замон (Момони кўриб йигиси шодланиш билан қоришади). Момо, моможоним. Қаерда эдингиз? Роса изладик.

Момо. Сайр қилгим келди-да, отам.

Замон. Кетиб қолмайсиз-а?

Момо. Вой отагинам-эй. Сени ташлаб кетишга кўнглим бўлармиди.

Гулмира. Замон, ким билан гаплашяпсан?

Анваржон. Момо билан, шекилли. Овозлари қулоғимга чалингандай бўляпти.

Қори. Ё Оллоҳ! Мен ҳам нафасларини сезаётгандайман.

Тошмирза. Чироққа нима бўлди, чироққа?

Замон. Тушинг, моможон.

Момо. Кўй, болам. Менга ерда иш қолмаганга ўхшайди.

Анваржон. Ана, ана, эшитяпсизларми?

Гулмира. Ҳа-я.

Қори. Нафасларини аниқ сезяпман.

Тошмирза. Нима деяпсизлар? Қанақа овоз? Қанақа нафас? Бу бола алахсираяпти. Кўркди. Онаси ўлганда ҳам шунақа жовлиб чиққан. (Замоннинг пешонасмини уш-

лаб кўради). Ўғлим, устаси фаранг, ўзингни бос. Момонг топилади.

Замон (*Томни кўрсатиб*). Ана, ўтирибдилар-ку. Кўрмаяпсизларми? Моможон!

Момо бироз кўтарилиб, узоқлашади, овози эса пасайиб, юқоридан келаётгандай эшитила бошлайди.

Момо. Ёшани яшаб қариб қолган момонгни кечир, отагинам. Пулларингни топа олмадим. Жойида йўқ.

Гулмира (*ўзича*). Вой, ўлмасам! Тоймас!

Замон. Керакмас. Пул керакмас, момо.

Тошмирза. Ўғлим, Замон, Замонжон. Хой, сув беринглар. (*Гулмира сув беради. Тошмирза ўғлининг юзига сув сепеди.*) Алахсираяпти. Иситмаси борга ўхшайди.

Анваржон. Алахсираётгани йўқ, ота. Момонинг овозини мен ҳам эшитяпман. Ана, ана, тингланг.

Момо. Эрталаблари уйқудан қолиб, кичик ёшинг билан уриниб, тиришиб топган пулингни, тийинлаб йиққан сармоянгни сақлаб беришга ярамади момонг. Кимдир олибдими, каламуш-паламуш кемириб кетибдими, билолмадим, оташерим.

Замон. Моможон, пул керакмас. Керакмас. Оқ сочингизнинг бир толасига ҳам арзимайди.

Момо. Улуғ бобонг ҳам шундай фикр қилгувчи эди. Бор мол-мулкини неча марта тортиб олишди, хар сафар «пул йўқолса топилади, имон йўқолса топилмайди» дер эди. Сен унинг зурёдисан. Лекин қарзингни беришинг керак-да. Қарз ёмон. Олган дастгоҳингни қайтариб беришингни мен истамайман, отабегим.

Замон. Қайтармайман, моможон. Сўрайман. Дўстларимдан олиб тураман. Албатта узаман.

Момо. Яна кўпроқ ишлашингга тўғри келади энди. Яна камроқ ухлайсан энди, отам.

Замон. Ишлайман, моможон, керак бўлса, кечаю кундуз ишлайман. Сиз бор бўлсангиз бўлди.

Момо. Бу сенга боғлиқ, оташер. Йўлингдан қайтмайсанми?

Замон. Қайтмайман, моможон, сира ҳам қайтмайман.

Момо. Баракалла. Завод қуришинг керак. Албатта

қуришинг керак. Улуғ бобонг орзу қилган, фаранглар-никидан қолишмайдиган завод.

Замон. Қураман, албатта қураман. (*Момо яна кўтарилиб узоқлашади, овози яна ҳам олисроқдан, пичирлагандай эшитилади.*)

Момо. Сен ҳали ёшсан. Жуда ҳам ёшсан. Маҳкам бўл, оташерим, астойдил бўл. Ҳали сенинг бошингда қанча синовлар бор. Ҳали ҳақингга хиёнат қиладиганларга кўп йўлиқасан. Ҳали йўлингда минг турли тўсиққа дуч келасан. Фақат чекинма, сира ортга қайтма, узоқни кўзла, улуғ мақсадларни ният қил. Қоқилсанг ҳам тур, йиқилсанг ҳам тур, фақат доим олдинга интил.

Замон. Хўп, моможон.

Момо яна юқорироқ кўтарилади. Овози энди самодан таралаётгандай.

Замон (*бор овози билан*). Момо!

Момо. Мен доим сенинг ҳаққингга дуода бўламан. Улуғ боболаринг руҳи қўлласин, Худо ёрлақасин сени.

Осмонда юлдузлар фонида Момонинг юзи ёришиб туради.

Юқоридан таралаётган нур Замоннинг бошида қуюқлашади.

П а р д а

ЎЗИНИ-ЎЗИ ИЗЛАГАН ВА ТОПГАН ОДАМ

(Бутун спектакль давомида Навоий сахнанинг қиблага қарама-қарши томонидан кириб, қибла томонидан чиқади.)

Дастлаб кўринишида соч-соқоли қоп-қора, ҳар ўтганда оқара боради. Сўнгги сахнада батамом оқарган бўлади.)

П а р д а о ч и л а д и .

Шаҳар. Тонг оқара бошлаган.

Йигит *(Навоийнинг ёшлиги қиёфасида, оддий кийимда, сахнанинг олд томонида, настда туриб)* ва **Қиз** *(малак қиёфасида, булутлар орасидан, байтма-байт куйлашади. Навоий кўринади. 40 ёшларда. Бир четда туриб тинглайди):*

Ашқдин жисмим биносин қўймади обод ишқ,
Охдин берди вужудим туфроғин барбод ишқ.

Шуъласидин тушти ўт оламда ул юз хажрида,
Ҳар қачон кўнглумни қилди ўртамак бунёд ишқ.

Сендин ўрганган кеби Лайлию Ширин зулму кин,
Мендин ўрганмак керак Мажнун билан Фарҳод ишқ.

Васл таҳсили учун, эй шайх, тақво қилма амр
Ким, фано ойинин айлабтур манга иршод ишқ.

Эй Навоий, офият кўйида сен бўл шоду хуш
Ким, мени дарду балоға айламиш мўътод ишқ¹.

П а р д а ё п и л а д и .

¹ Шеърларни аруз вазнига мувофиқ ўқишни енгиллаштириш учун мураккаб хижолаар нукта ва остки чизикча билан, рукнлар чегараси эса тик чизикча билан таъкидланади. Хусусан, бу ғазал вазни — рамали мусаммани маҳзуф: ФО-ъи-ЛО-ТУН, ФО-ъи-ЛО-ТУН, ФО-ъи-ЛО-ТУН, ФО-ъи-ЛУН.

(Навоий парданинг олдидан одимлайди. Ортидан Соҳибдоро. Навоийга қараб бирин-кетин, маълум оралик билан уч киши рўбарў келади.)

Абу Зиё (*мударрис кийимида*). Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ, ҳазрати Алишер.

Навоий. Ваалайкум ва баракотуху. Дарслар кўнгилдагидек борурми? Толиби илмлардин розидурсизму?

Абу Зиё. Алҳамдулиллоҳ. Сизнинг паноҳингизда.

Навоий (*кўзига тикилиб*). Бизга нима ниёзлари бор?

Абу Зиё. Ёш ўтиб, улов минишга қийналиб қолдик. Мадрасага яқин бир ҳовли сотилар экан. Харидор бўлиб эдик. Келишилди ҳам. Аммо бошқа бир пулдор қимматроққа оламан деб айнитиб турибди. Агар малол келмаса, ҳовли эгасини менга сотишга кўндириб берсангиз.

Навоий. Дуруст. Айнан сиз айтган ҳовлини олиб бериш тадоригини кўрайликму ёки мадрасага ундан ҳам яқинроқ, боғчали, биноси ҳам кўркам бошқа ҳовли-жой ҳам бўладими?

Абу Зиё. Бўлади, ҳазратим, асло фарқи йўқ.

Навоий. Ундай бўлса, сиз айтган мавзеда каминага тегишли мулк бугундан эътиборан сизники.

Абу Зиё (*эгилиб таъзим қилади*). Қилган яхшилигингизни бир умр унутмагаймен. Мендин қайтмаса, Оллоҳдин қайтсин. *(Навоий уни бағрига босиб, йўлида давом этади.)*

Бердиқул (*деҳқон кийимида*). Ассалому алайкум, Алишер жаноблари.

Навоий. Ваалайкум ассалом. *(Кўзига тикилиб)*. Хо-муш кўринурсиз? *(Бердиқул жим, бошини қуйи солади.)* Сўйлангиз.

Бердиқул. Мухтожлик, Алишер жаноблари. **Айни** деҳқончилигимизнинг авж палласи. Экин парваришсиз қолмоқда. Ҳосилдан ажралиб қолмасам...

Навоий. Отхонамизда иккита от боқувда. **Асрга яқин** ўтинг, Соҳибдоро, бирисин тутқизгай.

Бердиқул. Умрингиздан барака топинг. Мендан қайтмаса, Худодан қайтсин. *(Навоийнинг этагидан ўпади. Навоий уни турғизиб, елкасига қоқади.)*

Навоий. Оллоҳ омад берсун. (*Бердиқул астойдил дуо қилади. Навоий йўлида давом этади.*)

Ибн Кабир (*башанг кийимда, ширакайф*). О-о, Алишербек! Кўрганимдан шодмен.

Навоий. Биз ҳам жанобларининг кайфияти аъло эканидан мамнунмиз.

Ибн Кабир. Э-э, кайфият, кайф... Нимасини айта-сиз. Мана, мансабдан ҳам фориф бўлдик.

Навоий. Бу фоний дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Одам зотидин сабру қаноат лозим. Шайтон васвасасига учмай, ақлу идрок ва таваккул ила саъй-ҳаракат муроду мақсадга етказгай.

Ибн Кабир. Биз ҳам шу ниятда тижорат билан шуфулланишга қарор бердик, Алишербек. (*Атрофга беписанд қараб қўйиб.*) Ҳали Ибн Кабир кимлигини кўрадилар. (*Навоийнинг пешонаси тиришади. Ибн Кабир буни сезади.*)

Навоий. Тижорату тадбирни Оллоҳ йўлида қилмоқ лозим, Ибн Кабир.

Ибн Кабир. Албатта, албатта. Фақат шу...

Навоий. Сўйланг.

Ибн Кабир. Бироз сармоядин қийналиб турибмиз. Агар қарз бериб турсалар, албатта тез кунда қайтариш шарти билан.

Навоий (*ҳамён тутади*). Оллоҳ ишингизга ривож берсун.

Ибн Кабир. Сиздек саховатли дўстим борлигидан мамнунман. (*Ибн Кабир олади, Навоийни қучоқлаб ўпмоқчи бўлади. Навоий унинг елкасига қоқиб, йўлида давом этади.*)

(*Саҳнага бир томондан Навоий, иккинчи томондан Дарвеш кириб келади.*)

Дарвеш. Сидку эҳсон. (*Навоий ҳамён узатади. Дарвеш олмайди.*) Хайру эҳсон. (*Навоий Соҳибдорога ишора қилади. У Дарвеш оёғи остига ҳамёнлар солинган халтани қўяди. Дарвеш боқмайди.*) Ҳазратим бизни тўғри англамадилар. Амир ва арбоб Навоийдин динору дирҳам умидимиз йўқ. Ориф ва фоний Навоийдин сидку

садақа кутгайбиз. (*Йўлида давом этади.*) Сидку эҳсон, хайру эҳсон.

Навоий (*Соҳибдорога*). Ҳеч нарса англадингму?

Соҳибдоро (*елкасини қисиб*). Дарвеш, пирим.

(*Навоий ўйчан, аста йўлида давом этади..*)

П а р д а о ч и л а д и.

Ҳашаматли сарой. Мирзо Хусайн қабулхонаси. Аёнлар йиғилган. Бир нечадан тўп-тўп бўлиб, оҳиста гурунг қилиб туришади.

Мир Ҳайдар (*киради. Бош силкитиб саломлашади. Садр аъзам билан Амир Дехдор ўртасидан жой олади*). Шошилиш кенгаш. Нима эҳтиёж туғилибдур?

Амир Дехдор. Вазир ҳазратларига учрашмадиларми?

Садри аъзам. Дарвоқе, бу юмуш каминаларига юклатилиб эди. Ижозат этинг.

Мир Ҳайдар. Хўш? (*Қулогини тутади.*)

Садри аъзам (*энгашиб*). Амир Алишернинг мавқеини биров чекламак лозим топилади.

Мир Ҳайдар (*сесканиб*). Аммо... (*Ичкарига қараб олади.*) қалтис.

Амир Дехдор. Бугунги вазиятда иккиланиш дуруст эмас, мирим.

Мир Ҳайдар. Дарвоқе, Алишербекнинг ўзлари кўринмайдилар?

Садри аъзам (*мийиғида кулиб*). Хотиржам бўлсинлар.

Амир Дехдор (*қулогига шивирлайди*). Тасодифни қарангки, даракчи отдан йиқилиб лат емиш. (*Ҳиринглайди. Шайхулислом хўмрайиб қўяди.*)

Мир Ҳайдар. Ахир аввал ҳам бир эмас, **икки-уч** бор уринилиб эди. Амир Мажиддин...

Амир Дехдор. Бу сафар Низомулмулк **ҳазратлари** бутун маҳоратини ишга солганлар. Кўргайсиз.

Садри аъзам. Иншооллоҳ.

Мудаббир (*киради*). Вазири аъзам ҳазратлари, дину давлат таянчи Хожа Қавомиддин Низомулмулк **ташриф** буюрадилар. (*Низомулмулк киради, Мудаббир чиқади.*)

Низомулмулк. Ассалому алайкум, жамъи аркони давлат ва уламои миллат.

Шайхулислом. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳ.

Амирлар. Ваалайкум ассалом, вазири аъзам ҳазратлари.

Низомулмулк. Тоату ибодат ва илтижоларимиз Аллоҳу таологаким, султонимиз ва амирзодамиз Абулғозий Хусайн Баҳодурхонни ўз паноҳида асрагай.

Барча. Иншоллоҳ.

Низомулмулк. Умидимиз — ҳазрати султонимизнинг таянчи, салтанатимизнинг суянчи сиз умаро ва уламодинким, мадад ва кўмагингиз ила муродимиз ҳосил бўлгай. (*Амирларнинг бир қисми бош силкиб маъқуллайдилар, бир қисми бир-бирларига маъноли боқишади. Шайхулисломга яқин келиб.*) Илтимосларини шу кунларда ҳал эткусимиз. (*Шайхулислом бошини силкитиб, миннатдорлигини билдиради. Яна бир неча амир билан саломлашар экан, нималарнидир шивирлаб қўяди.*)

Мудаббир (*кириб*). Хуросон мулкининг султони, ҳокони Мансур Мирзо Хусайн Бойқаро ҳазрати олийлари. (*Мирзо Хусайн киради. Барча чуқур таъзим билан кутиб олади.*)

Мирзо Хусайн (*касалликдан турган. Рухияти суст*). Ассалому алайкум (*Тахтга ўтиради.*)

Шайхулислом. Ва алайкум ассалому ва раҳматуллоҳ. Дину давлатимизнинг паноҳи бўлмиш ҳазрати султонимизни сихат-саломат кўришдан бағоят мамнунмиз. (*Кенгаш аҳли Мирзо Хусайнга яхши тилакларини билдиради.*)

Мирзо Хусайн (*аёнлар билан бир-бир бош силкиб саломлашгач, Мудаббирга*). Амир Музаффар?

Мудаббир. Бироз бетобланмишлар. Кексалик, шохим.

Мирзо Хусайн. Бошқа амирлар-чи?

Мудаббир. Амир Атоуллоҳ узр сўрадилар. Амир Сарбараҳна Фарғона сафаридан қайтиши лозим эди, йўлда тутилиб қолган кўринади.

Садри аъзам (*Мир Ҳайдарга шивирлайди*). Англадингизми?

Мир Хайдар (даврага кўз югуртириб). Алишерга якин амирлар? (Садри аъзам мийиғида кулиб қўяди. Низомулмулкка ишора қилиб қўяди. Мир Хайдар ҳайрон. Амир Дехдор маъноли бош силкийди.)

Мирзо Хусайн. Амир Алишер қани?

Мудаббир. Келишлари лозим эди.

Мирзо Хусайн. Одам юборинг. Шошилинич хабар олсун. Сихат-саломат бўлса, зудлик билан етиб келсун. (Низомулмулкка). Мамлакат тинчми? Раият ахволи нечук?

Низомулмулк. Оллоҳ субҳонаху ва таоло иноятию зулжалол олампаҳоимиз соясида мамлакат осуда, раият сизнинг ҳаққингизга дуода, шоҳим.

Мирзо Хусайн («гапинг рост бўлса, олий машваратга нима ҳожат?» дегандай истехзо қилади. Толиқиш билан). Вилоят ва музофотлардиндан нима хабарлар? (Низомулмулк амир Дехдорга ишора қилади.)

Амир Дехдор (таъзим бажо этиб). Вилоётларимизнинг аксари тинч ва осуда, олампаҳо.

Мирзо Хусайн. Демак, ҳаммаси эмас?

Низомулмулк. Шоҳим. Улкан салтанат ташвишу муаммолардан холи бўлмағай.

Мирзо Хусайн. Салтанат тинчлиги хусусида ташвишнинг катта-кичиги бўлмас. Сўйланг.

Амир Дехдор. Мозандарон вилоятининг чегараси нотинч, олампаҳо. Шунингдек, Хисор беги хирож тўлашдин бош тортган.

Мирзо Хусайн. Нонкўр. Кўрган эҳсонларини унутмишми? Эслатиб қўймоқ лозим. (Амирлар маъқуллашди).

Низомулмулк. Биз ҳам шу фикрдамиз. Фармони олишон, шоҳим (Муншига ишора қилади). Сизга садоқатли амирлардан Гиёсуддин Дехдорни Хисорга (Амир Дехдор таъзим қилади), Али Шайх ва Бурҳониддинни (аёнлардан яна иккиси таъзим қилади) фарбий сарҳадлардан хабар олишга сафарбар этиш тўғрисида. (Мунши фармонни узатади. Мирзо Хусайн муҳрини босади. Низомулмулк яна бир фармон тутади.)

Мирзо Хусайн. Бу-чи? (Фармон матнига эриниб кўз ташлайди.)

Низомулмулк. Узримни қабул этгайсиз. Жўнатила-
жак лашкарга сафар анжомлари ҳозирламоқ, уларни ярим
йиллик мояна билан таъминламоқ лозим.

Мирзо Ҳусайн. Яна солиқ. (*Аҳмад Суҳайлийга қарай-
ди.*)

Аҳмад Суҳайлий. Чиқимлар кун сайин ортиб бор-
моқда, олампадох.

Мирзо Ҳусайн (*Низомулмулкка, норозилик билан*).
Қандай чиқимлар? Нечун?

Низомулмулк. Зарурат, шоҳим. Бозорда нарху наво
бироз кўтарилган. Шу боис аркони давлат маошини орт-
тиришга тўғри келиб эди.

Мирзо Ҳусайн (*Фармон остига кўз югуртиради*).
Алишербек мухрини кўрмайдурмен?

Низомулмулк. Амир Алишер мухр босишдан бош
тортдилар, шоҳим.

Мирзо Ҳусайн (*Фармонни Низомулмулкка қайтиб
беради*). Балки шунинг учун у мажлисга келишни лозим
топмагандир? (*Низомулмулк амир Дехдорга имо қила-
ди.*)

Амир Дехдор. Мени маъзур тутгайлар, олампадох.

Мирзо Ҳусайн. Сўйланг.

Амир Дехдор. Сабаби бошқа деган фикрдамиз.

Мирзо Ҳусайн. Қандай сабаб экан?

Амир Дехдор. Бир қошиқ қонимдин ўтсангиз, олам-
падох. (*Мирзо Ҳусайн сабрсизлик билан, «гапир» дея
қўлини силтайди.*) Балхда амир Дарвеш Али исён кўтар-
миш. (*Мирзо Ҳусайн бир ўрнидан қўзғалиб олади. Қий-
налади. Низомулмулк Садри аъзамга ер остидан қараб
қўяди.*)

Садри аъзам. Дарвеш Али оғасининг изнидан чик-
мас, хазратим. Не иш қилса, амир Алишер билан бамас-
лаҳат қиладур. (*Мирзо Ҳусайн асабийлашади.*)

Аҳмад Суҳайлий. Тухматдин кўрқингиз, жаноби Садр.
Навоий инисин саркашликка ундаган бўлиши ақлга сиф-
мас. (*Мирзо Ҳусайнга.*) Олампадох, бу воқеадин Мир
Алишернинг хабари йўқлигига аминмен.

Амир Дехдор. Балхдин Султон Маҳмуд хузурига
киши юборилгани хусусинда маълумот бор, шоҳим.

Аҳмад Суҳайлий. Дарвеш Али эсли-хушли амирлар-

дин, олампадох. Не содир бўлганин текширмак, сўнг хулоса қилмоқ мақсадга мувофиқ.

Шайхулисом. Ўринли таклиф. (*Мирзо Хусайн бошини силкитиб тасдиқлайди*). Амир Дехдорга юклатилса, Хисорга Балх орқали ўтиши мумкин бўлмай.

Низомулмулк (*Шайхулисломдан норози, режа бузилаётганидан ташвишланиб*). Албатта тафтиш ўтказурбиз. Лекин сўнгги пайтда амир Алишер мухр босиш ваколатини тез-тез суистеъмол қилмоқда, шохим. Бу салтанат ишларида қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. (*Хамма Мирзо Хусайнга қарайди. У чуқур ўйга чўмади.*)

Мирзо Хусайн (*наст овозда*). Асил муддаонгиз недур? Алишерни яна мендин йироқлаштиришми? (*Совуқ сукунат. Хамма жим.*)

Низомулмулк. Худо асрасин. Бутун элу юрт Навоийни хурмат-иззат қилур, шохим. Лекин улуг амирнинг сиёсати ҳар доим ҳам салтанат манфаатига мувофиқ эмас. (*Қўлидаги фармонга ишора қилади.*) Ташвишимизнинг боиси фақат шу.

Мирзо Хусайн. Яхши. (*Амирлар ўртасида жонланиш. Суҳайлий ва яна бир неча амир эса ҳаяжонда. Низомулмулкка*) Таклифингизни баён этинг.

Низомулмулк. Амир Алишер барча мавқеъини сақласин, олампадох, фақат девон ишларига камроқ аралашса бас.

Мирзо Хусайн (*амирларга қарайди*). Сизнинг фикрингиз?

1-амир. Салтанат манфаатидан келиб чиқиб иш тутмоқ мақбул кўринади, шохим.

2-амир. Алишербек беназир шоир. Иқтидори ҳайф бўлмагани маъқулмикан, султон ҳазратлари.

3-амир. Балки, муайян муддатга Балхга, Дарвеш Алига маслаҳатчиликка тайин этмак лозимдур? (*Бир неча амир маъқуллайди. Амир Суҳайлий сўзлашга тараддусланади. Ёлғиз қолганини ҳис этиб, иккиланади. Шайхулисломга қарайди. У жим.*)

Мирзо Хусайн (*ўйланади. Ўрнидан туриб, тахтдан тушади. Аста амирларга яқинлашади. Низомулмулкка*). Мен сизнинг Навоийга нисбатан адоватингизни

билурмен. Лекин... (*Садри аъзамга.*) Сиз Алишер ту-
файли шу мартабага эришган эмасмисиз? (*Амир Дехдор-
га*) Ўлим тўшагида ётганингизда ким Самарқанддин та-
биб келтириб, сизни оёққа турғизган ким эди? (*Мир
Ҳайдарга*) Асир тушганингизда, жонини гаровга қўйиб
қутқариб олган-чи? (*Мир Ҳайдар бошини қуйи солиб,
тиззасини ерга теккизади. Низомулмулк билан Амир
Дехдор унга истехзо билан қараб қўйишади. Мирзо
Хусайн давом этади.*) Айтингиз, қай бирингиз Навоий-
нинг марҳаматидин бахраманд бўлмагансиз? (*Низомул-
мулкка*) Алишер инисини салтанатга қарши исёнга чор-
лаган, дея шубҳа қўзғатмоқчи бўласиз? Нечун аввал таф-
тиш эттирмадингиз? Сизнингча, Навоийни жазога торти-
шим керак, шундайми? (*Ҳансирайди, дармонсизланади.
Мудаббир қўлтигидан олади. Мирзо Хусайн тахтга
ўтиради. Амирларга қарата.*) Ҳақшунослик қани? Бу
дунёда сидку вафони-ку кундуз чироғ билан изламак
керак. Хеч йўқса, оқибат, одамгарчилик лозим эмасми?
(*Оғир сукунат. Амирларнинг бошлари эгилади.*)

Эй Танграм, нечун пешонамга дарвешлик толеин бит-
мадинг?!

Низомулмулк. Астаффуруллоҳ, шохим. Сизга Оллоҳ
субҳонаҳу ва таоло ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур
Кўрагоннинг ворислигин, Хуросон тахтин раво кўрмиш-
ки, бунинг учун шукроналик матлубдур.

Мирзо Хусайн. Ҳазрати Соҳибқирон тирик бўлса-
лар, терингизни шилиб ноғора ясаттирган бўлур эрдими
деб кўрқамен. (*Ҳамма жим. Мирзо Хусайн ўйга чўма-
ди, уни шубҳа қийнаётгани биланиб туради.*)

Мудаббир. Шохим, Амир Низомиддин Алишер На-
воий ташриф буюрадилар. (*Мирзо Хусайн ўрнида қўзга-
либ олади. Навоий киради.*)

Навоий. Ассалому алайкум, марҳаматли шохим. Ас-
салому алайкум, умарои кабир ва уламои азиз. (*Мирзо
Хусайн ўрнида енгил қалқиб алик олади. Амирлар қўлла-
рини кўксига қўйиб саломлашади. Навоий кенгашдаги
ҳолат ва муомаладан таажжубга тушади.*)

Мирзо Хусайн (синовчан). Кечикишингизнинг боиси
недур, Алишер?

Навоий (ҳайрати ошиб). Маъзур тутгайсиз, шохим,

аммо недин кечикилди — бу фақир ходимингиз онглафони йўқ.

Мирзо Ҳусайн (асабий). Вазири аъзам салтанат аҳамиятига молик масалаларни хал этмоқ учун кенгаш чақиртирган. (*Навоий Низомулмулкка боқади, у Мудаббирга имо қилади.*)

Мудаббир. Сиз жанобларининг ҳузурига даракчи жўнатилиб эди, ҳазратим.

Навоий (Таажжуби ортиб). Даракчидин дарак топмадик. Шохимизнинг сихҳат-саломатликларини сўрашни ният қилиб эдик.

Мирзо Ҳусайн (тикилади). Дарвеш Алидин қандай хабарлар бор?

Навоий (таажжубда. Нима жавоб беришни билмайди. Муомаладан ранжиб). Бирор гап бўлса, айтсунлар, бу гумроҳ қулингиз ҳам хабардор бўлсун.

Амир Дехдор. Балхда исён кўтарилмиш. Хиротдин норози эмишлар.

Навоий. Ё, Оллоҳ. Яна миш-миш. Ишонмасмен.

Садри аъзам. Таассуфки, шундоқ.

Сухайлий. Шохим. (*Мирзо Ҳусайн бошини силкилади.*) Дарвеш Али воқеасин текширмак лозим. Унгача иштибоҳ билан Амир Алишерни ранжитиш ўринсиз.

Низомулмулк. Сабабидин қатъи назар исён — барибир исён, амир.

Навоий (Мирзо Ҳусайнга). Ўлимдин хабарим бор, аммо бу гапдин хабарим йўқ, шохим. Ижозат беринг, хоҳ айбдор бўлсин, хоҳ айбдин орий — инимни даргоҳингизга ўзим олиб келурмен. (*Низомулмулк сўз олмоқчи бўлади. Мирзо Ҳусайн қўли билан силтаб тўхтади.*)

Мирзо Ҳусайн. Розимен. Фақат муҳр босиб кетмоғингиз лозим. (*Низомулмулк Навоийга фармон тутлади. Навоий уни қўлига олиб, кўз югуртиради. Мирзо Ҳусайнга қарайди. У синчковлик билан тикилиб туради.*)

Низомулмулк. Ҳа, Алишер. Салтанат манфаатининг тақозоси.

Мирзо Ҳусайн. Муҳр босурмисиз?

(*Навоийнинг қўли титрайди, гавдаси букчаяди. Ру-*

хий азобдан қийналади. Кашкулларини шиқирлатиб Дарвеш киради, сахнани кесиб ўта бошлайди. Уни сарой аҳли сезмайди. Навоийнинг ёнига келганда тўхтайдди.)

Дарвеш (*Навоийнинг кўзига тикилиб*). Билурсизким, бу дунё баайни тарозу. Бир палласида — мансабу мартаба, обрў-эътибор, молу дунё. Ўз сўзингиз билан — жоҳ. Лекин кўнгул отлиқ паллада недур? (*Йўлида давом этади. Кўздан ғойиб бўлгач, овози эшитилади: «Сидқу садақа, хайру садақа».*)

Навоий (*коматини тиклаб, Мирзо Ҳусайнга, шахд билан*). Бу ҳақирнинг қўлидин не келса, барчаси табаррук салтанат учун садқа бўлсун. Шоҳим, фақат изн сўраймен, бир ўтинчим бор.

Мирзо Ҳусайн (*хушёр тортиб*). Қандай ўтинч?

Навоий (*мағрур*). Лавозимдин истеъфо. (*Амирлар ўртасида гулу.*)

Мирзо Ҳусайн (*ўрнидан хиёл туради, овозида титроқ*). Истеъфо?!

Навоий (*қатъий*). Ўтинамен, рад этмангиз.

(Мирзо Ҳусайн олдинга энгашиб Навоийга астойдил тикилади. Навоий бошини силкитиб, розиликка ундайдди. Мирзо Ҳусайн оғир тахтдан тушиб Навоийнинг ёнига келади. Бунинг баробарида сахна аста қоронгилашади. Фақат Мирзо Ҳусайн ва Навоий ёритилади. Бошқалар эса турли даражада ёритилган шарпа ҳолида кўринади.)

Мирзо Ҳусайн. Алишер, мен сизни ранжитдим.

Навоий. Йўқ, Ҳусайн. Тахт соҳибларининг тақдири эжанким, кимдир унга қанча яқин бўлса, бошқаларнинг ғаюрлиги шу қадар ортгай. Сарой атрофинда миш-миш, иғво кўпайгай, турли-туман бузғунчилик режалари тузилгай. Бу ожиз қулингиз учун эса мамлакат тинчлигию салтанатингиз барқарорлигининг қимматли бошқа ҳеч нарса йўқ, султоним.

Мирзо Ҳусайн. Алишер! Дўстим!

Навоий. Неча йилларким, ижодга ундаб келурсиз. Умр эса беаёв ўтиб бормоқда. Қўлимдин келгунча сарой хизматин адо этдим. Аммо чарчадим. Ҳусайн, дўстлиги-

миз ҳаққи, ўтинамен, яна бир марта бу фақирдин марҳаматингизни дариф тутманг.

Мирзо Ҳусайн. Сарой хизмати сизга малол эканин билурмен. Аммо мени ёлғизлатиб кетмакчисиз?

Навоий. Асло. Ҳар доим яна хизматга шай турурмен. Қачон лозим топилса, «Лаббай» дея етуб келгум.

Мирзо Ҳусайн (*наст овозда, қийналиб*). Ақл рози бўлмас. Аммо кўнгул... Буюк ишларни амалга оширмогингизни мен ҳам жуда-жуда истармен. На илож, салтанатлар тарих сахнасига келиб кетаберур. Лекин Алишердек шоир яна дунёга келгайму? Билурмен — ўз тилимизда «Хамса» яратиш Навоийдин ўзганинг қўлидин келмас. Шу шарт билан рози бўлурменким, сўз бергайсиз.

Навоий. Яратганнинг марҳаматию сизнинг ҳомийлигингизда, Ҳусайн.

Мирзо Ҳусайн (*кўнгли бузилади, Алишерни қучади*). Истайсизму, мен ҳам тахтдин воз кечиб, сиз каби бу дунёга этак силкий?

Навоий. Худо асрасин, дўстим. Давлатингизни Оллох бардавом қилсун. (*Бир-бирларини бағрига босадилар. Ҳар иккисининг кўзлари намланади.*)

Мирзо Ҳусайн (*тахтга ўтиради. Саҳна яна ёришади*). Амир Алишернинг истефосин қабул этдик. (*Яна гулу. Кимдир саросимада, кимдир мамнун. Низомулмулк мамнунлигини яширмайди.*)

Навоий (*қониқиш билан*). Миннатдормен, шоҳим. Бу фақир ва ҳақир сўнгги нафасгача сизнинг ҳаққингизда дуода бўлғай.

Низомулмулк (*бетаъмизлик билан илжайиб, Навоийга*). Биз ҳам ҳар қачон сизнинг хизматингизга ҳозирдурмиз. (*Фармонга қўл чўзади. Дарвеш овози: «Биз амир ва кабир эмас, фоний Навоийдин сидқу эҳсон умидвормиз».*)

Навоий (*Фармонни бермай*). Ҳожати йўқ, вазири аъзам. (*Низомулмулк ва амирлар таажжубда. Мирзо Ҳусайнга.*) Сизнинг сояи давлатингизда бу ҳақирга озми-кўпми молу мулк насиб этмиш. Бугун олий ҳимматингиздин яна баҳраманд бўлдим. Ҳурмату эътиқодим белгиси сифатида қабул этинг — ихтиёримиздаги барча молу

мулкни элу юрт манфаати учун хазинага эхсон этдик. (*Сухайлийга.*) Вакф ҳужжатларин Соҳибдоро топширгай. (*Низомулмулка.*) Вазир ҳазратларидин талабимиз: эвазига раият солиқдин озод этилсун.

Амирлар. Тасанно! Ҳасанот!

Навоий. Ижозат этинг, шоҳим. Сизнинг саломатлигингизни сўрашни ният қилиб эдик, алҳамдулиллаҳ, му-род ошиғи ила ҳосил бўлди. (*Мирзо Ҳусайн ишора қилади. Мудаббир Навоийнинг елкасига чопон ёпади. Шайхулислом дуо қилади. Навоий Мирзо Ҳусайнга ва амирларга таъзим қилиб, чиқиб кетади.*)

Мудаббир. Шоҳим, (*ўйга толган Мирзо Ҳусайн бир сесканиб олади*). Фарғона сафариндин қайтган амир Сарбараҳна Андижоний.

П а р д а ё п и л а д и.

Бир томондан бирин-кетин, ораларида маълум ма-софа сақлаб Бердиқул, Абу Зиё, Ибн Кабир чиқиб ке-лади.

Бердиқул. Эшитдингизми? Алишер Навоий истеъфо-га чиқибди. Мол-мулкидан ҳам воз кечибди. Энди биз каби ғариблар нима қилади? (*Кўзёшларини белбоғи би-лан артади.*)

Абу Зиё. Эшитдингизми? Амир Алишер саройдан кетибди. Мол-мулки ҳам хазина ҳисобига ўтказилган эмиш. Афсус, афсус. (*Хафалик билан бошини сарак-сарак қилади.*)

Ибн Кабир. Эшитдингизми? Алишер саройдан их-рож қилинибди. Мол-мулки мусодара этилибди. Ие, ана, ўзлари ҳам шу томон келяпти, чоғи. Ҳа, қарзини қистаб қолмасин. (*Тескари ўгирилиб четлашади.*)

Абу Зиё. Навоийми? Рухияти не нав экан. Шундай чоғда рўбарўсидин чиқиш мақбул бўлмас. Оғир олмасин тагин. (*Ўзини четга олади.*)

Бердиқул. Ҳазрат! Бева-бечораларнинг ҳомийси эди. Қачон дуч келсалар, ҳимматини дариф тутмаганлар. Энди... Шундай чоғда... малол келмасин, менга кўзи тушмагани маъқул. (*Ичкарига кириб кетади.*)

(Саҳнанинг бу томони қоронгилашиб, бошқа томони ёришади.

Навоий қоялар остидан оқиб чиқаётган чашма лабига келади.

Юз-қўлини ювади. Белидан белбоғини ечиб, артинаётганда кўзи қоядаги ёзувга тушади.)

Йигит овози *(саҳна ортидан):*

Лутф бирла айтинг эй, аҳли Ҳирот,
Бу муаммо чорасин, борму нажот:

Кимса бўлса ишқ зори — найласун,
Бўлмаса сабру қарори — найласун?

Навоий *(ўқийди).* Бўлмаса сабру қарори найласун.
(Тош олиб, остига ёзади. Ёзувни Дарвеш парда ортидан ўқиб туради):

Ким бу ишда истагайким поклик,
Қилмасун фош эткали бебоклик.

*(Қоядан узоқлашиб ибодатга ўтиради.
Қоянинг ортидан қумгон кўтариб Йигит киради.)*

Йигит *(Қумгонни сувга тўлдиради. Кўзи ёзувга тушади. Ўқийди):*

Ким бу ишда истагайким поклик,
Қилмасун фош этгали бебоклик.

(Ёзувларни ўчиради. Сўнг ёзади):

Ким агар ул ошиқи озори жон
Бўлса поку тутса ишқин ҳам ниҳон,

Лек ул шавқу муҳаббат шиддати
Тез ўлуб, тоқ ўлса онинг тоқати,

Васл бўлса эҳтиёжи — найласун,
Топмаса бу иш иложин — найласун?

(Қайтиб кетади. Навоий юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан туради. Обдаста билан чашмага яқинлашади. Ёзувга кўзи тушади. Таажжубда. Оҳиста ўқийди):

Навоий

Васл бўлса эҳтиёжи — найласун,
Топмаса бу иш иложин — найласун?

(Ёзувни ўчириб, ўрнига ёзади):

Чорасиз ул ошиқеким дардманд,
Мен анга қилдим насиҳат бирла панд.

Топмаса ул панд бирла ихтисос,
Ўлсуну ишқ ўтидин бўлсун халос.

(Навоий яна узоқлашади. Тун киради. Тонг оқара бошлайди. Қоя ортидан йигит чиқиб келади. Ёзувни ўқий бошлайди. Куй бошланади.)

Қиз (саҳна юқорисида кўриниб, кейин кўздан йўқолади) ва **Йигит**:

Топмагач ул панд бирла ихтисос,
Ўлсуну ишқ ўтидин бўлсун халос.

(Куй авжига чиқади. Йигит гандираклайди, боши билан қояга урилади.

Куй кескин узилади.

Йигит ҳушсиз йиқилади. Пешонасидан оққан қондан чашма суви қизаради. Тонг ёришади. Навоий чашмага яқинлашади. Ҳолатни кўриб донг қотади. Йигитнинг бошини кўтаради. Томирини ушлайди.)

Навоий. Эвоҳ. («Оҳ» тортиб аччиқ-аччиқ йиглайди. Йигитнинг бошини ювади. Салласини ечади, бошида тақяси қолади. Саллани ёзиб Йигитнинг устига ёпади. Ўрнидан туради.)

Бу каби ўлмак насиб этса Худо,
Юз туман жон бундай ўлмак чун фидо.

П а р д а ё п и л а д и.

(Навоий парда олдида йўлини давом эттиради.)

Навоий

Сокиё, кўнглум этар бода хавас,
Лутф қилғилки, эрурман мен бекас.

Бодаким, рух деди они: «Ҳаким»,
«Рух кути», отади таъби салим.

(*Чиқади*).

П а р д а о ч и л а д и .

(*Саҳнанинг орқа қисмида зяёфат. Тўрида дабдабали кийинган Бойтўра. Ёнидаги жой бўш.*)

Бойтўра (*норозилик билан*). Мехмонингни яна қанча кутиш керак?

Мухлис. Келиб қоладилар, ака. Айтилган пайдан кечикиш одатлари йўқ дейишган. (*Навоий кўринади. Сезмайдилар. У четда одам бўйи баландликда туриб кузатади.*)

Ўнгақай. Жуда таъблари нозик деб эшитганмиз.

Чапақай. Амир, яна подшоҳнинг яқини бўлганидан кейин.

Ўтирганлардан бири. Неужели?

Ўтирганлардан яна бири. Ия, акамиз таклиф қилсалар-у, кечиксалар.

Ўнгақай. Ха, энди, кимсан — Навоий!

Бойтўра (*Мухлисга*). Нима деб таклиф этувдинг ўзи?

Мухлис. Мухлисларингиз суҳбатингизни олмоқчи, деганман. Яхши қабул қилган эдилар. (*Бойтўра норози, қовоғини уяди.*)

Ўнгақай. Бир ғазалхонлик қилар эканмиз-да:

Ўтирганлардан бири. Да-а. Ғазал ҳозир *вообще* модадан колган.

Ўнгақай. Қўшиқлар-чи, қўшиқлар? Қанча ғазал билан айтилади?

Ўтирганлардан бири. Э-э-э. Чол-кампирлар учун.

Мухлис. Қўйсангиз-чи. Фақат қариялар учун эмас. Мана, «Муножот».

Ўтирганлардан яна бири. Сўзларини тушуниб бўлмагандан кейин...

Бойгўра. Барибир эштамиз.

Ўтирганлардан бири. Эштиш керакми — эштамиз, да.

Ўтирганлардан яна бири (*айбини тушуниб, Мухлисга*). Бундай... шеърлари ҳам борми ё ҳаммаси ўлдимкуйдимми?

Мухлис. Бўлмасам-чи! Мана, эшитинг:

Эй Навоий, бода бирлан хуррам эт кўнглинг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Ўтирганлардан бири. Бўда — нима?

Ўтирганлардан яна бири. Вино. Ичимлик.

Ўтирганлардан бири. Да-а.

Чапақай. Навоий ҳам тузуккина тортиб турар эканлар-да, а?

Ўнгақай. Нима девоссиз? Бу байт узум суви эмас, ишқ, муҳаббат майи тўғрисида.

Чапақай. Май, шароб, дейилибдими — шундоқ тушуниш керак эмасми?

Ўнгақай. Йўқ, май, шароб — ишқ, муҳаббат дегани. «Кўзлари хумор» деганда маст хотинни тушунасимми?

Бойгўра. Қани, Мухлис, сен нима дейсан?

Мухлис. Навоий ғазаллари — мажозий, кўчма маънода.

Ўтирганлардан яна бири. Тушунтириброк гапиринг.

Мухлис. Шеърнинг жони — туйғу, ўхшатишлар — эт, сўзлар эса кийим.

Чапақай. Олинг-а. Китобий гапларни қўйсангиз-чи.

Ўтирганлардан бири. Келганида мана бунисидан қуйиб (*шишани қўлига олиб айлантиради*) бир синаймиз.

Бойгўра («бас қилларинг» дегандай). Йўқ. Амир деб, амир бўлганда ҳам шохнинг яқини деб кутволиш керак. Гаплашадиган гаплар бор.

Ўтирганлардан бошқа бири (*еяётган қўйнинг қўл гўштини тутганча, оғзидаги луқмани ютади*). Ҳик-қ.

Эшитмадингизми? Ҳик. (*Оғзига пиёлани яқинлаштириб*) Алишер саройдан... (*Сипқоради, қўли билан «қувилган» дея имо қилади.*)

Ўнгақай. Йў-ге?

Бойтўра. Гапир.

Ўтирганлардан бошқа бири (қўллари билан «Х» ясаб). Сарой — берк.

Чапақай. Ростми? Ўзимам барибир шундай бўлади, деб ўйлар эдим.

Мухлис. Тонгда бунақа гап йўқ эди-ку!?

Бойтўра. Аниқми? Кимдан эшитдинг?

Ўтирганлардан бошқа бири. Бутун шаҳар билиб бўлди.

Мухлис. Сира кутилмаган иш-ку.

Бойтўра. «Қувилди» дегин. (*Ёнида ўтирганга «Буёққа сурил» деб имо қилади. У бўш ўринга сурилади. Бошқаларни ҳам битта-битта юқорига сари сурилишга ишора қилади. Ўзича.*) Демак, оралари бузилибди-да. (*Мухлисга, қовогини уйиб.*) Ишқилиб, бир балони рўбарў қилмасанг бўлди.

Мухлис. Йў-ге. Саройдан кетган бўлса ҳам, катта шоир-ку, барибир.

Бойтўра. Барибир эмиш. Бефаросат. Ҳозир шеър эшитиб ўтирадиган пайтми? Ўзинг (*Мухлисга «Чиқ!» дегандай қўлини силтайди*) кузатиб юборавер. (*Мухлис ноилож бошини ҳам қилиб чиқиб кетади.*)

Ўнгақай. Акамнинг кайфияти бузилди. Қани, қуйилсин. (*Ичадилар.*)

Ўтирганлардан бири. Правильно. Оламиз.

Ўтирганлардан яна бири (*чапақайга*). Тайёргарлик кўрилганми?

Чапақай. Бўлмасам-чи. (*Имо қилади. Раққосалар кириб, сермуқом рақс бошлайди.*)

Ўтирганлар. Бўлар экан-ку.

(*Бойтўра раққосалар устидан танга сочишни буюради.*)

Ўнгақай тор олиб ашула бошлайди. **Чапақай туриб** бесўнақай ҳаракатлар билан рақсга қўшилади. **Мустжа** босқичма-босқич замонавийлаша боради. **Охири қулоқлар** битадиган даражага етади. **Шунинг баробарида**

раққосалар кийимларини енгиллата боради. Енгиллатгани сайин кийимлар замонавийлашади. Анча очик даражага етади. Ўтирганлар ҳам ўртадагиларга қўшилади.

Бирдан шовқин тинади, аммо давра овози ўчган кинодай давом этади.

Ўйнаётганлар юзини залга бурганда ора-чира ит, эшак, тўнғиз, тулки, маймун қиёфасида кўриниб қолади.

Навоий саҳна ортидан, одам бўйи баландликда юриб чиқиб кетади.)

П а р д а ё п и л а д и .

(Парда ортидан Мирзо Хусайннинг амирона овози янграйди.)

Мирзо Хусайн. Фармони олийшон битилсун: «Мамлакат ва миллат куввати, хайрли ишлар муассиси, Низомул-хақиқат вад-дин Амир Алишер бугундин бошлаб Хожа Абдуллоҳ Ансорий мзорининг фахрий жорубкашлигига тайинлансун. Ва қачонки тиласа, муқаррар равишда қабулга мушарраф этилсун. Белгилаб қўйулсунким, даргоҳимизда илтимосин қай мавзуда бўлмасун ўн маротабача такрор ва таъкид этмоғи жоиздур».

(Бирин-кетин Бердиқул, Абу Зиё, Ибн Кабир кўринади. Уларнинг ортидан Мудаббир, охирида Дарвеш.)

Бердиқул. Навоий ҳазратлари биз мухтожларга яна бир марҳамат кўрсатибдилар — бир йиллик солиғимизни тўлаб қўйибдилар. Муборак этагини ўпишим керак.

Абу Кабир. Бир сизникини эмас. Бизни ҳам синишдан қутқариб қолди. Номардлик бўлмасин, бориб қўлини қисиб келсам деб турибман.

Абу Зиё. Ана ҳиммату мана ҳиммат. Молу мулкини элу юрт манфаатига сарфласалар-у, биз беоқибатлар «рахмат» дейиш ўрнига ул зоти бобаракот тўғрисида бўлмагур миш-мишлар тарқатсак. Улов ёпинчиғини «алишерий» деб атаб, аблаҳлик қилсак. Ахир Навоий ҳам инсон-ку. Оёқларига йиқилиб, узр сўрамоқ лозим. (Ўнга қай ва Чапақай ҳансираб киришади.)

Чапақай. Навойни топишимиз керак. Уйини кўрса-тиб юборинглар?

Ибн Кабир. Тинчликми?

Ўнгақай. Кўрмайсизми?! Биттаси амир Алишер саройдан қувилди, деган гап топиб келувди, нотўғри экан, саройда мавқеи ҳали ҳам баланд эмиш. Чатоқ бўлди. Тезда топмасак бўлмайди.

Мудаббир (*киради*). Амир Алишер ўтмадиларми? Хонақоҳларидан топмадик.

Абу Зиё. Саройда яна бир гап чиқдимми?

Ибн Кабир. Дарвоқе?

Чапақай ва Ўнгақай. Ҳа, ҳа?

Мудаббир. Э-э, нимасини айтасиз! Дарвеш Али салтанатга қарши бош кўтарди, дея хабар айтишиб, султонимиз билан Алишербек ораларига совуқлик туширишган эди. Амир Андижоний Балхдан мутлақо бошқа гап олиб келди: Навойнинг иниси собиқ вазир зулмидин норози бўлган экан. Ҳақиқат аён бўлгач, шохимиз афу этдилар. Амир Алишерни топишим зарур.

Йиғилганлар. Биз ҳам, биз ҳам.

Дарвеш. Овора бўлманг. Энди Навойни топишингиз даргумон.

Ҳаммалари. Бу нима деганинг, Дарвеш?

Дарвеш (*ўйлида давом этади*). Сидку эҳсон, хайру эҳсон.

(Ортидан ҳаммалари чиқиб кетадилар. Навой юқоридан тушиб келади.)

Навой

Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим
Ким, ўзум бирлан чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.

Турфа кўрким, халқ иши деб бори умрум бўлди сарф,
Турфароқ буким, бировга ёкмади бир хизматим.

Лаълдек бошим осилсун фарқайи хуноб бўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.

Тўлғанурмен ўзлугумдин чикғали, буким эрур,
Дард водийсида саргардон куюндек хайъатим.

Етти кўкни кўк варақлардек совургай ҳар тараф,
Гар фалак чархи аро чирмашса охи ҳасратим.

Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас офир
(*ридосини ечиб ташлайди*)

Бу маломат ўқлари бирла тикилган кисватим.

Дарвеш (*олисдан*):

Эй Навоий, икки оламдин кечу топғил висол,

Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатинг.

П а р д а о ч и л а д и .

(*Саҳнанинг катта қисми қамишзор. Бир бурчида чайла.*)

Шайх Нойий. (*Бир байтни қайта-қайта хиргойи қилиб, қамишдан бўйра тўқиш билан машғул. Навоий кириб келади. Бир четда туриб тинглайди.*)

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкилган майсадин намнокрок.

Навоий. (*яқинлашади*). Ассалому алайкум.

Шайх Нойий. Ва-алайкум, ва-алайкум (*Ажабланиб тикилади.*)

Навоий. Кўп ғариб байт экандур.

Шайх Нойий. Ғариб байтлар кўп... Алишер? Навоий? (*Ўрнидан туриб қўлини кўксига қўяди.*) Бу фақирнинг чайласига хуш келибсиз. (*Ўтиришга таклиф қилади.*)

Навоий. Ўзингиз айтибдурмусиз?

Шайх Нойий (*эшитмайди. Дастурхон ёзади*). Кўпдан буён сизнинг суҳбатингизга орзуманд эрдим. Яратганга ҳамду санолар бўлсинким, армоним ушалди. (*Нон, қумгонда сув қўяди.*) Боримизни баҳам кўргайсиз.

Навоий (*нондан татийди*). Қаттиқ нон бу қадар мазали бўлишин унутибмен. (*Сувдан ичади.*) Алҳамду-лиллоҳ. Ҳазратим, бир ниёзимни қабул этсангиз.

Шайх Нойий. Ниёз? Сиздай улуғ зот биз каби аҳли тубродин не талабгор бўлиши мумкин?

Навоий. Байтингизни менга сотсангиз.

Шайх Нойий (*таажжуби ортиб*). Байт... (*Ўйланади.*)

Навоий. Хижолат чекмасинлар. Ўтинчим самимий ва истаган баҳонгизга розидурмен.

Шайх Нойий. Мени кўп қийин аҳволга солмоқдасиз, жаноби Алишер. Сиздай зотдин ҳеч бир нимамизни аямасбиз. Аммо... бисотимизда шу байтдан бошқа ҳеч вақомиз йўқ.

Навоий (*хижолатда*). Бу гумроҳни авф этинг. (*Шайх Нойий бош силкийди.*) Қани энди имкони бўлсайди, ҳозиргача битган барча ғазалиётимни ушбу байтингизга алишган бўлур эдим.

Шайх Нойий («бетоб эмасми?» *дегандай тикилиб*). Бағоят мувофала қилурсиз.

Навоий. Асло. Сизга ҳавас қилурмен.

Шайх Нойий. Сиздай юксак мартаба соҳиби учун бу ҳақирда ҳавас этгулик нима ҳам бор?!

Навоий. Мартаба? Афв этинг, аммо жамъият аталмиш хилқатнинг мана шу қамишзордин не афзаллиги бор?

Шайх Нойий. Ажаб, ажаб. Бундин қирқ йил муқаддам мен ҳам шу фикрга келиб эрдим.

Навоий. Қирқ йил?

Шайх Нойий. Шундоқ, ҳазратим. Ўшандин буён мана шу қамишлар — каминанинг ҳамсуҳбати.

Навоий (*этагини ўпади*). Сўйлангиз. Жон қулоғим била тинглагаймен.

Шайх Нойий (*қамишзорга ишора қилиб*). Қаранг. Туман-туман қамишлар. Гофил «Қамиш» дейдию ўтабе ради. Дикқат қилинса, орасинда иккита айниси топилмас. Турфа тоифа. Худди одамизод сингари. (*Қамиш шовуллашига бироз қулоқ тутиб.*) Сезасизму, ҳар бир қамиш — най бўлиб, ўз куйини чалур. Ҳар бири ўзгача товуш ила нединдир ҳикоят қилур.

Навоий. Шайх Румийга хос ташбех. Мавлақий найни одамга қиёс этмиш, сиз эса қамишзорни — жамъиятга.

Шайх Нойий (*кулади*). Фақат бир муҳим тафовутга эътибор қилинг. Одам авлодларидин фарқли қамишлар асло бир-бирига адоват қилмаслар. Аксинча, бир-биринга

таяниб, бир-бирини суяб истиқомат қилурлар. Бўйлари одам бўйидин баланд, лекин шайтоний кибрдан холи — бошлари ҳамиша тавозе била хам. Рукуга эгилсалар хам, саждага пешона қўйсалар хам қайтиб бош кўтармаслар.

Фалак уларнинг бошига не кунларни солмас, барин мардона қарши олурлар. Қандай даҳшатли бўронларнинг гувоҳи бўлди бу фақир, аммо қамишзорга кучи етганини кўрмади: олдинги сафдагилари ўзларини қурбон айласа, кейинги сафдагилари кўкрак тутадилар.

Умрини ўтаб бўлсалар, чўпонга най, шоирга қалам, ғарибу ғурабога бўйра бўлиб хизмат қилурлар. (*Сукут.*)

Ҳар бир одамнинг ўз юлдузи бор, дейдилар. Мен мунажжим эмасмен, аммо бу ривоятга ишонгим келмас. Юлдузлар жуда олис, на одамизод аларнинг ҳолидин бохабар, на юлдузлар — одамлар аҳволидин. Бу фақир оғиз ўй билан мулоҳаза қилурким, ҳар бир одамнинг ўз найи, ўз навоси бор. Фақат уни топмоқ исташурми? Унга қулоқ тутарларми?

Навоий. Йўқ, дея жавоб бериш лозим кўринадур.

Шайх Нойий. Балки қамишлар шундин нола қилурми? Ана, тингланг, Алишер. (*Қамишзор шовуллашига ҳамоҳанг*):

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кирпигим шабнам тўкилган сабадин намнокроқ.

Навоий (*давом эттиради*):

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокроқ.

Одамийлиқ туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокроқ.

Неча ўқласанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки теккан сойи бўлғай чокроқ.

Шайх Нойий (*ўрнидан туриб таъзим қилади*). Бале, Алишер. Бале. Байтни садқа этдим, у сизники бўлсун.

Навоий (*хижолатда*). Беадад мамнунмен. Аммо ақлим етмайдур — бу қарзни қандай узгаймен? Ижозат этинг,

бу хақир даргоҳингизда қолиб, бир умр хизматингизда бўлсун.

Шайх Нойий (*бошини сарак-сарак қилиб*). Маъзур тутинг, Алишер. Мен бунга рози бўла олмасмен.

Навоий. Нечун? Нима монеълик қилгай?

Шайх Нойий. Кўнглингиздаги ниёзу дард аҳлиға мойиллик биз учун кофийдур, азизим. Зотан, бу туйғу — ҳар қанча ихлос ва хизматдин аъло, ҳар қанча зухду тақводин афзал.

Навоий. Илтимосимни рад этманг, ҳазрат. (*Турадилар.*)

Шайх Нойий. Бизнинг тариқат сизга муносиб эрмас. Одам зотидин этак силкиб, тарки дунё этмак — аслида ожизлик аломатидур, ҳатто буни худбинликнинг бошқа бир қутби санаш ҳам жоиз. Тенгри таоло сизга буюк иқтидор ато этмиш. Илму маърифат уммонига шўнғиб, ишқ водийсини кезгансиз. Хожатмандлик саҳросин ортда қолдириб, хайрат довонидин ошгансиз. Олдингизда ҳақиқат йўли ястаниб ётадур. Бутун умрингизни элу юрт учун сарф этмак ва эвазига сариқ чақалик бўлса-да меҳру вафо умидидин кечмак — сиз учун тариқат шу.

Навоий (*кўнгли бузилиб*). Сиз ҳам мени даргоҳингиздин қувиб солмоқдасиз?

Шайх Нойий. Астафуриллоҳ. Даргоҳ — яратганнинг мулки.

Навоий (*паришон, ўзига-ўзи*). Қайга бошимни урмай, ҳеч ерга сифмас.

Шайх Нойий. Бу дунё аламларининг давоси — тавҳид. Яратганнинг ўзи сизни манзилга элтгай. Йўлга отланг, Алишер. Бу фақир ҳамиша сизнинг ҳаққингизда дуода бўлғай. (*Навоийни қучади. Хайрлашадилар. Шайх Нойий кўздан ғойиб бўлади. Навоий қамишзор оралаб одимлайди. Йўлини йўқотади. Саҳна ўртасида дўнглик. Навоий бир оз кўтарилади. Дўнглик тепасидан олтоқ кийимда Пир тушиб келади.*)

Навоий. Сизми?

Пир. Йўқ, Алишер, мен эмас.

Навоий. Англамадим.

Пир. Одамнинг қиёфаси унинг «мен»и бўла олурму?

Навоий. Сўзларингиз — жумбоқли.

Пир. Одам фарзанди учун «Мен» — гофиллик ва такаббурлик аломатидур. Яхши билурсизким, чин «Менлик» — фақат Яратганга хос.

Навоий. Шаксиз. Аммо айтинг, инсон ҳақиқати қаерда? Унинг «мен»и бўлмаса, бу дунёга келиб-кетишидин не маъно?

Пир (*жавоб бермайди*). Қай томон бормоқдасиз?

Навоий. Билмамон. Шу манзилга етгач, йўлумни буткул йўқотдим.

Пир. Йўқ, Алишер. Эсланг. (*Чиқади.*)

(*Саҳнанинг бир қисми ёришади. Унда 7 ёшли Алишер тошга ўтириб, ун тортмоқда. Йиғи бўлиб йиғи эмас, қўшиқ бўлиб қўшиқ. Оптоқ кийимда Пир кириб келади. Алишер, жимийди.*)

Алишер (*ўрнидан туради, қўлини кўксига қўйиб*).
Ассало...му... алай...кум.

Пир. Ваалайкум ассалом. Куйланг, ўғлим, куйланг.

Алишер (*кўзларини артиб*). Таксир. Мен куйламандим.

Пир. Наҳот? Кўнглингиз бузулиб эрдими? (*Навоий ерга қарайди.*) Нечун?

Алишер. Китобимни олиб қўйдилар.

Пир. Қиммат китоб эдими? (*Алишер бошини силкитиб тасдиқлайди.*) Қандай китоб экан?

Алишер. Шайх Агтор. «Мантиқ ут-тайр».

Пир. Не сабабдин олиб қўйдилар? (*Алишер индамайди, бошини эгади. Пир қизиқсиниб.*) Ўқимоқ бўлдингизми?

Алишер (*қизариб*). Бир неча бор ўқиб эрдим.

Пир (*таажжубда*). Бир неча бор? Унда нечун хафасиз?

Алишер. Ҳали мағзин чақиб бўлмаган эрдим.

Пир. Оллоҳ-Оллоҳ! Масалан?

Алишер (*пирга боқади, бир оз тараддудланади. Пир бошини силкитиб далда беради*). Қушларнинг Семурғ сари учишга, уни излашга рағбатлари йўқ, Худхуд эса жаҳд билан йўлга ундайди. Рағбат бўлмаса, мурод ҳосил бўлурму?

Пир (*ҳайратда*). Ё Тангрим! (*Бир оз ўйлангач.*) Қушларнинг муроди не эрди?

Алишер. Симурғни топиш.

Пир. Хўш?

Алишер. Алал-оқибат Симурғ ўзларининг тўпи бўлиб чиқади — кушлар роппа-роса ўттизта экан.

Пир. Демак, ўттиз куш аслида бир жон экан-да.

Алишер (*юзи ёришиб жилмаяди*). Англадим. Одам вужудининг ўттиздан йигирма тўққизи бош тортсаю, аммо ўттиздин бири жаҳд қилса, мақсадга етмоқ мумкин экан-да?

Пир. Боракалло. Агар жаҳд этувчи ўттиздан бир рух бўлса. Исмингиз нима, ўғлим?

Алишер. Алишер Фиёсуддин Баҳодур ўғли.

Пир. Фиёсуддин кўкалдошнинг ўғлиман, денг. Пок хонадон. Мутолаадин ташқари яна не иш билан машғул-сиз?

Алишер (*қизариб*). Шеър машқ қилишга уринамен.

Пир (*ҳайрати янада ошиб*). Қани-қани?

Алишер. Ҳали унчалик мукамал эмас, ҳазрат.

Пир. Истихола қилмасунлар. Ўқингиз.

Алишер.

Оразин ёпқач, кўзимдин тўкилур ҳар лаҳза ёш,
Уйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач куёш.

Пир. Офарин. (*Ҳайрат ичра соқолини ўйнаб.*) Ашъ-орингизга не тахаллус битмақдасиз?

Алишер. Навоий.

Пир. Навоий! Ғоят нафис. Ғоят. Дарвоқе... (*ўзига ўзи*) ажабо, «Навоий» калимаси юнонийда «Фоний» ўқилур.

Навоий. Фоний?

Пир (*Олисларга қараб*). Фоний, фоний... (*Акс садо янграйди: «Фоний», «Фоний», «Фоний».* *Пир қўллари ни дуога баланд кўтариб*):

Ё раб, ҳидоятингни ёр айла анга,
Ҳифзу ҳимоятингни бор айла анга,
Ҳақдин ривоятингни кор айла анга,
Дурри иноятинг нисор айла анга.

(Пир кўздан гойиб бўлади. Алишер ёза бошлайди. Устидан зар сочилади. Саҳнанинг бу қисми қоронғилашиб, яна аввалги манзара пайдо бўлади. Фақат Навоий ўрнида Дарвеш. Ёзиб ўтиради. Варақлар шабадада учади. Томошабинлар боши узра Навоийнинг ҳикматли сўзлари ёзилган варақлар сочилади¹. Элас-эласадан тиловатни эслатувчи куй эшитилади. У аста кучаяди. Дўнглик тепасида ёруғлик пайдо бўлади. Навоий ёзудан тўхтайдди. Дўнгликка кўтарила бошлайди. Қоқилади, туради, яна қоқилади. Туради. Дўнглик тепасига чиқади. Қўлларини кўтариб, муножот қилади:

Навоий.

Эй Яратган, толибу матлуб — Сен,
Ҳам муҳаббат аҳлиға маҳбуб — Сен.

Жону кўнглумни ўзингга толиб эт,
Дард ила ишқингга шавқим ғолиб эт.

Бодаи ишқингдин эт кўнглумни маст,
Лек ул янглиғки бўлсин майпараст.

(Баланд овозда, нафос билан)

Менда, ё Раб, қўйма менликдин нишон,
Ўзлугунгда маҳв ўлишга қил нишон.

Фонийи овворани Сен йўлга сол,

(Акс садо: Фоний, Фоний, Фоний.)

Йўлга солу ҳам насиб этгил висол.

(Акс садо: Висол, висол, висол.)

Кутилмаганда И. С. Бахнинг Ре минор токкатаси янграйдди ва Навоийни хилма-хил рангли аланга ўз ичига олади. Токката тугаб, ўрнини виолончелда ижро этилган «Чўли Ироқ» куйи эгаллайди.

У аста сусайиб охири сўнади ва сукунатга уланади. Бунинг баробарида аланга пасайиб, шамга айланади.

Т а м о м.

¹ Варақлар миллий нақш билан безатилган откритка шаклида, нафис ишланган бўлиши лози

НАСР
ПАЖРИБАЛАРИ



ОЛИС ХОТИРАЛАР

Бобомнинг ҳикояси

Бу воқеа қачон бўлган — эшитган пайтимга яқин йиллардами ё ундан юз йил аввалми — билмайман. Тўғриси, бу ҳақда сўраш эсимга келмаган. Аслида бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими — инсон деб аталган хилқат табиатида, замона зайли билан унда содир бўлаётган ўзгаришларда.

У замонларда қишлоқларда серқатнов йўллар бўлмаган. Бир кентдан иккинчисига арава филдираги билан «чизилган» тупроқ йўллардан отда ё яёв юрилган. Воқеа ана шундай йўл устида — кичкина, атиги 20—30 хонадонли чекка қишлоқ четидан ўтган кўчада содир бўлган. Йўлнинг бир тарафи — сизот сувлар оқадиган паст зовур, иккинчи тарафи эса — экинзор ва деворсиз ҳовлилар, бир ҳатлаб ўтса бўладиган ариқ ажратиб туради.

Кун тиккага келганда бир йўловчи очликдан силласи куриб ҳушидан кетадию ариқ ёқасини қоплаган ўт-ўлан устига ётиб қолади. Эрта ёз қуёшининг тафти сал пасайгач, одамлар гуваладан қурилган салқин уйларида чиқиб, юмушларида давом этади. То кимдир йўловчини кўриб қолгунча қуёш бота бошлаган, кеч бўлган эди — йўловчи жон таслим қилган...

Бу хабар дўппидай қишлоқчага бирпасда тарқалиб, ёшу қари мархумнинг тепасига йиғилади. Муслмончилик, намози асрдан сўнг майитни кўмиб бўлмайди. Уни масжид ўрнини босувчи айвонга олиб бориб ётқизадилар. Жаноза маросимини эртасига эрталаб ўтказишни белгилаб, имом чақириб келиш учун қўшни қишлоққа одам жўнатишади. Қариялар туни билан ухламай, вазиятни муҳокама қилиб чиқишади:

— Ҳеч ким билмай қолганини қаранг. Бир бурда нон нима эди.

— Ўзи ҳам ғалати одам экан-да. Бирон бир эшикни қокса бўлмасмиди?

— Хайронмиз, шундай йўл ёқасида маккапоя. Сўталаб ётибди. Биттасини узиб оғзига солса, ўлмаган бўларди.

— Э-э, полиз ёқалаб ўтган, битта ҳамакни ёриб емабди-ю.

— Тўхтанг, тўхтанг. Очликдан силласи қуриса ҳам, бировнинг экинига қўл узатмаган бўлса, зап иймонли одам экан.

Бу гап ҳаммани ўйлантириб қўяди. Дилларни ғулу босади:

— Шайхми, азиз-авлиёми бўлса-я?

— Ким бўлса ҳам шўримиз қурибди, биродарлар. Қишлоғимиздан ўтаётган мусофир... Очликдан... Лаънат ёғилмаса бўлди энди.

Эртасига мархумни ювиб-тараб, дафн этишади. Қийинчилик, қимматчилик йиллари бўлишига қарамай, қўй сўйиб, қон чиқаришади. Кексалар қирқ кун рўза тутиб, ҳар намоздан сўнг Худодан кечиришни сўраб илтижо қилиб чиқади. Қишлоқ аҳли ҳашар қилиб, йўл бўйига хонақоҳ қуради. Харига илинган осмада битта нон, токчага бир кумфон сув сақлаш расми жорий қилинади. Хонадонлар гали билан уларни янгилаб турган бўлади. Бу «мусофир ризқи» дейилган.

Орадан неча йиллар ўтган, аммо биз, ўсмирлар ана шу кулбанинг ёнидан ўтиб қолсак, ичига кириб салқинида нафас ростлар эдик. Қачон бўлмасин, осмада сўли қочган нон, токчада сувли кумфонга кўзимиз тушар эди: кумурсқа босмасин деб, османинг ипига филдирак мойи суртилган, кумфон устига дастурхонча ёпилган бўларди: «Мусофир оч қолмасин».

БОБОМ ҲИКОЯСИ

Мен эсимни таниганимда бобом — мулла Имомали нуроний мўйсафид эди¹. Қишлоғимизга картошка, ка-

¹ Хотиралар гўдалигича қишлоғимиз билан боғлиқ. Унинг шевасида катталар, ҳатто кўпчилик тилга олинганда «-лар» қўшимчаси қўшилмайди. Ўқувчидан буни ҳисобга олиб, лутфан муаллифни маъзур тутиш сўралади.

рам, помидор (шевада патинжон) каби ажнабий экин-лар биринчи марта қачон кириб келганини эслар, татар мулла карамли-картошкали шўрва билан меҳмон қилган-да, дастурхон атрофига йиғилганлар ейишни ҳам, емас-ликни ҳам билмай иккиланишганини кулиб айтиб бер-ган.

Бобомни эсласам, биринчи навбатда кўз олдимга унинг бир қаричдан узунроқ қордай оппоқ соқоли келади — эсимни танигандан шу қиёфада кўрганман. Бошидан ал-ғов-далғовли даврларнинг минг турли бало-қазоси кечган бўлса-да, бувим иккалалари хотиржамлик билан яшаб ўтдилар. Афсуски, 19 аср охирию 20 аср бошларида кўрган-кечирганлари тўғрисида сўраб қолишга фароса-тим етмаган. Аммо шўро даврида бобомнинг бошидан нималар ўтгани тўғрисида онам ва кенжа тоғамнинг ҳикояларидан анча-мунча биламан, қисман ўзим ҳам шо-ҳид бўлганман.

Шўро тузуми қишлоқда «ер ислоҳоти» деган тажри-басини бошлаганда, бобом «фалокатдан нари» деб (нима қилганда ҳам ўқимишли-да), отамерос ер-сувидан ҳуку-мат фойдасига воз кечган ва шу туфайли «қулоқ»қа тортилишдан омон қолган. Колхоз тузилганда, «ўртада-ги ошда хосият йўқ» деб унга кирмай қолганлардан бири ҳам шу бобом бўлган. Бу «қилмиши» учун таъқибдан қочиб, бола-чақаси билан у ёққа кўчиб, бу ёққа кўчиб жон сақлаган. Бир умр на колхозда, на бошқа корхона-да ишламасдан, фақат томорқасининг кетидан тирикчи-лик юритган.

Бу ўринда «тирикчилик» деган сўз унчалик қовуш-майди — бу сўздан «аранг» деган маъно анқийди. Бобом эса миришкор, деҳқончилик илмининг олими эди. Энг мазали нав мевалар унинг боғида ўсар, ердан ҳар йили уч марта ҳосил кўтарар, баҳорда сабзавоти бошқаларни-кидан бурун бозорга чиқарди.

Яна бир қизиқ ҳолат — бобомнинг қўй-қўзилари «ўзи-дан ўзи» кўпайиб кетаверар эди. Ҳозир 50—60 ёшли одамлар яхши эслашади: колхозлар пахтадан ташқари давлатни гўшт билан ҳам таъминлаши лозим бўлган. Шу-нинг учун ҳар бир колхозда йирик-йирик қорамол фер-малари, ҳайдаганда бир чақиримга чўзиладиган қўй отар-

лари бўларди. Аммо раислар гўшт режасини бажаролмай даkki егани-еган эди. Бунинг бир сабаби — жамоа мулкининг аслида эгаси йўқлиги бўлган бўлса, асосийси ўғрилиқ эди. Колхозда «эплаганча юлиб қол, қўлга тушмаган ўғри эмас» деган тамойил чуқур илдиз отиб кетган. Дўпписи тор келган шўро ҳукумати 50-йилларда гўшт муаммосини ечишнинг «гениал» йўлини ихтиро қилди: вақти-вақи билан бобомга ўхшаганларнинг шахсий хўжалигидаги чорвани «рўйхатга олар», сўнг шундан келиб чиқиб «бир хонадонда бунчадан кўп мол, шунчадан зиёд кўй боқиш мумкин эмас» деган қонун чиқарар, ундан кейин «қонуний» қилиб, чорванинг ортфини мусодара этар эди.

Бундай «қароқчилик»дан чарчаган одамлар охири деярли мол-қўй боқмай ҳам қўйди. Оқибатда гўшт-сут тақчиллиги вужудга келди. Лекин бу ғалвалар бобомнинг иш тутишига сира таъсир қилмаган — у аввалгидай қунт билан чорвасини кўпайтираверар, ҳукумат ҳам юҳодай тортиб олишдан чарчамас эди. Қариндош-уруғ, айниқса тоғаларим: «Нима қиласиз ўзингизни қийнаб, бекордан-бекорга меҳнат қилиб? Роҳатини бошқалар кўраётган бўлса. Битта сигиру бир жуфт қўй тутиб турсангиз бўлди-да», дейишар, аммо бобом бундай маслаҳатларга эътибор қилмас, ўзининг билганидан қолмас эди. Энди ўйлайманки, «қолгани ҳам етади, мусодара қилишган бўлса, ҳаром ўлдиришмас, сўйиб кимгадир едирар, шунинг савоби бўлади менга» деган мантикқа амал қилган.

Бир сафар бошига шляпа қўндирганига қараганда лавозими каттароқ мусодарачи уч бош қорамол, битта сигир, анча-мунча қўйларни рўйхат қилиб бўлгач, бобомдан сўраб қолди:

— Муллака, нимага колхознинг чорвасига сира сон битмайдию, сизникини кўпайгани кўпайган?

Бобом бамайлихотир жавоб қилди:

— Мен худо йўлида боқаман. Колхозларингга эса ҳаром аралашган.

Бу жавоб бобомга қимматга тушган: соқолининг оқини ҳам менсимай, қамоққа олишган. Тагин ким билсин, балки сабаби бу эмасдир: «Социалистик мулкчиликнинг та-

гига сув кўйган» дебми ё «диний китобларни ўқигани учун»ми, ишқилиб, у турмага тушган.

Ёш бола эдим, кўргани борганмиз. Турманинг бош сифмайдиган тирқишидан бобомнинг аввал оппоқ соқоли, кейин хотиржам чехраси кўринди. Аёллар чуввос солиб йиғи бошлади — у даврда қамалган одам гумдон бўлиб кетиши мумкинлиги ҳали унутилмаган эди. Бобом «Хай-хай, бас қилинглар. Ўлаётганим йўқ-ку. Ўлганимда ҳам бунақа йиғи-сиғи қилманглар. Худонинг қаҳри келади», деб бироз пўписа билан уларни тинчлантирди. Хол-аҳвол сўрашга ўтилди. «Беш вақт фарзга кўшиб нафл намозларимни ўқияпман, ёшликда ўтказиб юборган рўзадан қарзларимни узяпман». Менга бобомнинг жавобидан «хукуматга раҳмат, шундай шароит яратиб бергани учун» деган маъно туюлди.

— Қачон чиқаришади?

«Хукумат билади» дейиш керак бўлган саволга бобомнинг жавоби ўзига хос бўлган:

— Худо айтган куни.

Дарҳақиқат, нимадир сабаб бўлиб тез орада чиқариб юборишган.

Чолу кампир узоқ яшашди. Ҳаммаси йиғилса ҳовлига сифмайдиган неварачевара кўришди.

Олис шаҳарда ўқир эдим, вафот этганини таътилга келиб билдим. Хайрлаша олмай қолганим учунми, қўмсаб тураман. Бобомга ўхшаган оппоқ соқолли, нуроний кексаларни учратсам, суҳбатлашгим келади. Бугун оппоқ узун соқолли қариялар жуда кам.

Эрталаблари устарани кўлга олиб, ойнага қараганда кўнглимдан ўтади: «Соқол кўйсам, бобомникига ўхшармикан?»

САРКОР ҲИКОЯСИ

Қишлоғимизда энг обрў-эътиборли киши Худойберди саркор, биз учун Саркор бува эди. Бўйдор, ҳар бир мучаси савлатига яраша, салмоқлаб қадам босадиган, салмоқлаб сўзлайдиган киши. Доим яхши кайфиятли, каттаю кичикка бир хил муомалада бўларди. Касби қассоблик бўлган. Ким кўп — қассоб, аммо нима учундир

одамларнинг унга муносабати ўзгача эди. Менга ўхшаганларнинг «ижтимоий ҳаёт тажрибаси» авваламбор мактаб билан боғлиқ. Ана шу тажрибага кўра Саркор буваннинг мавқеи ғалат туюлар эди: мактабда ким энг катта — директор. Бу мантиққа кўра қишлоқда энг обрўли — селсовет раиси, районда эса райкомнинг биринчи секретари ёки райижроқўм бўлиши лозим. Аммо қишлоғимизда ҳам, районимизда ҳам, дадамнинг айтишича, унинг атроф-жавонибида ҳам Саркор бувадай эътиборли одам бўлмаган. Кунларнинг бирида биринчи секретар буваннинг дўкони ёнидан ўтаётганда, машинасидан тушиб у билан саломлашиб, кейин йўлида давом этганини кўрганман.

Бир кун дадамдан сўрадим:

— Саркор бувани нимага ҳамма хурмат қилади? Қизил армиянинг командири бўлганми?

Дадам истехзо билан кулди:

— Саркор буванг «босмачи»ларга командир бўлган, кизил армия билан урушган.

Бу жавобдан, юқорида айтганимдай, мактабда миямизга қуйилган тасаввурга мутлақо сиғмагани учун, анграйиб қолган бўлсам керак, дадам «Энангдан сўра, айтиб беради», деди. Ўзи сўзлаб бергиси келмади. Мен «оғзимдан гуллаб» қўйгудай бўлсам, бу қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигидан хавфсираган бўлса керак. Энамга келсак, ёши етмишдан ошиб қолгани учун «хавф» катта эмас эди. Қолаверса, Худойберди саркорга қўшни, қариндошлиги ҳам бор, воқеалар тафсилотини яхши билган.

Энамнинг ҳикоя қилишича, Саркор Мадаминбек армиясига қўшилган Рўзмат қўрбошининг юзбошиларидан бўлган. Қизил армия қўшинлари билан тўқнашувларда қатнашган. Кейин унга стратегик аҳамиятга эга вазифа — Қорадарёдан кечувга соқчилик қилиш, агар душманнинг дараги чиқса, қайси томондан яқинлашаётгани ҳақида хабар бериш масъулияти юкланган.

Худойберди саркор беш-олти йигитини олиб қолиб, бошқаларини Рўзмат қўрбоши ихтиёрига юборган пайтлар экан. Бир куни кизилларнинг 30 нафар бўлинмаси қишлоққа бостириб киради. Улар бу ер Мадаминбек-

нинг муҳим таянч пунктларидан бири эканини яхши билган. Шунинг учун ҳеч бир қаршилиқка учрамаганидан анча таажжубга тушишади. Сўнг осонгина эришилган «ғалаба»ни нишонлашни бошлашади. Командири шопмўйлов казакбашара одам экан. У Андижонга муваффақият хусусида чопар жўнатади. Ўзлари қишлоқнинг энг катта чойхонасига жойлашишади. Бу орада новвос сўйилиб, қозонлар осилади, оқшом тушгунча зиёфат қилинади. Ётишга тайёргарлик кўра бошлаганларида, дабдурустдан тўрт томондан бир жуфт-бир жуфтдан ўқ овози янграйди. Қизиллар турасолиб қуролига ёпишади, аммо бирорта милтиқда ҳам ўқ йўқ эди...

Худойберди саркор вақтни бекор ўтказмаган, ишни пухта қилган: қўй сўйган ҳам, ош пиширган ҳам, чой ташиган ҳам — ҳаммаси унинг йигитлари эди. Ўқлар тинчитилгандан кейин Саркор тўртта йигитини тўрт тарафга жойлаган, хуфтон намозига азон чақирилиши билан, осмонга қарата ўқ отишни тайинлаган.

Биз ўқиган китоблар ва кўрган киноларда қизил армия жангчилари ёвқур, енгилмас қилиб тасвирланар эди. Ўша куни қуруқ милтиқ билан қолган отряд «қуршовга тушдик» дея саросимага берилади. Қизиллар қаёққа қочишни билмай, энг мустаҳкам бино — жоме масжидига кириб яширинади. Саркор қўлида нагани билан келиб, битта-биттадан ташқарига чиқишни буюради. Йигитлари чиққанларнинг пешма-пеш қўлларини орқасига боғлаб туради. Энг охирида шопмўйлов командир таслим бўлади.

Эрта тонгда Худойберди саркор асирларни қаторлаштириб Марказий Фарғона чўллари томонга олиб чиқибди. Сариксув дарёсига етганда, кўприкка тизиб, қўлларини ечишни буюрибди.

— Мусулмонинг бир қадам олдинга чиқ! — деб амр қилибди у. Учтами-тўртта йигит бўйнини қисиб, сафдан ажралибди.

— Булар-ку, — дебди Худойберди саркор уларга қарата, қолганларни кўрсатиб, — кимнингдир буйруғи билан қурол кўтариб юрибди. Сенлар эса ўз юртинга ўз ихтиёринг билан хиёнат қилгансан. Буюғига пешонангдан кўр, омон қолсанг ҳам ўзингдан, ажалинг етса ҳам, —

деб имо қилган экан, йигитлари уларни сувга итариб юборибди. Сўнг Саркор:

– Қолганингга жавоб, яна қайтиб бу ерга қадам босгудай бўлсанг, раҳм-шафқат кутма, — дебди-да, командирининг қуролини қўлига тутқазиб, чўл томон ҳайдаб солибди.

Бир-икки йил ўтиб, аҳвол ўзгаради — Мадаминбек кизил армиянинг қўмондони Фрунзе билан яраш тўғрисида битим тузиб, шўро ҳукуматига хизматга ўтади. Лекин Мадаминбекнинг имзоси кифоя қилмайди — қўрбошиларнинг кўпи бўйсунмайди. Шунинг учун Фрунзе бошқа тактика қўллайди: қайси қўрбоши курашни тўхтатса, катта мукофот ваъда қилади. Шу сабабми ёки курашни давом эттиришдан самара йўқлигини ҳисобга олибми, Рўздат қўрбоши ва унинг ёнида Худойберди саркор шўрога қарши курашни тўхтатиш тўғрисидаги битимга рози бўлади. Нариги томондан имзо чекканлар ичида ўша шопмўйлов казак ҳам бор экан, у саркорни таниб, бошлиқидан катта имтиёз ва ҳуқуқлар берилган қоғоз қилдириб беради. (Бу қоғоз ҳозир ҳам Саркорнинг невараларидан бирида сақланаётган бўлиши керак.)

Шундан кейин юзбоши оддийгина қассоблик билан шуғулланган бўлса ҳам, иззат-ҳурмати камаймаган. Белбоғига худди қиличга ўхшатиб дандон сопли пичоқ осиб юрарди.

Бу ҳикояни эшитганлар ишонқирамаслиги мумкин: наҳотки босмачиларга командир бўлган юзбоши Сталиннинг неча-неча қатағонидан омон чиққан бўлса?!

Нима ҳам дейиш мумкин? Пешонасига «босмачи» деб тамға босилган одамларнинг орасида чиндан босқинчилик, йўловчиларни тунаш, қиз ўғирлаш билан шуғулланганлари оз бўлмаган. Айни пайтда Худойберди саркор каби милиция вазифасини бажарган, чуқур англамаган бўлса-да, юрт озодлиги учун жанг қилган йигитлар ҳам кўп бўлган.

Саркор буванинг ёшини яшаб, ошини ошаб, етмишинчи йилларда вафот этганининг ўзи ана шу шубҳаларга жавобдир.

Мард ва танги кишиларни Худо қўллаб-қувватласа керак-да.

Мулла Исмоилни қишлоғимизнинг каттаю кичиги ҳур-мат қиларди. «Домла бува»ни биз болалар, айниқса яхши кўрар эдик. Сабаби — ким қўлини кўксига қўйиб, «Ассалому алайкум» деб мурожаат этса, «Ва алайкум ассалом» деб қуюқ алик олар, сўнг «Доно бўлинг, бой бўлинг», дея астойдил дуо қилар, белбоғини кавлаб, ёнғоқ ё писта-бодом билан дуосини «мустаҳкам»лаб ҳам кўярди. Бува шу йўл билан шўро мактабида қисқагина «Салом» деб сўрашишга ўрганганлар тарбиясини тузатишга ҳаракат қилган.

Катталарга келсак, улар мулла Исмоилни «игна билан кудуқ қазиб» топган эскича илми учун эъзозлашган (ўша даврда диний илм, жумладан, тасаввуф шундай аталган). Айтишларича, биз томонларда энг кенг тарқалган қисқагина, аммо мазмуни чуқур «Тинчлик, тани сихатлик ва хотиржамлик берсин» дуоси мулла Исмоил туфайли кенг расм бўлган.

...Исмоил ўн беш ёшга тўлганида отаси уни Абдумалик охундга шогирд қилиб беради. У пири ва устози хонақосини узоқ йиллар супуриб-сидириб, «Қуръон»у ҳадисларни сув қилиб ичиш, нафсини жиловлаш илми билан шуғулланади.

Абдумалик охунд эшонлар авлодидан, мартабали хонадон вакили бўлган экан. У ҳарчанд уринмасин, биргина ўғли араб ёзувидаги китобларни ўқишга рағбат кўрсатмайди. Шунинг учун ота арзандасини «эскича бўлмаса, янгича, ишқилиб, илм олсин» деб пойтахтдаги нуфузли олий мактабга ўқишга юборади. Ўғил таҳсилни тугатиб келгач, — у пайтлари институт тугул, ҳатто техникумни битирган ҳам бармоқ билан санарли бўлган — каттагина лавозимга ишга тайинланади. Ўзига муносиб ўқимишли қаллиқ топади. Охунд орзу-ҳаваслар билан тўй қилиб беради. Қарабсизки, ҳамма хавасда.

Бироқ ҳаётнинг ҳар кимга яраша ўз синови бор. Орадан йиллар ўтиб Абдумалик эшоннинг кампири бандаликни бажо келтирадию унинг турмушида кескин ўзгариш содир бўлади: авваллари қизи ойда бир-икки келиб, кир-чирини ювиб бериб кетиб турган бўлса, болала-

ри кўпайгач, отадан хабар олиши сийраклашиб қолади. Ўқимишли келинга эса ҳар куни яқтак-лозим алмаштириб киядиган тақводор қайнотага қараш малоллик туғдиради. Дастлабки вақтларда сездирмаган бўлса ҳам, бора-бора малоли келиннинг юзюю тилига тепчиб чиқади: кўпинча қовоғи тунд, муомаласи ҳам кеч куз хавосини эслата бошлайди. Бундан таъби нозик охунднинг дили оғрийди, кўнглидан хижиллик аримайди. Нимагадир ўғлига арз қилишни ўзига муносиб кўрмайди. У ҳам фаросати етиб, қайнота-келин ўртасидаги муносабатни илитишга чора изламайди. Отасини уйлантириб қўйишни эса хаёлига келтирмаган, албатта. Охунд буни унинг ожизлигига, хотинидан тили қисиклигига йўяди.

Бир кун келиб, орияти баланд ота чопонини елкасига ташлайдию Гадоётпмасга (халқ топиб ном берган, катта йўллардан четдаги кичик бир қишлоққа) равона бўлади. Ўша ерда ташландиқ бир кулбани хонақоҳ тутиб, тарки дунёлик билан яшаб ўтган. Айтишларича ўғли бир-икки, қизи эса анчагача ёлвориб борган, аммо отани қайтишга кўндира олишмаган.

Домла буванинг айтиб беришича, у Абдумалик охунднинг хизматини қилиб юрар экан, пирининг «Дўстга зор, ғаюрга хор, номардга муҳтож қилмагин», деган дуони доим такрорлаб юришини кузатган. Нега энди у айнан шу дуони тилдан қўймайди — муридлик одоби сўрашга йўл бермаган. Мулла Исмоил бола-чақа орттириш палласига етиб, охунддан оқ фотиҳа олиш муддати яқинлашгандагина сўрашга журъат этибди: «Ҳазратим, дўст билан номард-ку, майли. Наҳотки сиздай беозор валломатнинг ғаюрлари бўлса?» Эшон оғир тин олибди-ю, аммо жавоб бермабди.

Албатта, охунднинг дуосида, халқимизнинг бошқа ҳикматлари каби, чуқур маъно мужассам. Домла буванинг айтганига қараганда, охунд ўз дуосида қизи, келини ва ўғлини назарда тутган бўлиши истисно эмас.

ЗАКОТ

Ислом таълимотига кўра нариги дунёда кимнинг тақдири қандай бўлиши — охиратда ким жаннатга, ким жаҳаннамга равона бўлишини ёлғиз Худонинг ўзи билади. Осий, ҳатто кофирни «дўзахи» деб аташга Одам авлодида ваколат йўқ — сўнгги нафас чиқаришида тавбаси қабул бўлиши, иймон келтириб, Худонинг марҳаматига сазовор бўлиши истисно эмас. Бу фикрдан зинҳор «гуноҳга ботиб яшайвериш керак» деган маъно чиқмайди. Аммо бошқа томондан, умрини эзгуликка сарфлаб, халқ наздида «жаннати» дея таърифланганлар кўп.

Мастура хола ана шундайлардан бири эди.

Эри урушда контузияга учраб қайтган, бунинг оқибатида ишга яроқсиз ногирон бўлиб қолган. Уни парваришlash ҳам, болаларининг ташвиши ҳам холанинг зиммасида эди. Новвойлик билан рўзғор юритган. Тўнғич ўғли ўртоғим, аммо тенг-тушларига қўшилиб тўйиб ўйнагани вақти деярли бўлмас: эрталаб, то дарслар бошлангунча бир тандир, дарсдан кейин яна бир тандир нонни бозорда сотиш унинг зиммасида эди.

Оила аравасини ёлғиз тортиш холага осон бўлмаган, албатта. Аммо бирор марта бўлсин, холани кайфияти нохуш ҳолда кўрганимни эслай олмайман. Биргина мен эмас, маҳалладаги катгаю кичик ҳамма уни «истараси нонидай иссиқ», «феъл-атвори ҳам, уй тутиши ҳам келинларга ўрнак» дея мақтарди. Хола бадавлат хонадонда вояга етган, ота-онасининг эркагина кизи бўлган. Ҳолбуки, яримжон эр билан бир этак болани боқошининг ўзи бўлмаган.

Хола ёпган нонлар бўлиқ, чайнаган сари мазаси чиқар, шунинг учун бозорда туриб қолмаган, кўпроқ бўлса ҳам ўтар эди. Шунга қарамай хола икки тандирдан ортиқ нон ёпмас, ўзларининг егулиги ҳам шунинг ичида бўларди. Дармони етмасмиди?..

Менга ўша йиллари бошқа нарса кўпроқ тушунарси эди — хола кечки пайт иккита нонни халтага солиб, бир куни «Хў, бувангга олиб бор» (нариги маҳалладаги сўкка-бош қария), эртасига «Анови опангга бериб кел» (бир

чакирим нарида турадиган бева хотин) деб тўнғичига тайинлар эди. Кўпинча мен ҳам ҳамроҳ бўлардим. Бу вазифа ўртоғимга малол келар — ҳам вақтини қизганарди, ҳам нонларни. Аммо онасининг айтганини сўзсиз бажарган.

Хола нимага бундай қилади — сабабини сўраганимда, дадам мен учун англашимсиз: «Закот», деган жавоб қилди. Онаминг жавоби эса соддароқ бўлди: «Бева-бечораларга садақанинг савоби кўп-да, ўғлим».

Ўша замондан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Бугун ҳайронлик билан ўйлайман — сотилган ўттиз-қиркга нон учун закот буюрилмаган. Аксинча, холанинг хонадони закотдан улуш ҳақдор бўлган, дейилса тўғрироқ. Ўйлаганим сайин «Мастура хола жаннати эди», деган фикр келаверади.

ДАДАМНИНГ ХИКОЯСИ

Қишлоғимиз Қорадарёнинг чап соҳили бўйлаб тасмадай ястанган. Биринчи марта дарёни кўрганимда тааж-жубга тушган бўлсам керак:

— Суви сап-сарик-ку, нега Қорадарё дейишади?

— Сувининг ранги учун эмас, феъли қора бўлгани учун.

Ҳозир дарёнинг ҳар икки қирғоғи дамба билан мустаҳкамланган, юқори окимидаги улкан Кампирравот сув омбори уни тизгинлаб туради. 50-йилларгача эса у энг асов дарёлардан бири бўлган. Айниқса, баҳорда тошганда ваҳима билан буралиб-эшилиб, гувуллаб, тўлқинланиб оқар эди. Бундай пайтлар қишлоқнинг каттаю кичиги кўлига нима тушса, олиб дарё соҳилига чиқарди. Гарчи кутурган дарё олдида ожиз бўлса-да, қирғокни мустаҳкамлашга уринишар: учоёқларнинг тагига шох-шабба, қум-шағалли қоп босилар эди. Бундай ҳаракатлар туяни чивин чакқанчалик тошқинга таъсир қилмас, сув ернинг тагини ювиб, соҳилнинг бир у ери, бир бу ери ўпирилиб тушар эди.

Ана шундай ташвишли кунларнинг бирида дарёнинг юқори тарафидан хунук ҳайқириқ ҳавони ларзага солди: «Бешик, бешик. Қаранглар. Боласи ҳам бор».

Одамлар кўлларини соябон қилиб тикилиб қолди. «Ана, хў-ў ана». Чиндан дарёнинг ўртасида бешик оқиб келаётган эди. У писта пўчоғидек лапанглар, ора-сира рақсга тушаётгандай бир-икки айланиб кўяр, тўлқинда бир кўтарилиб, гоҳо деярли кўринмай оқиб келарди. У яқинлашганда, чиндан ҳам бешикка чирмаб беланган бола аниқ кўринди.

Ҳамма хангу манг. Қонсираган дарё қайсидир қишлоқни ювиб кетган. Балки бутун қишлоқ аҳлидан биргина шу чақалоқ ўлмай қолгандир — ўзбекнинг бешиги ёғоч, тагида сув билан тўлиб қолган — посанчи сопол тувак — анча-мунчага ағнамайди. Шу туфайли чақалоқ дарёда қалқиб-қалқиб сузар эди.

Сузишга-ку сузар, аммо унинг омон қолиши хали даргумон — дарё бир ямлаб ютиб юбориши ҳеч гап эмас.

Халойиқнинг кўзларида ҳаяжон: «Нима қилиш керак? Нимадир қилиш керак!..»

Қорадарё. Ҳар йили сокин, тошмаган пайтидаки бир неча одамни оқизиб, чўктириб, умрига зомин бўладиган бу дарёга ҳозир, даҳшат билан ҳайқириб оқаётганида ким ҳам юрак бетлаб туша олади? Тушгани билан кўлидан нима келади? Ўзи ҳам кўшилиб нобуд бўлади, холос.

Агар зиғирдай имкон бўлса, Бек полвоннинг ўғлигина эплаши мумкин.

Бек полвон — қишлоқнинг энг катта балиқчиси. Ҳовлиснинг этаги дарёга туташган. Эру хотин ёлғиз фарзанди Урайим (Иброҳим) билан балиқ сотиб кун кўришади.

Урайимнинг ярим умри сувда ўтган. Айтишларича, эмаклай бошлаганидаёқ ариққа йиқилиб тушган, аммо мажнунтол шохига осилиб, омон қолган. Бек полвоннинг касби фақат балиқчилик бўлса, ўғли яна бир хунар орттирган — дарёдан оқиб келадиган йўғон-йўғон ёғочларни қирғоққа чиқариб сотади. Отаси уни бу йўлдан қайтаришга кўп уринган-у уддалай олмаган, аксинча, ичичида ўғлининг чайирлигидан гурурланиб юрган-ов.

Оқиб келаётган бешик яқинлашар экан, Бек полвон ҳам ўғли билан ҳовлиснинг этагида, дарё қирғоғида

турарди. Болани кўриб, Урайимнинг кўзларида нима-дир чакнагандай бўлди. Балиқчи ўғлига қарамасликка тиришди, аммо удалай олмади — ота-боланинг кўзлари беихтиёр тўкнашди. Полвон бир энтикиб қўйди. Урайим буни розилик ишораси деб тушундию... шарт кўйлагини сидириб ташлаб, ўзини сувга отди.

— Болам! — Бек буванинг юраги дарз кетаёзди. Нима қилсин? — Э Худо, ўзингга топширдим. — У титраганча, лаблари пирпираб, дуо ўқишга тушди.

Ҳамма нафасини ютиб, Урайимга тикилиб турарди. У ўжар тўлқинлар, ялмоғиздай «ютаман» дейдиган гирдобларни ёриб, оқиб келаётган шох-шаббани айланиб ўтиб, ёғочларнинг остига шўнғиб, дарёнинг ўртасига қараб сузарди. Оқим уни қўйига сурган сари одамлар ҳам қирғоқ ёқалаб, қоқилиб-суриниб ҳаракатга келди.

Дунё дунё бўлиб бундай издиҳомни кўрмаган. Инсон ҳаётига, йўқ, унинг гурурига, ор-номусига чанг солган дарё билан олишув бошланган эди.

Каттаю кичик нафасини ютган, нигоҳини Урайимдан узмайди. Ҳамманинг фикрида бир савол: Ишқилиб!..

Ниҳоят Урайим бешикка етди.

Худдики у дарёнинг бир кифтини ерга теккизган эди.

Қирғоқ ёқалаб бешик билан баравар оқаётган оломонга жон кирди:

- Қойил-эй!
- Хе, баракалла!
- Отангга раҳмат!
- Эҳтиёт бўл! Чапга қара!
- Яна, яна. Оз қолди.
- Узун хода топинглар!
- Арқон яхши, арқон.
- Мана.
- От узокроққа!
- Учига ёғоч боғлаш керак!
- Ўзи чиқади, азамат.

Ниҳоят, Урайим бешикни қирғоққа суриб келди. Лекин хали уни икки газ келадиган тепага тортиб олиш керак эди. Эпчилроқ йигитлар бир-бирининг кўлидан тутиб, бешик томон энгашади. Урайим уларга бешикни тутқишига уринади. Бир силтаб кўтариб тутқизди ҳам.

Сувдан тортиб олинган бешик қўлма-қўл тепага чиқарилди. Чақалоқ тирик, фақат йиғлайверганидан бўлса керак, товуши хириллаб қолган эди. Болага чалғиб, одамлар бир сониягина Урайимни унутишгандай бўлди.

— Урайим! Урайим қани?

Афсуски, савол жавобсиз қолди. Қахрамон бешикни силтаб кўтаргач, сувга шўнғигану қайтиб чиқмаган. Қорадарё қиларини қилиб, қасдини олиб улгурган эди. «Наҳот? Йўқ, йўқ!»

— Ўғл-и-и-им! — Бек полвоннинг хайқириғи янгради. Дарё истехзо қилгандай жавоб қайтарди:

— И-и-им, и-им, им-м-м...

Қурбонлиғини олиб бўлган сув аста пасая бошлади. Урайимнинг жасадини узок кидиришди, аммо топилмади.

Балиқчига дарё келтирган чақалоқ ёлғиз ўғлидан ёдгор бўлиб қолди. Эр-хотин тарбиялаб катта қилишди. Фақат ундан балиқчи чиқмади. Полвон ҳам, хотини ҳам истамаган бўлиши эҳтимол.

Ҳозир Бек ака ва Урайимдай «профессионал» балиқчилар йўқ, бори ҳам «хаваскор». Балиқ ҳам аввалгидай кўп эмас. Дарё эса тушовланиб, ювошланиб қолган.

Фақат номи ўша-ўша — Қорадарё.

ДАДАМНИНГ РИВОЯТИ

Дадам харбийдан «нервной», яъни тажанг бўлиб қайтган. Айниқса, фирромлик, бировнинг ҳақиға хиёнатни кўрса, чидаб туrolмас, қони қайнаб, портлагудай бўлар эди. Қанча одамнинг қилмишини юзига шартта айтиб, таъбини тирриқ қилган — саноғи йўқ. Балки кимлардир бундан наф топиб, оёғини ўйлаброқ босадиган бўлгандир, аммо кўпчилиги «нима ҳам қилардинг, нервной бўлгандан кейин» деб билганидан қолмаган, албатта.

Кексайгач, дадам асабийлашиш ўрнига хикоя билан «хумор»идан чиқадиган бўлди. Мутолаа энг яхши кўрган машғулотиға айланди. Эскича ёзувдаги китобларни излаб топар эди. Қўлида 30-йилларда нашр этилган лотин ёзувидаги китобларни ҳам кўриб турардим. Кирил ёзу-

видаги китобларни кўп ўқирди. Секин бўлса ҳам, эрта тонгдан то ярим тунгача ўқиладиган китоб ҳам «чидамас» экан. Ҳар сафар борганимда салом-алиқдан сўнг: «Хўш, мулла, бизга қанақа китоблардан келтирдилар?» «Шоислом аканинг янги китоби чиқибди-а?» каби сўроққа тутилар эдим. Кўп ўқигани учун ичи тўла ривоят бўлиб кетганди: ҳар бир ҳодисага, ҳар бир одамга бирор ривоят билан баҳо бериш чўт эмасди. Чамамда, ўзи ҳам тўқиб турган бўлса керак. Масалан, мана бу ривоят қас-собларга «бағишланган» (ўтган асрнинг 80-йилларида). Бирор манбада борми, йўқми — билмайман.

Хуллас, бир қишлоқда бир деҳқоннинг шапалоқдайгина ери бор экан, негадир ҳосил бермай қўйибди. Деҳқон бечора тиззагача ботадиган қилиб чопибди, гўнг солавериб, тупроқни тупроқ эмас, малҳам қилиб юборибди, бит тергандай ўтдан тозалабди, хатто қориларни олиб келиб «дам» ҳам солдирибди, барибир нафи бўлмабди — ер зикналигича қолаверибди. Бу ҳол еттинчи бор такрорлангач, деҳқон ноилоҳ Хорун ар-Рашид ҳузурига бош урибди: «Олампадох, сизнинг ҳукмронлигингизда мана шундай аҳвол, бирор чора кўрмасангиз бўмайди». Хорун ар-Рашид мийиғида кулиб, бир парча қоғозга нималарнидир ёзиб, деҳқоннинг қўлига тутқазибди: «Отaxon, мана шу хатни ерингизнинг қоқ ўртасига кўмингда, яна бир йил экин-тикин қилиб кўринг. Агар у яна ҳосил бермаса, майли, товонини (ҳозирги суғурта маъносида) тўлаб, бошқа ер ажраттираман».

Деҳқон унинг айтганини қилибди. Худонинг қудрати билан, шунақа ҳосил унибдики, етти йил давомида келган зарар ҳам қопланиб кетибди.

Хурсандчилигининг чеки йўқ, деҳқон роса ҳайратга тушибди. «Нима ёзилган экан?» деган қизиқиш билан хатни кавлаб олиб, неварасига ўқитиб кўрса, мана унда нима битилган экан: «Фармон қиламан: агар мана шу ер яна ҳосил бермаса, куз тугаши билан биринчи ўлган қас-соб унинг қоқ ўртасига кўмилсин». Эмишки, ер қас-соб кўмилишидан кўрққанидан деҳқоннинг етти йиллик ҳосилини кўшиб қайтарган экан.

Ривоят офизма-оғиз маҳалла қас-собининг қулоғига етган, албатта.

— Аъзамкул ака, биз сизга нима гуноҳ қилувдик?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Мана, эрталабдан бери неча кишига гўшт сотдингиз, чойхонадагилар кузатиб турибди. Нархи — 2 сўм 70 тийин. Бир кило сўраганга «уч сўмлик қилиб қўяйми?» дейсиз. Ўзбек содда, андишали, ишониб «ҳа» дейди. Сиз эса бир кило устига 50 грамлик тошни тарақ эткизиб ташлайсиз-да, гўшт тортасиз. Хўш, 30 тийинга қанча гўшт келади? Балли, 100 грамм. Ўшанда ҳам 3 тийин уриб қолган бўласиз». Қас-соб бечора «ғинг» деёлмайди...

Дарвоқе, ривоятнинг иймонли-инсофли қассобларга (мабодо бор бўлса) алоқаси йўқ.

«УЗУМ САЙЛИ»

Кечқурун дастурхон устида гурунг бўлди — дадам эрталаб уч-тўрт улфати билан узум сайлига борадиган. «Мени ҳам олиб боринг», деб ёлвораман. Ҳовлимизда бир неча нав узум ўсади, аммо «сайил» сўзидаги ўзгача, байрамона руҳ мени ўзига тортади.

Фақат узум сайли деярли узумсиз ўтди. Кейин англа-сам, бу шунчаки чалғитувчи гап, «пароль» экан.

Пахтазор, полиз, янтоқзор оралаб, икки чақиримча йўл юриб, узумзорга етиб бордик. Ихчам жуссали мош-гуруч соқол-мўйлабли Абдувоҳид қори кутиб олди. Сўри-ток тагидаги супага таклиф этди. Негадир катталарда на узумзорга, на узумхўрликка қизиқиш бор. Қолаверса, ҳали узум етилиб пишмаган. Улфатлардан бири ўзлари билан олиб келишган бозорликдан дастурхон тузади. Абдувоҳид қорининг зиёратдан мамнунлиги сезилиб турарди:

— Зап кебсизлар-да. Қани, қишлоқда нима янгиликлар?

Чамаси, қорининг чайласига меҳмон кам ораларди. Мен узумзорга аланглай-аланглай чарчадим-да, сухбатга кулоқ тута бошладим. Аммо бирор гап укмадим: Навоий, Фузулий, Машраб, Ҳувайдо, «Қасида», ...

Гурунг шу тарзда давом қилди. Кейин Абдувоҳид қори супадан тушиб, ишқомлар ичига кириб кетди. Катталар бир-бирига маъноли боқиб, ниманидир маъқулла-

гандай бош силкиб ўтиришди. Бироз ўтгач қори бува бир қўлида лаганда эртапишар узум, иккинчи қўлида қалин китоб билан қайтиб келди. Жойига ўрнашиб, бурнига кўзойнак қўндирди:

— Ҳазрати Навоий. «Чор девон».

У китобни, менинг назаримда, тескари томонидан, охиридан очди-да, кўзларини бир юмиб, бир китобга назар ташлаб, ўзига хос қироат билан ўқий бошлади. Катталар сел бўлиб ўтирар, қори бува айрим байтларни шарҳлаганида, кимдир «ух»лаб юборар, кимдир дастрўмоли билан кўзини артар эди... Ҳазратлик қанча давом этганини билмайман, худди аллалагандай, ухлаб қолибман...

Шўро ҳукумати мавқеини мустаҳкамлаб олгач, янги алифбони жорий қилган, 30-йилларнинг бошида унинг гумашталари дабдурустдан хонадонма-хонадон юриб эски ёзувдаги китобларни ёппасига йиғишга тушиб кетган. Не не китоблар гумдон қилинган. Биринчи навбатда диний мазмундагилари. Аммо хоҳ баёз бўладими, хоҳ ҳисоб-китобдан дарсликми — эски қўлёзмалар «Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим» билан очилиб, Оллоҳга ҳамду сано билан бошлангани учун «китоб қатағончи»лари териб-танлаб ўтирмаган, бир четдан йиғиштириб кетаверган. Улардан қанчаси музейларга топширилган — энди Худонинг ўзи билади. Уддалаб қолганлар қўшсинч девор ичига тикибми, сандал ўчоғи ёки охурнинг тагига кўмибми, китобларни асраб қолишга уринган, аммо йиллар ўтиб аксари ё чириб, ёки сичқон кемириб, барибир хароб бўлган.

Мадраса таълимини кўрган Мулла Абдувоҳид «китоб қатағони» бошланиши билан бутун кутубхонасини икки-та сандиққа жойлаб, эшакка ортиб, ярим тунда узумзорга чиқиб кетган. Уларни фақат ўзига маълум усул билан сақлаб қолган. Буни қишлоғимиздаги «оғзи маҳкам» кишиларгина билар, йилда бир-икки «узум сайли» никоби билан, навоийхонлик, бедилхонликка чиқиб туришган.

Эскича китобларга тажовуз Сталин ўлганидан кейин анча сусайди. Аммо 50-йилларнинг охирига бўлса керак, аҳолининг қўлидаги «Қуръон»ларни йиғиб олиш хусусида яна хуруж бўлгани ёдимда.

Бора-бора эскича китобларга «тиши ўтадиган»лар ҳам жуда камайиб кетди.

Халқимиз араб ёзувидаги қўлёзмаларнинг барини, юқорида айтилган сабабга кўра мўътабар санаган, қўлига олиши билан ўпиб пешонасига босишни урф қилган. Абдувоҳид бувага ўхшаганлар ҳатто ҳаётини гаровга қўйиб бўлса ҳам уларни сақлаб қолган. Бугун музейларда қўлёзмаларни кўрганда ана шу китобларни битган, оққа кўчирган ва асраб-авайлаганларнинг ҳаққига дуо қилиб қўйиш — бурч.

ТОҒАМ ҲИКОЯСИ

Талаба эдим, таътил бошланиб уйга борганда, дадам: «Яхши келдинг, Рустам тоғанг анча офир, кўриб келамиз», дедилар.

Тоғам исми жисмига монанд, алп келбатли одам эди. Узоқ йиллар колхозда бригадир бўлган, ясатилган от миниб юрар, эгар устида яна ҳам салобатли кўринарди.

Бир сафар, ҳамон кинодай кўз олдимда, асрий қайрағочлар соясида юқори синф ўқувчилари мактабимизга янги олиб келинган штанга билан машқ қилишар эди, шу тобда тоғам ўтиб қолди. Штангани кўриб, отдан тушди-да, яқин келди: «Қани, тошларини солинглари-чи. Яна, яна». Атрофдагилар ҳавас ва ҳаяжон билан лунжи осилиб томоша қилиб туришди. У: «Қани, кўрайлик, ҳарбий хизматдаги қувватдан бормикан?» дея штангани боши узра даст кўтарди, икки марта кўкрагига тушириб «жим» машини қилди, сўнг аста ерга қўйди-да, отига миниб йўлига равона бўлди.

Ана шундай паҳлавон одам сўнгги йилларда офир хасталикка чалиниб ётиб қолган — «меркаптофос» деган оғу оёқдан олган эди. Бу заҳар асли гитлерчилар ўйлаб топган қирғин қуроли бўлган. Совет олимларнинг таклифига кўра пахтага тушган ўргимчакканага қарши дори сифатида ишлатила бошлаган, яна ўғитлик хусусияти ҳам бор экан. То касаллар кўпайиб, унинг инсон организмига кучли таъсири аниқлангунча қўллаёверилган. Самолётда сепилар эди. Водийда аҳоли зич, пайкаллар қатта эмас, боши ҳам қишлоқ, этаги ҳам. Шу-

нинг учун каналар қатори одамлар ҳам «насиба»сини олиб турган — ёз кунлари ҳафтада бир-икки нафасни бўғадиган ўткир ҳиди сасиб қолар эди.

Ана шу меркаптафос девдай тоғани чўпдай оздириб, оёғини босолмайдиган ҳолга келтирган. Боришимиздан олдинроқ ўғиллари тоғамни вилоят марказидаги энг йирик шифохонага олиб боришган экан, врачлар «оёқларни кесиш керак», деган хулоса чиқарибди.

Тоғам ётган хонага кирдик. У болишдан бошини бир оз кўтарди, аввал дадам, кейин мен кучоқлашиб кўришди. Чамамда, сўнгги кунларда унинг аҳволи яна ҳам оғирлашган бўлса керак, кўриб дадамнинг киприкларида ёш йилтиллади. Ўзини чалғитиш учун гап бошлади:

— Нимага операцияга рози бўлмадинг, ука.

Тоғам хўрсинди:

— Рози бўлардим, «ҳақ»и уч минг экан (ҳозирги кўкидан уч минг дегандай гап).

— Топилмасмиди? Топиларди, — деди дадам.

— Ҳе, ака. Топилишга топиларди. Уйлайдиган ўғилларим, чиқарадиган қизларим турган бўлса. Бола-чақамга деб йиққан бор пулимни сарфлаб, устига қарз кўтариб, икки оёғимни кестириб келсам, чақалоқдай тувакка ўтириб яшайманми? Келинингиз ё жиянингизга «мени тўсиб қўйинглар» дейманми? Нима деган одам бўламан? Қўйинг, ўлганим яхши.

Энди мен ҳам чидаб туrolмадим...

Кўп ўтмай тоғамнинг руҳига фотиҳа ўқишга боришга тўғри келди.

Операцияга уч минг пора талаб қилган жарроҳларнинг у дунёси қандай бўлади — кўнглим тўқ, бу дунёсини эса — билмадим.

МЕҲР ВА САДОҚАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Одатда қишлоқ жойларда сигир тутувчилар кўп бўлади. Шунга яраша қатикфурушлар ҳам. Биз сигир бокмас, қатикни сотиб олар эдик. Эсимни таниб, дастёрликка ярайдиган бўлибманки, «қатиғи ширин» холангникига бориб кел, деган топширикни бажаришга киришганман. Холанинг уйига икки маҳалла босиб борилади, йўл

йўлакай нечта катикфурушлар уйидан ўтилади. Йўқ, фақат «қатиғи ширин хола»ники ҳисоб. Лекин малол келмасди. Авваламбор, қатиғи чиндан ҳам ширин эди, қолаверса, муомаласи ундан ҳам чучукроқ, ўзбек тилида ажиб бир шева билан сўзлар, доим кулимсираб гапирар, муштдай бошим билан дастёрликка яраб қолганим учун ҳозирги тилда «бонус» — қурутми, парвардами берар эди.

Кейинроқ билганман — хола асли кавказлик, қишлоғимизга «келин» экан...

Ҳали уйланмаган Раҳмон ака «хе йўқ, бе йўқ» камокқа олинади. Қатағоннинг қиличи зиёлилар бошига — миллатнинг умуртқасига тушган бўлса, чалғиси танлаб ўтирмаган — касби-коридан қатъи назар энг оддий одамларгача ўриб-боғлаб, каналлар, шахталар, ёғоч кесиш ишларига элтиб ташланган. Раҳмон аканинг чекига Сибирь тоғларида уран кавлаш тушган. Улар икки кишидан бўлиб ишлашар экан — бири чўкич билан тош ўйса, иккинчиси четроқда нафас ростлаб олар, сўнг ўрин алмашишар, ҳар куни шу тахлит ўтар экан.

Бир сафар иш навбати шеригига келганда Раҳмон аканинг кўнгли безовталангандай бўлибди. Шундоқ тепага қараса, майда тошчалар тўкила бошлаган, бир қулочча келадиган қоянинг ортида осмон қимирлаётган эмиш «Бу нимаси бўлди?» деб ўйлар-ўйламас, ҳалиги қоя уларнинг тепасига оға бошлабди. Раҳмон ака жон ҳолатда кавказлик шеригининг белбоғидан чангаллабдию бор кучини жамлаб силтабди. Иккалови ўмбалоқ ошиб йиқилибди ҳамки, харсанг гурсиллаб ерга — ҳозир улар ишлаётган жойга урилибди, бир бўлаги учиб, Раҳмон ака лат ебди.

Икки маҳбус-тоғтешар бало-қазодан омон қолганига ишониб-ишонмай, бир муддат қимирламай ётибди. Чанг босилгач, ўзларига келиб, бири қўлини дуога очибди, униси чўккалаб чўқина кетибди. Тошнинг овозини эшитганлар етиб келганда, улар бошларини бир-бирининг елкасига қўйиб, эркакчасига унсиз йиғлашаётган экан.

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади, дегандай, шу баҳона Раҳмон ака билан шеригини сургундан озод қилиб,

уйига жавоб беришибди. Шаҳарга келиб, поездга билет оладиган пайтда кавказлик Раҳмон акага: «Аввал бизни- кига борасан», деб оёқ тираб туриб олибди. «Қўй, мен ҳам юртимга борай» деса, қулоқ осмабди. Хуллас, қара- саки, гапга кўнадиган эмас. «Ҳа майли, кўрганлар Кав- казни роса таъриф қилишарди, бир айланиб келсам ке- лай», дебди-ю бирга йўлга тушибди.

Кавказлик ошнаси унча катта бўлмаса ҳам, ҳар қалай шаҳарлик, зодагонроқ оиладан экан. Иккаласи бир ой хонадонма-хонадон меҳмон бўлишибди. Хайрлашув нав- бати келганда мезбон меҳмонга: «Сен мени ўлимдан қут- қаргансан. Кўрдинг — учта синглим бор. Хоҳлаган би- рини хотинликка оласан», деб шарт қўйибди. Раҳмон аканинг кўнгли суст кетса ҳам, иккиланибди: «Бўмайди. Сингилларинг шаҳарда ўсган. Менинг уйим чекка қиш- лоқда. Қийналади, бир йилга ҳам чидамаслиги мумкин». Бу гапдан ошнаси ҳам, унинг уруғ-аймоғи ҳам астойдил хафа бўлибди. Кавказ халқи ўжарлиги билан машхур, Раҳмон аканинг розилигини олмагунча қўймаган.

Хуллас, Раҳмон акани опа-сингиллардан бирига уй- ланишга кўндиришган. У «етказганига шукр» деб энг кўҳлигини танлабди. Ўша ернинг ўзида бинойидек тўй қилишибди. Бошқа бир шаҳардан имом топиб келиб, мусулмонча никоҳ ҳам ўқитилибди.

Раҳмон ака келинчак билан қишлоғимизга қайтгач, тирикчилик муаммосига йўлиққан, албатта: қамалиб чиқ- қан «зараркунанда»ни ҳатто колхозга ҳам ишга олишма- ган. Эр-хотин маслаҳатлашиб, меросдан қўлга илингудай нарсаларнинг ёнига келиннинг тақинчоқларини қўшиб сотиб, сигир олишади.

Нима сиру синоати бор экан, ҳеч ким билмайди — Раҳмон аканинг сигири доим серсут, сути эса жуда ёғли бўлар, кавказлик келиннинг қатигидан эса қаймоқнинг таъми келарди. «Қатиғи ширин хола» номи ҳам шундан, албатта.

Эру хотин тинч-тотув яшадилар. Кавказга бориб ке- лишга имкон топишганми-йўқми — буёғи менга қоронғи. Даромадига кўра имкони бўлмаган чиқар. Раҳмон ака шу ерлик бўлса ҳам, қариндош-уруғи йўқ ҳисобида эди. Лекин ҳар сафар қатиқ олгани борганимда уларнинг

хаётдан рози эканликларини мурғак қалбим билан ҳис қилар эдим.

Бу дунёда эру хотиннинг бир-бирига меҳру садоқатидан ортиқ бахт-саодат борми?

МУҲАББАТ ВА ВАФО ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Опанинг исми Патила эди. Адабийчасини билмайман: Фатила, Фотила?.. Кино юлдузларидан ҳам гўзалроқ ва келишган жувон.

«Хусн — офат» деганларини тасдиқлагандей опа тақдирнинг беаёв синовига дучор бўлади: тухмат билан эри узоқ муддатга қамалиб кетади. Ўзи қўлида қизчаси билан ёлғиз қолади.

«Ёлғиз» сўзига кимдир ажабланиши мумкин. Аммо урушдан кейинги йилларда оилалар катта бўлмаган, ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ ғариблар, ота-онасидан эрта ажраган сўққабошлар анча эди. Тўғри, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучли бўлган, қариндошми, қўшними — кийин кунда бир-бирига қайишган. Лекин барибир ҳамма замонда ҳам аёл кишига ёлғиз рўзғор тебратиш осон кечган эмас.

Опа боласини боғчага жойлаб, ишга киради. Иши юришиб кета бошлайди — хуснига махлиё бўлган мансабдорлар, нимадандир умидвор, опани кўтар-кўтар қилишга тушади — бошланғич мактабга директор, каттароқ мактабга ўқув мудир, қишлоқ кенгашига котиба, район хотин-қизлар кенгаши раисига муовин. Опанинг кўнгли — булоқ сувидай мусаффо, бу ўзгаришларни табиий деб қабул қилар, «курортларга бориш» тўғрисидаги шамаларга «Эри бор хотинга уят бўлади» қабилида майин, аммо кескин жавоб берар эди. Бир неча марта амаллар бекорга берилмаётганини юзига солишганда, индамай ишдан бўшаш тўғрисида ариза қолдириб чиқиб кетган. Аммо ҳар сафар ҳам аризаси ҳаракатсиз қолдирилган. «Чикмаган жондан умид» дейишганми. Балки ҳаёт етказган «алам»лар қасдини ишдан олаётган опа вазифасини бинойидек уддалаётгани учундир.

Бу орада турли гап-сўзлар ҳам чиқади, тўғриси, кимлардир шунга уринади. Аммо опа номусига заррача

бўлсин гард юктирмаган. Аксинча, жуфти ҳалолени зориқиб кутишини айтмаса, чиройи яна ҳам очилиб борган. Қайнонам опага кўшни бўлган, айтиб беришича, эридан ҳар хат келганда, боласини бағрига босганча тўйиб-тўйиб йиғлаб олар экан. Йиғи эса аёлга упа-эликдай гап, дейишади.

Бу аҳвол опанинг турмуш ўртоғи муддатидан олдинроқ озодликка чиқиб, қайтиб келгунча давом этди.

Ана шу қувончли воқеадан бир ҳафта ўтмай, опани кўчага қувгандай лавозимдан бўшатишди, бошқа иш беришмади ҳам.

Яна дийдор насиб этган эр-хотин, иккови ҳам ишсиз қолганига қарамай, яхшиларнинг ҳавасини, ичи қораларнинг ҳасадини келтириб бахтиёр яшай бошладилар.

Шу тариқа бир йилча ўтди. Яна фарзанд кўришди.

Қишлоқда ишлари юришавермагач, шаҳарга кўчиб кетишди.

Улардан оғизма-оғиз ўтиб келган муҳаббат ва вафо ҳикояси қолди.

ХАЙИТ НАМОЗИ

Болалигимдаги хотиралардан энг ёрқини — 1954 йилнинг ҳайит намози. У ёзнинг якшанбаларидан бирига тўғри келган. Ҳикояни сўзлашга киришишдан аввал, бугунги авлодни назарда тутиб, ўқувчини ўша даврдаги шароит хусусида қисқача таништириш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, коммунистик партия мафкураси атеистик дунёқарашга асосланади. Атеист — лотинчада «худосиз» дегани. Марксчи-ленинчиларнинг ўзлари «худосиз» бўлиш билан кифояланмаган, балки улар «жанговар атеизм» тарафдори бўлган, яъни ҳаммани худосиз қилиш, диний алаф сингари жамият томорқасидан таг-туғи билан сугуриб ташлаш учун «жанг» олиб борган. Диний китобларни ёқиш, араб алифбосини ўзгартириш, диндорларни қатағон қилиш, масжидларда артель очиш — ана шу курашнинг одатий кўринишлари эди. Ҳатто Ўзбекистоннинг йирик масжидларидан бири атайин ароқ-вино омборига айлантирилган.

Тан олиш керак, 70 йил ичида улар бу йўлда анчамунча натижаларга эришиб улгурди, бир эмас, икки-уч авлод болалар боғчасидан бошлаб партия тарбиясида вояга етди, оқибатда ҳатто ҳожатини ёзгач, қўл ювмайдиганлар учрайдиган бўлди.

Мустақиллик шабадалари эса бошлаган кезларда, синфдошимнинг тоғаваччаси қишлоғимизга келди. Отаси 20-йилларда хорижга кетиб, юртма-юрт кеза-кеза охири Маккатуллога ўрнашиб қолган, кексайиб, ўзи йўлга ярамаганидан ўғли Абдулазизни қариндош-уруғлар билан топишиб келишга юборибди. Меҳмонимиз ўша ёқларда туғилиб вояга етган, ота юртига биринчи бор келиши эди. Мана унинг эътирофи:

«Учоқда келаяпману ўйлайман: Қанақа юрт экан? Мусулмончилик қолганмикан? Ҳа-ҳа, ажабланманг, у ёқларда ойнаи жаҳон фақат шу гапни — шўролар динни тақиқлаган, бўйсунмагани қатағон қилган, дея такрорлагани-такрорлаган эди. Шундай бўлганидан кейин мусулмон қолмаган, деганига ишонмай нима қиласиз? У ёғини сўрасангиз, инглизларнинг қўл остида бор-йўғи 20—30 йил мустамлака бўлиб, динидан воз кечганларни кўрганмиз. Ўзбек халқи салкам 150 йил қарамликни бошидан ўтказган. Ҳазилакам муддат эмас. Қарангки, иймонидан айрилмаган, ота-боболар урф-одатларини маҳкам ушлаган экан. Шўродай дунёни титратган тузумнинг кучи етмабди-я. Ҳа, бу — чинакам қаҳрамонлик».

Ислом халқимизнинг томир-томирларидан жой олган эътиқоддир. Қуйидаги хикоя — бунинг яна бир далили.

* * *

Қишлоқ анча катта, харна қилса ҳам район маркази, шунга қарамай, бирорта расман ишлайдиган масжид йўқ. Устунларига икки кишининг қулочи етмайдиган жомега матлубот жамиятининг омборхонаси жойланган. Умуман, масжидда намоз ўқиш тақиқланган. Маҳаллалардан бирида омон қолган эски масжид бор — деворлари нураб, қийшайиб қолган. Дор тагига олиб борса ҳам ибодатини қанда қилмайдиган ёшдаги бир гуруҳ мўйсафидларгина ҳайит намозини авваллари ана шу харобада ўқиган. Бундан «юкори»нинг хабари бўлса ҳам, кўз юмиб келган.

Аммо ўша йили ийди қурбон якшанбага тўғри келгани боис, бир нимани олдиндан сезгандай, райком ҳайит намозини масжидда ўқишга йўл қўймасликка қарор қилди. Балки бундай топширик яна ҳам юқорироқдан туширилгандир. Фақат оқибати уларнинг истагига бутунлай тескари бўлиб чиқди.

Масжид томон бораётганларнинг йўлини райкомнинг одамлари ёнларида милиционерлар билан тўсади. Руҳи тушиб кетган чоллар бирпас гарансиб туради. Сассиз қарғай-қарғай, ортларига қайтар экан, йўл-йўлакай мулоҳаза қилишади:

— Бизнинг меҳмонхонада ўқий қолсак-чи?
— Йўғ-э, ҳайит намозини-я?
— Шийпонга нима дейсизлар?
— Бўмайди, у ҳам ҳукуматнинг жойи. (Дала шийпони асли колхозники, аммо амалда бунинг фарқи бўлмаган.)

— Шу, хўп десангиз, қабристонга борамиз. Дарвозанинг ортида ажриқ гилам бўлиб ўсиб ётибди.

Бу гап ҳаммага маъқул тушиб, ўша ёққа қараб йўл олишади. Йўлда нима гаплигини билган одамлар қўшилиб боради.

Қабристон қишлоқнинг этагида, уч томони зовур билан ўралган. Тобут сақланадиган хужрадан бошқа иморат йўқ хилват бир жой. Етиб боришгач, режа ўзгаради:

— Хайвон-пайвон ўтиб қолиши бор. Хеч бўлмаса, кибла томонда меҳроб бўлиши керак.

— Ҳа, парда билан тўсиш керак.

— Девор қуриб қўяқолсак-чи? Бирпаслик иш.

— Яхши бўларди.

— Яхшиликка яхшику-я. Лекин бу ажриқзор барибир бўмайди. Мол ўтлайдиган жой.

Кариялар ичида нисбатан ёшроғи Назаркул амаки эди. Қотмадан келган бу одам ўзининг ғайрати, ишлаб чарчмаслиги билан ном чиқарган. Тўрт киши лой билан гувала етказиб бериб турса, бир кунда бир чақирим узунликда девор тортиши бор гап. У шартта таклиф ташлайди:

— Эшитган нима дейди? Девор-певор эмас, бир хонали қилиб мачит соламиз.

— Йўғ-э. Бунга йўл қўйишармиди? Яна кувишади.

— Кувишолмайди. Ўша шапка кийганлар ҳам бир кунмас-бир кун ўлиб, шу ерга келишини ўйлар.

— Ҳа, қабристонга хуруж қилгани журъат қилмаса керак.

— Дадил бўлайлик. Уёғи бир гап бўлар.

— Тархини чизинг, оқсоқол.

— Қани, ёшлар, лойга урининглар.

— Мен ҳозир гувала олиб келаман.

— Биз тошга бориб келамиз.

— Нечта терак керак?

Хуллас, энг шимариб иш бошлаб юборадилар. Кимдир уйдан дастурхон билан нон-чоё келтиради, кимдир — мева-чева. Ҳашар борган сари кучаяди. Якшанба бўлгани учун унинг хабари бозорга, ундан бутун қишлоққа тарқайди. Одамлар қабристонга оқиб кела бошлайди. Қўйлар сўйилади. Қозонлар осилади. Ҳақиқий байрам бошланади. Биз болалар қарашгандай бўлиб, гўшту ёғга роса тўйганмиз (ўша йилларда бу ҳам айтишга арзигулик гап.)

Ҳаш-паш дегунча бўлғуси масжиднинг деворлари кўтарилиб қолади.

Қарияларнинг айтгани бўлади: энди бу «хатарли ташаббус»ни тарқатиш учун ҳозир бўлган совет-партия фаоллари кўлидан ҳеч нарса келмаслигини пайқаб, ҳашарчиларга қўшилиб кетади.

Кун пешиндан оғанда иморатнинг томи ёпилиб, лўмбоз босилади. Хона ичига похол тўшалиб, устига палосу кўрпачалар ёзилади. Одам кўпайиб кетгани учун жой ташқарига — дарвозанинг тагигача ёйилади. Намозга тайёргарлик якунига етиб қолган эди. Шунда яна бир кутилмаган воқеа содир бўлади — кимнингдир ҳайратли овози эшитилади:

— Ҳофиз бува!

Чиндан қабристон томон кичик жуссали, соқоли киндигигача тушган мўйсафид ўзининг бўйидан бир қарич узун ҳассага таяниб яқинлашмоқда эди.

— Қани? Ё Худойим. Чиндан ҳам Ҳофиз бува-я.

— Ким ўзи?

— Табаррук одам. Авлиё.

— Менимча, ёши юзга бориб қолган.

Ҳофиз бува ҳақида эшитганлар кўп эмас, танийдиганлар ундан ҳам оз бўлган бўлиши керак. Лекин унинг қиёфасию қадам босишидан табаррук зот экани яққол кўриниб турарди. Одамлар четлашиб, орада йўлак ҳосил бўлди. Ёши улуглар олдинга ўтиб, Ҳофиз бувани иззатикром билан кутиб олишди. Катталар таажжубда. Гап шундаки, Ҳофиз бува бизнинг қишлоқлик эмас. Асли қаерданлигини билмайман, кейин ҳам бизга яқин кентлардан эканини эшитмаганман. Балки Марғилонликдир, балки Намангандандир.

— Ё хикматингдан!

Гувоҳ бўлганим воқеа менга ҳамон сирли мўъжиза бўлиб туюлади. «Балиқчиликлар масжид қураяпти», деган хабар шу қадар узоққа тарқаб улгурганми? Шундай бўлган тақдирда ҳам барибир Ҳофиз буванинг етиб келишига ақл бовар қилмайди. Демак, ўзи билмаган ҳолда йўлга чиққан, дейишдан бошқа хулосага ўрин қолмайди...

Азон чақирилди. Энди бир тўпгина тақводор чоллар эмас, бутун қишлоқ ҳайит намозини адо этишга сафланди. Шапка кийиб келганлар айвонини орқасига қилиб қатордан жой олди.

Намоздан сўнг улкан дастурхон солинди. Ҳофиз бува қўлида ликопча билан куйлади. Ашуласи диний мавзуда бўлганига шубҳа йўқ. Биз, кичкиналар, энг пойгакда ўтирганимиз учун буванинг овозини аранг эшитдик, сўзларини эса тушунмадик. Лекин бу кун оддий кун бўлмаганини озми-кўпми англаб эдик.

Шундан буён қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Мустақиллик туфайли халқимиз ислом тамаддунига қандай буюк ҳисса қўшганини, ислом дини бизнинг тоғ-тоғ мирларимизга нақадар чуқур сингиб кетганини энди яхши биламиз.

Атеизм ҳукмрон бўлган даврда ислом туйғуси қисқиб-қимтиниб бўлса-да яшашда давом этган. Тўғон билан тўсилган дарёнинг сувидай. Ҳеч кимга зиёни йўқ қарияларнинг йўли тўсилган куни ана шу туйғу «тўғон»-

ни ўпириб, ўзига йўл очган эди. Натижада ярим кунда камтарона бўлса-да янги масжид тикланганининг хабари бамисоли арши аълога етгану Хофиз бува элчи сифатида кириб келгандай.

Ҳозир ўша жойда, қишлоқ қабристони билан ёнма-ён маҳалланинг янги масжиди қурилган.

Ҳар сафар ўтганларнинг руҳига дуойи фотиҳа ўқиш ниятида қабристонни зиёрат қилсам, 1954 йилнинг ҳайит намози хотирамда жонланади.

ТЎРТИНЧИ ТИЛАК

Бўлмаган воқеа

Омадбой амакисининг эҳсонида ўтирар экан, тажанг, кўнглига қил сифмас эди: «Хаммаси бемаъни». Энди соқоли чиқа бошлаган муллавачча тилини арабча талаффузга бураб, ёшига ярашмаган оҳангда ҳар икки сўзнинг орасига Худонинг исмини қўшиб, «меҳр-оқибат, хайр-эҳсон, охират савоби, силаи раҳм» каби мавҳум иборалар тўла ваъз бошлади. Омадбой унинг нима демоқчи бўлаётганини тушунмас, умуман, эҳсонда кечаётган воқеалар унга ёт эди.

Ташвиш юки елкасидан эзиб тургани учун юраги баттар сиқилди. Ваъз авжига чиққани сайин Омадбойнинг кайфияти бузилиб борарди. Муллавачча узундан-узок дуосини тугатиб, қўлини юзига тортаётганда дилхунлик Омадбойнинг томоғини шилгудай бўлиб юқорига интилди, ҳалқумига етганда бир сония тикилиб турди-ю даҳшатли жумла тарзида оғзидан портлаб чиқди — у луғатларга киритилиши ман этилган сўзлар билан баралла сўкиниб юборган эди. Бундан йиғилган жамоа ўртасида саросима қалқиди, «У-у-у!» деган хитоб кўтарилди. Омадбойда алланечук хавотир уйғонди. Шунда қулоғининг тагида «O'key!» деган овоз шипшигандай бўлди. У тааж-жуб билан у ёқ-бу ёққа аланглади. Яна ўша овоз «Мерсе-еде-есингга ўти-и-ир!» дея даъват қилди. Омадбойнинг тажанглиги тутди: «Қанақа Мерседес? Сотиб юборганман», — бўлдиради у мазахга қолгандай норози. Лекин «Мерседес» сўзи сеҳрладими ёки энди ўтиришдан

маъно қолмагани учунми, жойидан кўзгалди. Хеч ким билан хайрлашиб ҳам ўтирмади — гўдайганча ташқарига қараб одимлади.

Йўлнинг четида чиндан «Мерседес»и ярақлаб турарди. Омадбой кўзларини бир-икки ишқалаб, яқинлашувди, олдинги чап эшик очилди. «Ўтир!» — бу сафар овоз амирона оҳангда келди. Омадбой миनावерганидан қадрдон бўлиб кетган ўриндиққа ўзини ташлади. «Ресторанга!» «Хориждан келган сармоядор бўлса керак, — ўзича тахминлади у, — лекин тилни яхши ўрганибди. Эҳсонни топиб борганини. Амакисининг танишимикан? Балки қариндошимиздир? Қизиқ: ёнимдагилигини сезиб турибман-у лекин ўзи нега кўринмайди?»

Ҳозир Омадбой бу ходисадан ажабланиб ўтирадиган, мушоҳада қиладиган ҳолатда эмас эди. Калитни буради-ю, машинани қушдай енгил учуриб кетди.

Уни болалигида «Амад» деб аташган, аммо асли исми — Омад. Ўқимишли, лекин шўро давридаёқ тижорат эшкагини маҳкам тутган, чайқов кемасини миниб режали иқтисодиёт сувларида жавлон ура бошлаган. Пули кўпайиб, «Омад!» деб чакиришса, хўмрайишга ўтган — «Омадбой» дейишларини хуш кўрган.

«Тижорат» сўзи қулоққа «жиноят» каби чалинмайдиган пайтлар келганда, бошқалар сармоя йиққунча у улоқни олиб қочган. Ҳатто пулдорлар пиллапоясида анча кўтарилиб улгурган. Лекин... ҳаёти силлиқ кечиб турганда кўз текканми, дили оғриган бирор аймағи қарғанми — омад чархпалаги чаппасига айлана кетди. Бу сафар бурни эмас, пешонаси пачақланди — тергани борми, йиққани борми, ҳаммасини сарфлаб ҳам қутулмади, аранг қамамай туришларига кўндирди, холос. Кўнглим сал-пал ёзилармикан, деб эҳсонга боргани...

Олдиндан буюртма берилган экан — ресторанда уларга махсус жой ҳозирланган, дастурхон тўла ноз-неъмат. Аммо Омадбой бирор лўкмани яйраб ютолгани йўқ. Ресторан-ку қадрдон, аммо айна шу боис кайфияти яна ҳам тушиб кетган — ҳамма нарса яхши кунларини эсга солади, ҳатто унинг устидан кулаётгандай туюлади. Шанфиллаётган мусиқа қулоғига кирмайди, қоматини кўз-кўз

қилиб эшилиб ўйнаётган салкам яланғоч қизлар ҳам кўзига кўринмайди.

– Мана бундан ичгин-да, сўзларимга яхшилаб қулоқ сол. Мен сени қулаб тушган чуқурингдан тортиб чиқармоқчиман, — деди овоз. Омадбой ичимликни бир кўтаришда ютди-да, зарда билан сўради:

– Нега энди ёрдам бермоқчисиз? Мен сизни танимайман! Ҳеч ким бекордан-бекор бировга қайишмайди, билсангиз.

– Тўғри. Беғараз ёрдам берадиганлар борлигига мен ҳам ишонмайман. Лекин сен мени қарз қилдинг.

– Қарз? Қачон?

– Бугун, айниқса.

Омадбойнинг энсаси қотди: «Эси жойидами ўзи?»

– Хотиржам бўл, эсим жойида. Дуо пайтида нима деганингни унутмагандирсан?

Омадбой унутаёзган эди, эсига тушиб, ғашланди: «Демак, эшитган! Эшитса нима? Нега энди қарз бўлади?»

– Ҳамма ҳам сўкинади, — деди у овоз чиқариб.

– Йў-ўқ, сен шунчаки сўкинмадинг, дуога сўкиш билан жавоб бердинг, шундай эмасми?

«Нима бало, одамнинг ичини ўқийдими бу?» — Омадбойнинг ҳайрати ошди: — Бошқалар бундан баттар сўкиниши мумкин.

– Улардан ҳам қарз бўлиб, узганман.

– Сиз ўзи кимсиз?

– Боғини суриштириб нима қиласан, узумини есанг бўлди-да.

– Мен бу принципга доим амал қилганман... Хўп, кўлингиздан нима келади?

– Бу бошқа гап. Истаган уч тилагингни адо этаман!

Омадбой аввал унча тушунмади, тушуна бошлагач, жағи осилиб қолди: «Тушимми, ўнгимми?» Ҳар эҳтимолга қарши қадахни қўлига олиб қисиб кўйди, аста шишага уриб ҳам кўрди. Йўқ, тушга ўхшамайди. Мана, бир ойдирки, ҳамма нарсадан маҳрум, на уйқусида ҳаловат бор, на юриш-туришида. Ҳеч кимдан ёрдам умиди қолмаган. Тафтишчилар, назоратчилар, суриштирувчилар дунёга келганига пушаймон қилиб ташлаган. Иш шу

кетишида судга ошиши тайин, кейин уни турмага тикишади. Қачон чиқади-ю, қачон яна аввалги ҳаётини тиклайди?

Кўз ўнгидан иши юришган пайтлардаги кунлари ўта бошлади: тунги клублар, бири-биридан нозанин гўзаллар, уммон сохилидаги курортлар, ресторону казинолар... «Уҳ-х!» — беихтиёр инграб юборди у. Таклифдан умидланди, айни пайтда кўнглига шубҳа соя ташлади: «Бир балоси бўлса-чи? Шошмаслик керак».

— Хотиржам бўл, хавотирланма. Уч тилагингни адо этаман, холос, бошқа ҳеч нарса қилмайман. Ахир, қарзман деяпман, қарз сўраётганим йўқ-ку! Майли, шошилма. Одамда нима мўл — истак. Учтасини саралаш осон эмас. Бемалол ўйлаб ол. Мен шу атрофда бўламан.

Омадбой ёлғиз қолганини ҳис қилди, фикри анча тиниклашди. «Нима истайман ўзи? Яна тижоратми? Ким кафолат беради тагин синмасликка? Таваккал эса жонга тегди. У ёққа чоп, бу ёққа чоп...» Унинг мансаб сўрашга ҳам майли йўқ эди — дадаси элликка кирмай қанд касалидан ўлиб кетган. Эстрада юдузи ёки чемпион бўлишни эса хаёлига ҳам келтиргани йўқ — Омадбойнинг наздида уларнинг бари пулдорларни зериктирмаслик учун хизмат қилувчидир.

Энг осони тайёр пул сўраб қўя қолиш. Пули бўлса, ғалвани ҳам тинчитарди. Лекин пул ҳам қўлнинг кири — бир келади, бир кетади. Қани энди, пулинг бўлсаю сира тугамаса. Шошма, шошма, ҳеч тугамайдиган пул сўрасачи? Омадбой ўзининг калласидан ўзи хурсанд бўлиб, коньяк қўйди, мириқиб симирди, у-будан газак қилди — бу сафар лукманинг роҳати ўзгача эди. Коньяк миясини чархлади. Пул-ку кераг-а. Пулсиз ҳаёт ҳаётми? Лекин пулинг бўлса-ю... Умр-чи, умр? Мана, амакисининг ўғли ундан бир ёшгина катта эди, холос, бир-бирини сенлаб эгизаклардай ўсишган, ўттизга етмай... Ҳа, умр сўраш шарт. Узоқ умр, ҳеч қаримайдиган умр, ҳар доим ҳосилгайдай кирчиллама ёшда қоладиган умр. Эҳ!..

«Хўш, яна бир тилак қолди. Пулим бўлса, камида юз йил, йўқ, минг йил, балки ундан кўпроқ яшасам... яна нима керак? Учинчисидан воз кечиб қўя қолсамми-

кан? Э, йў-ўк! Битта тилакни кейинроққа қолдирса-чи?» «Бўлмайди!» — жавоб қатъий янгради. Бу яна ўйланишга мажбурлади. Мияси лўқиллаб кетди. Коньяк қуйишга чоғланди. «Кейин истаганингча ичаверасан. Яна бир яхшилаб ўйла. Фақат билиб қўй, сўнг ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан. Афсус қилиб юрма тагин».

Омадбойнинг шубҳаси тарқаб, ўрнини ҳурмат туйғуси эгаллай бошлади: «Энг қийин пайтда-я! Ҳеч кутмаганда. Маслаҳатлари бамаъни. Чиндан ҳам пухта ўйлашим керак. Яна бир тилак. Топаман. Ҳали ҳеч ким топмаганини».

Қиморда ютиш бахти қалай бўларкин? Йўк, меъдага тегади. Ов гашти? Арзимаиди...

Омадбой бир нима қидиргандай атрофга назар ташлади. Кўзи хонанда жувоннинг нигоҳи билан тўқнашди. У таниш миждозига бағишлаб, алоҳида карашма билан куйлай бошлади.

Салкам бепарда қўшиқнинг оҳанги Омадбойнинг қалбини ўртади. Ўзича ресторандан кейин тунни хонанда билан ўтказгиси келди. «Шошма, истаган жонон билан кайфу сафо қилишга имконинг бўлса-ю... майлинг...»

Омадбой энтикди, ютиниб олди, сўнг қатъий фикрга келди: «Майлим ҳам, шахвоний қувватим ҳам ҳар доим тобида бўлсин, тамом». «Қароринг қатъийми?» Бу сафар овоздан Омадбой ажабланмади, хотиржам яна бир карра кўнглидан кечган тилакларни санаб, тафтиш қилиб чиқди, бирор кемтик жойини топмагач, дадиллик билан деди: «Ҳа! Биринчи тилагим...» «Ҳожати йўқ. Менга маълум. Қўлни ташла! Мен қарздан қутулдим, сен эса ниятингга етдинг. Яхши қол!»

Омадбой ёлғиз қолганини ҳис қилиб, бироз гарангсиди, чўнтаклари каппайиб, танасига ёқимли бир тарзда бота бошлаган эди. Пулми? Пайпаслади — «Пул!» Бир донасини чиқариб, қалбаки эмасмикан, дея бўртма ёзувларини сийпалаб кўрди, тортинмай чирокқа ҳам тутди. «Алдамабди! Дунёнинг исталган ерида ўтадигани-я!» Яна бир дастасини чиқариб кўрди. «Қалбаки эмас». Ўрндан туриб кетди. Атрофга виқор билан назар ташлади. Залда тумонат одам. Ширакайф нигоҳи энди залдаги-

ларни ажрата бошлади: оёғини чалиштириб ўтирган, олифталик билан бармоқлари орасига сигарета кистирган, арабча рақсга тушаётган, жойида мусиқа оҳангида қилпиллаётган қизларга хирс билан тикилди. Шавқи келиб ёнидан ўтаётган официант аёлнинг кўксига кўлидаги пулларни кистирди. Қистиришга кистирди-ю, хавотир билан кўлини чўнтагига тикди: «Камаймабди, — кўнглига жойига тушди, мамнун илжайди, — камаймайди!»

Омадбой ўрнидан туриб раққосалар устидан пул соча бошлади. Ҳаммани унинг ҳисобидан меҳмон қилишни буюрди. Зални олқиш тутиб кетди.

Омадбой авваллари ҳам бахтиёр бўлган, аммо энди у ҳаммадан бахтиёрроқ эди...

Бир ой ўтди. Омадбой чиндан ҳам ташвишлардан кутулди. Унинг сахийлигини кўрган тафтишчилар, назоратчилар, суриштирувчилар шу қадар шошиб қолишдики, «пул — ҳамма нарсадан кучли» деган эътиқоди яна ҳам метинлашди. Мулкини касд билан, бир ярим бараварига қимматига бўлса-да, қайтариб олди. Чертиб-чертиб иш юритувчи, хайдовчи, танқўриқчи, уқаловчи, яна бир талай хизматчилар ёллади. «Боғи эрамга қайтиш» фильмидагига ўхшатиб боғ-ҳовли қуришни топширди.

Бир йил ўтди. Бахт ҳам меъдага тегар экан. Омадбойнинг кўнгли яна ниманидир тусай бошлади. «Э, ўтираманми?!» деди-ю Баҳри Мухитдаги оромгоҳ ороллардан бирини бир йилга ижарага олишни ва энг шинам яхта топишни буюрди. «У ёғини яна кўрармиз», дея, агар орол маъқул бўлса, таг-туғи сотиб олишни дилига тугди. Сўнг пазанда, раққоса, кўшиқчи, созанда, тикувчи, сартарош, бошқа хожатбарорлар топтириб жўнаттирди. Ўзи эса чертиб-чертиб терилган тўртта фотомодель билан бандаргоҳда кутиб турган яхтага ўтирди.

Яхта дегани аслида шинамгина кема бўлиб, саҳнида чучук сувли бассейнгача муҳайё эди. У Баҳри Мухитнинг жануби-шарқига қараб сузиб кетди.

Мўлжалланган оролчага бир кунлик йўл қолганда нимадандир ғазаблангандай уммоннинг вазоҳати бузилди: кемани майингина чайқаётган шабада кучая бошла-

ди. Омадбой ўз каютасида шир-яланғоч паривашлар унинг оғзига солаётган ажабтовур таомлардан лаззатланиб ётар эди, телефондан мулозимининг овози келди:

— Шеф, яхта бошқарувчисиз қолди.

— Капитан-чи? Қайси гўрга даф бўлди? — Омадбой уни катта пул эвазига ёллаган эди, ахир.

— Ўзини денгизга ташлабди!

— Нима? Нимага ташлайди?

— Ўлгиси келган бўлса керак-да, шеф.

— Нимага ўлгиси келади, галварс? — Омадбойнинг кайфи учиб, оромидан асар қолмади, аммо ҳали ҳеч нарсани тушунмаётган эди.

— Ҳа, энди, рашкчироқ экан.

— А?

Мулозим чайналди. Капитан ўзи билан хотинини олволган, жой йиғиштирувчи қилиб тайинлаган эди. Ёш бўлмаса-да, тўкнаш келганда Омадбойнинг кўзига офатдай кўринувди, бир шода марварид совға қилиб...

— Роса тўйиб ичган-да, кейин жиннидай... — давом этди мулозим. — Тўғриси, сувга тушиб кетганми, ўзини ташлаганми, билмайман, шеф. Ҳеч ким «дод-под» деганини эшитмаган. Тезлигимиз катта, тун, устига бу — шамол. Қутқаришнинг имкониям бўлгани йўқ.

— Энди нима қилмоқчисан, лаънати хезалак?.. Ҳе, ўша сендақа капитан топганни... — Омадбой шунақаям бўралаб сўкдики, жононлар бунақасини эшитишмаган экан, «ҳи-ҳи»лаб кула бошлади. Омадбой ўқрайиб, уларини ўчирди. Сўкишни қилт этмай эшитиб олгач, мулозим ҳисоботини охирига етказди:

— Ҳозирча капитан ёрдамчиси бошқаради. Компанияга янги капитан юбориш ҳақида буюртма бериб қўйдим. Бўрон тинчигач, вертолётда ташлаб кетишади.

— Ҳали бўрон ҳам бўляптими?

— Сезмаяпсизми? Кучайиб боряпти.

— Онангни...

Омадбойнинг боши ғувиллай бошлади...

Бўрон даҳшатли қасирға билан ўкириб, кучайгандан кучая борди. Капитан ёрдамчиси гўрроқ экан, яхтани эплай олмади, бир неча марта тўлқинга биқини билан

тўғри келиб, ҳамманинг ўтакасини ёрди. «Кўр устига шафақ» деганларидай, тонгга яқин яшин уриб, алоқа ҳам узилди. Омбордаги емишу ичимликларни сув босди. Кечга томон машина бўлмасида ёнғин чикди. Уни-ку бир амаллаб ўчиришди, аммо кемадагиларнинг руҳи ҳам ёнғин билан бирга сўнган эди. Мулозимлар Омадбойнинг буйруқларини бажаришдан бош торта бошлашди, жононлар эса сочлари хурпайиб йиғлашдан бошқа нарсага ярамай қолди.

Яхта бошқариб бўлмайдиган темир-терсакка айланган эди. Ниҳоят, у қояга урилди-ю ёнбошлаб чўка бошлади. Қий-чув кўтарилди. Омадбой бир қўли билан палуба панжарасини, иккинчи қўли билан шишанинг бўғзидан тутганча бу қиёматни томоша қилар, бўлаётган фожианинг унга алоқаси йўқдай хотиржам коньяк хўпларди...

Ҳамма фарқ бўлди, ҳеч ким қутулолмади. Агар иккинчи тилаги бўлмаганда Омадбойнинг ҳам омон қолмаслиги нақд эди. Лекин у чўкмади.

Ҳушига келганда ўзини қумлоқ соҳилда кўрди. Ҳаммаёғи ивиб кетган, аъзои бадани қақшаб титрарди. Коньяк ичгиси келиб, қўлини узатган эди, аллақандай жониворнинг жасадига тегди...

Омадбойни тўлқин Жанубий уммондаги бир оролчага чиқариб ташлаган эди...

У Робинзон Крузонинг ороли эмасди. Хариталарда тасвири йўқ — вулқон отилишидан пайдо бўлганига кўп бўлмаган. Атрофи ўтиб бўлмас маржонлар, тўлқинларда чархланган қиличдай қоялар билан ўралган турки совуқ бир макон. Ҳатто бирор давлат унга ўз байроғини тиккани номаълум. Шунга қарамасдан у кимсасиз эмас эди. Буни Омадбой ўрнидан бир амаллаб турганда билди. Оролликлар кийим киймас, бутун бадани қалин жингалак жун билан қопланган, тумшуғи туртиб чикқан, тишлари сўйлоқ, кўзлари гўлайган, хуллас, одам дейишга тил бормас, аммо маймундан анча фарқли. Боши бир оз олдинга эгилганини айтмаса, қомати тик, қўл-оёқли. Кейинчалик олимлар уларни одам билан маймун оралигидаги алоҳида турга ажратиб, хомопитек амазонус деган ном беришди. Амазонлар котмарок, амазонкалари

биққигина бўлиб, олов ёқишни билишмас, ёғ босган жунлари чапишиб ҳосил қилган табиий «кийим» уларни ис- сикдан ҳам, совуқдан ҳам сақлайди. Агар табиатнинг раҳми келиб, ҳар замонда бир ёғадиган ёмғирда қолиб ивишини айтмаса, ювинишдан ўлгудай кўрқишади.

Омадбой бир неча қадам босмасидан амазонкалардан бирига дуч келди. Уни кўрган ҳар қандай одамнинг кўнгли ўхчимай қолмасди. Омадбойнинг меъдаси ҳам ас- тар-авраси ағдарилгудай ҳалқумига тикилди, аммо туй- фусини учинчи тилаги босиб кетди. Нима қилаётганини билиб-билмай тузатилмас хатога йўл қўйди — кийимла- рини банан арчигандай ечиб улоқтирди. Қизиксиниб қараб турган амазонка қувончдан қийқириб юборди, лапанглаб келиб ўзини унинг бағрига отди. Омадбой уни кучди-ю кумга босди...

Хомопитек амазонусларнинг урчиши ғаройиб эди. Оролнинг яйдоқ табиати туфайли Дарвиннинг табиий танланиш жараёни ички хусусият касб этган бўлиб, тур- ли эркак уруғлари ўртасида кечар, шунинг учун амазон- калар эркак зотини кўрса, қўшилмагунча қўймас экан. Бундан беҳабар Омадбой қобилиятини намойиш қилиб қўйгани учун, учинчи тилаги уни амазонкаларнинг ни- шонига айлантириб бўлганди...

У бошини кўтарганда ўндан ортиқ амазонка навбатда пойлаб турарди. Ўрнидан туришга ҳам улгурмай...

Омадбойнинг кўнгли тинмай айнир, ўхчигиси келар, лекин меъдаси бўм-бўшлигидан ичаклари эшилиб-бурал- са ҳам, оғзидан тахир суюқликдан бошқа нарса келмас, бу меъда ширасими ёки ҳирсдан оқаётган сўлагими, билиб бўлмас, учинчи тилаги ҳамон ўз кучини кўрсатиш- да давом этарди.

Ниҳоят, амазонкалар эҳтиёжини қондириб бўлиш- ди. Омадбой бўронда қолганидан бешбаттар ҳолдан тойган, руҳи тушқун. Ютинмоқчи бўлувди, томоғига қил тикилди, ютинолмади. Гандираклаб туришга урин- ди, лекин оёқлари чалишиб, юзтубан қулади, қўллари билан қумни чангаллади, қўли гўштга ўхшаш нарсага тегди, қўланса хидига қарамай бир тишлам уздию чай- намай ютди...

Вояга етганидан бери биринчи марта йиғлагиси келди. Йиғлаёлмади. Бу хўрлик сўнгги томчи бўлиб, паймонасини тўлдирди шекилли, кўзёши сизиб чикди. Шунда худди ит эгасининг исмини айтиб чақириб юборгани каби тилсимли ҳодиса юз берди — Омадбойнинг вужуди титраб, бўғзидан садо отилиб чикди:

— ЭЙ ХУДО!

... Омадбой хушига келганда ўзини кулбада ётганда холда кўрди. Гарансиб атрофга разм солди. Кулба вулқон култпасининг биқинида ўйиб ясалган, ҳавоси қурумли, аммо илиқ эди. Деворга суянганча, узун соч-соқолли, нуроний бир қария ўтирганига кўзи тушиб анграйиб қолди: «Хайрият-э». Чолнинг қиёфаси одам ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлик хусусиятини сақлаб қола олиши мумкинлигини исботлаб турарди — эғнида тери қуроқларидан улаб ясалган туппа-тузук иштон билан камзул, оёғида — маҳсисифат чорик.

Қария дўстона оҳангда ўзини таништирди:

— Доктор Арви, Арл Арви.

Омадбой ютинди, аммо бу сафар қийналмади, «Омадбой, Амад» деди-ю елкаси учиб, пиқиллаб юборди: йиғи ҳам шу қадар истакли, киши руҳини енгиллаштирувчи ҳолат бўлиши мумкинлигини ҳис этди. Ҳали ҳеч ким бу қадар ўпкаси тўлиб йиғлаган бўлмаса керак. Гўё кўз ёшлари бир умр ёш халтасида йиғилиб, кўллаб ётган-у, ҳозир у ёрилиб, шовуллаб оқа бошлаган эди...

Одамлар ичида бўридай ёлғиз яшашга ўзини кўниктирган Омадбой бу жирканч яримёввойилар маконида инсон зотига рўбарў келишдан умиди йўқ эди.

Нахот Худо унинг «ох»ини эшитган бўлса? «Би.. бисми... раҳим». Унинг ичини нимадир ўртай бошлади. У ҳар қанча жазога мустаҳиқ эканини тушунган эди, аммо..

Арл унинг елкасидан тутиб, чиганокда сув узатди. Омадбой қаттиқ чанқагани энди эсига тушгандай, кўлбола косани кўш-кўллаб чангаллади. Лекин елкаси ҳамон силкинишда давом этарди. Арл «ёмғир суви», деб кўли билан осмонга ишора қилиб қўйди. Омадбой кўз ёшларини томизганча ютоқиб-ютоқиб ичди. Тутилган қоқи балиқни чайнай бошлади. Гўшт тузсиз ва таъмсиз бўлса

ҳам энг ҳашаматли ресторан таоми унга бу қадар лаззат бағишламаган эди.

Омадбой инглизчани туппа-тузук билишидан Арви илҳомланиб, ўзининг тарихини ҳикоя қила кетди. У тушган илмий тадқиқот кемаси ҳалокатга йўлиқиб чўкиб кетган, бахтли тасодиф туфайли Арви бир амаллаб мана шу оролга чиқиб олган экан. Касби антрополог бўлган олим Чарльз Дарвиннинг Оловли Ер одамлари тўғрисидаги фикрларини текшириш билан шуғулланган. Оролга «мажбурий экспедиция»га дучор бўлгач, умрици хомопитек амазонусларни ўрганишга бағишлаб яшаётган эди. У амазонкалар олдида сира иштонини ечмаган, шунинг учун уларнинг эътиборига тушмаган.

Ҳикоянинг шу ерига келганда яқингинада бошидан кечирганлари Омадбойнинг эсига тушди-ю сесканиб кетди. Хавотир билан аста ташқарига мўралади. У ерда шарпалар ўралашиб юрарди. Чамаси, амазонкалар докторнинг кулбасига киришга журъат этмайди. Омадбой тинчлангандай бўлди, ўзига кела бошлади.

Докторнинг узундан-узоқ маърузасидан Омадбой кўп нарсани тушунгани йўқ. Уққани шуки, оролдан қутулиб кетиш умиди пуч. Махсус вертолёт юборилмаса агар. Лекин уни ким чақиради? Нима билан чақиради?

Омадбой бемаврид шимини ечиб, тузатиб бўлмас хато қилганини англади. Англади-ю руҳи тушиб кетди — у бу Худонинг қаҳрига учраган оролда Арви каби яшай олмайди. Доктор кекса одам, «Хомопитек амазону с қандай пайдо бўлган? Қаердан келган? Хомо сапиенс сапиенс — росмана одамга айланиши мумкинми?» каби муаммолар билан умрини ўтказади. (Бугун бу саволлар қаторига «Хомопитек амазону с одам билан чатишуви нима беради?» деган мавзу ҳам қўшилди.) Кузатганларини лойдан қуритилган тахтачаларга ёзиб ҳам боради.

Омадбойнинг ҳаваси келди: амазонкалар Арвининг жинсини билмайди, шунинг учун орқасидан қувмайди, аксинча, ҳамма хомопитек уни иззат қилади — у оролликларнинг яккаю ягона табиби эди, мураббийи деса ҳам бўлади.

Олим Омадбойни ибтидоий замонга хос энгил билан

кийинтириб кўйди. Кийиниши биланоқ кўйни пулга тўлди. Бу сафар ҳам пуллар валютанинг энг зўрида эди. Миллион! Фақат бу оролда нима наф? Ҳатто тутантирикқа ҳам ярамайди — олов чиқариш имкони йўқ. Тош билан ёғоч қаёқда, ҳатто кесак ҳам топилмайди.

Наҳотки қутулишга сира ҳам умид йўқ? Бўлганда, қачон? Неча йилдан кейин? Унгача-чи? Арл кексайиб қолган. Омадбой эса... у минг йил, ундан ҳам узунроқ умр тилаб олган. Ҳеч қачон ўлмайди деса ҳам бўлади. Ҳатто қаримайди! Омадбойнинг «дод» дегиси келди.

Арл ташқарига чиққан эди, амазонкалар дадиллашиб мўралай бошлашди. Бундан Омадбойнинг майли кўзгалди — иккинчи тилаги кучга кирган эди, натижаси тери лунгининг остидан сезилди. Буни ороллик хонимлар пайқаб, қийқириб юборишди. Биттаси ўзини тиёлмай кулба ичига қадам босишга журъат этди. Бундан саросимага тушган Омадбой даст ўрнидан турди-ю ташқарига отилди, бор иродасини жамлаб ҳеч қаёққа қарамай чопа кетди. Уни кўзлари тўрт бўлиб пойлаётган амазонкалар тўрдан қочган беданани қувгандай, ортидан чопишди. Омадбой иродаси ҳирсига таслим бўлмасидан бурун, бор кучини ишга солиб вулқон тепасига қараб югурди. Пастда суйри бўлган ёнбағирлик юқорига томон тиклашиб борар эди. Омадбой одимлашга, сўнг эмаклашга ўтди, тиришди-тирмашди, охири вулқоннинг энг баланд нуқтасига етиб олди. У вулқон кратерининг лабига ўтирар экан, нафаси тикилиб ҳансирар, ҳаво етишмас эди. Вулқон галдерасидан ачқимтил хид анқирди. Омадбой орқасига ўгирилди: амазонкалар анча пастда қолиб кетишибди. Бу унга бироз нафас ростлашга, фикрини жамлашга имкон берди.

Шамолнинг раҳми келгандай, денгиз томондан муздай ҳаво олиб келди. Омадбой енгил тортди. Бироз хотиржамланиб, кратернинг ичини кўздан кечирди. Унинг тубини кўра олмади — чуқур эди, сув, балки лава қайнаб ётибдими ё тубсиз чоҳми — билинмайди. Ўртасидан тутун аралаш қайноқ буғ ўрлар, Омадбойнинг рўпарасига келганда эригандай тарқалиб кетмоқда. Наҳотки унинг тилаклари шу тутунчалик ҳам эмас?

Омадбой мушоҳада қилишга уринди, лекин фикри бирор нуқтада тўхтамас, ўй-хаёллари ҳам вулқон сингари тубсиз эди гўё. Бирдан миясига ялт этиб бир фикр урилди: ахир у энг аъло тилакларни тилаган эди-ку?

Бу орада амазонкалар анча юқори кўтарилиб қолишди. Мана, хансирашлари ҳам эшитила бошлади. Ёшроқ биттаси яқинроқ келди. Ундан анқиётган кўланса бўй вулқоннинг олтингугуртли ҳидини босиб кетгудай бўлса ҳам, фаранг нозанинларининг атрига ўхшаб Омадбойнинг майлини қитиқлади. Амазонка кўлини чўзган эди, унинг важоҳатини кўриб, Омадбой сапчиб ўрнидан туриб кетди. Боши устида осмон айлана бошлади. У маст одамга ўхшаб, гандираклаб икки-уч қадам босди, сўнг тубсиз чоҳга ўзини отди...

Ўшандан буён ҳар гал вулқон уйғонганда, унинг оғзидан кул ва тутун аралаш миллионлаб пул учиб чиқар эмиш. Арл Арви амазонкаларни улардан қоғоз сифатида, жумладан, шахсий гигиена мақсадида фойдаланишни ўргатибди.

Вулқоннинг гулдираши эса Омадбойнинг овозига ўхшар, у ниманидир тилаб ҳайқираётгандай бўлар эмиш...

НАЗМ
ШАЖРИБАЛАРИ



ВАТАН МАДҲ ЭТИЛСА...

Ватан деб энг гўзал шеър битмоқ керак,
Ватан мадҳ этилса, жўр бўлсин юрак.
Ватан-чун жонини тикди Қодирий,
«Нафсингни тий бир оз» — сендан шу тилак.

* * *

Ватан осмон эса, ким унда Чўлпон,
Кимдан тун мунаввар, кундуз чароғон.
Йиққанинг лаҳадга олиб кет, майли,
Фақат булут бўлма, соф турсин осмон.

* * *

Шубҳасиз, Ватан бой ғазнадир, лекин
Сен унга қўл чўзиб, ўмарма текин.
Ҳалол, холис меҳнат қилган олдида
Бир оз ўпкангни бос, озгина чекин.

* * *

Оғринманг қумғондан «қора» деб исмин,
Меҳнатин баҳоланг, боқмай сиртига:
Ҳар куни оловга тутганча жисмин,
Ҳалол хизмат қилар элу юртига.

* * *

Худойим Ватанни кенг қилиб берган,
Тўртала тарафин тенг қилиб берган.
Ҳар ерин қадрли, чехрага мисли
Кипригу кўзу қош, менг қилиб берган.

* * *

Тўрт кишига раҳбарлик ҳам балки бир шараф.
Мисол учун бошмалдоғинг бунга мушарраф:
Ошга томон қўл чўзилса, кейинроқ борар,
Ишда эса тўрт бармоқ бир, ўзи бир тараф.

* * *

Курсига ўтирсанг, ўзингни ўйлаб,
Тўпласанг яқининг мансабга жойлаб,
Давлатни унутсанг, порани пойлаб,
Нахот чўпон зарур, турса «хой-хой»лаб?

* * *

Эс-ҳуш бу пойгада озмасин, ё раб,
Рух оқсаб, жисм ўзиб кетмасин, ё раб.
Кўзлаган марраси — комфорту ишрат,
Ишқилиб, иймонни бузмасин, ё раб!

* * *

Ватаннинг тақдирин унутиб бўлмас,
Ҳар ким ўлар бир кун. Ватан-чи? Ўлмас!
Қанча буюк зотлар ётар бу юртда,
Ҳолбуки, хокингдан ҳовуч ҳам тўлмас.

* * *

Тангри умр берди имкон тарзида,
Синовдан ўтсин деб инсон тарзида.
Инсон туғилдингми — инсондай яша,
Ё нахот кетарсан шайтон тарзида?

* * *

Тирикман — танимда ҳар бир хужайра
Ватаннинг хокидан қорилган зарра.
Армоним — бас, рози бўлса элу юрт,
Бир кун элтишганда тупроғи узра.

* * *

«Она!» деб милён бор қилсанг-да нидо,
Дийдорин қўмсашиг бўлдимиз адо?
«Ватан!» — такрор этсам, сийқа демагин,
Онасиз ғарибу беватан — гадо.

МИКРОКОСМ ва МАКРОКОСМ

Идеализм

Инсон умри тўрт фасл — рубоийдур, рубоий,
Мазмуни куй мисоли навоийдур, навоий.
Такдир тарозусида тош босар онг билан рух,
Жисм эса вазнсиз, ҳавоийдур, ҳавоий.

Иштибоҳ

Қор ҳолати ўйга солар, ўйинг етмас сўнгига,
Гўё ўзинг тушгандайин ястанган қор кўйига.
Оппоклиги, оҳорлиги бобида ҳеч шубҳа йўқ,
Лекин баъзан ниқобдир у нопокликнинг рўйига.

Эркин Воҳидов шеърига назира

Савсаним, сарву сунбул, суманбарим,
Севинчим, севганим, севгим, севарим.
Саналар санайман, сени соғиниб.
Сувратинг — санам, ... санобарим.

Сафарда

Бугун яна кўзларимни уйку тарк этмиш,
Хаёлимни хотиротлар буткул фарқ этмиш.
Биз ҳаётнинг ҳар фироғин бошдан кечирдик,
Энди мени субҳидаму сени шарқ этмиш.

Ўлимдан сўнг

Ким ўлгач кўза ё хум бўлар қайта,
Ким эса майсаю гул бўлар қайта.
Мен кетгач на жисмим, на исмим қолар,
Рухим қачонлардир рух бўлар қайта.

Эътироф

Шароб тайёрлади бир кун Афанди
Кўёшнинг тобида пишган узумдан.
Шароб деб ҳаммага сирка ичирди,
Мен ҳам ичдим, энди кўрай ўзимдан.

Инфляция

Ниҳолинг танамга пайванд қилойин,
Бўйним оёғингга чирбанд қилойин.
Шакарнинг нархи гар осмонга чикса,
Баргларинг шабнамин гулқанд қилойин.

Кўнгил

Баъзида нимҳазил, баъзан астойдил,
Неларни кўмсамас нотавон кўнгил.
Қачон кўкка боқсам, учар самолёт,
Кўрмадим турна карвонин неча йил.

Бедорлик

Ярим тунда не уйғотар — билолмайман,
То тонггача кўзга уйқу илолмайман.
Уйғотгувчи — илҳом? Ташвиш? Ёки бирор
Гуноҳимми — аксар англаб ололмайман.

Сабаб ва оқибат

Сочинг оқардими — улғайди ёшинг,
Бошинг оғрийдими — ишлайди бошинг.
Ҳар юрак санчганда, шукрона лозим —
Виждон биносига қўйилар тошинг.

Кафтдаги қуёш

Шоир шеър битади: кўзлар — сипеҳр,
Доно қайд этади: тилда бор сеҳр.
Мен эсам қўлларинг таъриф этайин:
Тафтли бармоқларинг нур, кафтинг — Меҳр.

Ногаҳон...

Ногаҳон оёғим ҳалқобга ботди,
Лой сачраб ғубори бошгача етди.
Устимни янгилаб, баданим ювдим,
Бироқ ғашлик юқи кўнгилда қотди.

Умр

Юзга кириш осон эмас, қийин ҳам эмас:
Гар яшасанг меҳнат билан тўғри, ҳалол, пок.
Қирқу эллик йил яшаш ҳам асли кам эмас,
Умринг ўтса ижод билан унумли, завқнок.

Ҳайиқиш

«Мевали дарахтга отадилар тош».
Ишқилиб дарахтга — мўл сабру бардош.
Тошотар тошидан ҳайиқиб ҳатто
Анча нарироқдан айланар қуёш.

Астрономия — I

«Думли юлдуз» еру кўкка солди шовқин,
Думи чиндан узун, лекин ўзи бир тош.
Митти юлдуз камтарона ёнар ҳар кун,
Аслида у — бағри олов улкан қуёш.

Экология

Дарёни булғама — қўзғама қаҳрин,
Қаҳрида оқарсан хас оққан каби.
Ногаҳон заминнинг чиқарма жаҳлин,
Бир силтаб йўқ қилар чанг қоққан каби.

Шайтанат

Иблис бугун қадимгидай пиёда юрмас,
Мижозларин йўлдан урса, битталаб урмас.
Замонавий техникани эгарлаб олган,
Видео бор — ўзни асло қийнаб ўтирмас.

Матал

Игнанинг кўзидан туя ўтса ҳам
Бу туя мижознинг нафси тўймайди.
Бир эмас, икки-уч туя ютса ҳам
Думининг тукидан нишон қўймайди.

Астрономия — II

Булутдан осмон мисли кўрғошин
«Сомон йўли» ҳатто сўқмоқ зим-зиё.
Само кўз-кўзласин Ою Қуёшин
Ва тунда жилмайиб турсин Сурайё.

Ота насиҳати

Йўл танласанг, йўлинг тўғри йўлга бургин.
Эгри йўлдан юрсанг ҳамки тўғри юргин.
Тақалгудай бўлса йўлинг йўлсизликка,
Давомин қур ўзинг, фақат тўғри қургин.

Кўпжилдлик

Шеър дoston ёзди
тинмайин
бир лаҳза,
Бир қулоч бўлади
китоблар
тахлами.
Рақамлаб сержило
жилдларга
жамланса,
Бўлар «нотукамал асарлар тўплами».

Шоислом домлага

Хайёмдек оқилу донолар камоб,
Ҳар бир рубойси — тўрт қултум шароб.
«Май ичсанг, оқилу доно билан ич» —
Ким бунга муяссар, топгайдир савоб.

Мажоз

Ўрнак деб жаннатдан анорни Раҳмон
Сенга ҳадя этмиш, фикр қил инсон:
Шакли — қалб, мағзи — дур, пардаси — ҳаё,
Эзилса, тиф тегса, тирқирайди қон.

Кимки севса тонг сахар ош ейишни, кулмасин:
Сизга гурунч — нозу неъмат, бу ғарибга — тош демак.

Таажжуб

«Қарға чўқимайди қарғанинг кўзин»,
«Пес песни танийди кўрмайин юзин».
«Сув сойга оқару бой бойга боқар» —
Тушуна олмадим оталар сўзин.

Қиёс

«Ҳақиқат синмагай, эгилар гарчанд».
Синдириш-чун кимдир уринар харчанд.
Эй ғофил, зўрман деб чиранма, токи
Пешонанг ёрмасин пуржина монанд.

ДОНИШМАНДЛАР ДЕМИШКИ

Сулаймон алайҳиссалом (м.а. X а.)

Тўғри йўл энг қисқа бўлар — бу аниқ,
Оллоҳга интилинг тўғрилиқ билан.
Агар ким яшаса эгрилик билан,
Бир кун паймонаси тўлар — бу аниқ.

Гесиод (илк юнон файласуфи, м.а. VIII—VII аср)

«Икки ёрти бир бутундан доимо катта».
Бутунга хирс қўйса кимки, ўтгай ҳасадда.
Бутундан у ажралганда қуруқ қолади,
Бўлишгандан эса ҳиммат қолгай, албатта.

Зардушт (м.а. 618—554 йй.)

Зигирдай ёвузлик кетмайди беиз,
Ўлсам қутулгум, деб ўйламанг ҳаргиз.
Тошу торозига бўлиб рўбарў
Яратганга жавоб берурсиз шаксиз.

Анахарсис (юнон донишманди,

келиб чиқиши сак элатидан, м.а. VII—VI а.)

Бир шайтон тилингни, оғзингни пойлар.
Бири жиғилдонинг, бўғзингни пойлар.
Билиб қўй: шайтоннинг энг катта пири
Қурт каби қалбингни — мағзингни пойлар.

Конфуций (Хитой донишманди, м.а. 552/551–479 йй.)

Юртни бошқарсалар жохиллик билан,
Уят бўлғусидир бойлик ва давлат.
Агар бошқарсалар фозиллик билан,
Унда қамбағаллик бўлғайдир уят.

Хилон (етти юнон донишмандидан бири, м.а. VI а.)

Кўзгуга боқсанг кифоя сувратинг билмоқ учун,
Тош суриб кўрмак кифоя қувватинг билмоқ учун.
Аслида кимсан ўзинг — англамоқ осон эмас,
Жидду жаҳд қилмоқ керак сийратинг билмоқ учун.

Сиддхарта Гаутама

(хинд шахзодаси, Будда, м.а. 556—476 йй.)

Ҳар ишни қилса бўлур, эп билан, имкон билан,
Дарёни тўсса бўлур тош билан, тўғон билан.
Ўзини бўйсундириш — имтиҳон инсон учун,
Ким агар доно эса, қолмагай армон билан.

Пифагор (юнон файласуфи, м.а. V аср)

Сўзларинг рафторин ўлчашни ўрган,
Фикратинг залворин ўлчашни ўрган,
Истагинг меъёрин ўлчашни ўрган,
Ки, умринг миқдорин ўлчашни ўрган.

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (р.а.)

(тўртинчи халифаи рошидун, ?–661 й.)

Бойлигига бино қўйган ўйласин:
Бойлик соқит қилинса гар, ким бўлар?
Амалига бино қўйган сўйласин:
Амалидан тушган нега жим бўлар?

Қобус

(форс донишманди, Унсур ал-Маъолий, 1021 — 1098 йй.)

Ўзгадан адолат излашдан аввал
Бу ишни ўзингдан бошламоқ лозим.
Иштони йиртиқдан сўзлашдан аввал
Ўзингга қара-да, кийиб ол лозим.

Франклин

(Америка файласуфлар жамияти асосчиси, 1706—
1790 йй.)

Ҳеч киши бўлмас буюк, меҳр анга ёр ўлмаса,
Топмагай бахту саодат, қалбида Ёр ўлмаса.
Энг тўлиқ низому конун барибир ожиз эрур
Гар сиёсат бобида ахлоқ ҳукмдор ўлмаса.

АРУЗ ТАЖРИБАЛАРИ

Навоий ғазалига мухаммас

Мисли хонақоҳингизни айламак зиёратим —
Ҳар куни девонингизни қўлга олмоқ одатим.
Бу ғазални ўқиганда ҳаддан ошмиш ҳайратим:
«Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим
Ким, ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим».

Сиздин ўрганган эмасму хулқу одоб аҳли ҳарф?
Сиз туфайли тилимиз бўлди буюк ҳам топди зарф.
Не замон ноҳақшунослик эл ичида бўлди урф:
«Турфа кўрким, халқ коми бирла умрим бўлди сарф,
Турфароқ буқим, биравга ёқмади бир хизматим».

Сиз туфайли ном қозонди қанча кас арбоб ўлуб,
Даврингиз тарихга кирди унда буюк боб ўлуб,
Сиз-чи фарёд айлағайсиз бағрингиз кабоб ўлуб:
«Лаълдек бошим осилсун ғарқайи хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиги бўлса рағбатим».

Сиз каби пир, сиз каби устозни таърих кам берур,
Шишадек биллур дилингиз зада қилган ким эрур?

Шеърингизни ўқисам, у мисли кўзгуким эрур:
«Тўлғанурмен ўзлугумдин чикғали, буким эрур
Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим».

Сизни не ҳасратга долиш, кўзга тушгандек садаф?
Қайдаин эркан замон, ул топса ҳам сиздин шараф,
Ҳасратингизга сабабни қилмашидир бартараф:
«Етти кўкни кўк варақлардек совургай ҳар тараф
Гар фалак чархи аро чирмашса охи ҳасратим».

Бевафо бўлса замона, улфатинг бўлғай чоғир,
Дўстлар қилса хиёнат, кул бўлиб куйгай бағир,
Душманингда азиятлар бу қадар бўлмас оғир:
«Эй ажал, тан хирқасин куйдурки бўлмиш, бас, оғир
Бу маломат ўқлари бирла тикилган қисватим».

Кўрмагайлар чину сохта ўртасинда фарқни,
Зарми? Қадрин билгучи заргар десун чин нархни.
Лол қилгай шеърингиз ҳам Фарбни, ҳам Шарқни:
«Кўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас химматим».

Бўлмаса ишқ, икки олам бўлмасин — сизнинг мақол,
Илгингизда икки дунё мисли синган бир сафол.
Ким Навоийни ўқур, ибрат олур — топгай камол:
«Эй Навоий, икки оламдин кечу топгил висол,
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим».

Навоий рубойисига мусанно

«Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Энг билан менгинг яхши, сақоғинг яхши».

Уммонда қошинг мисли даракчи қушдек,
Кўзинг — йўл ёритгучи маёғинг яхши.

Ўхшатса қоматинг гар дарахту гулга,
Фунчаю гулинг не дей? Бутоғинг яхши.

Фироғинг ширин, аммо висолга етмас:
«Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши».

Бу мисрани ким айтган — билибми билмай
Чимрилган қошинг, уйган қовофинг яхши.

Таърифинг Навоийдин ўтказиб бўлмас:
«Бир-бир не дейин, бошдин аёфинг яхши».

Бобур газалига мустаъзод

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди,
ваъдаси ёлғон?

Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди,
аҳдини бузғон?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч,
эртами ё кеч:

«Ул телбаи ҳайрон қани?» Эй ёр, не бўлди,
ёди паришон?

Юз кўрсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,
май тутар эрдинг,

Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди? —
Дилда зимистон.

Сенинг сари бори кўнгул истаб топа олмай,
тоқати қолмай,

Сенинг сари борғон қани, эй ёр, не бўлди?
Сен эса пинҳон.

Жонимға даво сўзинг эди, сўзламадинг, ох,
Хастага, валлох,

Жон дардиға дармон қани, эй ёр не бўлди?
Топгил-эй имкон.

Мундоқму эди аҳдки, Бобурни унутдинг,
Неники кутдинг?

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?
Қилмагин армон.

Туюк

Назмимизнинг жавоҳири — «туюк»дир,
Гар бу гапдан қовофинг, айт, уюқдир —

Нафосати инжа дилда туюқдир,
Завқ олишни ўрган, ўргату юқдир.

НОСИР ФОЗИЛОВ ИХТИРОСИ

*(Ҳамид Фуломнинг 85 ёшлиги
нишонланган кунда)*

«Ажиб бир қонунни кузатиш мумкин:
Кимдир эллигида мункайиб қолар,
Ҳатто қирқдан ўтгач, кексайиб қолар.
Ҳа, йиллар беаёв ўтказар ҳукмин.

Лекин бошқа ёндан кузатиш мумкин:
Кимдир саксониди — бақувват чинор,
Ҳатто тўқсониди — ўттиздай виқор,
Дилда завқ, тафаккур тиниқ, тан дурқун.

Бунинг сир-асрорин топдим ниҳоят:
Ҳар кимга яхшилик сочиб яшасанг,
Ҳар қачон ҳасаддан қочиб яшасанг,
Умрингга қўшилар умр бағоят.

Ҳатто ёшлигингни узайтиш мумкин!»

МУҲАММАДЖОН КУЙЛАЁТИР

*Радиодан деярли ҳар куни
Муҳаммад Юсуф шеъри билан
Ватан ҳақида қўшиқ янграйди*

Тиниқ чашма мисли қайнаб,
Бирда ўйчан, бирда ўйнаб,
Дилни ўртаб, руҳни қийнаб
Муҳаммаджон куйлаётир.

Юлдузнинг шўх-шаън созида,
Севаранинг овозида,
Элнинг орзу ниёзида
Муҳаммаджон куйлаётир.

Қўшиғига тутсам қулоқ —
Оддийгина сўзлар, бироқ

Тинглаганни босар титроқ —
Муҳаммаджон куйлаётир.

Музлар эриб тафт-кўридан,
Тил учимас, дил тўридан,
Юрагининг туб қаъридан
Муҳаммаджон куйлаётир.

Куласа-да, терак бўлиб,
Бугун яна керак бўлиб,
Байрамда муборак бўлиб,
Муҳаммаджон куйлаётир.

«Ўзбекистон — улуғимсан,
Чўпонимсан, чўлиғимсан,
Шеърим, мангу кўшиғимсан», —
Муҳаммаджон куйлаётир.

Нидо бўлсам, бўлайин деб,
Фидо бўлсам, бўлайин деб,
Адо бўлсам, бўлайин деб,
Муҳаммаджон куйлаётир.

Қўнгли сутдек оқ, ойдиним,
Ўйи холис, лафзи чиним,
Қорамағиз шоир иним —
Муҳаммаджон куйлаётир.

Куйлаётир, тирик гўё...
То юрт омон, тургай дунё,
Чиққай куёш, оққай дарё
Муҳаммаджон куйлагайдир.

САРБАСТ

Сенга нима керак аслида, дўстим —
Қофия керакми, вазнми, туроқ?
Янги строфа ё силлиқ мисра?
Сўзлар безалсинми заргар накшидай?
Ҳар бандда учтадан сўз санъатию,
Камида тўрттадан истиорами?

Сенга нима керак, дўстим, аслида —
Узун қасидами, салмоқли девон?
Ё «Минг бир кеча»дай чўзилган достон?
Ё шундай шеърки,
то қўшиқ бўлсин у ўйноқи, равон,
эшитган ўзини тутолмай қолсин,
қилпиллай бошласин
ўзидан-ўзи...

Сенга нима, дўстим, керак аслида —
Сўнгги ахборотми?
Ҳасрат?
Шикоят?
Минг йиллик фалсафа?
Камида юз йиллик занглаган фикр?
Ёшга насихатми?
Каттага таъзим?
Йўқса хушомад?
Мартаба керакдир?
Обрў, овоза?
Балки
ким кўрса таниб,
қуллуқ қилдирувчи
новвоттаъм шухрат?

Сенга, дўстим, нима керак аслида —
Дабдаба юбилей, қарсагу олқиш?
Довруқли жаноза, мрамор қабртош,
Устида ой-йиллаб сўлмас гулчамбар?
Номингни қўйишга кўча ё майдон,
Ўртасида жездан бошнинг ҳайкали?

Дўстим, сенга нима керак аслида?
Ўзни шоир десанг, бор бўл, омон юр!
Фақат хар замон
Сўзларсиз шеър ёзиб, ўзинг синаб тур.

• • •

Кўнгилни осмонга ўхшатдим яна,
Хаёлни — булутга.

Хаёл қаёқларга олиб кетмайди...
Мисли дайди булут,
гоҳо паға-паға,
гоҳо пар булут,
баъзида оққушлар сингари оппоқ,
баъзан эса
эски кўрпачадан қолган увада...

Кўнгил осмонида сузар булутлар,
гоҳида рақс тушиб балеринадай,
гоҳ эса ит қувган подага қиёс...

Паришон булутлар,
йиғлоқи булутлар,
дарғазаб булутлар
кўнгил осмонида кезиб юришар
гўё маст-аласт.

Хаёлдан нималар ўтмайди, дейсиз.
Чунки у хаёл-да –
на чеки бор унинг, на чегараси,
худди осмон...
Бироқ
осмоннинг эгаси булутлар эмас.
Осмонинг банд қилма булутлар билан,
Булутга ўхшаган бетин, бетайин
хаёллар билан.
Булутлар рақсига бўлма маҳлиё,
Кўзга бор кўринган билан булутни
ҳеч ким қўл билан
тутиб кўрмаган.

Дўстим, насихатни чўзма, йиғиштир.
Дейсанки, булутни
тутиб бўлмайди.
Лекин сен
кўнгилни осмонга ўхшатдим, дединг.
Хўш,
Ким ушлаб кўрибди
осмонингни ҳам?

* * *

Зиёли!

«Зиёли» — нима дегани?

Зиёси бор одам дегани, аён.

«Бу одам — пули бор», дегани каби.

Фақат

жиндай фарқи бор:

Пули кўп одамнинг димоғи баланд,

Анча-мунчани у қилмайди писанд.

Зиёси кўп эса сахий ва камтар,

Зиёсин барчага бир хил таратар.

Ҳеч кимса атамас: шамни «зиёли»,

Ҳолбуки, аслида шамдир зиёли!

* * *

Ким учун амалдор — тақлид манбаи,

Кимга отасидан азиз амалдор.

Кимга амал эрур обрў эътибор,

Ким учун бойликка калит манбаи,

Ким учун ҳаётнинг мазмуни — амал,

Ким учун амалдан айрилиш — ажал,

Аммо кимларгадир амал бўлар — дор.

Кимдир амал дея... Шошманг, биродар:


«Амал» калимасин маъноси «иш»дир.

Яъни амалдор бу — кимнинг иши бор...

Шошманг ўзингиз:

Амалдор ким экан — кимнинг иши бор?

«ПАФАККУР»
ПАБАССУМИ



ИЛМИЙ ПАРКИНСОНИЗМ

§ 1. МУҚАДДИМА

Олимлар бир неча асрлик фаолиятлари давомида илмий тадқиқот билан боғлиқ ўзига хос қонуниятлар мавжудлигини пайқаганлар. Лекин узоқ йиллар мобайнида у назардан четда қолиб келган. Бу вазиятни Исаак Ньютон томонидан бутун олам тортишиш қонунининг ихтиро қилинишигача бўлган ҳолат билан қиёслаш мумкин: нарсалар юқоридан пастга тушишини одамзод минг йиллаб давомида кузатган, аммо фақат Ньютоннинг бошига олма тушгандан сўнггина гравитация қонуни фанда истифодага киритилган. Худди шу сингари Паркинсон қонуни ҳам АҚШлик олим қўлидан бутерброди тушиб кетмагунча илмий факт сифатида қайд этилмаган. Бугун бутун фан оламида машхур бўлган Паркинсон қонуни (у Ньютон қонунидан ҳам универсалроқ, зеро ҳамма фанга барабар тааллуқли) мана шундай ифодаланади: Бутерброд ерга (полга) ёғ томони билан тушади.

Бутун олам тортишиш қонуни каби Паркинсон қонуни ҳам фундаментал қонунлар сирасига киради, яъни ундан кўплаб натижалар келиб чиқади. Шу боис ҳозиргача унинг турли вариантлари, хулосалари ва умумлашмалари ишлаб чиқилган, синчков олимлар томонидан хилма-хил йўналишда риважлантирилган ва чуқурлаштирилган. Хусусан, тарқоқ илмий фактлар Р. М. Прайс (Нью-Жерси), Р. Нудельман (Исроил) ва бошқалар томонидан фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Лекин, чамаси, ҳозиргача улар яхлит бир тизимга солинмаган, балки тарқоқ, бир-бирига боғланмаган илмий фактлар тарзида баён қилиб келинган. Бу ердаги вазият энди XVIII асргача биологияда мавжуд бўлган аҳволни эсга солади — кўплаб илмий кузатувлар жамғарилган-у, аммо

ягона батартиб назария ҳолатига келтирилмаган эди. Фақат Чарльз Дарвин уларни бир тизимга солишга мажбур бўлган. Мажбур бўлгани сабабсиз эмас, албатта: бусиз у одам маймундан келиб чиққанми ёки маймун одамданми — чуваланиб ётган сон-саноксиз мақола ва том-том рисолалар орасидан бу саволга қониқарли жавоб топиш сомон ғарамидан игна излашдай маҳол бўлган.

Биз бу мақолада Паркинсон қонунига оид фактларни бир тизимга солишга уннар эканмиз, табиийки, на Ньютон, на Дарвин мавқеига даъвогар эмасмиз. Қолаверса, олма тушишини ҳам, бутерброд тушишини ҳам кузатиш билан шуғулланишга энди кеч. Гарчи мақолани ёзиш жараёнида қалам қўлдан бир неча марта тушган эса-да, аммо бу ҳали ҳозир бирор фундаментал қонун очилишига туртки берадими, йўқми — номаълум. Лекин ҳозиргача тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган илмий фактларни муайян тизимга солиш ҳам диққатга молик иш эканлиги яхши маълум. Уни амалга оширишда сон-саноксиз тажрибанавис тадқиқотчиларнинг нозик кузатувлари, назарий олимларнинг кенг ва чуқур мушоҳадаларидан унумли фойдаланганимизни, шу туфайли уларнинг барчасига миннатдорчилик изҳор қилишга қарздорлигимизни баён этамиз. Муаллифлик ҳуқуқига келсак, мазкур олимларнинг ихтиролари кабобнинг гўштию бизнинг арзимас тадқиқотимиз уни сихга териб ўтга тутишдан иборат.

§ 2. ХУСУСИЙ ПАРКИНСОН НАЗАРИЯСИ

Классик Паркинсон қонуни: Бутерброд ёғ суртилган томони билан тушади.

Паркинсоннинг акс қонуни: Агар бутерброднинг тушиб кетса, демак, у ёғли бутерброд экан.

Женнинг қонуни (Паркинсон қонунининг ~~эҳтимо~~лар назарияси нуқтаи назаридан аниқлаштирилиши): Бутерброднинг ёғ томони билан тушиш ~~эҳтимо~~ли гиламнинг қийматига тўғри пропорционал. (Яъни гилам қанча қиммат бўлса, бутерброд шунча ~~қўп~~ тушади.)

Поль контртрамойили: Полга тушган бутерброд қайтиб тушмайди.

Тейлор эффеќти (Паркинсон қонунига тузатма): Агар костюмингиз янги бўлса, бутерброд тушаётиб, ёр томони билан тегиб ўтади.

А. М. Басси тажрибаси (Паркинсон қонунидан биринчи марта аниқланган истисно): Маҳобатли зиёфат ё дипломатик қабул чоғида бутерброд костюмга ёпишиб, полга умуман тушмаслиги мумкин.

Гласс тажрибаси (Паркинсон қонунидан иккинчи истисно): Агар бутерброд ёр суртилмаган томони билан тушса, уни олмоқчи бўлганингизда кўзойнагингиз ёр устига тушади.

§3. ТАТБИҚИЙ ПАРКИНСОН НАЗАРИЯСИ

Шисанинг мўртлигини аниқлаш: кўзойнак бетон полга тушса, ойнаги билан урилади.

Прибор воситасида тадқиќот: агар инструмент тушиб кетса, у нозик приборга бориб тегади.

Механика билан иќтисодиёт ўртасида алоқа формуласи: прибор қанча қиммат бўлса, устига шунча оғир асбоб тушади.

Биофизика вектори: синган ойнак парчаси кўзга қараб сачрайди.

Изоҳ. «Аяган кўзга чўп тушар» маќоли далолат берадики, Паркинсон қонуни Шарқ халқларининг донишмандлари томонидан кўп асрлар илгари пайќалган. Шунинг учун уни «Паркинсон — Кўзга чўп» қонуни деб аташ тўғрироқ бўлса керак.

Чап қўл теоремаси: чапақай болға билан кўпроқ чап қўлини майиб қилади.

Натижа: болға қўлга урилганда, айнан майиб бармоққа урилади.

Винт қондаси: мурватни бураш зарур бўлганда, ўнлаб калит ичида кекраклиси қаёққадири ғойиб бўлади.

Чилангар аксиомаси: мурватни бураб киритишдан болға билан уриб киритиш ўнғайроқ.

Муҳандис постулати: механизм қанча нозик бўлса, шунча каттароқ болға ишлатиш лозим.

Қизиқувчи тамойили: кавланаверилса, ҳар қандай пишиқ механизм ҳам дош бермайди.

Авточилангар аксиомаси: механизм қанча кўп тузатилса, шунча кўп бузилади.

Таксист тамойили: автомобилнинг баллони аэропортга (вокзалга, муҳим учрашувга) шошилиб турганда ҳаво қўйиб юборади.

Метеорология тенгламаси: кечикмаслик учун аэропортга ҳаллослаб етиб борсангиз, учиш қолдирилган бўлади.

Микша аксиомаси: кабелнинг бир учи қўлингизда бўлса, демак, иккинчи учи ҳам мавжуд.

Микша аксиомасига муҳим қўшимча: аслида у бошқа кабелнинг учи бўлиб чиқади.

Жуфтлик тамойили: қўлингизга иккита уч олган бўлсангиз, демак, муҳим кабелни тасодифан кесиб қўйиб-сиз.

Нисбийлик назариясининг хулосаси: тасодифан? Қонуният бу!

Хорнер постулати: тажрибанинг зўрлиги ишдан чиқарилган ускуналар миқдорига пропорционал.

Хорнер дедукцияси: орттирилган ҳар бир тажриба янги-янги механизмларни ишдан чиқаришга асос бўлади.

Шкала қонуни: бошлиқ(лар) келганда, ишлаб турган ускуна оқсай бошлайди.

Сабаб ва оқибат хоссаси: бошлиқ бир нарсани буюриб, бошқа нарсани талаб қилишга мойил бўлади.

Сабаб ва оқибат (иккинчи хосса): чизмалар тайёр бўлганда, лойихага ўзгартириш киритиш ҳақида кўрсатма етиб келади.

Сабаб ва оқибат (учинчи хосса): ўзгартириш қанча майда бўлса, шунча кўп чизмани янгилашга тўғри келади.

§4. УМУМИЙ ПАРКИНСОН НАЗАРИЯСИ ЁХУД МЕРФОЛОГИЯ

Мерфи қонуни: бирор кўнгилсизлик юз бериши эҳтимол бўлса, у, албатта юз беради.

Хулосалар:

1. Ҳозирча ҳеч нарса юз бермаган бўлса, демак, бу ҳали олдинда.

2. Ҳар қандай иш керак бўлганига нисбатан кўпроқ вақт талаб қилади.

3. Бўлиши мумкин бир неча кўнгилсизликдан амалда энг кўп путур етказадигани рўй беради.

4. Кўнгилсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган тўрт сабаб аввалдан бартараф этилган бўлса, албатта бешинчи сабаб бош кўтариб чиқади.

5. Олдинга жилиши лозим бўлган иш орқага кетишга мойилдир.

6. Бир ишни бошламоқчи бўлсанг, ундан аввалроқ бажариб қўйиш лозим бўлган бошқа бир иш кўндаланг бўлади.

7. Аҳмоқликдан мутлақ муҳофаза воситаси мавжуд эмас, зеро аҳмоқлар жуда ишбилармон бўлади.

Саймон қонуни: бунёд этилган ҳар қандай нарса, албатта шикаст топади.

Чизхолмнинг иккинчи қонуни: иш жойида кетаяптими, демак, яқин орада бир бало бўлади.

Хулосалар:

1. Тушунтирган нарсанг «икки карра икки — тўрт»дай аён бўлса ҳам, барибир сени мутлақо бошқача тушунган одам топилади.

2. Ҳаммани ҳар жиҳатдан қондирадиган ишни амалга оширсанг, албатта кимдир сендан норози бўлади.

Скотнинг биринчи қонуни: гап кимдир нотўғри иш тутаётганида эмас, у буни кимнинг соясида қилаётганида.

Инейглнинг биринчи қонуни: агар тажриба биринчи мартадаёқ сип-силлиқ ўтса, демак, нимадир жойида эмас.

Инейглнинг учинчи қонуни: маълумотлар базасида ҳеч қандай текшириш талаб этмайдиган энг ишончли рақам хато бўлади.

Инейглнинг учинчи қонунига қўшимча: номуҳим ҳужжатларга қараганда муҳим ҳужжатда хато ўтиб кетиш эҳтимоли каттароқ бўлади.

Инейглнинг тўртинчи қонуни: иш чаппасига кетаётганда уни фалокатдан қутқариб қолиш учун қилинган ҳар қандай уриниш баттароқ расво қилади.

Изоҳ. Бу қонундан ҳеч нарса қилмай қараб туравериш керак, деган хулоса чикмайди. Паркинсон-Мерфи назариясининг мантиғига кўра сизнинг уринишингиз ишнинг пачавасини чиқаришга хизмат қилган бўлса ҳам, «Уринмаганимизда бундан ҳам баттар бўлар эди», дейишга асос керак.

Эрман изоҳлари:

1. Ҳолат яхшиланишдан олдин бир ёмонлашиб олишга мойиллиги бор.

2. Ҳолат яхшиланади деб ким айтди?

Жонсоннинг учинчи қонуни: журналнинг ҳамма сони бору фақат биттаси йўқ бўлса, сизга керакли мақола ўша сонда бўлади.

Этвуд варианти: кутубхонада сиз излаётганингиздан бошқа ҳамма китоб топилади.

Буб варианти: агар у топилгудай бўлса, ҳамма китобни қараб чиққандай сўнг йўлиқади.

Яна бир вариант: топгандан сўнг очиб қарасангиз, у ё брак нусха, масалан, керак материал жойлашган тобоқ ўрнига бошқа тобоқ икки марта тикилган ёки сизга зарур варақлар юлиб олинган бўлади.

Рожерснинг аэродинамик қонуни: тинч учаётган самолёт стюардесса кофе олиб келиши билан силкина бошлайди.

Эвереттнинг иккинчи термодинамик қонуни: чалкашлик барқарор тарзда ўсиб боради. Фақат жуда қаттиқ захмат билан уни бироз камайтириш мумкин. Аммо бу уринишнинг ўзи жами чалкашлик ортишига олиб келади.

Абадий двигателъ кашфиёти: абадий ҳаракат қилинса, абадий двигателъ яшаш мумкин.

Исбот: ҳеч бўлмаганда ҳаракат қилувчининг ўзи унинг вазифасини ўтайди.

Мерфологиянинг олтин тавсияси: абадий двигателъ

яшашга киришишдан аввал яхшилаб тамадди қилиб олиш зарур.

Мустақил ишлаш учун машқ: нонга ёғ ўрнига асал суртилса, Паркинсон қонунида қандай ўзгаришлар кутилади?

Диссертация учун мавзу: гамбургер (лағмон, талқон ва б.) қонунини аниқлаш.

Ҳал этилмаган муаммо: Паркинсон қонуни космосда қандай амал қилади?

Фойдаланилган ва мавзуни чуқурлаштириш учун тавсия этиладиган адабиёт: хорижий мамлакатларда чоп этилган анча-мунча илмий, чала илмий, сохта илмий ва ғайриилмий нашрлар, танилмаган даҳоларнинг архив материаллари, семизлиги бўйича Гиннес китобидан ўрин олишга лойиқ рисолалар, муаллифидан ўзга ҳеч ким ўқимаган илмий мақолалар ва ҳ.к. ва ш.к ва б.

ЎҚИТУВЧИ БЕРАДИМИ ЁКИ ОЛАДИ?

Ўқитувчи халқи ўзини ҳазил-мутойиба билан юпатишни билади, юморнинг қадрига етади, сатирага ҳам чидайди. Кези келганда ўзининг устидан ўзи кула олади. Хуллас, «сўз тиғи» билан турли иллатлар «яра»сини ёриб, ўз сафини тозалаб туради. Ана шундай иллатлардан бири — таъмагирлик. Бу-ку қадимдан бор офат. Аммо у таълим-тарбия тизимига ораласа, оқибати бир неча авлоднинг қалбини мажруҳ қилиб қўяди.

Афсуски, бу мавзуда баҳс очилса, айрим ҳамкасбларнинг кўнгли воят нозиклашиб, юмор ҳам эсидан чиқиб кетади, ҳатто оддий-оддий сўзларни тушунмай қолади.

Начора, баъзан тушунтириб туришга тўғри келади.

Масалан, «ўқитувчи» сўзининг маъноси нима? Ҳа, бу жуда жўн сўз. Сира изоҳга ҳожат йўқ. Навоий даврида «мударрис» сўзи ишлатилган. Масалан, Улуғбек мударрис бўлган — ўзи курдирган мадрасада сабоқ берган. Жадид миллатпарварларнинг кўпи ўқитувчи бўлган, ўзлари мактаб очиб, ўзлари дарс берган. Қизиғи, на маош олган, на ота-оналардан ҳақ.

Лекин ўзбек тили — бой тил. Унда ҳар бир сўз камида бир неча маънога эга. Чунончи, «ўқитувчи» сўзи «ўқимок» феълнинг мажҳул майлидан ясалган, йиқитувчи, йиғлатувчи каби. Яъни ўқитувчи — «ўқисанг ҳам ўқийсан, ўқимасанг ҳам». Ёки «Қани, ўқимай кўрчи, барибир ўқитаман» деган пўписада «ўқитувчи» сўзининг мана шу маъноси мужассам. Уни бошқа тилга таржима қилиш мушкул. Русчада кўпроқ «надзиратель», инглизчада эса «тutor» (куратор) сўзлари яқин келади, лекин улар барибир «ўқитувчи» дегани эмас.

Аслида-ку ўқитувчи — дарс берувчи, дегани. Аммо бу иборанинг ҳам кўчма маъноси кучли: ўқитиб қўювчи, адабини берувчи, тавбасига таянтирувчи. Русчаси ҳам айнан: подал урок. Масалан, «бир умр эсдан чикмайдиган қилиб дарс бериб қўйди», дейилса, қанақа дарс берилгани тушунарли.

«Ўқитувчи» сўзининг яна бир бошқа маъноси ҳам бор, фақат бизнинг тилимизга хос. «Фалончини мен ўқитганман» — бу иборани фақат ўқитувчи айтади деб ўйланган, янглишасиз. Институтни битирган одамдан сўраб кўринг-чи «Сени ким ўқитган» деб, нима жавоб берар экан? «Отам ўқитган», «Тоғам ўқитган», «Тоғамнинг ошнаси ўқитган» каби жавоб оласиз. «Мени фалон профессор ўқитган» демайди, «Тоғамнинг шаҳардаги ошнасининг вазирликдаги ошнаси ўқитган», дейди. «Поччам ўқитган», дейди. Поччаси ўқитади-да. У сармоядордир, тадбиркордир, мансабдордир, балки ўқитувчидир. Аммо бирор марта дарс бермагану, «ўқитган»!

Ёки нурур билан «ректор ўқитган» деб жавоб беради. Ректор дарс берган экан-да, деб ўйламанг. Ахир ректор одатда профессор бўлади. Йўқ, ректор бир соғат ҳам дарс бермаган. Бунга унинг мутлақо вақти йўқ. Тоғқати эса ундан ҳам камроқ — шундай ҳам таълим бериши етарли. Ҳар йили қанча арзандани «ўқитиб» бериши керак, ахир.

Хуллас, кимдир «ўқитган». Эсидан чикмайди. Дарс берган муаллимини унутгандир, аммо «ўқитувчи»сини унутмайди. Унутгудай бўлса, эсга солади: «Сени мен ўқитганман».

«Ўқитувчи» сўзининг маъноси шу билан тугамайди. Қарангки, бу сўз «ўқувчи» маъносида ҳам келиши мумкин экан. Масалан, домла дарсга киради. Ўқитиш учун албатта. Аммо ўқитмайди, ўзи ўқийди. 45 минут ўқийди. Танаффус қилиб яна ўқийди. Бошини конспектдан кўтармай ўқийди. Тингловчилар мудраб қолса ҳам ўқийверади. Ўқиш маҳоратини эгаллаб олган. Хўш, айтинг-чи, ўқийдиган одам ўқитувчи бўладими ёки ўқувчи? Ўзи ўқитувчи, аммо ўқувчи. Ўқувчи ўқитувчи.

Энди «ўқитувчи» касбининг маъносини олайлик. Ўқитувчи нима билан шуғулланади? Дарс беради. Билим беради, таълим беради, сабоқ беради, болалар тарбиясига умрини бахшида этади. Лекин беришдан кўпроқ олиш билан шуғулланадиган ўқитувчилар йўқми? Бор. Оз эмас. Бермай фақат оладиганлари ҳам учрайди.

«Нима олади?» — дейсизми? Мени тўғри тушунинг. Имтиҳон олади. Талабалар шеvasида имтиҳонда олади. Жанубий шеваларда имтиҳонга олади. Дарвоқе, инглиз тилида ўқитувчи имтиҳон олмайди, имтиҳон беради, талаба эса имтиҳон олади. Йў-ўқ, бунақаси бизга тўғри келмайди. Амриқолик ўқитувчи берса бераверсин. Бизда имтиҳон берилмайди, олинади. Балки шунинг учундир, айрим ўқитувчилар инглиз тилини ўрганишга иштиёқ кўрсатмайди. Худди инглизчани ўрганиб қўйса, имтиҳон ололмай қоладигандай. Тасаввур қилинг-а: ўқитувчи «имтиҳон беришим керак» деса-ю талаба «хоҳласам оламан, хоҳламаса, бошқа сафар» деб турса. Тўғри келмайди. Ўз тилимиздагиси дуруст. «Имтиҳон топширмақчимисан? Бор, тайёргарлигингни кўриб кел».

«Бериш» деган сўз шу қадар нохуш бўлиши мумкинки, ундан кўрққанидан умуман дарс бермайдиган домлани биламан. Лекин ана шу домла олишни жуда яхши кўради. Яъни имтиҳон олишни. Дарс бериш ўрнига ҳам компенсация учун имтиҳон олади. Дарсни бошқаларга бердириб, уларнинг ўрнига ҳам имтиҳонни ўзи олади. Агар кафедра мудири бўлса, ҳамма домла ўрнига бир ўзи олишга ҳаракат қилади. Олишдан чарчмайди. Керак бўлса, дарсдан олдин ҳам, кейин ҳам, якшанба куни ҳам олаверади. Айтишича, дам олиш

кунлари имтиҳон олиш тинч бўлармиш, биров халақит қилмас эмиш.

Нафақат имтиҳон, ёзма иш, назорат иши, амалиёт ҳисоботи — ҳаммасини олаверади. Сўнгги йиллари тест олишни ўзлаштириб олган. «Тест ўтказиш керак» дейилса ёкмайди, ўтказишга қараганда олишни афзал кўради.

Мана ўшандай домланинг тестларидан намуна: «Савол: икки карра икки неча?» Жавоб вариантлари: «Бир, икки, уч, 4000, беш».

— Домла, бу қанақа тест?

— Бу — зўр тест. Талабанинг билимини ҳам аниқлаб беради, фаросатини ҳам.

— Нотўғри эмасми? Икки карра икки тўрт, жавобда эса бундай вариант йўқ-ку?

— Нега? Мана, тўрт ёзилган. Тўғри жавоб шундок кўриниб турибди.

— Ноллар-чи?

— Нолларми? Ноль бу ноль-да.

— Шундай «тўрт» деб ёзилса бўлмайдимми?

— Ҳа, энди, 40000 ёзилмаган-ку. «Раҳмат» дейишин.

Хуллас, тестдаги саволнинг жавоби «икки» бўлиши ҳеч гап эмас. «Икки карра икки» «Икки марта икки» бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас. Қани, тест топширувчи фаросатини ишлатмай кўрсин.

Оладиган ўқитувчилардан худонинг ўзи асрасин.

Билим берадиган ўқитувчи — ҳақиқий ўқитувчи, миллат тарбиячиси. У ўқувчиларига нимадир беради, аммо ҳеч нарса олмайди.

АРУЗИЗМЛАР

Асримизнинг номи асли бўлди телефонбоз¹,
Телефонкаш, телефонгўй ҳамда телефонсоз.

Телефонинг бўлса, одам саналурсан бу замон,
Уйда бўлсин, ишда бўлсин, қўлда телефон боз.

¹ Арузга кўра «телифон» каби талаффуз этиш лозим.

Минг югурки, жилмагай иш мурватин мойламасанг,
Тезлатиш мақсад қилурсан — бўлса телефон, соз.

Ҳеч «Фузулий»ни кўтарган устудент учратмадим
Лек плейер, рация, пейжерга телефон — оз.

«Отабек»лар нома ёзмас — йўқ укув ё фурсати,
Телефон — изҳори севги ҳамда телефон — роз.

Эмди Тоҳир Зухрасин кўрмакка ҳеч ошиқмагай:
Телефонда — васлу дийдору карашма, ишва, ноз...

Қанча ёзма, телефонсиз битта мисранг чиқмагай,
Нуқта қўй, тахаллусингни «Қули телефон» ёз.

* * *

Ихтиролар ихтироси бўлди бу, денг, компьютер¹,
Энг фасиху энг жадалкор, хулласи, «энг» —
компьютер.

Не буюрсанг, этгуси ижро, қулоғин қоқмайин:
Инженер, конструктор, маркетингчи менежер.

Қанча ишни кўз юмиб очгунча то, «О.К.» этар,
Хизматига демайин «чўз, қистир, узат, бер-чи, бер».

Банку биржадек юқори мартабага чиқса ҳам,
Лекин ундан ўлса ҳам чиқмайди коррупционер.

Истаса доллар яшаш, ҳолбуки унга чўт эмас,
Интел-инсайд пентиумга токи эшдир сканер².

Кибру гонордан йироғу қошини чиммирмагай,
Қаҳва дамлаб бермаса-да, — энг идеал секретарь.

¹ «Компютер» талаффуз этилсин.

² Исканер деб ўқилсин.

Уйда бўлса, болалар жилмас ёнидин бир нафас,
Тинчигайсан, бир ўзи мингларча ўйинга тренер.

Бемаза-бематра ижод маҳсулинг китоб этар,
Безатиб рангли принтер — сўнгги марка жетлазер.

Бир қарабсен, ҳамма шоир, ҳамма олим серунум,
Мен сабаб, деб минг пушаймон бўлганига компьютер.

* * *

Жонга роҳат роҳатижон автомобиль «Нексия¹»,
Хушбичимки, офатижон автомобиль «Нексия».

Олисинг айлар яқинким силкимасдан ўпкани,
«Москвич» бир четда ҳайрон, «Волга» қойил,
«Нексия».

Мен сени артиб ювойин, бензобакингга қуйиб
Тоза бензин учу тўқсон, автомобиль «Нексия».

Сен эса ўз навбатида ҳовлиқишни ташлагин —
Штрафдан зада ҳамён, автомобиль «Нексия».

Барча йўл қондасига қил амал, лек барибир
Эҳтиёт бўл — учрар ўпқон, автомобиль «Нексия».

Кўп таажжуб от, ароба минганига оталар,
Сен туфайли битди армон, автомобиль «Нексия».

Толеинг бўлсин ёруғ, эй мустақиллик меваси,
Жонга роҳат роҳатижон автомобиль «Нексия».

¹ Афтамобиль «Нексиё» деб ўқилсин.

АЛЕКСАНДР ФРОЛОВ

ҚАТАҒОН ДАВРИ АРХИВИДАН ТОПИЛМА

(Таржима)

Анкета

(ёзилгани ўчирилмасин, ўчирилгани ёзилмасин, ҳар бир тузатишга алоҳида имзо чекилсин, қўл қалтираган бўлса, қайд этилсин, қалтирамаган бўлса, қайтадан тўлдирилсин)

Мен, фалон, ҳалиги, писмадончиевич, _____
Ф.И.О. тўлиқ ёзилсин

туғилган вақти аниқ кўрсатилсин, масалан, соат тўртдан
йигирма беш минут ўтганда

_____ да
туғилган жойи: ўлка, шаҳар, лагерь, юк вағони, ўрмон
кесувчилар барағи, жиннихона ва ҳ.к — керағи ўчирилсин

ҳалқ душмани (ЖК моддаси кўрсатилсин), сургун қилин-
ган (муддати таъкидлансин), хизматчи (кимга хизмат
қилгани айтилсин), деҳқон (ерли, ерсиз, ери тортиб олин-
ган), ишчи (ишли, ишсиз, иши бетайин) ва ҳ.к. (мос кел-
магани остига чизилсин) оиласида туғилдим.

Ота-онаси ҳақида маълумотлар: _____

отаси, онаси, аждодлари (етти пуштиғача), ака-ука-
лари, опа-сингиллари, амма-холалари, катта амма ва
катта холалари

Келиб чиқиши: _____

Одам Ато ва Момо Ҳавводан, одамсимон маймундан,
одамга ўхшамаган маймундан, бошқа сайёрадан келган-
лардан (ҳаммаси кўрсатилиши шарт)

Миллати _____

12 бўғиниғача аждодларининг миллати кўрсатилсин. Ҳар

бирининг қон таркиби (қайси миллатдан қанча — фоиз ҳисобида).

Ўртача _____%.

Партиявийлиги _____

Партиявий касофат, партиясиз касофат, касоба уюшмаси аъзоси, уюшмаган касоба аъзоси, яна ниманинг аъзоси?

Мукофотлари _____

қанақа, қачон, қандай шароитда, конкрет нима хизмати учун, ким устидан (регистрация рақамлари билан)

Оккупация зоналарида, концентрацион лагерларда, пионер лагерларида ва ҳоказоларда бўлгани _____

бўлган, бўлмаган, агар тўхтаб ўтган бўлса, қаёқдан қаёққа, қанақа транспортда, нима мақсадда, ким билан?

Хориждаги қариндошлари _____

бор, йўқ, бор бўлса — нима мақсадда? йўқ бўлса, нима учун? қаерларда йўқлиги аниқ кўрсатилсин

Илмий даражаси _____

фан номзоди, фан доктори, фан жаллоди

Илмий ишлари _____

жумладан, ўзлаштириб олинганлари, татбиқ қилинганлари, улардан келтирилган зарар, татбиқ қилинмаганлари, олинган наф

Ижодий ишлари _____

Қайси тил, қайси алифбода ёзилгани, қаерда, қачон ва қанча тиражда босилгани, кимлар ўқигани, муаллифга берилган нусхалар сони, қанчаси ёқиб юборилгани, кўмиб ташлангани, жойи, қораламалар сони, кимда ва қаерда сақланиши

Тергов ва суд қилингани _____

Қилинган, қилинмаган, қилинишга тайёр турган, қайси моддалар бўйича?

Оилавий ҳолати _____

Ўйланган (неча марта, қанчаси расмий, қанчаси — но-

расмий), бўйдоқ (нечанчи марта), ҳамон бева (қачон-гача)

Фарзандлари _____
никоҳдан, никоҳдан ташқари, номаълумлари, аборт қилинганлари, энди туғиладиганлари (ким, қачон, жинси)

Меҳнат фаолияти _____
Умумий стажи, қайси жойда, ким томонидан нима мақсадда тайинлагани, бўшаш сабаблари: қамалган (бўшашидан олдинми ё кейинми?), отиб ташланган (нечта ўқ теккани), куйдирилган (кули қаердалиги)

Тирик бўлса, қачон вафот этиши, сабаби _____

Бармоқлари изи (оёқ бармоқлари билан) _____

Имзо _____
ўнгда қўлда, чап қўлда, чандан ўннга, ўнгдан чапга

Сана: 193... йил «___» _____

Мутлақо махфий. Ўқишдан олдин ёқиб ташлансин.

ЕКАТЕРИНА II

Екатерина Иккинчи — Россия давлатининг тақдирида катта роль ўйнаган мураккаб табиатли тарихий шахс. Асли исми — София-Фредерика-Августа бўлган бу аёл Штетин (ҳозирги Польшанинг Щецин) шаҳри комендан-ти Анхельт-Цербтский оиласида 1729 йилда дунёга келган. 1744 йилда Пётр Биринчининг невараси Пётр Учинчига узатилган. Орадан ҳеч қанча ўтмай эрини тахтдан ағдариб, ҳокимият тепасига чиқади ва 30 йилдан зиёд улкан империяни бошқаради.

Екатерина II нинг сиёсати, айниқса, атрофидаги муҳит тарихчилар ва публицистлар томонидан турлича баҳоланади. Шу билан бирга, у даврининг атоқли мутафаккирлари Вольтер, Дидро, д'Аламбер Монтескье билан ёзишмалар олиб боргани яхши маълум (Жан Жак Руссо билан эса, аксинча, ўзаро танқидий муносабатда бўлишган). Қарангки, император хоним вақт топиб бадий ижод билан ҳам шуғулланган эканлар. Унинг «Бўлган ва бўлмаган ҳикоялар» туркуми, эртак шаклидаги сатирик прозаси, бир неча драма ва комедиялари, таржимаи ҳолига оид «Ўз қўлим билан битганларим» каби йирик асари нашр этилган (*Екатерина II. Сочинения. Москва, 1990*). Бу асарларнинг бадий савияси турлича, албатта. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай дейди: «Мен адабий машқларимни шунчаки кўнгил ёзиш воситаси деб ҳисоблайман. Қаламимни хилма-хил жанрларда синаб кўришни ёқтирганим ҳам шу туфайли. Фикримча, ёзганларимнинг савияси ўртаҳолдан нарига ўтмайди. Ўтмаса нима? Уларга бирон-бир аҳамият бераётганим йўқ-ку?!»

Екатерина II нинг юмористик руҳдаги ёзмаларидан таржималар:

ҲАЗИЛ БАШОРАТЛАР

(Кимнинг нимадан жони чиқади?)

- Граф Брюс — ақли бошига сиғмай кетганидан.
Генерал Александр Нарышкин — маиший жанжал жангида.
Граф Иван Чернишев — ғазаби келганда.
Граф Захар Чернишев — покланаман деб.
Графиня Румянцева — қарта сузишдан тўхтаганда.
Штакельберг хоним — хайратдан очилган оғзини ёполмай.
Полянская хоним — таассуфдан чарчаб.
Жаноб д'Остервельд — ўзини тийганда.
Д'Остервельд хоним эса парҳездан.
Зиновьева хоним — кулгидан қотиб.
Штакельберг жаноблари — сарикқа чалиниб; бундан омон чиқса, сафродан.
Черкасов — сўзга чўкиб.
Протасова хоним — «Қачон туғаркинман?» дея кутишдан.
Илья Всеволожский — «оҳ-воҳ»дан.
Перфильев — бадҳазмликдан.
Фельдмаршал Голицин — қичимадан.
Граф Панин — мабодо шошилмоқчи бўлса.
Козицкий — славянча сўзларни излаб.
Кузьмин — чавақ қилтаноғидан.
Стрекалов — хориж пивосига бўкиб.
Елагин — озиб-ёзиб бир театрға тушганда мусиқа товушидан кулоқ пардаси ёрилиб.
Спиридов — ойнада аксига кўзи тушиб қолса.
Бутун жамиятимизда фақат икки киши — роҳатдан (исмини ҳам, жинсини ҳам айтмайман.)
Мен эсам — атрофимдагиларға ёкаман деб парвона бўлишдан.

ЭПИГРАММАЛАР

Генерал Нарешкинга

Эх, оббо...

Қумлоққа ўтириб қолди кемамиз.

Уни енгиллатиш керак. Нетамиз?

– Сувга ташлаш керак юкдан. — Зўр ғоя:

Нарешкин сувга тушиб турса кифоя!

Ўзимга

Бугун юз маргача олдим қаламни,

Шунча бор олдим-да олдим аламни:

Насрга уннам, ёзар-ку дуруст,

Назмда битгани — сийқа, жуда суст.

ИЗЛАНИШ

«Инсон бу дунёга нима учун келди?» деган савол одам зотини неча минг йиллардан буён ўйлантриб келади. Фақат у кун тартибига қай даражада ўткир қўйилади, тафаккур аҳлининг ўй-хаёлини қай даражада банд этади — бу замонга қараб, жамиятнинг моддий-маънавий ҳолатига, ҳатто жавоб изловчининг руҳиятига боғлиқ бўлади. Кимдир куну тун тирикчилик ташвиши билан банд, ким эса бойлигига бойлик қўшишга овора бўлиб, мазкур саволни хаёлига ҳам келтирмас. Лекин Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам «Мен кимман? Нима учун яралганман? Яшашнинг маъноси нима?» каби саволлар билан «ўзини ўзи излаган» зотлар тарихда кўп. Қадимги юнон донишмандларининг бу борадаги изланишларини қўйган такдирда ҳам, Умар Хайёмнинг рубоийлари, тасаввуф намояндаларининг маноқиблари, айниқса, Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли орқали аждодларимизнинг бу масаладаги изланишларидан озми-кўпми хабардормиз, улардан айримлари бу йўлда нақадар юксакликка кўтарила олганидан ҳаяжонга тушамиз.

Буюк аждодларимиз тажрибасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, мазкур саволларга жавоб инсоннинг ўзида бўлиб, уни топиш учун жуда узун ва машаққатли йўлни — моддий-маънавий, рухий-фалсафий сахрою водийларни босиб ўтиши лозим. У йўлнинг ибтидоси инсон тафаккуридан бошланса, интиҳоси қалбининг энг чуқур қаърига йўналган. Йўлнинг номи — излаш, изланиш, манзили эса ўзини ўзи излаб топиш.

«Ўзингни қийнама, бундай бемаъни саволлар билан бошингни оғритма, бу дунё — атиги беш кунлик, шундай экан, нима қилиб бўлса ҳам роҳат-фароғатда, ўйнаб-кулиб яшаб қол», деган тамойилга амал қилувчилар йўли эса бошқа — ғоят осон ва кенг. Аммо...

Ушбу тўпламга киритилган турли жанр, шакл ва мавзудаги «тажриба» намуналарини ўқир эканман, юқорида

баён этилган ўйлар хаёлимни банд этди. Табиийки, муаллиф ўз олдига «асрий саволлар»га жавоб бериш вазифасини қўймаган. Чамаси, китобда хилма-хил вазиятлар, тарихий шахслар ва оддий инсонлар ҳаётдан олинган лавҳалар орқали ана шу саволларга ўқувчи диққатини тортишга уринилган.

Тўпламга «Тажрибалар» деб ном қўйилгани ҳам шундан. Аслида ҳар қандай бадиий асар тажрибадир. Яна ҳам кенгроқ олиб қаралса, ҳар бир инсон ҳаётининг ўзи бир тажриба.

«Навоий ўзини ўзи излаб топган», дейди муаллиф. Бу фикр Алишер Навоийга бағишланган пьесаларда яққол ифодаланган. Лекин ўқувчи: «Бугунги давр Навоий замонидагидан мутлақо бошқа-ку», дейиши мумкин. Қолаверса, Навоийдагидек буюк рухий қудрат инсоният тарихида (тажрибасида деса ҳам бўлади) жуда кам учрайди.

Тўғри, ҳозир давр бутунлай бошқа. Бугун унинг асосий шиори — моддий тараққиёт, бойлик, евростандарт, комфорт, гламур ва ҳоказо. Бир сўз билан айтганда, фарбча турмуш тарзига интилиш. Идеал эса — миллиардер бўлиш. Бошқа томондан, айнан англиялик мутафаккирлардан бири эътироф этади: «Фарб моддий тараққиётда Шарққа нисбатан қай даражада юксакликка эришган бўлса, руҳият бобида ундан шу қадар ортда қолиб кетган».

Бу фикр беихтиёр бизни яна ўша саволга қайтаради: «Инсоннинг моҳияти нимада?»

Китобга киритилган катта-кичик бадиа ва пьесалар, хикоя ва хотиралар, назм намуналарини таҳлил ва тақриз қилишни лозим топмаймиз — улар чиндан ҳам ижодий тажрибалар бўлгани учун орасида кўнгилга мақбуллари ҳам, уни қониқтирмайдиганлари ҳам учрайди. Лекин тўплам яхлитлигича бир замондошимизнинг ўша азаллий ва абадий савол тўғрисидаги адабий тажрибаси сифатида диққатга молик.

Улугбек Ҳаҷдач

Меҳрибон, раҳмдил илоҳим –
Оламлар Раббига ҳамд ила таъзим.
У – раҳмон, У – раҳим,
Дин кунига ҳоким.

Ибодат Ўзингга, мадад ҳам Ўзингдин.
Бизни ҳақ йўл томон йўллагин –
Иймонли ва нажот топганлар изидин
Ғазабга лойиқлар йўлидин Ўзинг асрагин.

(Қуръони карим мутолааси тажрибасидан)

МУНДАРИЖА

Мутолаа тажрибаси	3
Драматургия тажрибалари	25
Жек Лондон эртагининг ниҳояси	81
Наср тажрибалари	189
Назм тажрибалари	231
Тафаккур табассуми	249
Изланиш. <i>Улуғбек Ҳамдам</i>	268



АБДУЛЛА АЪЗАМ

ТАЖРИБАЛАР

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Мухаррир *Улугбек Раҳимов*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Компьютерда саҳифаловчи *Татьяна Огай*
Мусахҳих *Нигора Ҷуролова*

Босишга рухсат этилди 17.04.2007. Бичими 84x108^{1/32}. «Петербург»
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 14,28. Нашриёт ҳисоб
тобоғи 13,7. Адади 3000 нусха. Буюртма № 3545. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.